

R 496
1996/4

تاریخچه

تاریخچه



۳

4 • 1996



Ҳайкалтарош Илҳом ЖАББОРОВ.

Тўқсан

4

1996



Ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий-безакли журнал

Журнал икки ойда бир марта чиқади.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиёз ЖАВБОРОВ,
Пулат ЗОҲИДОВ,
Асқар МАҲКАМ
(масъул котиб),
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Михли САФАРОВ
(бош муҳаррир
уринбосари),
Рустам ХУЖАЕВ,
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тухтасиян ГОФУРБЕКОВ.

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.

Испом КАРИМОВ:

«Ўтганларни эслаш — халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга — ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкурлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид. Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, куч-қувват ато этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда янги жамият барпо этмоқчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик. Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-тарожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алоқаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир. Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдаворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуг зотлар асос солганлар».

(Ш. Рашидовнинг 75 йиллиги юбилейида
сўзланган нутқдан).

Мукованинг биринчи бетидан:

Ўзбекистон халқ рассоми Малик НАБИЕВ:

«СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР
КУРАГОН СУВАТИ».

«ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Муסיқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йули билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон концерт-ижодий жамоаларининг истакларини эътиборга олиб:

1. «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланиб, у мулкчилик шаклларида ва қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, филармония, эстрада, рақс, фольклор ва бошқа ижодий жамоаларни бирлаштиради.

«Ўзбекнаво» бирлашмасининг фаолиятига бадиий-услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади.

3. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий муסיқа ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб этиш;

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларини, мақсадли, комплекс, маданий, илмий-техникавий,

иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш;

хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш;

гастроль-концерт фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

4. Гастроль-концерт бирлашмаси, унинг корхоналари ва ташкилотлари давлат бюджетига ўтказиладиган давлат солиқларини тулашдан 3 йил муддатга озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли солиқ олинмиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар муסיқа-рақс санъатини янада ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур узгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиксин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. А. КАРИМОВ.

(Президент Ислом КАРИМОВнинг Тошкент шаҳрида
Амир Темуր ҳайкалининг очилишига бағишланган
тантанада сўзлаган нутқи)



Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун биз ўзбек халқи ҳаёти-
да унутилмас тарихий бир во-
қеанинг гувоҳи ва иштирокчиси
булиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқад-
дас заминда буюк бир давлатга
асос солган, оламни тебратган,
номи етти иқлимда машҳур бул-
ган улуг бобокалонимиз Амир
Темуր ҳайкалини очиш мароси-
мига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ сар-
карда мустақиллик, истиқлол ша-
рофати билан ўз Ватанига қайт-
ди.

Узоқ йиллар мобайнида мус-
тамлака исканжасида кун кечир-
ган халқимиз ўз ватандошини
қадрлаш, унинг тарихий мавқеи-
ни муносиб ўринга қўйиш имко-
нидан маҳрум эди.

Амир Темуր номи тарихимиз
саҳифаларидан қора буюк билан
учирдики, унутишга маҳкум
этилди. Мақсад халқимизнинг
юрагидан миллий онг, миллий
гурур туйғусини йўқотиш, уни қар-
рамликка, тобеликка қундириш
эди. Лекин ўзбек халқи ўз аж-
додларини, ўз баҳодирларини
унутмади, ҳамиша юрагида,
қалб турида сақлади.

Муҳаммад Баҳодир ўғли
Амир Темур ёшлик чоғидан
мард, довурак, гурурли, уткир
зеҳн ва ақл идрок эгаси бўлиб
эди. Турли дунёвий илмларни,
ҳарбий санъатни эгаллади.
Қуръони каримни ёд олди, ҳа-
дис илмини урганди. Иймон-

этиқодли, ҳалол-пок инсон бў-
либ етишди. У ёшлигидан бош-
лаб ўз олдига она-юртини му-
гул босқинчиларидан озод қи-
лиш мақсадини қўйди, ер юзи-
да буюк салтанат соҳиби сифа-
тида эл ва элатларнинг бошини
қовуштирди. Мамлакат қудрати-
ни ҳар соҳада юксакликка қўта-
риб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурили-
ши, ҳарбий санъати кўп асрлар
давомида Шарқу Ғарб давлат-
ларига урнак ва андоза бўлди.
Унинг замонида маданият, ил-
му фан, меъморчилик, тасвирий
санъат, мусиқа, шеърят бекиёс
ривож топди, халқимизнинг кўп
аъёнлари тақомилга етди. Амир
Темурунинг маданият ва дин
аҳлларига курсатган чексиз
меҳр-муруввати, айниқса, ибрат-
лидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк
бобомизнинг миллат ва эл-улус
манфаати бобида чеккан мисл-
сиз заҳмат ҳамда курсатган ши-
жоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат
мезони Амир Темур ҳаётининг
мазмунини ташкил этади. Олам-
нинг қарийб ярмига жаҳонгир
эрса-да, у куч-қудрат зурлик, зу-
равонликда эмас, ақсинча, адо-
латда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуг бо-
бокалонимиз ҳайкалида теран
рамз бор — гўёки жаҳонгир тул-
порининг жиловини тортиб ту-
рибди, қиличсиз қилини олдин-
га чўзиб жаҳон халқларига омон-
лик соғинмоқда, «Куч — адолат-
дадир!» демоқда.

Донишманд аждодимизнинг
мазкур сўзларини мана шу муҳ-
ташам ёдгорлик пойига зарҳал
ҳарфлар билан битар эканмиз,
замонлар тахрибасидан утган бу
бебаҳо ҳикматнинг қалблари-
мизда доимо ақс-садо бериб ту-
ришини орзу қиламиз.

Азиз юртдошларим!

Бугун — ўзбек халқи тарихи-
да улуг кун. Ўзбекистон муста-
қиллигига, муборак истиқлоли-
мизга икки йил тўлди.

Ҳаммангизни — кексаю ёш-
ни, бутун Ўзбекистон аҳлини шу
буюк сана билан чин қалбдан,

ҳар бирингизни алоҳида бағрим-
га босиб қутламоққа ижозат бер-
гайсиз!

Бу кунга етганлар бор, етма-
ганлар бор. Шунинг учун ҳам
озодликни соғиниб, озодлик йў-
лида курашиб утган аждодлари-
мизни дуолар билан эслашимиз
ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждод-
ларимизнинг пок руҳлари шод
бўлсин, уларнинг орзуларига му-
носиб ва садоқатли бўлайлик!

Истиқлол муборак, азиз ва-
тандошлар! Озодлигимиз аба-
дий бўлсин!

Муҳтарам дўстлар!

Икки йиллик истиқлол даври-
да жонаҳон диёримизда бўлаёт-
ган ўзгаришлар халқимизга
ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур
бобомиз ҳайкалининг очилиши
узига хос рамзий бир маънога
эгадир.

Ватанимиз истиқлолини яна-
да мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қи-
лиш, юртимиз шаъни-шавкатини
юксалтириш, адолат, инсоф ва
диёнат ҳукмрон бўлган эркин
жамиyat, меҳнаткаш халқимизга
муносиб фаровон ҳаёт қуриш
бизнинг инсоний ва фуқаролик
бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлат-
ни бунёд қилиш барчамиздан
мустаҳкам ирода, иймон-эти-
қод, миллий гурур туйғуси, буюк
аждодларимиздан мерос қолган
маънавий бисотга эга бўлишни
талаб қилади. Билакларимизда
куч, қалбларимизда келажакка
ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг маркази-
да, қадимий ва гузал пойтахти-
миз — жонаҳон Тошкентимиз
ўртасида қад кўтарган улуг бобо-
миз сиймоси халқимизга фахр
ва гурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти ва ҳа-
лол, гайратли халқимизни бир-
лаштиришда, жиқслаштиришда,
иймон-оқибатли бўлишда, қуд-
ратли келажакимизни қуришда
батла янги-янги куч-қувват ва
шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ
мададкор бўлғай!

1993 йил 31 август.

Азамат ЗИЁ

«ТУЗУКИ ЖАҲОНГИРИЙ»

Бобурнинг туртинчи авлоди Жаҳонгир 1014 (1605—1037/1627) темурийлар сулоласидан бўлиб, ҳар томонлама тарбия ва парвариш топган шахзодалардан эди. У катта бобоси изидан бориб, форс тилида «Тузуки Жаҳонгирий» асарини ёзиб қолдирди. Асар билан бирламчи танишишнинг узидаёқ бобоси Муҳаммад Заҳириддин Бобур қаламига мансуб «Бобурнома»нинг Жаҳонгир ва унинг асарига таъсири катта булганини сезиш мумкин. Шоиртаъб, табиат ва янгилик шайдоси Жаҳонгир баён маҳорати билан Бобур даражасида бўлмаса-да, ҳар ҳолда, у ёки бу воқеа-масалани ёритишда бобосидан қолишмасликка ҳаракат қилади, яъни фил ё шер ови манзарасини, олмос қазиб олиш усулини, шаҳар, қалъа ободончилиги ё нафис иморатлар бино этиш тафсилотими, жангу қаттол, қамаллар ё маълум шахсларга берган таърифими, қуйинг-чи, қандай қилиб узини шаробурликдан тийиб қолганигача қароқли ва ишончли баён этишга ҳаракат қилади.

«Тузуки Жаҳонгирий» 23 йиллик даврни, яъни Жаҳонгир подшоҳлик қилган йиллар воқеасини узида жо этган. Асар тулиқ ҳолда Жаҳонгир қаламига мансуб эмас. Муқаддими ва 1033 (1624) йил май ойидан кейинги воқеалар баёни Муҳаммад Ҳодий томонидан қушилган. Жаҳонгир эса тахтта чиққан 1014 (1605) йилдан то 1031 (1622) йил урталаригача булган воқеа-ҳодисаларни қозғога туширган. 1031 (1622) — 1033 (1624) йиллар тарихини Жаҳонгир фармонида кура Муътаמידхон ёзиб қолдирган¹. Уз ишларини пухта билган Муҳаммад Ҳодий ва Муътаמידхон асар руҳига ҳеч бир путур етказмаганлар, аксинча, асарга шаклан етуклик ва мазмунан жушқинлик бахш этганлар десак, муболага бўлмайди.

Асар манбаларига тўхталадиган бўлсак, муаллифнинг уз хотиралари, эшитган-ўқиганларидан ташқари сарой ҳужжатлари, вилоятлардан келтирилган турли расмий, норасмий аснодлар «Тузуки Жаҳонгирий»нинг битилишига асос булган. Шу билан бирга, асарнинг бош манбавий буғинини Жаҳонгирнинг қундаликлари ташкил этган. 1024 (1615) йил воқеаларини сузларкан, Жа-

ҳонгир 47 ешдалигини уқтириб утади. Бундан чиқди, у ҳар йилги (ё кунги?) воқеалар баёнини, хотираларини уз вақтида қозғога тушириб борган. Кейинчалик эса уларни таҳрир қилиб (?), бутун бир асар ҳолига келтириш ниятида булган, дейишга асос бор. Зеро, Жаҳонгир ҳукмдорлигининг 12-йили воқеалари баёни хотимасида «Тузуки Жаҳонгирий»нинг биринчи жилди яқунланди» таъкиднинг учратамиз. Шунингдек, шу ернинг узида Жаҳонгирнинг қуйидаги ҳукми ҳам келтирилади: «Мазкур 12 йиллик тарихни бир жилд қилиб (ундан) қуллаб нусхалар тайёрлансун. Токи хос бандаларига иноят этай, қупгина мамлакатларга юборилсунким, давлат арбоблари ва саодатмандлар учун дастуриламал бўлсин».

Жаҳонгир «Бобурнома», «Акбарнома» каби асарларни тез-тез эслаб, Амир Хисрав Деҳлавийдан шеърли парчалар келтириб утиши унинг уз ижодида буюк ажлолари тажрибасидан кенг баҳраманд булганини курсатади. Баъзи ҳолларда у уз саъй-ҳаракатларида мукамалликка эришишга интилаганини ҳам кураимиз. Чунончи, у тортиқ қилинган тўхфалар хуусида қуйидагиларни ёзди: «Шу жумладан, бир неча гоят гаройиб ва ажойиб жониворларни ҳам келтирган эдилар. То шунга давр бундайини курмаган эдим, уларнинг номини (яъни қандай жонивор эканлигини — А. З.) биров билмасди ҳам. Ҳазрат Фирдавмакун (Заҳириддин Муҳаммад Бобур) гарчанд уз «Воқеот»ларида баъзи жониворлар тафсилотини баён қилган булсалар-да, аммо мусаввирларга буюриб, уларнинг суратини чиздирмаган эканлар. Мазкур жониворлар менга гоят гаройиб куриндиларким, ҳам (уларнинг) ёзма тафсилотларини битдим, ҳам мусаввирларга уларнинг тасвирини «Жаҳонгирнома»га туширишларини буюрдим, токим эшитилгандан кура кургандаги ҳайрат зиёда булсун деб».

Қуйида биз асардаги Жаҳонгир авлодлари, оиласи, устозлари, ҳамсуҳбатлари, яқинларига доир эътиборга молик маълумотларни келтириб утмоқчимиз.

ҲАЗРАТ (ЖАҲОНГИР) АВЛОДЛАРИ

«Ул жаннатмакун (Жаҳонгир) подшоҳнинг беш олийзоат утилари ва икки диенатли қизлари булган. (Утилларининг) аввали Султон Хисрав, сунг эса Султон Парвиз, кейингиси Султон Хуррам, туртинчиси Султон Жаҳондор ва кенжаси

Султон Шаҳриёр. Тунгич қизларининг (исми) Султоннисо бегим, кичиги эса Баҳорбону бегим.

(Шаҳзодалар) Жаҳондор ва Парвиз оталари ҳаётлигидеяқ бақо оламга шитоб қилгаталар. Бақо мулкнинг ул мусофирлари тарихи баёни уз жойида битилгай.

Султон Хисравдан икки уғил ва бир қиз қолган. Ул ҳазрат

¹ Муътаמידхоннинг асли исми Шариф ибн Дуст Муҳаммад. У кейинчалик мустақил равишда «Иқболномаи Жаҳонгирий» асарини битган. 1049 (1639-40) йили Ҳиндистонда вафот этган.

қазоларидаг сунг, ёзилганидек, (угиллари) ҳам мамот йулидан кетганлар. Қизлари ҳануз ҳаёт.

Султон Фаризнинг бир угил ва бир қиз бор эди. Угли отаси вафотидан сунг кунга бормаган. Қизи ҳозирда шаҳзода Доро Шукӯх никоҳида.

Шоҳжаҳон (яъни Султон Хуррам — А. 3.) турт бахтиёр угил ва уч диванли, нурафшон қиз куриб, табаррук ота бўлган. (Угиллари): Султон Доро Шукӯх, Султон Шужо, Султон Аврангазб, Султон Мурод Бахш. Қизлари: Сарирбону бегим, Жаҳонпоро бегим ва Равшаноро бегим.

Султон Жаҳондордан авлод қолмаган. Султон Шаҳриернинг бир қизи бўлиб, исми Арзуний бегимдир.

ҲАЗРАТ (ЖАҲОНГИР) УС-ТОЗЛАРИ ВА ФУЗАЛОЛАРИ

Мулла Рузбехон Табризий, мулла Шукрудло Широзий, Бако Сарий, Мир Абдулқосим Гилоний, мулла Боқар Кашмирӣ, мулла Муҳаммад Сейстонӣ, мулла Мақсулаги, қози Нурудло, мулла Фозил Кобулий, мулла Абдулҳаким Сиялқутӣ, мулла Абдуллатиф Султонпурий, мулла Абдурахмон, Бахура Гужаротӣ, мулла Хасан Маронӣ, мулла Маҳмуд Жунпурий.

ҲАЗРАТ (ЖАҲОНГИР) ҲАКИМЛАРИ

Ҳаким Рақно Коший, Масиҳ ул-замон номи-ла машхур ҳаким Садро, Ҳаким ул-мулк номи-ла машхур ҳаким Абдулқосим Гилоний, ҳаким Муминӣ Широзий, ҳаким Руҳилло Кобулий, Муқимбек Гужаротӣ, ҳаким Тақи Гужаротӣ.

ҲАЗРАТ (ЖАҲОНГИР) НАЗДИДА БУЛГАН ШОИРЛАР

Бобо Толиб Исфохонӣ, Ҳасти Гилонӣ, мулла Назифи Нишопурий, мулла Муҳаммад Суфӣ Мозандаронӣ, Малик ул-шударо толибо омили Саъдий Гилонӣ, Зағарбонӣ Мир Маъсум Коший, Қул Шура Коший, мулла Ҳайдар, Ҳасонӣ Шайло (Шило).

ЖАҲОНГИР ХИЗМАТИДА БУЛГАН ҲОФИЗЛАР

Ҳофиз Нодали, ҳофиз Кутуб мақомоти охирий, ҳофиз Абдулло, устод Муҳаммад Молий, ҳофиз Чила.

(ЖАҲОНГИР ПОДШОХ ХИЗМАТИДАГИ) ХИНД ҚУШИҚЧИЛАРИ

Чатрхон, Паруа Дол, Махму Храма.

(ПОДШОХЛИКНИНГ) ОЛТИНЧИ ЙИЛИДА (ЖАҲОНГИРНИНГ)

НУРЖАҲОНБЕГИМГА УЙЛАНИШИ ҲАҚИДА

«Мирзо Ғиебек — хожа Муҳаммад Шариф Техронийнинг угли. Хожа (Му-

ҳаммад Шариф эса) Муҳаммадхон Тақил вазириги вақтида Хуросон ҳокими бўлган. Муҳаммадхон вафотидан сунг у Жамшид мисол шоҳ Таҳмосиб Сафавий (930/1524—984/1576) хизматига кирди. Шоҳ (эса) хожа Муҳаммад Шарифни Марв идорасига тайин этди. Хожанинг икки угли бўлган: бири Оқо Тоҳир, иккинчиси — Мирза Ғиебек. Хожа уз фарзанди Мирза Ғиебекка Оқо Мулла угли Мирзо Алав ул-Давланинг қизини олдӣ берган. Отанинг вафотидан сунг у (яъни Мирзо Ғиебек — А. 3.) икки угил ва бир қизи билан Ҳиндистон томон юзланган. Қандаҳорда (булган чогила) Аллоҳ-Таоло унга яна бир қиз атаётган. (Ҳинд заминига етгач, Мирзо Ғиебек) Фатҳдур (шаҳрида) илхос юзгун ҳазрат арш-ошнени (Жалол ал-Дин Акбар) таъзимига нуруний қилди. Андак муддатла қатъий хизмати, ақлу заковати ва ишбилармонлиги тугайли бўйутот девони олий мартаба лавозимига кутарилишига эришди. Мирзо Ғиебек ёзув-чизувда ва иш юриштида ғоят олийжаноб амалдор эди. Утмишлошларининг шеърларига қуллаб татаббу битган замонасининг сўз усталаридан ҳисобланарди. Шикаста хатини тоғтла қатъий ва ифодали битарди. Хизматдан бун вақтини шеър суҳанга бағишларди. Ҳожаг илаб келганларга унинг муносабати шунчалар эдики, унинг хонадонига бирон арз билан борган кимса озор чекиб қайтмасди. Лекин ривият-хурридаг ута юракли бўлиб, ҳеч чучимасди.

Ҳазрат арш-ошнени (Жалол ал-Дин Акбар) Лоҳурда бўлиб турган кезлари шоҳ Исмоил соний (984/1576—985/1578) саройида камол тошганлардан бўлимиш Алиқулибек Устажур Ироқдан (яъни Эрондан — А. 3.) келиб (олий) даргоҳ бандларини сафидан жой олди. Тақдир ҳукмига кура Мирзо Ғиебекнинг Қандаҳорда дунгата келган қизини (Ақбар подшоҳ) унга унаштирдилар.

Охирида (Мирзо Ғиебек) Жаҳонгир подшоҳ хизматларига бел боғлаб Шерафган лақаби (хитоби) ва муносиб мансаб ила тақдирланиб, юксакликка эришди. Олийжаноб (Жаҳонгир подшоҳ) тахта утирганларидан сунг (Мирзо Ғиебекка) Банголадан жогир иноят этиб ушал (вилоятга) юбордилар.

Бу беокдбат (Мирзо Ғиебекнинг) охир қисмати ва Қутб ал-Динхонинг удлирилиши уз жойида айтилиб утлади.

Шерафган уз амалига кура, жазо тортиб нобудлик сакросила овора бўлгач, олий ҳукма кура Бангола субаси (вилоят) мугасаддилар (подшоҳликнинг олтинчи) йилдан бошлаб Эътимом ал-Давла лақаби (хитоби) ила сарафроз бўлган Мирзо Ғиебекнинг (туниги) қизини олий даргоҳга равона эгдилар. Қутб ал-Динхонинг удлирилишдан кечксиз озор чеккан, губори ҳануз хотирасидан чиқмаган ул ҳазрат қизини уз волдиси Руқия Султон бегимга баҳишда қилдилар. Қиз бир мулдат вақтини пу асно утказди. Бахт кўчешининг чараклаши ва мурод юлдузининг ярқираши вақти етгач, иқбол (унинг) истиқболига шошилди, толеъ бақит уйқудан уйғониб, саодат бокди, хушбахтлик чирой эзиб тақдир оройишга кирди, гулнинг шавқи кузгач, умидда чулғанди, орзулар гирдобига чўкиб, етиқ қулафлар узилди, хаста диллар даво топти. Осмон найранглари-

ни қарангки, нурафшон наврўз байрамиде (ул қиз) ҳазрат (Жаҳонгир подшоҳинг) зийрак назарларига мақбул келиб, салтанат ҳарамсаройи қанизлари сафидан қай олдди. Тез орада у қудуг қандак юксакликка эришиб, аввалига Нурмаҳал номини олди. Бир неча кундан сунг эса унга Нуржаҳон лақаби (хитоби) иноят бўлди. Унинг барча қон-қаринодшлари ҳурмат ва навозеш топиб, (отаси) Эътимом ал-Давла бош вақилликка, (Нуржаҳон) бегимнинг катта акаси Абу-л-Ҳасан Эътиқолхон лақаби (хитоби) ҳамда хониҳонинг хизматига эришдилар. Ҳешлик нисбати ва қаринодшлик қомронлиги Эътимом ал-Давланинг гулому хожаасарларига тақалиб, уларнинг ҳар бири «хони» хитоби ва мансабига сазовор бўдилар. Барқарти Дойи Дилоромбегимга сўт берган аёл, Хожи кука уринга садри унос (ҳарамсаройи аёллари) бош бўлди. Аёлларга (шунчалик юқори) маош марҳамат қилдиндиким, миқдорли садр ас-сулуд даражасидек эди.

Утба (уқишдан) бошқа салтанат ва ҳукмдорлик расм-русумидеги барча (тал-бирлар) бажо келтирилди. (Нуржаҳон бегим) ҳукмронлик курсида (жаҳду) ултирган муддатиде жами амрлар куринишга келиб, (унинг) фармонига қудук тугаилар. Бегим номи-ла танга зарб этганлар. Тангадаги ёзув будур:

*Ба ҳукм шоҳ Жаҳонгир ефт сал зивар,
Ба номи Нури жаҳон подшоҳ бегим ар.*

(Унинг) фармонлари тугроси шундайин нақш будди: «Хукми алийата-лолийа Нуржаҳон бегим подшоҳ». Бориб-бориб, аҳвол шу даражага етдики, (Жаҳонгир) подшоҳлигидан ном қолди, холос. Ул эрт (яъни Жаҳонгир подшоҳ — А. 3.) қайта-қайта таъкилдилардики: «Мен салтанатни Нуржаҳон бегимга тортиқ қилганман. Бир сир шароб, ярим сир тугилган будак менга ҳеч нарса керакмас».

(Нуржаҳон) бегимнинг хайрли ишлари ва эзгу номи хурусиде наларини эсай. Унинг эзгулиги газабидан устун эди. Газабинг узи йук эди (унда). Бирон-бир қишда мушкуллик туғилдиб, бегим хизматига илтижо қилса, барча ишлари ечлиб муродига етарди. Кимки унинг даргоҳиде таонг тоҳуғли будса, зулм ва ситам азобидан халос буларди. Бирон-бир жойде етим қиз будса, савоб бўлин деб узлари узатар маквейтига яраша сеппин ҳа барардилар. Малиқалик дашрлариде савоб йўлида 500 (етим) қизини сеппи билан утақиларов. (Хуллас) ул мухтарамга оқидан яратганинг бандларига хуб наф теккан».

ИЗОҲЛАР

Буйутот девони — сарой жиҳозлари, умуман ундаги мол-мулк ҳамда давлат томонидан олиб борилган қурғилли ва обдончилик ишлари бўйича бошқарма.

Бош вақиллик — бош назирлик.
Хонисомон — мамлакатдаги марказий ҳукуматга тегишли қорхоналар, дуконлар фаолиятини бошқарувчи ва қазорат этувчи бошқарма.

Ҳожисарой — ҳарамада хизмат қилувчи ахта эркак.

Садр ас-сулуд — диний ишлар билан шуғулланувчи бошқарма бошлиғи.

Сир (огирлик улчови) — тахминан 75 г.

АМИР ТЕМУР ВА МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Мустақиллик маънавий ҳаётимизда туб сифат узгаришларни содир этмоқда. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ва тарихий фаолиятига ҳозирги муносабат бунинг ёрқин далилидир. Буюк бобокалонимизнинг юбилейи муносабати билан кўпдан-кўп ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, ҳали тула ечимини топмаган муаммолар ҳам бир талай.

Масалан, улуг амир уз фаолиятида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий масалалар қатори бошқа жиҳатларга, жумладан, табиат муҳофазаси масалаларига ҳам кенг урин берган.

Темур уз ҳукмронлик даврида қатор ободончилик ишларини амалга ошириб, катта ҳажмдаги хайрли ишларга қўл урди. Ҳақиқат навқирон ва қадимий Самарқанддаги такрорланмас обидалар жаҳон маданияти тарихида сунмас юдузлардир.

Марҳум академикимиз И. М. Муминово шохидлик беришича, Амир Темур уз давлатини бошқаришда ижтимоий-сиёсий масалалар билан бир қаторда Самарқанд ободончилигига катта эътибор билан қараган. Айниқса, унинг бевоқиф раҳнамолигида яратилган Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар уша давр муҳитида катта экологик аҳамиятга эга булган.

Амир Темур нима сабабдан уз ҳокимиятининг маркази қилиб Самарқандни танлаганлиги хусусида турлича фикрлар мавжуд бўлиб, масалага ҳар томонлама ва тўғри ёндашилувда академик И. М. Муминовонинг хизматлари бекиёсдир. «Самар-

қанд, — деб ёзган эди муҳтарам алломамиз, — қулай географик ҳолатга эга бўлиб, Мовароуннахрнинг уртасида жойлашгандир. У серсув, уч томондан тоғ ураб олган, унда ҳавонинг уч оқими — тоғ, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий, адир қушилиб хушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлим барқарордир».

Юқоридаги фикрларни тула қўллаб-қувватлаган ҳолда, географик омиллар билан бир қаторда экологик омиллар ҳам ҳал қилувчи роль уйнаганлигини кўриш мумкин. Чунки яратилган боғлар уз атрофида — катта аҳамият касб этувчи узига хос микроклим яратган. Экологик муносабатлар, шу тарзда, буюк бобокалонимиз фаолиятида — бошқа масалалар қатори муҳим урин эгаллаган. Боғлар ҳосил этиш, деҳқончиликни ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳолда сугориш шохобчаларида ҳам катта эътибор қилганки, бу тадбир ҳам муҳитни узгартиришга жиддий аҳамият касб этган. Фикримизнинг далили тарзида «Темур тузуклари»нинг айрим уринларига мурожаат қиламиз. «Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса, ё бирон боғ қуқартирса, ё худ бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили ранят уз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса олиқсолик, қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин... Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, ун-

га турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи уз ерини обод қилиб олсин».

Бизнинг фикримизча, соҳибқирон фаолиятида ободончилик ва бошқа хайрли ишлар таркибида экологик масалаларни ҳам унутмаганлиги унинг халқ орасидаги обрӯ-эътиборининг юксалишида, салтанати мустаҳкамланишида узига хос урин тутган.

Айниқса, ҳарбий тактика масалаларида экологик омилларга катта эътибор берилганлиги уша давр ҳаётида катта воқеа эди. Чунки ҳозиргача мавжуд булган сайёрамизнинг айрим жойларидаги уруш учоқлари атроф-муҳитга узининг салбий таъсирини утказиб келмоқда.

Бундан ташқари, темурийлар сулоласидан булган Бобур Мирзонинг ҳам узи ҳукмронлик қилган ерларда улкан ободончилик ишларини олиб борганлиги тарихдан маълум.

Бу ва шу каби далиллар соҳибқирон ва унинг сулоалари фаолияти ҳақиқатан ҳам серқирра булганлигини, давлатни бошқариш билан боғлиқ булган масалаларга ҳар томонлама фикр-мулоҳаза юритиб ёндашганликларини асослаб беради. Айтилган фикрларга яқун ясаб шунини қайд этиш лозимки, экологик муносабатлар у даврларда ҳали кун тартибига тула қуйилмаган бўлса ҳам, лекин Амир Темур фаолиятида унга қатъий эътибор берилган ҳамда бу омиллар кўпчилилик ҳолларда қўзланган мақсадларга олиб келган.

И. М. ИСМОИЛОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент.

СУЛТОН БОЯЗИД ВА АМИР ТЕМУР

(Боши утган сонда)

БОЯЗИД СЕБАСТ (СИВАС) ПОДШОҲИНИ ҚУВИБ ЮБОРГАНИ

БОЯЗИД КАРАМАННИНГ давлатини эгаллаб олганини билгач, Мираҳмад, унга элчи юбориб, уз юртига ҳақ-хуқуқсиз кириб олган Себаст (Сивас) подшоҳи Бурҳониддинни у ердан ҳайдаб чиқаришнинг улдасидан чиқолмаётгани учун, келиб унга бу борала ердам бериб юборишнинг илтимос қилган экан. Агар Боязид унга уз давлатидаги бирорта ерни берадиган бўлса, эвазига мана шу давлатини топширишга ҳам розилик берибди.

Шунга биноан Боязид у ерга ўли Маҳамет (Муҳаммад)ни утгиз минг киши билан юборди. Натижада улар (подшоҳ) Бурҳониддинни куч билан мамлакатдан қувиб юбордилар.

Кейин Мираҳмад миннатдорчилик белгиси сифатида шаҳарни ҳамда унга қарашли барча ерларни Боязидга топширди. У эса буни ўли Маҳамет (Муҳаммад)га умридаги биринчи жангда голиб чиққани учун берди.

Мираҳмаднинг эса Боязид уқи билан бошқа олиб кетиб, салтанатдаги бошқа бир ерни унинг ихтиёрига топширди.

БИЗ, ОЛТМИШ НАСРОНИЙ УЙЛАБ ТОПГАН РЕЖА

Боязид уз пойтахтига қайтганидан сунг биз, олтмиш насронийлар қочиб учун бир имконият топиш ҳақида маслаҳатлашиб олдик. Кейин бир қарорга келиб, улсақ-да, қолсақ-да бирга булишимиз ҳақида келишиб олдик ва ҳар биримиз қочишга тайёр бўлиб туришимиз лозим бўлган вақтни ҳам белгилаб олдик. Бу вақт ичида биз яна йигилишиб, орамиздан иккита йулбошчи сайладик. Улар нима десалар, шунки қилишга аҳд қилдик.

Ярим кечадан сунг ўрнимиздан туриб, отландик-да, тоғ томонга қараб жунадик ва у ерга тонг оптунича етиб бордик. Тоғ олдига келиб, отларимиздан тушидик-да, қуёш чўкчиноча уларга дам бердик. Кейин яна отланиб, кун буйи ва кечаси билан йул юрдик. Подшоҳ бизни-

нг қочганимизни эшитиб, фармон берибдики, маболо топиласк, бизни ушлаб, унинг олтига олиб борсинлар. Бир дарادا улар бизга етиб олишди ва таслим булишимизни талаб қилиб, кичкиришти. Биз бунга кунмадик. Отларимиздан тушиб, уларга отишув билан қаршилик курсата бошладик. Уларнинг йулбошчиси биз қаршилик курсатаётганимизни куриб, отишмани бир соатга тухтатишни эълон қилди. Биз ҳам бунга амал қилдик. Кейин у бизнинг олдимиизга келиб, яна таслим булишимизни талаб қилди ва тирик қолишимиз ҳақида ваъда берди. Биз унга маслаҳатлашиб олишимиз кераклигини айтдик. Кейин эса бундай жавоб бердик: «Агар биз таслим бўлсак, подшоҳнинг олдида боришимиз билан уламга маҳкум этилишимизни биламиз. Ундан кура насроний эътиқодимиз йулида мана шу ерда жангда қурбон бўлганимиз маъқул». Сардор бизнинг қатъий фикрда эканлигимизни ҳис қилиб, яна таслим булишимиз ҳақида оғиз очди. У тирик қолишимизни яна бир марта ваъда қилди. Маболо подшоҳ ғазабланиб, бизларни улдиртирадиган бўлса, у биринчи бўлиб узини улдиртиришини айтди. У бизга онт ичиб, шу гапларни айтгани учун ҳам, таслим булишга кундик.

Бизни подшоҳ олдида олиб келишлари билан, у бизни уша ернинг узида улдириш ҳақида фармон берди. Шунда бизнинг ортимиздан борганларнинг сардори, подшоҳга бош эгиб деди: «Мен сизнинг шифақат қилишингизга умид билан, уларга тирик қолишларини ваъда қилдим». У онт ичиб, ваъда қилганини айтиб, подшоҳдан бизларни тирик қолдиришнинг илтимос қилди. Подшоҳ сўради: «Улар зарар етказдиларми?» У эса жавоб берди: «Йуқ». Кейин подшоҳнинг бизни занжирбанд қилдири. Тўққиз ой қамоқда буддик. Мана шу вақт ичида биздан тўққиз киши вафот этди. Мусулмонларнинг диний байрами (хайит) куни подшоҳнинг оқсоқоли амир Сулаймон бизларни озод этишини подшоҳдан сураган экан. Шунинг учун подшоҳ бизни озодликка чиқариб, узининг хузурига қақиртирди. Биз унга энди қочишга асло ҳаракат қилмаслигимиз ҳақида ваъда бердик. Кейин у бизларга отларимизни яна қайтариб берди. Солиқларимизни эса ошириб қуйди.

БОЯЗИД САМСУН ШАҲРИНИ ФАТҲ ЭТГАНИ

Кейинги йилнинг езида Боязид саксон минг киши билан Тсаника юртига юриш қилди ва унинг пойтахти Самсунни эгаллаб олди. Бу шаҳар Самсон дер Штарке томондан қурдирилиб, унинг номи билан аталган. Шаҳар ҳокимини юртининг номи билан Симанд дерканлар.

Подшоҳ мана шу ҳокимни шаҳардан қувиб юборди. Унинг қувибганини эшитган аҳоли, Боязидга таслим будди. Шундай қилиб у шаҳарни ва унга қарашли ерларни эгаллади.

ИЛОНЛАР ВА СУВИЛОНЛАР ҲАҚИДА

Мен Боязид юртида булган вақтимида, Самсун шаҳри енида ҳайратланарли муъжиза руй берди. У ерда шунча куп илонлар ва сувилонлар пайдо бўлиб қолгандиларки, улар шаҳар атрофидаги қариб бир қақирим кенгликда изгилиб юрадилар. Тсаника юрти утин ва ёғочга бой урмонзор жой эди. Илонларнинг бир қисми шу ердан, бошқалари эса денгиздан келаятдилар. Илонлар бир-бирлари билан учрашгунларича, яъни тўққиз кун давомида шу ерда тулланишди. Ушанда бу судралиб юрувчилар одамларга ҳам, бошқа жониворларга ҳам бирор зарар етказишган эмас. Шундай бўлса-да, улардан ҳайқиб, ҳеч ким шаҳардан чиқишга журъат етолмаётганди. Ушанда шаҳар ва унга қарашли ерлар ҳокими бу ҳол қудратли Парвардининг ихтиери билан бўлаётган бўлса керак деб, уларга бирор зарар етказмасликни буюрди. Унннчи кун илонлар бир-бирлари билан тўқнашиб, эрталадан кун қорайгунича жанг қилдилар. Самсун шаҳри аҳолиси бунга гувоҳ будди. Дарвозани очтириб, кичик бир туд билан шаҳар ташқарисига чиққан ҳоким илонлар жангини кузатиб турар экан, сув илонларининг урмон илонларидан чекинаётганини курди. Эртаси куни эрталаб, судралиб юрувчилар хали ҳам бормикан, деган мақсадда, ҳоким яна шаҳар таш-

қарисига чиқди. Бироқ бу гал у фақат улган илонларни учратди, холос. Кейин уларнинг барини бир жойга туллатиб, санатди. Улар саккиз мингта экан. Шундан сунг эса бир чуқур қаздириб, ҳамма илонларни ушанинг ичига ташлаттирди ва уни туспроқ билан қумдирди. Кейин у уша пайтда барча туркларнинг ҳукмдори булган Боязидга чопарлар юбориб, унга ушбу муъжиза ҳақида хабар қилишни буюрди.

У эса буни тудеки шаҳарни янгитдан ишлов қилгандай омадли ҳодиса деб билди ва урмон илонларининг денгиз илонларидан устун келганлигиндан гоът хурсанд бўлиб, деди: «Бу ҳақиқатан ҳам қудратли Парвардигорнинг қаромати. Мен ҳозирча денгиз яқинидаги юртинг ҳукмдори ва подшоҳиман. Насиб бўлса, Аллоҳнинг малади билан денгиз ҳам менинг қул остимда бўлади».

Самсун шаҳри илгари иккига бўлинган экан. Уларни бир-биридан ажратиб турадиган деворғача булган масофа, бир камон ўқи етиб борадиган узоқликни тапқил қиларкан. Шаҳарнинг бир қисмида насронийлар, ушанда генуялик италийялар яшаган эканлар. Бошқасида эса мусулмонлар туришаркан. Атрофдаги ерлар ҳам уларга қарашли экан.

Энди бутун шаҳар ва унинг атрофидаги ерларга Марказий Бугориялик Зусман (Усмон) деган киши ҳокимлик қилаётганди. Марказий Бугория бир вақтлар у юз қалъа ва шаҳардан иборат мамлакат булган. Унинг пойтахти Тирново шаҳри. Кейинчалик Боязид бу мамлакатни ишғол қилиб, герцогни ва унинг углини асирга олган экан. Отаси асирликда вафот эттибди. Угли эса омон қолиб ниятида, ислом эътиқолига утибди. Самсун шаҳрини ва Тсаника юртини босиб олганидан сунг, Боязид уларни (мусулмонликка ўтган) уша йгитга қуддан кетган ватани учун, бир умрлик қилиб берган экан.

БОЯЗИД (РУМ) СУЛТОНИНИНГ ЕРИНИ ЭҒАЛЛАБ ОЛГАНИ ҲАҚИДА

Боязид ушлага ҳалиги юртга подшоҳликни топширганидан сунг, Малатия шаҳри ва унга қарашли ерлар борасида, султонга хабар юборди. Чунки улар номи юқорида қайд этилган подшоҳликка тегишли бўлиб, султонга тобе эли. Боязид подшоҳликни эғаллаганиги муносабати билан султондан Малатия шаҳри ва унга қарашли ерларни ҳам беришини талаб қилди. У эса мана шу шаҳар ва унга қарашли ерларни қилич билан олган-

лигини ва ким уларга эга бўлиш ниятида бўлса, фақат қилич ердамида олиши мумкинлигини уқтирибди. Бу жавобни эшитган Боязид икки юз минг лашқари билан уша ерга юриш қилди ва уни икки ой мобайнида қамал қилиб турди. Аҳоли таслим бўлишни истамаганини билганидан кейин, атрофидаги чуқурларни қумдириб, шаҳарни уз қушини билан ураб олди ва унга ҳужум қилиш ҳақида фармон берди. Шундан сунг фуқаролар шафқат сураб, таслим бўла бошладди. Ниҳоят, у шаҳарни ва унга қарашли ерларни босиб олди.

Уша пайтнинг узда Оқ Урда тоторлари Боязиднинг шаҳри Ангорани (Анкарани) қуршаб олган эканлар. Буни эшитиб, Боязид тунги углини уттиз икки минг киши билан уша ерга жунатди. У эса биринчи жангдаек чекинишга ва отасининг олдига қайтиб боришга мажбур бўлди. Отаси янада кутпроқ жангчилар бериб, уни қайтадан уша ерга юборди. Шу аҳволда утил тоторларга қарши жанг қилиб, бу сафар галабага эришди. Тотор ҳукмдорлари ва яна иккита юрт ҳокимини қўлга тушириб, отасининг олдига олиб келди. Ниҳоят, Оқ Урда тоторлари Боязидга таслим бўлишди. Кейин Боязид уларга янги ҳукмдорни тайинлади. Асирга тушган ҳалиги учта ҳукмдорни узи билан бирга пойтахтга олиб кетди. Шундан сунг Рум султонига тобе булган, Алалия шаҳрига юриш қилди. Ушбу шаҳар Кипр яқинида жойлашганди. Атрофидаги ерларга туядан бошқа ҳеч қандай жонивор бўлмас экан. Боязид бу шаҳарни ва унга қарашли ерларни босиб олганидан кейин, у ериқлар унга ўн мингта туя тўхфа этишти. Шундай қилиб, Боязид Алалия шаҳрини ва унга қарашли ерларни эғаллаб олганидан сунг, туяларни эрғаштириб, уз юртига қайтди.

МИСР СУЛТОНИ ҲАҚИДА

Бу пайтга келиб, султон Баркук вафот этди. Унинг Юсуф исми угли тахтага утирди. Шундан сунг отасининг ерламчиларидан бири ундан подшоҳликни тортиб олиш учун кураш бошлади. Ушанда Юсуф Боязиддан ердан суради. У эса унга йигирма минг кишисини юборди. Бу ерламчи қушинга мен ҳам кирганим. Шундан сунг Юсуф уз рақибини қувиб юборди ва яна мавқени сақлаб қолди. Кейинчалик билдишимча, унинг қули осталаги беш юз киши узларича Юсуфга қарши қуранмқоққа қасамед қилишиб, душман билан ҳамкорликда булган экан. Юсуфнинг навкарлари уларни тутиб келиб, бир майдонга чиқаришди. Шундан сунг подшоҳ

уларнинг ҳар бирини танасининг уртасидан икки булакка бўлиб ташлаш ҳақида фармон берди. Биз яна уз ҳукмдоримиз Боязид томонга қайтиб кетдик.

АМИР ТЕМУР СЕБАСТ (СИВОС) ПОДШОҲЛИГИНИ ИШҒОЛ ЭТГАНИ ҲАҚИДА

Юқорида айтилганидек подшоҳ Боязид Усмонни Себастанд қувиб юборганидан сунг, уз ҳукмдори Темурнинг олдига бориб, Боязид устидан шикоят қилиб, Себаст подшоҳлигини эғаллаб олаётганида, Боязид уни у ердан қувиб юборганини билдириди ва Темурдан мана шу подшоҳликни қўлга киритишда унга ердан бериб юборишини суради. У Боязидга одам юбориб, уша ерларни қайтариб беришини талаб қилди. Боязид эса подшоҳликни қайтариб бермаслигини, чунки уни жангда қўлга киритгани ва худди Усмон каби уша ерда бўлиш ҳуқуқига эга эканлигини билдириди.

Буни эшитган Амир Темур ўн туман (100 минг)ли қушин туллаб, Себастага юриш қилди ва уни йигирма бир кун давомида қамал қилиб турди. Кейин айрим жойлардан шаҳар деворининг таги қазилиб, қалъа ичига киришди. Боязид у ерда беш мингта қуролланган кишиларини қолдирганига қарамай, шаҳар эғаллаб олинди... Амир Темур шаҳарни олганидан сунг, шаҳарга босиб кирган лашқарларнинг сардори ундан уларнинг қонини тукмасликни суради. Амир Темур унга худди шундай қилаётганини ваъда қилди. Кейин у шаҳарни ер билан битта қилди. Қолган аҳолини асирга олиб, бошқа ерга олиб кетди. Асирлар орасида тўққиз мингта еш хотин-қизлар ҳам бор эли. Уларни Темур узининг ватанига жунатди. Шаҳарни эғаллаш пайтида у уч минг кишисидан ажралганди. Шундай қилиб, ўзи ҳам юртига қайтиб кетадиган бўлди.

БОЯЗИД КИЧИК АРМАНИСТОННИ БОСИБ ОЛГАНИ ҲАҚИДА

Амир Темур уз мамлакатига қайтиб кетаётганида, Боязид ўз юз минг кишилик қушин туллаб, Кичик Арманистонга юриш қилди ва уни Темурдан тортиб олди. У пойтахт Эрсинген ҳокими Таратонни енгиб, уз юртига қайтди.

Боязид номи юқорида айтилган ерни эғаллаб олганини билган Те-

мур ун олти юз минг киши билан унга қарши жангга отланган. Қўшинлар Ангора (Анқара) шаҳри ёнида туқнашишиб, қаттиқ жанг қилдилар. Ушанда Боязид ўттиз минг оқ тоторларни олдинги қаторга қўйганди. Бироқ улар дарҳол Амир Темур томонга қочиб утишди. Рақиблар яна икки марта жанг қилишган бўлсалар-да, бир-биридан устун келишолмади. Амир Темурнинг ўттиз иккита жангчи фили ҳам бор эди. Кейин у ушаларни жангга киритди. Боязид қочиб, мингта яқин киши билан тоққа чекинди. Темур уни қочириб юбормади мақсадлида, тоғни ураб олди ва қўлга туширди. Шундан сунг, Амир Темур бу ерда яна саккиз ой бўлиб, уни бутунлай эгаллаб олди. Кейин асирга тушган Боязидни ҳам узи билан бирга олиб, унинг пойтахтига борди. Унинг хазинасидаги кумуш ва олтинларини мингта тўяга ортиб, узини (Боязидни) ҳам ватанига Самарқандга олиб кетаётган эди. Бироқ Боязид йўлда вафот этди.

Шундай қилиб, мен Амир Темурга асир бўлиб, унинг ватанига бордим ва унинг қўшнинида отлик бўлиб юрдим. Шу ерғача баён қилганларимнинг барисини Боязид юртида бўлган чоғларимда уз бошимдан кечирганман.

АМИР ТЕМУРНИНГ МИСР СУЛТОНИГА ҚАРШИ УРУШИ

Боязидни тор-мор қилган Темур уз худудига қайтиб кетди ва куш ўтмай, барча мажусийларнинг бошлиғи (?) ҳисобланган султонга қарши юриш қиладиган бўлди. Бунинг учун у ун икки юз минг кишилик қўшин тушлаб, Миср султониининг салтанатига қарши борди. Шу аҳволда у турт юз минг хонадонга эга бўлган Алеппо (Ҳалаб) шаҳри олдига келиб, уз қароргоҳини тиклади. Алеппо шаҳрининг ҳокими саксон минг кишини йиғиб, шаҳардан чиқди ва Темурга қарши жанг қилди. Бироқ у ҳеч нимага эришолмасдан қочиб, шаҳарга кириб кетди.

Мана шу чекиниш пайтида унинг кўпгина кишилари улдирилди. Қақшатқич зарбаларга учраган бўлса-да, Темур турт кун ичида шаҳар атрофини эгаллади. Қўлга туширган асирларига турт томонини тўсириб, бир лаҳм қазирди. Узунлиги ун икки саржин келадиган бу лаҳм қоядан ўйиб қазилди. Шу ердан Амир Темур шаҳарга бостириб кириб, уни эгаллади. Шаҳар ҳокимини эса асирга олди.

Шаҳардаги барча бойликларни мусодара қилиб олганидан сунг, у ердан Рум қалъа деб аталувчи шаҳар томонга юриш қилди. Бу ша-

ҳар унга таслим бўлди. Кейин у Антхап шаҳрига утди. Бу ер туққиз кун қамал қилиниб турди. Унингчи кун эса катта куч билан олинди. Антхап тор-мор қилинганидан кейин, қўшин Бехезнага юриш қилди. У ер ун беш кун қамал қилиб турилди. Кейин шаҳар таслим бўлди ва эгаллаб олинди. Номлари қайд этилган мана шу шаҳарлар, Мисрининг муҳим аҳамиятга эга бўлган жойлари экан. Ниҳоят, қўшин мамлакат пойтахти Дамашққача етиб келди. (Уша вақтда Сурия — Шом давлати Мисрга қарашли эди — ред.).

Душманиннг Дамашққа яқинлашиб келаётганини эшитган Миср султони, Темурга элчилар юбориб, шаҳарни вайрон қилмаслигини, айниқса, унинг ичидати ибодатхонага зарар етказмаслигини сурабди. Амир Темур ушбу илтимосни инобатта олиб, шаҳар томон келаверибди. Шаҳардаги ибодатхона пундай катта эканки, унинг кирк-та эшити бор экан. Ичкарасида ун икки мингта чироқ осиб қўйилган бўлиб, уларнинг туққиз мингтаси ҳар куни ёниб тураркан. Жума кунлари ун икки мингтаниннг ҳаммаси ёниб тураркан. Подшоҳлар ва қўдратли амалдорлар уларни олтин ва кумушдан тайерлапган эканлар.

Амир Темур Дамашқдан қайтиб кетаётганида, султон уз пойтахти Хорсейдан (Кохирадан) унга қарши курашиш ниятида кетилган йўлга тушибди. У Темурга зиен етказмоқчи бўлиб, ун икки минг кишини Дамашққа юборган экан. Бундан хабар топанг Темур яна орқага қайтиб, султон томонга кела бошлади. У эса буни пайқаб, яна уз пойтахти томонга чекина бошлади. Темур ҳам унинг кетидан қолмади. Шундан сунг султон тухтаб, утиш умкин бўлган ҳар бир жойда, эрталаб йўдини давом эттириш олдидан сув ҳавзалари ва яйловларни заҳарлатиб кетган экан. Мана шунақа жойларга келганида Темур жуда кўп одамлари ва ҳайвонларидан ажралди. Бу аҳволда султонга ета олмади. Шундан сунг Темур яна Дамашққа қайтиб борди ва уни уч ой давомида қамал қилиб турди. Шу уч ойнинг ҳар кунинда жанг бўлиб турган бўлса-да, уни эгаллаб ололмади.

Бу орала уз ҳукмдорларидан мадлаб кутиб, сабри тутаган ҳалиги ун икки минг киши, уз хоҳишлари билан чиқиб кетишлари учун йўл очиб беришини Амир Темурдан илтимос қилдилар. Амир Темур бунга қўнди. Улар кечаси шаҳардан чиқиб, уз ҳукмдорлари томонга қайтиб кетдилар. Кейин Темур шаҳарга ҳужум қилди ва уни эгаллаб олди. Шундан сунг бир қози, яъни руҳоний киши Темурнинг олдига келиб, унинг оёқларига йиқилди ва

узи бошқа руҳонийлар номидан шадфакт сураб, унга ёлворди.


Кейин у фақат қорвачилик билан шугулланиладиган Шерх деган юртга юриш қилди. Ушбу юрт унга дарҳол таслим бўлди. Шаҳар олдида турган одамлари анча оч қолганликлари учун, у аҳолига озиқ-овқатлар келтириш ҳақида буйроқ ва яна бир нечта қишлоқ-шаҳарларни босиб олиб, уз худудига қайтиб кетди.

ТЕМУР ВАВИЛОН (БАҒДОД)НИ БОСИБ ОЛГАНИ ҲАҚИДА

Амир Темур султоннинг юртидан уз худудига қайтиб келиб, тез орада ун юз минг (?) кишлок қўшин тушлади ва Вавилонга юриш қилди. Буни эшитган у ернинг подшоҳи шаҳарни уз ҳолига қолдириб, ундан чиқиб кетган экан. Темур шаҳар олдига уз қароргоҳини тиклади ва уни бир ой мобайнида қамал қилиб турди. Бу вақт ичида у шаҳар деворининг тағидан қовлатди. Шу йўл билан шаҳар ичкарасига кириб, уни эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Кейин шаҳарни эқиб, кулини кукка совурди. У турган жойни ҳайдатиб, урнига арша экирди. Чунки у мана шу ерда бир вақтлар уеллар бўлганини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаслиги учун уни бутунлай йўқ қилиб ташлашга қасамёд қилганди.

Кейин у дарё буйидаги бир қалъа олдига борди. Подшоҳ уз хазинасини уша дарёда сақларкан. Қалъа сув билан уралган бўлгани учун ҳам Темур унга ҳеч нима қила олмади. Ниҳоят, арик қаздириб, сувни бошқа томонга оқизиб юборди. Шундан сунг уша ердан кумуш ва олтин билан лиқ тула бўлган учта чўян сандиқ топди. Ҳар бирининг узунлиги икки газ, эни эса бир газ келарди. Қалъа эгалланган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаса олтинларни сақлаб қолиш ниятида подшоҳ уларни чўктириб қўйган экан. Амир Темур бу сандиқларни топтирди. Қалъани ҳам эгаллади. У ердаги ун беш кишини эса дорга осдириди. Ун ернинг олтин ва кумуш билан лиқ тула бўлган яна туртта сандиқ чиқди. Уларни ҳам Темур ўзи билан олиб кетди. Кейин яна учта шаҳарни босиб олди. Шундан сунг ёз бошлади. Жазирама иссиқ туфайли у бу ерларда ортиқ қололмайдиган бўлди.

(Давоми бор.)



ТЕМУРИЙЛАР ХИЛХОНАСИ

1941 йил 16—24 июнь кунлари Темурийлар хилхонасининг очирилиши кўпгина муаммоларни ҳал қилган бўлса-да, аммо яна кўпгина саволларни келтириб чиқарди. Тарихчи Амридин Бердимуродов аниқлашча, темурийлар жасадларини антропологик жиҳатдан таҳлил қилиб чиққан Л. Опанин уз илмий асарига Мирзо Мирношхонинг бош чаноғи М. Герасимов томонидан Москвага олиб кетиб текширилганини ёзган. Лекин бирорта хужжатда бош чаноқ Москвадан олиб келинган ҳақида маълумот йўқ. Бу масalani ойдинлаштиришнинг фақат битта йўли бор. Бу ҳам бўлса уша пайтда қазиб ишлари ҳамда жасадларни қайта дафн этиш жараёни кинотасмага олинган. Кинорежиссёр М. Қаюмовнинг ёзишича, тасмаларнинг ҳаммаси Москвага олиб кетилган ва ҳозир уларнинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Тасмалар топила, бу муаммага чек қўйилган булар эди. Шу уринда, кўпчилик уйлаётгандек, қабрларни қайтадан очиб, бу муаммони ҳал қилиш, бизнингча, нотўғри. Булар-булмаста буюк соҳибқирон қабрини очиб, унинг руҳини безовта қилиш ножоиз ишдир. Шунинг учун қандай бўлмасин, уша даврдаги кинотасмаларни топиш лозим.

Бош чаноқнинг таналдан жудо этилиши Хитой оdatига кура бир кишининг иккинчи бир кишига хусумати бўлса-ю, у тирикчилигида шу одамдан уч олмаса, улгандан сунг, бошини олиб, яъни қабрдан бошқа бир жойга ташлар экан. Ақидага кура, фақат танаси бутун турган одамнинг танасига унинг руҳи кира оларкан. Боши танасидан жудо қилинган кишининг жасадига эса унинг руҳи кира олмай абадул-абад сардордан кезар экан.

Соҳибқирон тахтини эгаллаган Улугбек унинг хилхонасини янада гузалроқ қилиб безади. Аммо тарих тақозоси билан Шайбонийлар ҳокимият тепасига келгандан сунг улар Самарқанд обидаларига, жумладан, темурийлар хилхонасига гамхурлик қилмадилар.

Оралдан анча вақт утгач, Бобурий шаҳзода, шоҳ Жаҳоннинг учинчи угли, Хиндистон ҳукмдори Аврангзеб темурийлар хилхонасига эълтибор курсатди. У буюк бобокалони мангу уйкуда ётган хилхона қаровсиз қолганлиги учун маблағ ажратиб, Самарқандга жунатди. Аммо Хиндистондан туриб, Тему-

рийлар хилхонасига гамхурлик қилиш мушкул эди, чунки ажратилган маблағнинг кўп қисми талон-тароҳ бўлиб, бир қисмигина хилхонага сарфланган. Мустақиллигимиз туфайли табаррук хилхонага гамхурлик қилиш дамлари келиб етди. Аврангзебнинг қилган иши мактовга сазовордир. XVIII—XIX асрларга келиб, Туркистон улкасида бошланиб кетган узаро урушлар туфайли элу юрт ниҳоятда қашшоқлашиб кетди. Тарихий обидалар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Амир Темур хилхонаси гумбазга устига урнатилган думалок, соф олтиндан қуйилган қўбба ҳам уша пайтларда нокас уғрилар томонидан йўқотилди. Бу қўббани ким, қаерга олиб кетгани номаълум.

Туркистон Русия томонидан босиб олинганч, бу ердаги тарихий обидаларнинг тақдирда ҳам бирмунча узгаришлар руй берди. Туркистондаги осори-атиқаларнинг янги мухлисари пайдо бўлди. Улар ёлгорликларнинг энг ноёб булакларини узоқ-узоқларга ташиб кета бошладилар. Бундай қалтис қисматдан темурийлар хилхонаси ҳам четда қолмади. 1895 йили Н. Веселовский бошчилигидаги илмий сафар аъзолари маҳаллий чор маъмурилари билан келишиб, темурийлар хилхонасининг нафис безакли нақшпнок эшигини Петербурга олиб жунатдилар. Хилхонанинг гарбий томонидаги эшик ҳам уғирлаб сотилди. Ҳозирча у Лондондаги Виктория ва Альберт музейида сақланыпти.

1903 йилда император Александр III нинг музейи учун Темурийлар хилхонаси ойнасидан бир қисмини жунатиш суралди. Маҳаллий туралар бу илтимосни аъло даражада бажардилар. Ойна кўпорилиб, зудлик билан Петербурга жунатилди. 1905 йилда темурийлар хилхонасига яна катта зиен етказилди. Хилхона пештоқидаги нафис эзувли лавҳа уғирланди ва 1906 йили Истанбулда сотилди. Уни Берлиндаги Фридрих-Музеумнинг директори Т. Воде ун минг франкка харид қилди. Эгчилик езишмаларидан сунг лавҳа Русияга қайтарилди. Ҳозир у Россия давлат Эрмитажиде сақланмоқда. Лавҳада: «Жаҳонгир Амир Темур Кўрагонийнинг қабридан, худо уни раҳмат қилсин ва абадий жаннатта мушарраф бўлсин», деган эзувлар битилган. Ана шу ноёб дурдоналар уз жойига қайтарилса, нур устига аъло нур булур эди.

Шу уринда яшм тош ҳақида фикр юритмоқчиман. 1425 йилда Амир Темур қабри устига қуйилган яшм тош 1740 йилгача осуда турди. 1740 йил Самарқанд бошига катта кулфат тушди. Эрон шоҳи Нодиршоҳ 20.000 наварини Лутф Алихон исмли лашкарбошига бериб, Самарқандни босиб олишни ҳамда мақбаралди мохтоб тошни ва жоме масжидидаги икки тавақали эшикни Эронга олиб келишни буюрган экан. Лутф Алихон бу ишларни амалга опиради. Маъхалда Нодиршоҳ кулга киритилган қоратош ва дарвозани куздан кечиради. Амир Темур руҳига бағишлаб фотиҳа укйиди ва бу нарсаларни уз жойига қайтаришни буюради. Қадимшунос М. Е. Массоннинг ёзишича, Нодиршоҳ буйруғи билан мохтоб тош кучириб олинаётганда турт булакка бўлиниб кетади. Шу булаклардан бирини Эронда Нодиршоҳ хузурда бўлган Абдулкарим Кашмирйи деган киши Хиндистонга олиб кетади. Хуст, бу яшм тош хиндистонлик дустимизга ниммага керак бўлиб қолди? Балки шу яшм тош билан обру қозонмоқчи бўлганшир? Эндиликда эса бу булакнинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Бундан ташқари, ноёб яшм тошнинг қаерда пайдо бўлишини олимлар тулик айтиб бера олганлари йўқ.

Темурийлар хилхонасига тааллуқли муаммолардан яна бири — тортишувларга сабаб булаётган уч қабр бўлиб, улар кимнинг қабри эканлиги ҳали аниқланганича йўқ.

Яна бир баҳсларга сабаб булаётган муаммо шундан иборатки, Темур билан Чингизхоннинг битта томирдан ажралганидир. Баъзилар Амир Темурнинг келиб чиқишини Ҳазрат Алига олиб бориб тақашади. Темурийларнинг шиа маъзабига мансублиги шубҳалидир. Чунки Темурийларнинг пиралари сунний маъзабига мансуб, уларнинг шиа эканлигига бирорта илмий далил йўқ. Буларнинг ҳаммаси жумбоқ бўлиб турибди. Бу муаммоларни ҳал қилишда келгуси талқиқотлар асосий урин тутайди, деб умид қиламиз.

Низомиддин БЕРДАЛИЕВ,
Тошкент Киме-технология
институтини
«Ўзбекистон тарихи ва
маданиятшунослик»
кафедрасининг
укитувчиси.

АМИР ТЕМУР ВА САРБАДОРЛАР

ТАРИХНИ БАДИЙ ИДРОК этиб, уни образлар воситасида гавдалантириб бериш адибларимиз учун қўтлуг бир ишдир. Мумтоз адибларимиз фақат биткич эмас, балки ўтмишнинг улуг сиймолари ва халқ ҳаётини тираг ҳис этувчи, бадий умумлаштира олгувчи файласуфлар ҳам эдилар. Шу сабабли халқимиз ўтмиш ва буюк зотлар тўғрисида фақат муаррихларнинг асарларидан эмас, адибларнинг китобларидан ҳам катта маънавий сабоқ ва маърифий тарбия олади. Зеро, Арасту айтганидай, «Тарихчи ва адиб шу билан тафовутланадики, уларнинг бири ҳақиқатдан ҳам бўлган, иккинчиси эса бўлиши мумкин бўлган воқеа ҳақида сузлайди». Дарвоқе, туркий-ўзбек халқи Искандар Зулқарнайн сиймосини тарих китоблари орқали эмас, балки у ҳақиқат дostonлар тўғрисида кўпроқ билади ва тасаввур этади. Ашшер Навоийнинг ярим афсонавий Искандарни асл Искандардан кўра халқ руҳига яқинроқ ва суюмпроқдир.

Навоий ва Бобур каби буюк алломалардан қолган бу эзу агнани насрода Абдулла Қодирий ва Ойбек, драмала Хамид Олжон, Уйғун, Иззат Султон ва Мақсуд Шайхзодалар давом эттирдилар. Замондош адиблардан Олид Екубов, Пиримқул Қодиров, Шукру Холмиров, Муҳаммад Али, Мирқарим Осим, Мирмуҳсин, Мақсуд Қориев, Хулоберди Тухтабоев, Саъдулла Сиев, Азим Суён, Хайриддин Султон кабиларнинг айрим асарлари тўғрисида Сиптамен ва Муканна, Беруний ва Ибн Сино, Аҳмад Яссавий ва Амир Темур, Улутбек ва Бобур, ҳатто яқин ўтмиш вакиллари бўлган Дукчи Эшон ва Абдулла Набиев сингари тарихий шахсларнинг образлари халқ мулкига айланди. Бу қувончли ҳол.

Оқорда номлари саналган адиблар ичида тарихимизга айрича мунобабат қўйганлиги, буюк боболар ва халқимиз ўтмишини широна неғоҳ билан қўриб тасаввур олиши жиҳатидан Муҳаммад Али ижоди алоҳида диққатга сазовор. Унинг адиб ижодининг бош манзуларидандир. Унинг «Қадимги қўшиқлар» шеърӣ туркуми, хусусан, Сиптамен ва Муканна ҳақидаги шеърлари, Амир Темур ва Бобораҳим Машираб тўғрисидаги дostonлари, «Божий дун»дай кенг куламли шеърӣ романи ва, ниҳоят, икки китобдан иборат «Сарбадорлар» романи фикримизнинг далилидир. Адиб Ватанимизнинг улуг фарзандлари ва ўтмиш ҳақида фахру ифтихор билан қалам суради, айниқса, халқ озолиқ ҳаракатларидан илҳом олишни куш ҳурлати, буларнинг бири унинг мозийни чуқур ва атрафлича урганганигидан далолат беради.

«Сарбадорлар» охирига 1984-1989 санаси қўйилган бўлса-да, адиб уни ўн йиллар давомида ҳаёлида пишитди, тари-

хий китоблардан материаллар, муаррихлардан маслаҳатлар олди. Дарвоқе, сарбадорлар ҳаракатининг қўшлаб қирраларини акс эттириш, халқимиз ўтмишидаги бу муҳим ҳодисани, уша воқеаларни ҳаракатга келтирган тарихий шахслар — Абу Бакр Қалавий, Мавлонозода, Хурдак Бухорийларнигина эмас, улуг Амир Темурнинг ҳам уларга муносабатини тарихан аниқ гавдалантириш учун ўтмиш фактларини билишнинг ўзи камлик қилади: уларни саралай олиш, қаҳрамонларни маълум бир нуқтага назар орқали ҳаракатлантириш лозим элики, Муҳаммад Али бунинг улдасидан чиққан.

Романда турли-туман табақалар, ўлаб тарихий шахслар ва тўқима образлар ҳаёти қаламга олиниб, сюжет оқимлари кўп бўлишига қарамадан ёзувчининг тўғийи-бадийни нияти сарбадорлик ҳаракатининг моҳияти, Амир Темурдай улуг зотнинг бу воқеаларга муносабатини акс эттириш эканлиги аён бўлиб турибди. Негаки, романдаги даярди барча сюжет оқимлари, тарихий ва тўқима образлар ҳаёти сарбадорлар ҳаракатига боғлаб тасвирланади.

XIV аср иккинчи ярмидати воқеалар ва тарихий шахслар ҳаётини обдон урганган Муҳаммад Али ҳар бир эътиборга лойиқ шахс ва воқеани алоҳида сарлаҳа остида, бадий мушоҳада асосида нурилантириб бораверади. Биз Сабзавор ва Самарқандда сарбадорлар ҳаракати буй курсатган даврларнинг эзилари ва дин арбоблари, надлофлари ва кулларни, ҳокимият арбоблари-ю юлун гадалори ҳаёти билан атрофлича таниша бораемиз. Роман бошларида гўе уша даврда аялаган одамлар ҳаётидан шунчаки тап оцаётгандай қуринган адиб борабора ўқувчини сарбадорларнинг қайноқ ҳаёти қатламларига чуқурлоқ олиб қира бошлайди. Сарбадорлар ҳаракатининг йўлбошчилари бўлиш Абу Бакр Қалавий, Мавлонозода, Хурдак Бухорийларнинг кураш ва интишларини тарихий ҳақиқатга мос қаламга олар экан, улар билан муносабатга қиринган Аҳий Жаббор, Худобанда, Абомуслим образларини ҳам шу ҳақиқат нуқта-назаридан бадий талдиқ этади. Яъни, тарихий ва тўқима қаҳрамонларнинг ҳаёт йусини турлича кечса-да, орзу-уйларидиға ҳамоҳанглик сезилиб туради. Сарбадорлар ҳаракати қаҳрамонлар ҳаётига, уларнинг турмуш тарзи, орзу-уйлари эса халқ озолиқ ҳаракатига нур бағишлайди. Айтайлик, сарбадорлар тасвирида бўлган Худобанда елгонга чидай олмай, уз угай отасини, ифлосликка нафрати ва номус ҳисси тўғайли синглисини улдиради. Қавомиддин қози сарбадорлар тугимидан норози бўлиб, аслида улар қураётган покиза, адолатли жамият талабларига чидай олмай Амир Хусайн хузурига қочади...

Асарнинг қўшлаб бобларида у еки бу муносабат билан (гоҳ қаҳрамонлар диалоги, гоҳ Шайх Хасан Журий еки Абу Бакр Қалавий ваъзалари орқали) сарбадорлар ҳаракатининг шакли ва мазмуни, назарий ва фалсафий-ҳаётий асослари ҳақида фикрлар билдириладики, бунинг тарихий-маърифий аҳамияти бор: оддий китобхошлар шу пайтгача сарбадорлар ҳаракати сув ичган дарёлар — назарий-фалсафий асарларни яъни билмайдилар. Муҳаммад Али эса бу ҳақда тўхталиб, бу ҳаракатнинг назарий асоси қўшлаб тарихий-фалсафий китоблар, хусусан, Абу Наср Форобийнинг «Фозил шахар кишиларнинг қарашлари» асаридир, деган нуқтага назарни гоҳ бавосита, гоҳ бевосита илгари суради. Романининг «Дун» — бир гунча...» бобида улуг файласуф билан бўлган ҳаёлий мулоқот жуда ипонарий ифодаланган. Абу Бакр Қалавий улуг файласуфнинг орзуларини амалга оширмоқ учун майдонга чиққанларини, бу хил давлатнинг тузилиши ва шамоийли хусусида кўп тапиради. Фозил жамоани, еки фозил шахарни (шахар — давлатнинг бу моделли сифатида олинади) идора этувчи кишида 12 фазилат бўлмоғи, агар бу хислатлар бир кишида жам бўлмаган бўлса, икки шахс еки уч шахс бошқарини лозимлиги ҳақида сўз юрилади. Тарихий ҳужжатга шунувчи бу мулоҳазалар демократия тушунчаси Гарбинг эмас, балки, даставвал, Шарқнинг мулки бўлганлигига ўқувчини ишонтиради. Самарқанд сарбадорлари, тарчи бироз олмироқ йусинда бўлса-да, оддий халқ вакиллари бошқарадиган шу хил демократик ҳокимият тузилар ва уни олти ой давомида бошқаришлар.

Ёзувчи сарбадорларни идеаллаштириб, опшоқ қилиб қурасмайди, уларни жонли ирсон, хом сўт эмган банда тарзида тасвирлайди. Айтайлик, сарбадорлар жамосининг котиби Мавлонозода гоҳ-гоҳ, нега мен бу ҳаракатта боғичлик қилмаслигим керак, деган ҳаёлга боради. Абу Бакр Қалавий эса дастлаб тахта чиққанда узини яқка ҳоким тарзида тасаввур этади, хом сўт эмган бандалигига бориб Мавлонозода ва Хурдак Бухорийлар орғидан ҳам айноқчи қуяди. Амир Хусайннинг найранларига лаққа тратили... Асар қаҳрамонларининг шу хил ярашдики китобхон илхосини сохутмайди, аксича ипоначчи мустаҳкамлайди.

Романининг қўшлаб боблари қизикчи билан ўқилади. Хусусан, Самарқандда дастлаб Жета хони бостириб қилиб Шохмалик қавчинни ҳоким қилиб сайлаши, Амир Хусайн ва Амир Темур мугул хонини енгитан пайтлари Садр Сулаймонни ҳокимликка қутариб, Шохмаликнинг қулониға қайнатилган симоб қўйиб улдиришлари таъсирли ва ҳаётий ифо-

даланган. «Шоҳмалик қавчиннинг чинқирдик овози узоқ вақт тинмади. Миясиз етиб борган симоб уни жинни қилади, фавкуллода ҳақ пайдо бўлиб, буқирганча шарт уридан салчиб кетди, ҳушёр турган навқарлар шарт уни ўшлаб арқон билан қаттиқ уридилар. Самарқанднинг эҳси ҳокими дорга тортганда, майдон жимиб қолгандай бўлди, энг аввало Шоҳмалик қавчиннинг ўзи бемисл азоблардан кутулиди...» Бу даҳшатли жаза усулини алиб тасвирлаб уқитган китобхоннинг эги жимирлаб кетади, воқеаларни кино лентасидагидай аник қуриб туради.

Романинг энг тасвирли боблиридан бири қимрорбз Абумуслим ва унинг шурпейнона фарзандлари фожиали қисмати-дир. Қимрорда ютказган Абумуслим (Жалойирбек)нинг уга ва қиз икки хонадонга қол қилиб сотилиши, уларнинг бобилхонада тасодифан учрашиб қолишлари, йигитнинг ўзи синглисини таниб қолиб, унга чидай олмай уни улдириши бугун драматиклиги билан ипонари ифодаланган. Тугри, бу ҳик уршувлар таърифи жоник, айниқса, франтуз алабитиди учрайди. Аммо «Сарбадорлар»да бундай учрашув муаллиф томонидан халқимизнинг ахлоқий нормаларига мос ҳолда узағач қал этилган.

Романидаги муҳим эпизодлардан бири — Мавлонозода — Жаҳонбика — Ахий Жаббор урсадидаги муҳаббат можародлари. Табиатан шоир Муҳаммад Али XIV аср Шайтоннинг муҳаббатини тасвирлаётгани учун ҳам икки ешнинг Абдумавлон ҳо бонидаги учрашувларини шоирона қизиб берган: «Мавлонозода лом-лим демас, кузларини Жаҳоннинг нур лимдлаб турган кузларига тиккан... фақат кузлар бир-бирига суз отарди: «Нега шафтонининг гули напармон?», «Севгани билан висолга шайланбиди, чоғи...» «Нечун осмон ҳушурй ва зангори?», «Севиб қолгонидан, Жаҳон...» «Нечун куеш боғаетиб шафқини қизил қонга буйлади?...» «Севганига етолмай қон ютиб утанлигидан...», «Илое, қон ютмайлик, мулла ака!», «Илое, қон ютмайлик, доно қиз!» «Бир умрга сизни дейман, арселони!» — дерди Жаҳон. «Бир умрга сизни дейман, Жаҳоним!» — дерди Мавлонозода... Курамизки, бу ерда ешлар овоз чиқариб сузлашмайди, балки уларнинг кузлари суйлашади... Бу ерда нозик руҳий ҳолат жуда усталик билан итқаб олинган ва бу ҳолат, табиий, укувчига ҳам утали.

Езувчи биринчи китобда укувчини асосий қаҳрамонлар ва баъзи воқеалар билан таништиради, иккинчисида уларни фаол ҳаракатда курсатади, сюжет оқимларининг ҳар бирида узага ҳос шиддат пайдо бўлади. Иккинчи китобда сарбадорларнинг ҳокимият бошига келиши воқеаларнинг тадрижий ривожини таъсирлиқ юз берганлиги мантқиқий, ҳаётий далиллар орқали исботланади. Жети хонининг Амир Хусайн устидан галабаси ва Садр Сулаймон фожиаси туғайли Самарқандда ҳокимият буш қолади. Самарқанд эса мамлакатнинг бош шаҳри эди. Шундай бир вазиятда Жети хони Самарқандга юриш қилади. Ҳокимиятнинг кулга олган сарбадорлар филоидлик курғазилар. Уч кунлик жангда енгилган душман ортига чекинади ва ортик Турон тупроғига қалдам боса олмайдди. Олти ой давомидла мамлакатни подшоҳлар эмас, олдий халқ вакиллари ўз дастурлари, қонун-қонилари асосида бошқаришди. Уларнинг дастурлари буйича мамлакатда япайдиган ҳар бир фуқаро тенг, шу тупроқда унган ноз-неъматлар эса халқ мулки исобланади. Езувчи олиб борган бадий талдиқот тарихий

жаҳраён ўз қаҳрамонларини етказиб беришини, агар уша йиллари (1360-1366) Мовароуннаҳрда ҳаражу мараж бўлмаганида, ҳокимият бошида эса кучли шахс турганида сарбадорлар ҳаракати ҳам юзга келмаслиги мумкинлигини аналтади. Савазор сарбадорлари тарихи ҳам шунга мисолдир. Айни замонда Амир Темурдай буюк шахсининг тарих саҳнасига чиқишида ҳам сарбадорларнинг роли борлиги кўриниб туради.

Асар авж нуқтасига яқинлашган салин Амир Темур билан Амир Хусайн урсадидаги ихтилофлар ҳам ривожлана боради. Бунда ҳам алиб тарихий ҳақиқатга суьиб иш қуради. Амир Темур билан кенгашмасдан сарбадорларни дорга торттирган Амир Хусайн ва шу туғайли юзга келган ҳолатни алиб шундай таърифлайди:

«— Хусайнбек!!!

Темурнинг кучли овози ҳаммани узага қаратади. Улжой Туркон оқанинг тусатдан вафот эттиши ораси асли яхши бўлмаган икки амининг узаро муносабатларини ортиқ чигаллаштириб юборди. Сарбадорлар воқеаси бунга қўшимча бўлди, урталаридаги сиркани тагин ачгитди...

— Хусайнбек! Сиздан сураётирмен: сарбадорларнинг гуноҳи не? — Темур ташт олдиға ақинлашди. — Бу қандай мусулмончилик ахир?

— Ах-ҳа!.. Темурбек!.. Мана энди қимлингизг аён бўлди! — деди қутилмаганда Амир Хусайн. — Сиз ҳаммани менинг тутумларимга қаршилик этиб келдингиз! Биламен, мен сизга ёқмайман!.. Хал...

— Гапни оққочманг, Хусайнбек! — Энесаси қотди Темурнинг. — Гап сарбадорлар устида кетмоқда, сиз ҳақингизда эмас!..

— Узингиз оққочмоқдасиз гапни, Темурбек! Турта-бешта яланг оқсини деб, орамизга совуқчилик тушиб турибди...»

Шу тариқа, икки амир урсадидаги иттифок бузилди. Худди шу ҳик вазиятлардан усталик билан фойдаланган Амир Темур тарихий майдонда кулратли шахсга айланади.

Езувчининг муваффақиятларидан бири Буюк соҳибқорон образини ўзбек романичилигида биринчида қатори еритишлагина эмас, балки бу образ руҳига (ҳали мустақилликка эришилмаган бир шароитда) анча чуқур кирда олганлигидир.

Темур кўп уринларда ўзи тушунган адолат курашчиси, Ватанини ганимлардан озол қилишга бел боғлаган амир сифатида курсатилди. У Амир Хусайннинг қизикқонлик қилмайди, унга фикридан фақат биттасини айтади. Унинг фель-атворидаги хусусиятларини езувчи гоҳ бевосита, гоҳ бошқа образлар руҳияти орқали ифодалайди. Романининг «Жанги дой» бобида икки амининг баҳси берилади. Езувчининг ўзи бу воқеага муносабат билдирмайди. Бу баҳса Сароймулкхоним нигоҳи орқали узага ҳос баҳо берилади. Ушбу парчага диққатингизни жалб этмоқчимиз: «Малика яна бир марта мамлакат ҳукмдорининг фельи торлигига, қуполлигига имон келтирди. Темур олдида Амир Хусайн тутини учун узага изза бўлди. Шаҳрисабзлик амининг қаломларида мантқиқ кучли, унинг айтганларига ипонасан, Амир Козогон набираси гапларида эса қосанинг тағдид нимқоса аен қурииб туради, у асл максалисини пардалашин билмайди, пинҳон нияти ошқор бўлиб қолаётганини хаелига ҳам келтирмайди. Ҳукмдорлик, бас, барча нарса салтанатда ҳукмдорнинг деганича бўлмоғи керак, деб уилайди. Бунинг нотугри эканини аел

боши билан ҳатто Сароймулкхоним ҳам тузуккина англаб турибди... Шаҳрисабзлик амининг куцайиб бораётган нуфузини бундоқ йусида тухтатиб буларимкин? Агар қим қимнинг томонини олади, деб ҳолис бир гап уртага ташланса, мамлакатдаги аминларнинг ундан туққизи, шубҳасиз, Темур томонига утиб кетади. Шу вақдан унга илқ жаб айтиб, аллаб, қунглини овлаб, салтанат йулдиза шаҳрисабзлик амининг нуфуз-эфиборидан оқилона фойдаланмақини уйлаш ларқор...» Лекин бунини Сароймулкхоним қандай айтди?!» Бу унда икки амир урсадидаги баҳсини саропарларнинг ичида туриб эшитган Сароймулкхоним Амир Темурга дайрхоҳ эканлигини эмас, балки жуфту ҳолатига салоқатли, доншманли аел эканлиги ҳам сезилиб туради.


Муҳаммад Али қаҳрамонлар характерици оқишда турли ривоят дикоярлардан усталик билан фойдаланади. Хусусан, «Сувда қалқиб келган олма» бобида шу ҳик ривоятлардан бири роман сюжетига урилди синдириб юборилди. Ариқда оқиб келган қиримчи олмани бехосдан тиллаб қуйган Абу Бакр Калавини: «Бировнинг моллини сурамай, рози қилмай едим-қу», — дея ризолик сураш учун боғбоннинг уинга келади. Унинг бу даражада ҳолатлигини курган боғбон унга, икки кузи кур, икки кулоғи кар, чулоқ қизимни олсанг, рози буламан, дейди. Абу Бакр илоджиз рози бўлади. Аммо гушангада париларлай гузал қизга дуч келиб ҳайратда қолади, шу заҳотиёқ гушангани тарк этади. Оби-маншад ариги буйида сурида утирган Абдумавлон юзга ҳаяжонда дейди:

«— Бизни аллашмоқчи бўлдилар, ота! Худо бир сақлади! Бизни аллашмоқчи бўлдилар! — ҳаприққанча леги куёв. — Гушангага бошқа қизни киритиб қуйишди! Қайитим йуқ, қайитим!»

— Майли, углим! Ҳеч қим сизни алдганин йуқ! Узингизни босинг! — мийинида қулиб леги боғбон. — Мен сизга айтсам, қайитингиз... — уша сиз гушангада курган қиз...

— Ахир... қизимнинг қул-оғи йуқ, қар, қур, соқов деган...

— Филҳақ, углим, шундоқ дегандим, — гаширишга қуймади Абдумавлон юз қулиб. — Қул-оғи йуқ деганим — шу ҳовлидан четга чиқмаганини билдиради.



Кар деганим — бирон-бир номаҳрамнинг сузини эшитмогон, кур деганим — бегонага назари тушмогон, соқов деганим — тилидан ножуза сузлар чиқмогон...

Кув ҳайрат бармогини тишлаганча дом-лим дея олмай қолди, туриб узини Абдумавлон зоғ бағрига олди, кузларига дув-дув келган еш боғбоннинг елкаларига сасизгина тугилди...

Бу ерда Абу Бакр Калавийнинг табиатан ҳалол ва покломдон одамлиги халқона йусинда очилган. Худди шу ҳалоллик туфайли у сарбадорлар ҳаракатининг бошланиш даражасига етди, уз ортича мулкчини ва Самарқанд бойларининг мулкчини ҳазинага олдириб, халққа озодлик берди. Ёзувчи тарихий воқеалар ва шахслар образларини яратар экан, уларга китобхона маърифий ва маънавий сабоқ берип вазифасини ҳам юклайди. Сарбадорлар ва тун салтанати вакиллариининг ҳаракат майдонлари ва янаш жойларини тасвирлаш баҳонасида Самарқанд кучалари, тарихий иморатларининг таъриф-таъсифини беради, уша давр кишиларининг янаш тарзи, муомала маданияти, урф-одатлари билан китобхонни ошно қилади.

Асар кенг эшик планда ёзилгани учун унда образлар ниҳоятда кўп. Китобга сўзбоши ёзган атоқли адабиётшунос олим Матекуб Қўшжонов айтганидай, айрим саҳифаларда баёнчилик ҳам учрайди. Баъзи қаҳрамонлар тақдирини (ҳасалан, ака-ака Ҳасан-Ҳамза ва Хусан-Ҳамзалар ҳаёти) нима билан тутганини номаълум бўлиб қолган.

Аmmo, шунга қарамадан, «Сарбадорлар» романи ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг қайноқ ешик йилларини, 1360-1366 йилларда мамлакатимизда юз берган сиёсий-иқтисодий воқеаларини ҳаққоний бадиий ақс эттирган асар сифатида қимматлидир. Китобхон ундан маърифий сабоқ олар экан, халқимизнинг буюк истиқлол булдилаган мардона кураш саҳифаларини ҳақида еркин тасаввурга эга бўлади.

Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Ботир НОРБОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ТАРИХИЙ ЖАСОРАТ

(ЕХУД БИЗ УЧУН ТАРИХИЙ ЖАВОНМАРДЛИК САБОҚЛАРИ)

Амир Темур ва теурирларнинг (хусусан: Мирзо Улугбек, Бойсунқур Мирзо, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзо...) бой маданият-маънавий мероси биз учун бебаҳо, битмас-тутанмас, ҳар қандай олтин-жогҳордан қиммат ҳазинадир.

Мамлакатимиз Президентининг Фармони ва ундан кейин халқро нуфузли ташкилот — ЮНЕСКО томонидан 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиниши, ушбу жорий йилда Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 660 йиллиги кенг қўламда нишонланиши, бизларга бир томондан, ифтихор бахш этса, иккинчи томондан, юксак масъулият — набирилик бурчини урнига қўйиб адо этишимизни тақозо қилади.

Биз мустақиллик шарофати билан Амир Темурнинг кўп қиррали фаолиятини, аввалгидан кенгрок қўламда урганастган булишимизга қарамай, ҳали унинг шахси ва беқис тарихий фаолияти ҳақида билганимиздан билмаганимиз кўпроққа ухшайди. Чунки, Амир Темур бин Тарагай Баҳодир сиймоси қайси ижтимоий муҳит, қандай узнга хос воқелик таъсири остида шаклланди? Қандай қилиб нафақат уз даври, ҳозирда ҳам дунё тан олган буюклик даражасига эришди? Бу ва шунга ухшаш бошқа саволларга асосли, туғри жавоб бериш вақти етилди, десак хато бўлмас.

Ҳозирча кўпчилик халқ, Амир Темур уша даврга хос бўлган аввсиз курашлар гирдобида, қудда қилч, от уйнайиб ҳўқморликни қудда киритди, деган фикрда юрбиди. Модомики, бу курашларда голуб чиқишликнинг туб замини, асл мантқий асослари қаерда? — бу кам урганилган, қийинрок, аммо ута муҳим масала.

Тарихий воқеалик шундан далолат берадики, Шарқ Уйғонилишининг биринчи босқичи деб ном олган IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрдан бошлаб Турон заминда футувват илми, футувватчи (жавонмардлик) тариқати анча кенг ейилган, оммавий тус олган эди. Унинг асосини олдий раият ичидан чиққан хунармандлар, санъаткорлар, дорбозу қизқичлар, сипоҳий-пахлавонлар, хотам-той-баққоллар, савдогарлар ва шу каби эл-удуениннг барча тоифа вакиллари ташкил этган эди. Футувват илсон руҳини мустаҳкамлашга қаратилган муштабар илм бўлиб, тасаввуф ва тавҳид илмидан озуқа олиб, уларнинг янада ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилувчи илм ҳисобланган.

Бу ҳақда араб сайёҳи Ибн Батута (XIII аср) узининг «Сафарнома» асарига қуйидагича гувоҳлик беради: «Мен дунени келиб, бундай одамлар (яъни жавонмардлардан) кура эзгу нияти ва эзгу хулқиди кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфа-


хон аҳолиси, тарчи узларини жавонмардларга ухшатсаларда, аммо улар (яъни Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари) ғариб — мусофирларни сийлаш ва меҳмондорликка улардан баланд турадилар. Уларни (жавонмардларни) Ироқда шотир, Хуросонда сарбалор, Мағрибда (Андалузияда) сукура, дейдилар. Уларга тобеш жойларда адолат русуми шундай ривожланганки, уларнинг лашкароғҳлари, хоналарига олтин ва қумуш танталар ерга сочилиб етди ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди».

Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов Шарқнинг таниқли алломаларидан бири, Алишер Навоий замондоши, Хусайн Воиз Кошфий қаламига мансуб «Футувватномаи султоний худж жавонмардлик тариқати» китобчасини форс-тожик тилидан утириб, биз илмжулар учун футувват илминини яна қайта урганишимизга қудай имконият туғдириш. Таржимон ушбу ноидр рисолага сўз бошисида ёзишча: «Қадимий Хуросон, Мовароуннаҳр шаҳарларида X асрдан бошлаб жавонмардлик еки футувватчилик ҳаракати анча кенг ейилган эди. Футувватчилар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етуқликка интилар, қаерда бўлмасинлар, нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олийжаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар. Уларнинг назидида — дунё бойлиги эмас, инсон қадри устуи турган, олтин-қумушни жавонмардлар назар-нисанд қилмаганлар, балки уни маънавий тараққиети учун бир восита деб қараганлар, холос». Зеро, футувватчилик таълимоти аслар оша ҳам уз аҳамиятини йўқотмаган ва мудоим йўқотмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комил илшон билан айтишимиз мумкинки, Амир Темур шахси, унинг тарихий жасорати футувватчилик таълимоти билан сугорилган эл-удуе ичидан унинг чиқди, усди, улайди, ундан озуқа олди, атрофига оқил фозил кишиларни жамлади, уларни улутлади, узнга яқин тутди. Зотан, Темурнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳам олдий ҳўқмор табақага мансуб бўлмай, у асида раиятга яқин урта амалдор синфи намояндаси эди. Шу боис, Темур жавонмардлик қоидаларига амал қилган ҳолда умрининг охиригача камтарноа «Амир»лик даражаси билан қаноатланди.

Амир Темур шахсини урганар эканмиз, футувватчиларга хос барча фазилатлар соҳиб эканлигини кураимиз ва уни шурулардан бошқа барча халқлар айнан шу фазилатлари (айниқса адолатпешалиги) учун тан олган.

Соҳибқирон деярли бутун Осмие



бирлаштирган 27 давлатни бир марказдан туриб бошқарган кучли ҳукмдорига бўлиб қолмай, айна пайтда халқнинг том маънодаги адолатли йўлбошчиси, кўриқчиси, маънавий раҳнамоси ҳам эди. Фақат қурол кучи билан бундай империяни бошқариш ҳомаҳали эканлигини идрок этган Амир Темуру учун инсон омилли, унинг руҳий ҳолати (ҳатто унга муҳолифатда бўлган кучларнинг ҳам кайфиятини билиш) доимо биринчи ўринда бўлган, улус манфаати йўлида унинг узига таяниб иш юритган. Шарқ улкаларида кенг ривожланган футувватчилик маънавий ҳукмдорга мадал бериб келган.

Амир Темуру узининг руҳий-маънавий «қурили» — доғимандлиги, адолатли мафқураси, ошқора баҳе, келишувчанлик (дипломатик) сивасати тўғрисида душманларини ҳам ўз иттифоқчиларига айлантира олган. Ҳатто ишончли давлатларга мустақиллик берган ва улар фақат бож тулаш билангина чекланиб, ўз ҳаётларини узари идора этган.

Фаранги олими Алфонсе де Ламартин: «Европа на Искандарда, на Атилада ва на Московия зафарини кучтан янги фотиҳ — Наполеонда адолатли қонундар асосига қурилган бундай бошқарувни курган эмас», — деб Амир Темуру салтанатига юксак баҳо берган эди. Ушбу баҳонинг яна бир қадри томони шундаки, айнан фаранги олими Амир Темуру сиймосини дунё таниган фаранги қироли — Наполеондан юқори қуйганлигидир. Мана, турт ўз йилдан ортқик вақт ўтатиқчи, бобомиз давлатчилигининг моҳияти ҳамон юқорида турибди.

Амир Темуру тарихий жасоратининг қудами у тузган давлат сарҳадлари билан чегараланиб қолмай, Европа ва рус халқлари халоскори сифатида ҳам эътироф этилган. Ҳатто оз бўлса-да, бундай ҳолини Шуру тарихчи олимлари ҳам эътироф этгани эслашга лойиқдир. Масалан, шарқшунос олим А. Ю. Якубовскийнинг (1950 й.) эзишча: «Гарчи Темуру Урта Осиё манфаатларини кузлаган ҳамда Москва хиялари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Урдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Урта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда, Рус учун жуда катта хизмат қилди». Муаллиф ушбу мавзуну давом эттириб, Темурунинг Боязид устидан қозонган галабаси натижасида Европа халқларига қурсатган яна бир хизмати ҳақида куйидагича ёзди: «Темуру узининг бу галабаси билан Европа халқларига иккинчи марта хизмат этди. Анқара енидаги бу галаба ва Боязиднинг асир тушиши Константинополнинг турклар — усмоғлар томонидан босиб олиншини қарийб 50 йил орқага суриб юборди».

Айтишларига, Парижда Амир Темуру ҳайкали бўлган ва унинг пойнта «Европада-Халоскорига» деган зарҳал сузлар эзилган экан.

Умуман, фарангиларнинг Амир Темуру борасида қилган ва қилаётган ишлари таҳсилларга лойиқ. Ҳозирда Фарангистонда Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганувчи «Фаранг — ўзбек маданияли алоқари уюшмаси» мавжуд, унинг қошида «Темурийлар» номли журнал мунтазам чоп этиб турилади. «Париж» дорилфуну-

ни профессори Совен Керен «Амир Темуру» номли 2 қисм, 6 кўринишли сахна асарини яратди, соҳибқиронга бағишланган унлаб бошқа асарлар, китоблар, мақолалар нашр этилган, Шарқ алломаларининг нодир қўлэмалари фаранги тилида таржима қилинган. Бундай ҳосиятли ишлар жаҳоннинг барча илғор маданиятланган давлатларида топилади. Хуллас, юқорида келтирилган далилларни таққослаганда, «Амир Темурунинг ўз она юрти Узбекистонда XX асрнинг 90-йилларида қадар қандай ибратли ишлар қилди?» — деган савол туғилиши уринли ва табиий.

Тан олиб айтиш керакки, нафақат Узбекистонда, ҳатто ун беш жумҳурийатни бирлаштирган «ривожланган социалистик Иттифоқда» Амир Темуру тўғрисида тааллуқли даяри бирорта эътиборга лойиқ иш қилингани йўқ. Аксинча, бунга уринганлар «туғилмасдан» олдин «бўтизланди», «қизил империя» мафқураси Амир Темуруни «конкур каллаксар»га, ўз ватанини ҳимоя қилган авлодларини ўз уйи «босмачи»сига айлантерди, «бокиманда», «пахта иши», «ўзбек иши» тамгалари босилди. Лекин шундай оғир, исканжа шароитида ҳам ўзбек юртида томирларида Амир Темуру қони сакланиб қолган инсонлар топилди ва қудна Турон заминидан навабзатги тарихий жасорат содир бўлди. Узбекистон Президенти ана шундай сиймодир. Соҳибқирон бобомизга чўқур муҳаббатли яна бир сиймо, бу — ўзбек элининг асл фарзанди, Узбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти, академик Иброҳим Мумин угли эди. Унга энг оғир кунлари Я. Г. Фуломов, Л. И: Ремпель, Б. В. Луний, Ҳ. С. Сулаймонов, О. Э. Энонов, Ш. З. Уразаев, Г. А. Пугаченкова, Ҳ. З. Зиёев, О. Д. Чехович, Х. Ш. Иноятов, М. К. Нурмухамедов, М. М. Хайруллаев, Р. Г. Муқминова каби фан намояндалари хайриқоҳлиқ қурсатдилар, шунингдек Амир Темуру хизматлари ўз муносиб баҳосини олишини халқимиз ҳам дил-дилидан истар эди. Булар қаторида уша даврда Узбекистон юртбошиси Шароф Рашидов етакчи ўрин тутмаган, дейишга ҳақли эмасмиз. Чунки бундай улуг иш улуг раҳбарларнинг иштирокисиз содир этилмаслиги аниқ. Шу тариқа, мухлислар этниқиб қутлан маъруза матни: «Амир Темурунинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» тайёр бўлди. 1968 йил 5 майда Узбекистон Фанлар Академияси раёсатида бўлган кенгашда маъқулланди ва кенаш қатнашчиларининг тавсиясига биноан уша йил ўзбек ва рус тилларида китобча шаклида нашр этилди. Иброҳим Муминов Чориз ва Шурулар томонидан ўз йилдан ортқик давр ичида Амир Темуру тарихини сохалаштириб келинганлигига қарши биринчи бўлиб далил, ошқора ва асосли равишда бош қутарган олим эди, десак ортқиқа муболага бўлмас. Бу «бош қутариш»ни жавоимардлик намунаси даражасида тенглаштирилиши мумкин. Бониси, XX асрнинг иккинчи ярмида ҳокимиятни марказлаштириш авжига минган, СССРдаги юзлан ортқик миллатнинг «ихтиерий» қушилиши ниқоби остида миллийлик тобора йўқолиб (аниқроғи, йўқотилиб) бораётган, яъни янги «шуролар миллати» сари «уйғуллашув» жараени қунайтирилган, марказдан ўзоқ

барча жумҳурийатлар (айниқса, Урта Осиё халқлари) тарихи макқорона қалбақиллаштирилган бир даврда Узбекистонда Амир Темуру шахсини тиклашга уриниш Масқов учун «атом» бомбаси портлашлай даҳшатли бир ҳол эди. Шу бонис, Узбекистон халқи эиелларининг қувончи ўзоққа бормасди.

Иброҳим Муминовага қарши кураш бошланди. Иттифоқ марказида чиқадиган «Вопросы истории» журнали ва «Литературная газета» нашрларида мазкур китобча кескин танқид остига олинди, унинг муаллифи тарихин сохалаштиришда, Темуруни бекқушон (идеал)лаштиришда айбланди. Ассосиз танқиднинг яна бир маълум, инсон дилини сиёҳ қиладиган томони шундаки, Масқовдан туриб уюштирилган мақола муаллифлари Узбекистон еридан, ўзбеклар ичидан ҳам топилди, яъни «сопини узидан чиқаринг усуди» амалга оширилди. Таъна тоши нафақат И. М. Муминовгагина эмас, айнаи вақтда бутун Узбекистон эиелларида, халқида, қолаверса буткул тарихчиларга қарши отилган эди.

Замона қандай бўлишигидан қатъин назар «булма замона банди, бул элинг фарзанди» нақлига содиқ қолган Иброҳим Муминовнинг бу ишга бел боғлаганлигининг яна бир салмоқли сабаби бу эди. У ҳам бўлса, 1969 йилда Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланди, жумҳурийатимизда ЮНЕСКО томонидан «Марказий Осиёда Темуру ва темурийлар даври санъатини ўрганиш»га бағишланган халқаро конференция ўтказилиши ва шу муносабат билан УзФАда қатор муҳим тадбирлар режалаштирилганлигидир. Чунки халқаро миқёсда ҳам Самарқандни — Темуруси, Темуруни — Самарқандис тасаввур қилиб бўлмаслик, бу икки ном бир-биринга уйғуллашиб, сингиб кетганлиги Масқовдан бошқа кўччиликка аён эди. Шунинг учун 1968 йили «Амир Темурунинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» китобчасининг ўз кўрши қонуний бир ҳол эди. Иброҳим ака умрларининг охиригача (1974 йил 22 июлгача), яъни олти йил давомида миқдори кичик, миқёс ва моҳият жиҳатдан салмоқли бўлган ўз китобчасининг тарқалиши учун курашдилар. Ҳақиқат этилса этилди, аммо синмади. Истиқлол тўғрисида мазкур китобча 25 йилдан сунг яна оз курди — 1993 йили «Фан» наприетида иккинчи бора чоп этилди.

Иброҳим Мумин углининг (Иброҳим Халилуллох сатлоқува алайҳи вассалат исмирига ҳамнафах) исмлари жиёсларига лойиқ, ўз она юртининг узига бек фарзанди эканликларини амалда исботлай олган Инсон эдилар.

Бу ўринда яна бир Иброҳим исмли ўзбекнинг ҳурматли эиелиси — Узбекистон халқ эвузчиси Иброҳим Раҳим хизматларини, хусусан «Амир Темуру тузқуқлари»ни «Гултигани» журналида (1967 йил) нашр эттиргани ва шунинг оқибатида журнални тарқ этишга мажбур бўлганлигини едга олиб, бу устоз ошдиладилати бурчимизни ҳам оз бўлса-да, бажариш жойиз бўлур, деб ҳисоблаймиз.

Заҳриддин САЛОҲИДИНОВ,
иктисод фанлари номзоди, доцент.

ЭМ ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

БОЛАЛАР САНЪАТ МУСИҚА МАКТАБИ — 30 ЕШДА

Хар қандай истеъдод ҳам инсонда болаликдан яшириб, ривожлана бошлайди. Бу аён гап. Лекин болалардаги мана шу истеъдод куртакларини ўз вақтида сезиш, имкон қадар қумак бериш, йул курсатиш биз — катталарнинг масъул бурчимиздир.

Ташкил тошганига 30 йил тулган Тошкентдаги болалар Санъат мактаби жамоаси зиммасига ана шундай олийжаноб вазифалар юклатилган.

30 йил оз муддат эмас. Шу давр ичида санъат маскани самарали ижодий мураббийлик йулини босиб ўтди. Юбилей кунларида биз санъат маскани директори Мухтарам опа Бекназарова билан суҳбатлашдик.

— Республикамиз маданий ҳаётида бизнинг мактаб ўзининг алоҳида урнига эга, — дейди Мухтарам опа. — Мактабимиз ташкил тошган дастлабки йилларда ўзбек халқ чолғу асбоблари, фортепьяно ҳамда назарий фанлар бўлими фаолият курсатди. Йиллар давомида мавжуд бўлимлар сафига торли асбоблар бўлими, пуфлаб чалинадиган асбоблар, хор, тасвирий санъат ва рақс бўлимлари қўшилиб, янги-янги истеъдодларнинг кашф этилишига улғун қўшилди.

Шундай улғун айём кунларида бу ерда ижодий фаолият курсатиб келган тажрибали педагог-ўқитувчиларимиз — И. Л. Жанова, М. С. Давидова, А. С. Шаббаевларнинг номини ҳақли равишда фахрланиб тилга оламиз.

1987 йили мактабга ҳақиқий санъат жонкуяри, моҳир ташкилотчи Н. М. Осипова раҳбар этиб тайинланди. Мактаб ҳаётида сезиларли даражада ўзгартирилди. Янги бўлимлар ташкил қилинди. Малакали ўқитувчилар сафи кенгайтирилди. Мактабда қатъий дастур асосида мунтазам равишда ўқув ҳамда амалий машғулотлар олиб борилди. Фақатгина назарий билимлар билан чегараланмай, амалий машғулотлар бўйича ҳам синфлараро куриқлар ўтказишга эътиборни қаратдилар. Ўз олдларидagi масъулиятнинг жиддийлигини сезган ўқувчилар янада кўп

роқ изландилар. Шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган бир қанча куриқ-танловларда фахрли уриналарни эгаллаган мактабга 1987 йили Болалар Санъат мусиқа мактаби номи берилди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Санъат мактаби тарбияланувчилари талантларини хорижий элларда намойиш қилиш имкониятига эга бўлишди. Мактаб талабаси М. Мамажонова Американинг Сиэтл шаҳрида ўтган куриқ-танловда дугорда ўзбек композиторларининг асарларини ижро этиб, тингловчиларни ҳайратда қолдирди. Республика танловларининг голиблари Жения Гиневич, Лейла Мужлабоева, Марина Пладинскаялар Москва Консерваториясида ўқиб қайтидилар. Ҳозирги кунда эса улар Успенский номли мусиқа мактабида ёшларга санъат сирларини ўргатмоқдалар. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Санъат мактаби мураббийлари жамоаси олий мақсадларни қўлаб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама етук санъаткор бўлишларига қаратилган янги, икки бўлимдан иборат дастур ишлаб чиқилди. Дастурнинг биринчи босқичда умумий эстетик тарбия вазифалари амалга оширилади, яъни тил ўргатилади, одоб-ахлоқ тамойиллари ҳамда эстетика фани ва амалнинг умумий асослари ўқувчиларга синдирилади. Иккинчи, яъни бадиий театр бўлимида эса ўқувчиларга сахна нутқи, театр тарихи, мусиқали спектаклларни кенг таҳлил қилиш каби масалалар атрофлича ўргатилади.

Санъат мактаби жамоаси фақат шулар билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Улар ўз ижодий мураббийлик фаолиятларини янада ривожлантириш, санъатимизнинг янги авлодларини ҳақиқий, замонавий, малакали кишилар қилиб тарбиялаб етиштириш йулида бор куч-имкониятларини бағишлаб, меҳнат қилмоқдалар.

Иқболхон ТОШПУЛАТОВА.



Болалар Санъат мусиқа мактабида. Агар хоҳласа жамоа ҳам истеъдодли бўлади.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАЪЛИМИНИ ИСЛОҲ ЭТАЙЛИК

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ

ТАҲРИРИЯТДАН:

Республикаимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида кечаётган ижобий-тарихий ўзгаришлар маданият ва санъат таълимида ҳам чуқур ислоҳот ва туб янгиланишларни тақозо қилаётир. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти-нинг «Бошқарув ва маданият иқтисодиёти» кафедрасининг мудири, доцент Аҳмаджон Рўзметовнинг ушбу мақоласида шу ҳақда сўз юритилади. У кимлардadir эътироз уйғотиши, кимларгадир маъқул тушиши, янги мулоҳазалар туғдириши мумкин. Зеро, мақолани баҳс-муҳокама учун эълон қилишдан мақсад — республикаимиз жамоатчилиги диққат-эътиборини бу масалага жалб этиш ва кўпчилик бўлиб маданият таълими янги йуриқномасини ишлаб чиқаришни тезлаштиришдан иборатдир.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАЪЛИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСЛОҲОТ ЙУЛЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инсонлар руҳияти, маънавий ҳаётига ҳам катта таъсир қўриётмоқда. Бу жараён, ўз навбатида, маданият ва санъат таълими тизимининг таркиби ва мазмунини ҳам тубдан ўзгартиришга олиб келмоқда.

Маданият ва санъат таълимининг келажак истиқболлини белгилаш ва бу соҳа ходимларининг замон руҳига мос равишда фаолият курсатиши учун ўтмишга қисқача назар ташлаш керак. Зеро, қилинган ишларга, йул куйилган камчилик ва мавжуд нуқсонларга ҳаққоний баҳо бериш соҳамиздаги танг аҳволдан тезроқ чиқиб олиш ҳамда истиқболни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Утган 70 йил давомида кадрлар тайёрлашда миллийликдан анча узоқлашиб қолганимиз эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Собиқ марказнинг Москвадан туриб Урта Осиё ва бошқа минтақалар маданияти ҳамда санъати учун кадр тайёрлаш сиёсатини режалаштириши, ҳар хил тавсиялар бериши, ҳаммага мажбурий бўлган ягона ўқув режаларини ишлаб чиқиши натижасида миллий маданиятимизга, унинг ҳалқчиллигига, шарқона хусусиятларига жиддий зарар етди. Юртимизнинг маданий ва тарихий хусусиятлари инobatга олинмасдан Оврупо маданиятига хос ихтисосликлар буйича минглаб кадрлар тайёрланди. Халқимизнинг руҳига мос, маънавий олами учун бой озуқа берувчи фанлар ўқув режаларига киритилмади, бобокалонларимиз қолдирган маданий меросни ривожлантирувчи мутахассислар тайёрлашга руҳсат этилмади.

Халқимизнинг маънавият ва маърифатга бўлган талаблари узлуксиз равишда оғиб боргани ҳолда соҳа кадрларининг хос тайёрлиги бу талабларга тула жавоб бермайдиган аҳволга тушиб қолди. Таълим моҳияти, шакли, усуллари маданий ҳаёт олдида турган амалий талабларни ифодаламаганлиги ва бир қилишда сақланиб қолганлиги, ўқув режалари ва дастурларининг таълим муддати жиҳатидан бир хилда бўлиши ўқув юртлари томонидан берилган дипломларнинг билимга мос

келмаслигини келтириб чиқарди. Кадр тайёрлашда маданият ходимлари меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинмади, таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотига эътибор берилмади, мутахассисларни маданият ва санъат муассасалари амалий фаолиятига мослаштириш мураккаблаштирилди. Тоталитаризм даврида ташаббускор ва тadbirkor ходимлар қўллаб-қувватланмади. Касб эгаларининг меҳнатига лойиқ ҳақ тўламастик туфайли билимдон, тажрибали, ижодий фикрловчи ходимлар ўз севган касбларини тарк этишди. Бозор иқтисодиёти талаблари нуқтаи назаридан бу масалага ёнлашадиган бўлсак, ўқув режалари ва дарс бериш жараёни ҳозирда ҳам кенг йуналишлар буйича мутахассис тайёрлашга эмас, балки тор профессионал ижрочилик маҳоратига қаратаётганига иқдор бўламиз. Натижада талаба гарчи консерватория, санъат ёки маданият олий билимгоҳи каби ҳар хил ўқув юртларида ўқиса-да, лекин уларнинг барчасида дарслар мазмунини, шакли ва усуллари айнан бир хил, мутахассислар тайёрлаш ҳам бир қилишда давом этиб келди. Ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий изланиш лаёқати, иқтисодий билимдонлиги, ишбилармонлик, ташаббускорлик, тапшиқилотчилик сингари кўникмалари ривожлантирилмади. Маданият ва санъат таълимига раҳбар муассасалар тарқоқ ҳолда ишлаб келганликлари сабабли маданият таълимида бошбошдоқлик ҳукм суриб келди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда бозор муносабатлари даврида маданият ва санъат таълимини ривожлантириш йулида тубли ислоҳотларни амалга ошириш лозимлигини тақозо этади.

Бизнинг назаримизда,

— бозор иқтисодиёти асосларига утиш даврида маданият ва санъат учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгиллаб, ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашдаги такрорланишга барҳам бериб, унинг етакчи йуналишларини аниқлаб, битирувчиларга нисбатан шахс сифатида қўйилмаган ижтимоий талабларни аниқлаш ва илмий асослаш;

— давлатимиз миллий ҳудудининг ўзига хослиги халқимизнинг этно-маданий, этно-психологик хусусиятларига

рини ҳисобга олган ҳолда республикада маданият ва санъат таълими тизимининг мақсад ва вазифаларини белгилаш ҳамда ўқув муассасалари фаолиятларининг иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш, бозор иқтисодиёти жараёнида таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг истиқболдаги мақсадларини аниқлаб бериш ва поғонали босқичларга ажратиш;

— миллий маданий бойликлар, бошқа халқлар маданияти ва санъатидаги барча ижобий хусусиятларни узоқлаштиришни уйғунлаштириш, шу билан бирга халқимизнинг маданий-маънавий мероси, халқ ижодиётининг илгор дурдоналарини таълим ва тарбия жараёнларига кенг жорий этиш;

— маданият ва санъат таълимига раҳбарликни уйғунлаштириш, таълимнинг барча кураинишида мустаҳкам узаро алоқадорликни шакллантириш;

— касбга йўналтириш ишларини жонлантириш ҳамда кадрларни қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини жорий қилиб, талабаларни маданият ва санъат соҳаларининг барча жаҳалари мазмунидан воқиф қилиш;

— маданият ва санъат таълимнинг ҳамма босқичларида қонун устиворлигига эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир таълим берувчи ва оловчида қонушларга амал қилиб, шу асосда ўз бурчлари ва ҳуқуқларини хис қилишни шакллантириш;

— маданият ва санъат олий таълими даргоҳлари илмий-интеллектуал захирасини ва маданий-техник асосини мустаҳкамлаш ҳозирги кунда маданият ва санъат таълимини янгилашга қаратилган ислохотларнинг етакчи тамойилларини ташкил этади.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ

Бизнингча, маданият ва санъат таълими тизими қуйидаги босқичларда таркиб топиши мақсадга мувофиқдир:
ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ — оила, маҳалла, боғча, мактабдан ташқари маданий-маърифий муассасалар қошидаги соҳага оид турли кўникмаларни ривожлантирадиган тўғарак машғулотлар;

УМУМИЙ БОСҚИЧ — умумтаълим ва мусиқа мактаблари;

ИХТИСОСЛАШГАН БОСҚИЧ ТАЪЛИМИ — махсус ўқув юртлири, техникум ва олийгоҳлар;

КАСБҲИ МАЛАКАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧ ТАЪЛИМИ — мустақил билим олиш, қисқа муддатли курслар, малака ошириш култиети ёки олийгоҳлар;

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ БОСҚИЧИ — махсус олий ўқув юртлирида ва илмий-тадқиқот институтларида олиб бориладиган илмий ишлар.

Билим масканлари фаолиятларининг ташкил этилиши шакллари, таълим муддатлари, маблаг билан таъминланиш усулларига қўра бир-бирдан фарқ қилишлари мумкин. Бироқ касбларга қўйилган умумий талаблар, фаолиятнинг умумхуқуқий шартлари, маънавий-маданий ҳаёт олдига турган вазифалар ҳуқуқимизнинг маданият ва санъат таълимига қўяётган талаблари даражасида янгиланади.

Бадий-эстетик тарбиянинг куртақларини гудак илк бор оиладан олади. Шу сабабли оилани маданият ва санъат таълимининг асосий тармоғи сифатида тан олмақ даркор. Оилада маданият таълимига махсус уюштирилган фаолият тарзида қаралмаслиги, бу таълим йўлдакй уйин, топишмоқ, тез айтиш, ашула тарзида амалга оширилиши ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак.

Таълим жараёнини эса маълум режалар асосида ташкил этиш, уюштириш муҳим роль уйнайди. Боғча-ясиллардаги маданий таълим миллий анъаналарга асосланиб, қўшиқчилик, расм, мусиқа ва рақс дарслари, турли уйинлар, ривоят, эртақлар айтиш тарзида уюштирилиши зарур. Болаларнинг энг сезимли машғулоти уйин ҳисобланади. Бола уйнаб туриб урганади, ижод қилади, ниманидир яратди. Уйин жараенида унда ҳар хил фикрлар пайло бўлади. Шунинг учун дастлабки босқич таълимнинг барча жаҳаларида урганиладиган мавзулар уйин тарзида ташкил этилса, ижобий самара беради. Болани инсоний фазилатларини, ахлоқ-одоби, руҳий ҳолатларини, маданият ва санъатга булган муносабатларини намоян қиладиган маскан — маҳаллади. Шарқ халқлари ҳаётида миллий урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари маҳалла доирасида таркиб топган, ривожланган. Маҳалла — мафкуравий, иқтисодий, маданий масалаларга оид маълумотлар тушланадиган маскан булган. Шу сабабли аҳолига маданият ва санъат юзасидан таълим беришда маҳалла давлатнинг ягона таълим-тарбия тизимининг таркибий қисмига айланиши лозим. Шундай экан, маҳалла аҳолига руҳий озуқа бўла оладиган янги-янги воситаларни топиб амалиётга жорий этиш зарур.

Маданият ва санъат таълимининг дастлабки босқичда танланган усул ва услублар ниҳоятда қизиқарли ва осон бўлиши лозим. Буларга уйин машғулотлари, турли бошқотирмалар орқали ўлка тарихи, маданияти, санъати ва тарихий обидаларига доир қизиқарли маълумотлар бериш, сайр ва саёхатлар ташкил қилиш қиради. Маданият ва санъат таълими орқали дастлабки босқич тарбияси давомида Шарқ анъаналари, урф-одатлар, удумларимизни болалар онгида ва руҳида тиклаш учун ўзбек халқ озаки ижодининг энг яхши намуналари, қўшиқлар, термалар, суз уйинлари, лапарлар, аллалар ва шунга ухшап бадий воситалардан фойдаланилади. Имкон қадар маданият ва санъат таълимини музейларда, кўргазмаларда, маданият ва истироҳат боғларида, болалар томошагоҳларида, театр ва бошқа ижодий муассасаларда ўтказишга эришиш керак. Мазкур маданий масканлар болаларга қўвонч, мамнуният бахш этади, уларни санъат даргоҳларига яқинлаштиради, уни севишни, ардоқлашни ургатади. Дастлабки босқич таълимида болалар қобилияти иктилорига қараб, турли маданий-маърифий тўғаракларда қатнашиши муҳим омиллар сирасига қиради.

Мактабларнинг асосий вазифаларидан бири болаларга билим бериш, албатта. Шу билан биргаликда ёш авлодни маданий-эстетик савиясини шакллантириш, уларда нафосатга булган қизиқишни уйғота билиш ҳам муҳимдир. Бу мақсадга этиш учун мактаб ўқув дастурларида нафосат тарбияси, мусиқа, тасвирий ва халқ амалий санъати, расм чизиш, архитектура, драматургия, маданият ва санъат ҳамда, меъморчилик тарихи асосий фанлар қаторидан ўрин олиши керак. Маданият ва санъат таълими мактабларида илмий билимлар андозавий тизим тарзида эмас, балки болаларнинг қобилиятига мос тарзда ўргатилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар ўртасида қобилиятли, иктилорли ёшларни аниқлаб, улар билан тўғарак ёки яқка тартибда машғулотлар олиб бориш мумкин. Тўғаракларда қатнашадиган ёшларнинг ақлий салоҳияти ривожни имкониятларини ҳисобга олиб ўқитишнинг биринчи йилида 6 ёшдаги болалар учун тўғарак машғулотлари 35 минут давомида ўтказилиши ва у ҳафтада 2 академик соатдан ошмаслиги, 7-8 ёшдагиларга 4 академик соат, иккинчи йили ҳафтада 6 академик соат ҳажмида бўлиши лозим. Мактаб муайян

ихтисос эгаллаш ниётида билим олинши ҳоҳловчи ва қобилиятли болаларни махсус мактаб-интернат еки нафис санъат лицейларига тавсия этади. Истеъдодли болаларни таниқли, малакали бастакор, раққоса, актёр, рессом каби санъат намояндаларига боғлаб қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айни чоғда умумтаълим муассасаларида маданият ва санъатга оид дарсларни талаблар даражасида ўтказиш учун зарур ўқув-педагогик дастурлар ва адабиётлар яратиш, синфдан ташқари маданий таълим йуллари ва усулларини мукамаллаштиришга эриштиши лозим. Мактабга болаларнинг маданият ва санъатга бўлган эҳтиёжларини янада тулиқ қондириш уларнинг, буш вақтларини ва дам олишларини ташкил этишда ноанъанавий дарсларга, масалан, «Назм ва наво» каби маданий-маърифий тадбирлар мажмуасининг алоҳида ўрни бор. Бу, бир томондан, болаларда миллий-эстетик дид ва фазилатларни шакллантирса, иккинчи томондан, улардаги одоббиллик, хушхўлқлик хислатларини ҳам такомиллаштиради.

Урта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини зие маркази бўлган кутубхона фаолияти билан яқиндан таништириш ва ешларнинг мустақил равишда узига керакли ахборот олиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида мактаб ўқув режасига «Кутубхона ва ахборот манбаи асослари» фанини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Мактаб болалари маданият ва санъат муассасаларига, кургазмаларга, театрлар, музейларга бепул кириш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Муслиқа мактабларида дарслар табақалашган ва ихтисосли йўналишга асосланган ҳолда олиб борилиши керак. Болалар жаҳон муслиқа дурдоналаридан баҳраманд бўлиш билан бирга, миллий-муслиқий санъатимиз турларини узлаштириб, анъанавий ижрочилик: ашулачи, чолғучи, халфалик, дostonхонлик, мақомчилик, актёрликка кенг йўл берилиши, бу соҳада хусусий маданият ва санъат мактаблари очилиб, унда уста-погиртчилик анъаналарини тиклаш зарур.

Муслиқа мактаблари давлат берган сертификатлар асосида ўқувчиларга маданият ва санъатдан қўшимча таълим берилганини ҳақида ҳужжат бериш ҳуқуқига эгадир.

Урта махсус ўқув юрглари маданият ва санъат таълимини ривожлантиришда бир томондан, олий таълим сари боғловчи булак бўлса, иккинчи томондан, бўлгуси касбни танилашда талабанинг фаолиятини намоён этувчи, шарт-шароитларни яратувчи муассаса сифатида майдонга чиқиб, урта бугин мутахассисларини тайёрлаш мақсадини кузлайди. Бу таълим муслиқа, рақс бадий билим юргларида, маданият техникумларида, интернат ва халқ таълимига алоқадор бўлган педагогика билим юргларида амалга оширилади. Бундан ташқари, маданият ва санъат таълимининг янги бугунлари — гимназиялар, лицейлар, коллежларни очишга кенг йўл берилди. Бу ўқув юргларида ўқитиладиган фанлар ва таълимнинг мазмуни, уларнинг ташкил этилиши ҳамда ўқитилиши жараёни маданият ва санъат ўқув юрглирининг жамият тараққиетида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга тауллуқли гоюлар билан сурторилиши керак. Талабалардан урта даражали мутахассис тайёрлашда табақалаб ўқитиш ва уларнинг ҳар бирига алоҳида ижодий ендалиш, шунингдек, ўқитиладиганда фанларнинг кетма-кетлигига эътиборни қаратиш ҳамда мустақил билим олишнинг турли шаклларини излаш зарур.

Ешларнинг олган билимларини, ҳосил қилган кўникма ва малакаларини амалда қўллай олишлари учун амалиётлар савиясини замон талабига ва бозор иқтисос-

диетига мослаштирмоқ лозим. Фан билан касбий амалиёт ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир билимгоҳда ўқув илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Маданият ва санъат муассасалари бундан буён ўз фаолиятини бозор муносабатлари шароитида олиб бора эканлар, бу жараёнда иш юритишга қодир бўлган профессионал бошқарувчи-менеджер ихтисослиги буйича кадрларни урта махсус ва олий билим даражасида тайёрлаш зарурати сезилмоқда.

Талабалар билимининг одил ва ҳолис баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Талаба билимининг баҳолашда билимлар сависисидга узгаришлар динамикаси ҳамда узига хос руҳий хусусиятлар, касб маҳорати, иш-чанликка асосланган рейтинг тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим тизими Ўзбекистондаги ягона куп босқичли маданият ва санъат таълим тизимининг ажралмас қисми сифатида ўз жараёнини икки босқичли асосда амалга оширади. Биринчи босқичда ўқиш муддати турт йил бўлиб, унда талабалар билимларини кенгайтириш, бойитиш ва чуқурлаштиришга ердам берувчи гуманитар, умумтаълим ва мутахассислик буйича фанлардан таҳсил олади. Бу босқични муваффақиятли тугатганларга бакалавр дипломи берилди. Бакалавр даражасини олган шахс таълимнинг иккинчи босқичида ўқишнинг давом эттириши ехуд маданият ва санъат муассасаларида ёки давлат идораларида ўз ихтисоси буйича ишлаш имкониятига эга булади. Иккинчи босқич — магистратура бўлиб, ундаги таҳсил муддати икки йил. Бу босқичда фанларни узлаштиришда юксак қобилиятини намоиш қилган, аёло баҳолар билан ўқиган ҳамда махсус синовалдан ўтган айрим талабалар қабул қилинадилар ва махсус ихтисослик буйича таҳсил оладилар. Керакли имтиҳон синовларидан муваффақиятли ўтган таълим олувчига фан магистри дипломи берилди. Бу диплом уларга асосан илмий-тадқиқот муассасалари ва олий мактабларда, бошқарув ва бошқа тузилмаларда ишлаш ҳуқуқини беради.

Ихтисослашган босқич таълимнинг асосий омилларидан яна бири — ўқувнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртдан билим бериш жараёни бўлиб, бунда талабалар махсус тайёрларликни ўтган, яъни муслиқа билим юртини ёки маданият техникумларини тугаллаган бўлишлари керак. Шу боис, урта махсус маълумотли, танлаган ихтисослиги юзасидан меҳнат тажрибасига эга бўлган ходимлар учун қисқартирилган ўқув режа асосида олий маълумот бериш айна ҳаётийдир.

Ўқув режаси — таълим жараёнидаги илк давлат ҳужжати ҳисобланиб, у таълим-таҳсил мазмунини, малакали мутахассисни халқро андозалар ва жаҳон мезонлари даражасида тайёрлашни белгилайди. Бирок, то шу давргача амал қилиб келатган ўқув режалари бесўнақай бўлиб, улар давлатимиз олий махсус таҳсил олдига қуяётган талабаларга жавоб бермайди. Маданият ва санъат соҳасида ўқитиладиган фанлар таълим олувчи касбининг амалдаги талаб-эҳтиёжлари билан узвий боғланган бўлиши, мутахассисликка мос бўлмаган фанлар қисқартирилиши, умумтаълим мактаб дастурида курсатилган фанларни олий махсус таълимда такрорламаслик, агар айрим фанларга зарурат бўлмаса, уларни факультатив машғулотларга айлантириш лозим.

Маданият ва ҳуқуқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, уларни айрича тасавур этиб бўлмайди. Маданият ва санъат ходимларининг ҳуқуқий таълимга алоқадор фанларни ўқув режаларига кирийтиб, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, қонунга риоя этиш кўникмасини шакллантириш мақсадида барча ўқув юрглири-

да «Меҳнат ҳуқуқи асослари» фанини жорий қилиш лозим.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий ҳаёти ҳамда бозор иқтисодиётига маданият ва санъат таълими олдига ихтисослаштиригчи маданият янги лавозим руҳияти тузилиши вазифини куймоқда. Мактаб ҳамда ўқув юртлири кутубхоналари учун «Кутубхоначи-ўқитувчи», «Ўзбектуризм» миллий компанияси тизими учун сайёҳлик фаолиятини ташкил этувчи менежер, халқ хунармандчилиги, кино, театр ва мусиқа санъати соҳаларига доир янги ихтисосликлар юзасидан махсус мутахассислар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш лозим.

Халқимизнинг маданияти ва санъати, халқ озаки ижодиётининг узига хослигини назарда тутиб, олий мактабни минтақалаштириш зарур.

Таълимнинг муваффақияти, шубҳасиз, профессор-ўқитувчиларнинг уз фаолиятига янгица ендашуви ва янгица фикрлашига, ижодий изиланиши, таҳсилнинг самарали усулларини кашф этиш ҳамда моҳирона қўллай олишларига боғлиқ. Шу сабабли ўқитувчининг меҳнатини холисона баҳолаш давлат андоза улчамини яратиш — фақуллода муҳим аҳамиятта эга эканини ҳисобга олиб, профессор-ўқитувчилар фаолиятини рейтинг асосида баҳолашга собитқадамлик билан ўтиш керак.

Соҳа таҳсил тизимида давлат тасарруфидаги ўқув юртлири билан бир қаторда рақобат қобилиятига эга бўлган хусусий ва тижорат асосидаги таҳсил масканлари (улар кундузги, кечки, сиртки бўлишлари мумкин) жилдий уринни эгаллашлари лозим.

Амалда маданият ва санъат соҳаларига мутахассислар тайёрлаш турт йусида амалга оширилади:

а) корхоналар, ташкилотлар, жамоалар, шу жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, кишлоқ хужалиги ва халқ таълими вазириликлари ихтиёридаги маданият муассасалари учун пулли шартнома асосида кадрлар тайёрлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 24 мартдаги 266-сонли «Хорижий давлатлар фуқароларининг — Ўзбекистон Республикасида таълим олишлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда ҳукуматлараро келишувга мувофиқ, тулов-битим асосида чет эл фуқароларидан мутахассислар тайёрлаш;

в) ўқув юртлирига давлат ҳисобидан ижодий ва тест синовлари асосида энг қобилиятли ешларни танлов билан қабул қилиш, «Ўзбекистон ўқувчи-ешларини рағбатлантириш талбирлари тўғрисида»ги Фармонга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартда тасдиқланган 157-сонли қарорига мувофиқ, курик ва конкурс голиблари маданият ва санъат ўқув юртлирига танловдан ташқари қабул қилиниши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли «Мажбурий ҳарбий хизматни утаётганлар ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарорига асосан мажбурий ҳарбий хизматни утаган ва ҳарбий қисмлардан тавсияномалари бўлган абитуриентларга тест синовларида тушлаган балларига муайян устунликлар қўшилиши;

е) оила еки шахсий жағмарга ҳисобидан ўқишга ҳақ тулаш асосида кадр тайёрлаш; бундай ҳақнинг миқдори талабанинг узлаштириш рейтингига боғлиқ бўлади.

Давлатимиз уз келажатини фақат бозор иқтисодиётида деб билаётган ҳозирги кунда ҳар бир маданият ходими ҳам уз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлишни таъминлаш тизимини барпо этиш лозим. Жумладан, ўқув юртлирида таълим-тарбия жараёнлари билан бирга улар ҳузурида кичик ва урта бизнес шакллари

ҳамда ширкатлар ташкил этилиши керак. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти қошида эса «Бизнес-инкубатор» марказини таркиб топтириш лозим. Бу жараён талабаларга амалий малака ва куникмаларни эгаллаш имкониятини берибгина қўлмай, хужалик юртишнинг бозор шаклини амалда узлаштириш имконини ҳам беради.

Маданият ва санъат ходимларининг касбий малакасини ошириш қўйидаги шаклларида амалга оширилади: мутахассиснинг доимо уз устида мустақил тарзда ишлаши, билимини тақомиллаштириши, муқим меҳнатдан ажралмаган ҳолда марказ, вилоят, туманларда ўтказиладиган қисқа муддатли мақсадли курслар, ижодий стажировка-малака ошириш. Маданият ва санъат соҳасидаги таълимни яхшилаш учун халқоро тажрибаларни урганишни йўлга қўйиш, бошқа мамлакатлардаги маданий-маърифий муассасалар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш зарур. Шу мақсадда бошқа илгор давлатларга, шунингдек, олий ўқув юртлирига, маданият ва санъат муассасаларига қисқа муддатли кундузги ва сиртки ўқишга ёстернат тартибда билим олишга йўллаш ҳам мақсадга мувофиқ. Маданият ва санъат соҳа раҳбарлари ва мутахассисларнинг кенг куламда малака оширишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазириги ҳузурида маданият ходимлари малакасини ошириш Республика институтини ташкил этиш зарур.

Илмий-тадқиқот босқичи — маданият ва санъат таълимининг муҳим нуқталаридан биридир. Бу босқичда маданият ва санъат фанларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш, уни тақомиллаштириш истиқболларини белгилаш, ҳар қандай шароитда маданият ва санъат соҳаси мавқеининг жамиятда барқарорлиги таъминланиши лозим. Ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги услублар ворислигига асосланган, ҳар томонлама илмий синналган, истиқболли маданият ва санъат таълим-тарбия гоъларининг яратилиши ушбу босқичнинг тақомилини курсатувчи белгилардандир.

Маданий-санъат таълим вазибаларини назарий-амалий ва илмий-услубий асосда яратиш ҳамда республикада мавжуд илмий кучларни бирлаштириш мақсадида Х. Х. Нисезий номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига янги мундарижа ва мазмунга асосланган таълим-тарбия муаммоларини урганувчи илмий марказ ташкил этилиши керак.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Маданият ва санъат ўқув масканларида фаолият муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бошқа норматив хужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси хужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур ҳуқуқий меъерлар таълим берувчи билан таълим олувчиларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда бозор талабларига мос амал қилишини, уларнинг меҳнат ҳуқуқ, бурчлари ва кафолатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг яхшиланишига кумақлашади.

Ўқитувчиларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

— меҳнат муносабатлари ходим ва ўқув юрти уртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгилиниб, унда тарафларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланилади;

— уз меҳнати учун қонунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда маош олади;

— мудар чегараси аниқ белгиланган иш вақтига, ҳафталик дам олиш ҳамда байрам кунларига, шунингдек ҳақ туланидиган йиллик меҳнат таълими бериш орқали таъминланадиган дам олишга эга бўлади;

— касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга юборилади;

— меҳнатга қобилиятсизлик, оналик, кексайиш каби ҳолларда давлат томонидан ижтимоий муҳофаза этилади;

— узининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳуқуқий органлар орқали малакали ҳуқуқий ердан олиш имкониятларига эга бўлади.

Ўқитувчиларнинг касбий бурчлари ва масъулияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган ва муассаса фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа масалалар ўқув юртлирининг муваққат низоми (Устави) билан белгиланади.

Маданият ва санъат мактабига ҳамда умумтаълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ихтисос малакасини ошираётган ходимларга қушимча бериладиган имтиёзлар:

— ўқув юртига кириш имтиҳонлари топширишга рўхсат этилган ходимларга камиди 15 тақвим кун и довомида, урта махсус ўқув юртлирига кириш учун эса камиди 10 тақвим кун и довомида иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади (ўқув юртлири жойлашган ерда бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди);

— олий ва урта махсус ўқув юртлирида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар давлат имтиҳони (диплом иши) топширишдан олдинги 10 ой давомида машғулотларга тайёргарлик куриш учун ҳафтада бир кун урточа иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар;

— олий ва урта махсус ўқув юртлирида таълим олаётганлар синов-имтиҳон сессияларида қатнашиш даврида: биринчи ва иккинчи курсда олий ва урта махсус ўқув юртлирида сирдан таълим олаётганларга ҳар йили камиди бир ой; учинчи ва ундан кейинги курсда эса, ҳар йили камиди қирқ тақвим кун; олий ва урта махсус ўқув юртлирида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камиди бир ой; диплом иши лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига турт ой; урта махсус ўқув юрти талабаларига эса икки ой муддати билан урточа ойлик иши ҳақи сақланган ҳолда қушимча таътиллр берилади;

— ишхона олий ва урта махсус ўқув юртлирида сирдан таълим олаётган ходимларга синов-имтиҳон сессияларида қатнашиш мақсадида ва диплом иши лойиҳасини тайёрлаш ва уни ёқлаш ёки битирув имтиҳонларини топшириш учун ўқув юрт жойлашган ерда бориши ва у ердан қайтиб келиш учун йилгига бир марта йўлқиранинг эллиқ фоишдан кам бўлмаган қийматини тулайди.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Маданият ва санъат таълимини бошқариш тизими уч йўналишда амалга оширилади: жумҳурият, вилоят, маҳаллий ўқув юртлири. Бу табақаларнинг ҳар бирига мос келадиган вазифа, топшириқ ва масъулиятлар тақсимланади.

Маданият ва санъат кадрларини тайёрлайдиган барча урта махсус ва олий ўқув юртлири Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим вазирлиги ихтиёрида бўлгани маъкул. Мушиқа мактаблари маданият ва санъат

ат муассасалари Халқ таълими ва Маданият ишлари вазирликлари қарамоғида бўлади.

Олий ва урта махсус таълим вазирлиги жумҳурият миқёсида бошқаришга оид қуйидаги масалаларни ҳал этади. Биринчидан, таълим мафқурасини, маданият ва санъат тизими соҳасидаги ташкилий ва маъмурий-ҳуқуқий масалаларини ишлаб чиқади. Ўқув юртлирини, шу жумладан, ҳусуфий билим юртлирини аттестациядан ўтказиши ва гувоҳнома бериши. Шунингдек, норматив ҳужжатларга риоя қилиш ва кадрларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқади, уни амалга оширилишини назорат қилиб, бюджетдан ажратилган маблағларни расмийлаштириш ва тақсимлаш билан шугулланади. Иккинчидан, ўқув юртлирининг иш фаолиятини уйғунлаштириш, кадрлар тайёрлаш сифати, ходимларнинг малакасини ошириш ишлари билан шугулланиб, маданият ва санъат таълим муаммоларига оид илмий-тадқиқот ишларини таълим этиб, институтларо ва жумҳурият тасарруфида бўлган бошқа муассасаларни, муҳим илмий-тадқиқотларни, халқаро ҳамкорлик мақсадларига қаратилган дастурларни давлат маблағидан пул билан таъминлаб, қарамоғидаги таълим тизимига раҳбарлик қилади.

Вазирлик маданият ва санъат таълим тизими учун мутахассислар тайёрлашнинг узига хослигини ҳисобга олиб бу соҳанинг ўқув тарбиявий жараидида мавжуд бўладиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ҳарақатларни марказлаштириш мақсадида идораларо махсус кенгаш ташкил қилини лозим. Кенгаш қуйидаги масалалар билан шугулланади: ҳар қандай вазиятда маданият ва санъат таълими мақсади, вазифалари ва иш мазмунини ҳимоя қилиб, у ҳақда чиқадиган қонунлар, актлар юзасидан хулосалар чиқаради. Маданият ва санъат таълими масалалари доирасида барча ташабуслар, лойиҳалар, тақлифларни экспертизадан ўтказиб, илмий ва амалий ишланмаларни тайёрлайди. Уларни амалиётга тадбиқ этишни назорат қилиб, билимгоҳлар қошида махсус муаммолар ечимига қараб илмий-услубий марказларни ташкил этишга рўхсат бериши ва марказларни маблағ билан таъминлаш йўлларини белгилайди.

Худудий органлар (маҳалла қўмитаси, Халқ таълими ва маданият ишлари Бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими, маданият ишлари бўлимлари) маданият ва санъат таълими савиясига булган ягона талабларга ўқув масканлари томонидан риоя қилинишига жавоб бериши. Узига тобе бўлимларга раҳбарликни амалга ошириб, ҳар бир ҳудуддаги демографик ва иқтисодий-маданий вазиятнинг узига хослигини назарда тутиб, маданият ва санъат таълим шохобчаларининг ривожланиш режаларини тузади. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича манфаддор ташкилотларнинг фаолиятини уйғунлаштириб, бюджетдан ажратилган маблағни тақсимлаш, маҳаллий бюджет ҳисобига қушимча пул ажратиш масалаларини ҳал этади, билим масканларини аттестациядан ўтказиши.

Ўқув юртлирини бошқариш узини-узи бошқариш асосида кенг демократия ва ошкоралик шараитида амалга оширилади. Директор (ректор) давлатнинг амалдаги қонунларига таяниб ўқув даргоҳларининг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади. Барча жамоат ташкилотларини ҳамкорликка қорлаб, таълим-тарбия жараидини ижодкорлик асосида ривожлантиришга, кадрларни танлаш, жой-ойига қўйиш ва тарбиялашга бош-қош бўлади. Шунингдек, ўқитувчилар ва ходимлар томонидан бажарилиши керак булган ишлар юзасидан буйруқлар чиқаради. Ҳар бир ўқув даргоҳи, Президент ва ҳукуматнинг маданият ва санъатга оид фармонлари ҳам-

да қарорларини амалга ошириш, шу асосда таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги ва сифатини яхшилаш билан боғлиқ фаолиятни ошқоралик тамойиллари орқали амалга ошириш мақсадида узининг Муваққат низоми (Устави)ни ишлаб чиқади. Ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва тарбиявий, молия-хужалик ишларини, талаба ва ўқитувчиларни бозор иқтисодиёти жараёнида ижтимоий муҳофаза қилишга доир масалаларни кўриб чиқиб тааллуқли қарорлар қабул қилиш мақсадида илмий кенгаш тузати ва маданият фанларини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тажриба майдончалари жорий этади. Мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб олий мактабгача соҳа таълим жараёнининг барча босқичларида маданият ва санъат тахсилни такомиллаштириш, бу мақсадлар учун зарур дастурлар, дарсликлар, ўқув-усулбий адабиётлар яратиш, мутахассислар тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш борасида ҳам кенг миқёсда ишлар олиб боради.

МОЛИЯВИЙ-ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

Маданият ва санъат таълими муассасаларини маблағ билан таъминловчи асосий манба — республика ва худудий бюджетлардан ажратилган маблағ бўлмоғи керак. Мактабгача тарбия муассасаларида таълим олаётган болалар учун эса ҳақни ота-онадан давлат томонидан белгиланган мёъерларга мувофиқ миқдорларда олинди.

Бюджетдан маблағ билан таъминлаш мёъерлари Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган услубий тавсияларга мувофиқ амалга оширилади.

Маданият ва санъат таълимининг тараққиёт сифатини фақат бюджетдан пул ажратиш ҳисобига керакли даражага кўтариб бўлмайди. Шунинг учун соҳа иқтисодиёти аҳолининг яхшилашши ҳамда маданият ва санъат соҳасининг узига хос хусусиятларидан келиб чиқиб пул билан таъминланганин бошқа манбаларидан фойдаланиш лозим. Бу маблағ ҳомиёлар, оталиқча олувчи ташкилотлар ажратган маблағлар чет эл фуқароларининг ва айрим шахсларнинг таълим олиш учун тулайдиган пулларидан, ихтиёрий ўтказилган маблағлардан, тижорат фаолиятлари натижасида олинган даромадлардан, умуман қонун томонидан таъқиқланмайдиган бошқа киримлардан ташкил топиши мумкин. Турли манбалардан тушган барча маблағлар меҳнат шартномаси бўйича аниқ ижрочиларга мўлжалланган пулдан ташқари, таълимгоҳларнинг даромади ҳисобланади. Бу таълим даргоҳларидан солиқ олинмаслиги ва ўқув юртлирига ердан қурсатган ташкилотлар учун солиқ жорий этилмаслиги лозим.

Молиявий жараёнда иштирок этувчи ҳар бир муассаса жамгарма банкда узининг ҳисоб рақамига эга бўлмоғи зарур.

Маданият ва санъат таълимига алоқадор булган муассасалар (ўқув юртлири) қошида кичик ва урта бизнесга алоқадор булган турли корхоналар ташкил этилиши, бунда ходимлар, талабалар ва профессор-ўқитувчилар яратган турли маҳсулотлар кенг жамоатчиликка дуконлар орқали етказилиши керак. Таълим жараёнида қатнашадиган ҳар бир муассаса мустақил равишда хорижий мамлакат маданият ва санъат ходимлари билан иждоий алоқалар ўрнатади. Ўз ваколатлари доирасида халқаро муносабатларни амалга оширади. Муассасалар узининг муҳри, бурчак тамгаси ва бланкаларига эга бўлади.

ВАТАННИНГ ПАРЧАЛАРИ



...Анжуманга келган аёллар қўшиқ оҳангига тебраниб, сел бўлиб утиришибди. Қўшиқлари билан мана шу боқира аёлларнинг оғирини бир оз бўлса-да энгиллаштириб, уларнинг она-замин ва кўкка баробар буй чўзган руҳларига ором бағишлаётган қўшиқчи йигитга ич-ичимдан тасаннолар айтдим. Анжуман тугагач, аёлларнинг йўлма-йўл қўшиқчинг мазмунию қандай ижро этилгани, қўшиқчининг маҳорати, яна анжуманда қўрилган масалаларни муҳокама қилиб кетишларини яхши биламан. Чўнқи, бундай воқеалар уларнинг сераҳмат ҳаётида ҳамма вақт ҳам содир бўлавермайди. Яна шуни ҳам биламанки, уй-рўзгор, дала ишларидан ортиб телевизор кўришга ҳам вақтлари бўлмайди. Бугун янраган қўшиқлар уларга анча вақтгача жон озуғи бўлади. Негаки елқаларга зил кетмонини ташлаб дала томон йўл олар эканлар, сузалари чала-чулла ёдида қолган қўшиқчи оҳиста хиргойи қиладилар. Шуларни уйлаб Холдоралидан ич-ичимдан миннатдор булам. Клубдан чиқар эканман, уни эшик олдида учратиб раҳмат айтдим.

— Э, она, — дейди хижолат бўлиб, — вазиффам шу-ку. У 15 йилдан буюн шу «вазифада». Ҳали у клубда, ҳали бу дала шийонида Мулкбод аҳли учун қўшиқ айтади. Мулкбодликлар балки бэъзи бир халқ артистларини танишмас, лекин Холдорали Обоевни яхши билишадди, «уаимзининг артист», деб эъзолашади. Қўришиб қолганимизда: «Саломатмисиз, Мулкбод халқ артисти», — деб ҳазиллашаман. У жавоб ўрнида кулиб қўя қолади. Охириги марта қўришганимизда у менга бир янги қўшиғини ториэа хиргойи қилиб берди:

Оқ бармоқча ярашибдир уэунгингиз,
Жонни олди икки кўзи суэунгингиз.
Араим айтсам, тузук, дейиэ-у, қўяиэ,
Уддирли-ку мени ўша туэунгингиз.
Шеър муаллифи замонасининг билимдон кишиларидан бири бўлиб, қамқода ётиб, 1945 йили отиб ташланган Эшбоб Пардасев экан. Холдорали менга шпиринг бошқа шеърларидан ҳам ўқиб берди, жуда уяноқи, гузал шеърлар. Қўшиқчи дустим кетишга чоғланар экан: «Хола, меҳмонларни уйга олиб утинг», — дейди аямга.

Ҳаёт шу экан, Энди она-кишлогимга меҳмондай бораман. Ҳар сафар болагим кечган кўчалардан ўтиб борар эканман, кузаларимда соғинч ёшлари жийваланади. Ҳар бир майса, ҳар бир тош кўзимга чўтгай қуринади. Кўкка буй чўзган мағрур теракарлага қараб уйга толаман... Дала шийонига артистлар келгани ҳақиқиди хабарни эшитибку шў теразорларни оралаб чопар эдик биз, болалар. Артистлар дегани маданият уйи ҳаваскорлик тугараги қатнашчилари буларди. Халқ артистларини эса телевизорда кўриб билдик.

Концертдан сўнг ким қўшиқчи қандай ижро этгани, ким қандай уянаганини муҳокама қилардик. Гарчанд нима эканини билмасдик. Холдорали ҳам у пайтлар бола эди. Мана энди халқнинг оғирини қўшиқ билан энгиллаштириб келаяпти. Турмуш ўртоғи Шарифхона шафқат ҳамирсан. Кўп йиллардан бери Мулкбод шифхонасида хизмат қилади, хурмати жоийда. Дарвоқе, уларнинг турмуш қўриши ҳам қизиқ бўлган. Бир кун клубда «қатта»лардан бирининг портретини чиэйиб утирсак, Холдорали «ёрилиб» қолди.

— Опамлар, мен бир қизни яхши кўриб қолдим, лекин гапиролмайман, кўрсам тилим айланмай қолади.

Бир чорасини топиб, Шарифхонани касалхонадан қаққиб чиқдик. Ростдан ҳам Холдоралидан садо чиқмади, ўзи таърифлагандек, «тили айланмай қолди».

Биз ундан қўшиқ айтиб беришини илтимос қилдик. Шу йили уларнинг туғиб бўлди. Оравдан ўн беш йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кеттибди. Хозир худди эртақларда айтилганидек, ой деса отғи, кўн деса кўзи бор, фаршгадек, олобди қизларга севимли ота. Қўриб ҳавасингиз келадди, худо бахтининг берсин, дейман.

Она — Ўзбекистоннинг минглаб Мулкбодлари, ун минглаб Холдоралистори бор.

Бугун Ўзбекистон қай бир қўшиқда айтилганидек, «муштарас!» Бу муштарас юртда Холдорали ҳам бор, оғир кетмонини ноэик елқаларга олган заҳматкаш аёл ҳам бор. Катта шаҳардаги порлоқ «юлдуз»лар ҳам шу Ватан ва шу санъатнинг парчаларидир.

Раҳимхон ҚҲҒИРОВА.

ЖАМШИД ЗОКИРОВ

Ўзбек театр санъати, хусусан, миллий опера тарихида Ўзбекистон халқ артисти, машҳур ашулачи Карим Зокировнинг урни ва макени бекиёсдир. Атоқли санъаткор опера театри ривожига катта ҳисса қўшиш билан бирга умуммиллий ижрочилик санъатига аjoyиб истеъодларни етказиб берди. Ботир Зокиров, Науфал Зокиров, Фарух Зокиров, Луиза Зокирова — бу номлар ҳар бир эстрада шайдося муҳлисига таниш ва қадрдон. Уларнинг миллий эстрада санъати тараққийотидаги урни ва улуғлиғи ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳар

бири куламдор ижод соҳибларидир. Биз қуйида бу оиланинг аънаванасидан сал четрокда, аниқроғи, ашулачи эмас, балки драма театри актери сифатида ижод қилаётган кенжа вакили — Жамшид Зокиров ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Жамшид Карим Зокировнинг актёрлик санъатини изчил давом этираётган, сулола театри актери раёни кейинги авлодга узатаётган таниқли санъаткорлардан биридир. У театр санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистонда хизмат курсатган артист фахрий унвони билан тақдирланган.

Жамшиднинг болалиғи бевосита

санъаткорлар даврасида ўтди. Уша даврнинг кузга қуришган санъаткорлари уларнинг хонадонига тез-тез келиб туришар, ўзбек театр санъатига, ашулачилик ва соҳнадиққа оид суҳбатларнинг охири қуришмасди. Баъзан оқшом бошланган суҳбат қизғин ва самимий издиҳомга айланиб, тоннтача давом этарди. Ҳазил-мутойиба, қўшиқ, мусиқа авжга чиқарди. Гоҳо спектакллардан бир қуриш ижро этилар, ҳамма сахнала роль ижро этаётгандек асар руҳи билан яшар, гоҳо эса ана шу спектакллар уларнинг нигоҳи билан мунозарали тус оларди. Бу қизиқарли, завқ-шавқли томошалар катталар тутул, болаларни узгача бир сеҳрли оламга чорларди.

— Қуларнинг бирида ана шундай издиҳомга Комилжон Отаниёзов уз сози, қўшиқлари билан фойз қиритиб, барчани маҳлиё қилиб қуйлаётганди, — ҳикоя қилади Жамшид ҳаёлан умрининг бегубор давларига қайтиб. — У киши қуйиб-ениб дилбар бир қўшиқ қуйларди. Бу қўшиқ узининг шўх жозибаси билан мени шўнчалар узига сеҳрлаб олгандики, мени даврага чорларди. Лекин мен кўпчилик олдида уялиб турардим. Охири чидаб туролмадим. Юрагимдаги завқ мени даврага қандай олиб чиққанини сезмай қолдим. Мен шундай бир уйнадики, асти қўяверасиз. Давралағилар мендан бунни асло қутишмаган эди. Менга ҳамма хайрат билан қарар эди. Комилжон Отаниёзов ҳам аввалдига завқ-шавқ-ла мени кузатди-да, сўнг мени даст қутариб: «Келажакда зур санъаткор бўлади», — дедилар. Чин дилдан билдирилган бу тилакка фаришта «омин» деган экан пекилли, тақдир ҳаётимни бир умрга санъат билан боғлади.

1965 йил. Ёз ойлари. Жамшид ҳаётида санъат олами томон бурилиш ясалган йил бўлди. Бунга ҳам бир воқеа сабаб бўлди.

Ўқувчилик йиллари эди. Оиланинг бош фарзанди, ўзбек эстрада санъатининг намоёниси Ботир Зокиров Украинада ижодий сафарда бўлди. Сафарга жўнаш олдиан Ботир ака Жамшилга қараб: «Ёзги таътил пайтинг. Буш вақтинг қут», — деб ўзи билан бирга олиб кетди.

— Ботир акам аjoyиб инсон эди, — хотирлайди Жамшид ҳаёлга берилиб. — Ёшлигимда жуда шўх эдим. Кенжатай бўлганим учунми оилада бирмунча эрқароқ эдим. Мендан ҳар қандай шўхликларни қутиш мумкин эди. Ботир акам қаттиқ тағирмай, қойимай, ширин сўз билан тарбиялаб, туғри йўлни топишимда жуда катта ердам курсатдилар. Менга ҳам ота, ҳам ака, ҳам дуст, ҳам устоз бўлиб урناق бўдилар. Ижодий сафар давомида акам билан изма-из юрдим. Ҳар бир концерт, ҳар



Жамшид ЗОКИРОВ ва Гавҳар ЗОКИРОВАлар «Тақдир эшиғи» спектаклида.



Жамшид ЗОКИРОВ ҳамда Наби РАҲИМОВ репетиция вақтида.

бир чиқишлари, уларни олқишлаган мухлисларини куриб, ҳавасим келди. Ана шу сафар мени санъат оламига қадам босишимга сабаб бўлди.

Жамшиднинг омади бор экан. Санъат институтида Сора Эшонтураева, Носир Отабоев, Х. Кожевников каби машҳур санъаткорлардан сабоқ олди. Улар Жамшидни театр санъати, актёрлик маҳорати сирлари билан ошно этдилар.

Устозларнинг одамлилиги, меҳрибонлиги Жамшиднинг театрга бўлган муҳаббатини мустаҳкамлади. Дилига элга манзур бўладиган ролларни уйнашдек эзгу ниятни солди.

Институтда Шекспирнинг «Ромео ва Джульетто» асари диплом иши сифатида тайёрланди. Жамшидга Меркурио роли берилди. Машҳур режиссёр А. Гинзбург Жамшид Меркурио ролини малакали ижро этганини куриб, ўйлаб утирмай уни Ҳамза номидаги академик драма театрига олиб келди.

Машҳур актёрлар даврасида бўлиш, улар билан бир сахнада роль ижро этиш Жамшид зиммасига катта масъулият юкарди. Устозларнинг назарига тушиш, уларнинг ҳар бир маслаҳатларига қулоқ тутуш, театрда утаётган ҳар бир буш дақиқада устоз актёрлардан ниманидир ўрганиш Жамшиднинг асосий вазифасига айланди.

Театрга ёш, ammo истиқболи ёрқин режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг театрга келиб, диплом иши сифатида А. Дюманинг «Ажал минораси» спектаклини сахналаштириши унинг ўзи учун ҳам, ёш актёрлар учун ҳам воқеа бўлди. Жамшид бу асарда қотил Ландрэ образини яратди.

Шу тарихда Жамшиднинг ижодий парвози бошланди. Бирин-кетин янги-янги роллар яратди. Ҳозирги кунга қадар бу образлар сони қирқдан ошиб кетди.

Одатда, ҳар бир актёр маълум бир роли орқали элга кўпроқ танилади. Бу роль ҳоқ ижобий, ҳоқ салбий бўлсин, унинг ижодида ёрқин бир юлдуз бўлиб, порлайди. Аброр Ҳидоятовнинг Отелло роли, Зайнаб Садриева яратган Фармонбиби образи, Гани Аъзамовнинг Мумини, Обид Юнусовнинг Утқурийси шулар жумласидандир. Жамшид Зокиров ижодида бу образ Шароф Бошбековнинг «Тақдир эшиги» драмасидаги Қўшни йигит образидир.

Биз Жамшид Зокиров ижро этган образларга нигоҳ ташлар эканмиз, барчасида тақомилга интилиш, томошабилларга қандайдир янгилик бериш ва уларни ўзи уйнаётган ролга ишонтиришга уриниш кучли эканига гувоҳ бўламиз.

Маҳмула АБДУЛЛАЕРОВА.

Санъатимиз намояндалари

Муҳаббат
ТУЛАХУЖАЕВА,
санъатшунослик
номзоди

FABVOC



(БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР)

70-80-йиллар Ўзбекистон театр ҳаётида энг мураккаб давр ҳисобланади. Ана шу давр сахна муаммолари ҳақида гапирмай туриб, ҳозирги замон ўзбек драма театри режиссёрлик жаранини ва баъзи ижодкорлар турғисида гапириб бўлмайми. Зеро, миллий режиссура 70-йилларга келиб, янги гоё ва сахнавий ифода шакллариини излай бошлади. Ана шу даврда режиссёрлик санъатига Карим Йўлдошев, Рустам Ҳамидов, Мансур Равапнов, Жўра Маҳмудов каби ёшлар билан бир қаторда сахнага белини маҳкам боғлаган Баҳодир Йўлдошев ҳам қирқиб келди.

У Ҳамза номидаги академик драма театрида Александр Дюманинг «Ажал минораси» асарини илк бор сахналаштириб, эл оғизга тушди. Айнан шу асар ва номлари юқорида зикр этилган ёшлар — ёш режиссёрнинг ижодий янгилик қидиришлари консерватизм, ағъанавий ечим билан тўқнашди. Шу мубоабат билан режиссурага икки оқим ʻужулга келди. Бир томон замонавий сахна санъати қўлга киритган ютуқларини эмин-эркин қўллашга интиля, иккинчи томон узоқбонига урғилиб, баъдий ҳақиқат категорияларини (тоифаларини) менсимас, театр санъатида содир бўлаётган янгиликларни қуришни, эшитишни истамас, режиссурадаги миллий ағъаналарга, сахнада реалистик ундларни қарор топтирганлар тажрибасига лоқайд қарар эди.

Фаол ижодий изланишлар қосибликка ҳос бир хил андоза билан бирга яшар эди. Унларча спектакллар табер қоллар асосида ишланди. Сахнада оддий машийи қуришлар, актёрларнинг сахнага чиқиб матнини еддан рўҳсиз, жонсиз, маъносини бурттирмай бир хил оҳнда гапирини, мезонсахналарнинг ишланмаганлиги, жун оммавий сахналар кузга ташларан эди. Режиссура «одий мақсал» ва «такчии хатти-ҳаракат»ларда

қисман сезиларди. Спектаклларда қудамдорлик, мазмундорлик, аслик етишимасди. Ижрода тимсол хатти-ҳаракатининг сабаблари қисман, ишора тарзида очиб берилар эди. Сузларнинг моҳияти мавҳум қоларди.

Эстетиканс эскириб қолган ағъанавий услуб ҳаёт ва санъатнинг янги талабларига жавоб бера олмас эди. Шу боис, аввалти авлод режиссёрларининг эстетик вазифалари ўзгартирилшини замоннинг ўзи тақозо қиларди. Ушбу жараен янгиликлари Ўзбекистон халқ артисти, атоқли режиссёр Тошхўжа Ҳужаевнинг шоғирди Баҳодир Йўлдошев ижодий фаолияти билан кўпроқ боғлиқдир. Баҳодир Йўлдошев Ҳамза номидаги драма театрида навбатчи режиссёр сифатида иш бошлади, кейин Ленинградда Катта драма театрида машҳур режиссёр Г. Товстоногов хузурида тажриба кўрди. 1974 йилда театрга қайтиб келгач, унга ижодий жамоани бошқариш тошширилди.

У ҳозирги замон театрида миллий театрининг урни, сахна санъатининг тарққийети ҳақида ўз фикрига эга бўлгани учун ағъанавий спектакль тайёрлаш ундларини, йўлларига қарашларини, нуқтан назарини ўзгартиришга мажбур эди. Машаққатли изланиш, йўл қуйган камчиликларини текшириш оқибатида спектаклнинг баъдий яхлитлигини таъмиловчи янги тизимни қудлай бошладди. Бу тизим спектаклнинг говийи ва образди оламини таъминловчи куп планли сахнавий мубоабатларни баркамол кўрсатиш имкониятини яратди. У темп-ритми ўзгартирди, унга янгироқ, «юртиловчи» йўсин берди. Уз спектакларида ҳужумкор услубни қудлади, томошабин билан сахна уртасидаги пардадан воз кечди, сахнадаги воқеалар билан томошабин орасида рухий узвий яқинлик ҳосил қилди.

Драматурглардан Мустанг Каримнинг «Ой тутилган тунда», Улмас Умарбековнинг «Комиссия», Б. Васильевнинг «Руйхатларда йўқ...», Саид Аҳмадининг «Келинлар кузгони» спектаклларида макон ва замон чегарасини суриб, расмом Г. Брим билан ҳамкорликда актёр ва томошабиннинг ягона оламинг вужудга келтириди. Биобюнинг, артистлар томошабинлари унинг жалб қилиб, уларни воқеаларнинг том маънодаги иштирокчиларига айлантирилади. Томошабинлар сахна воқеаларини ҳам фикран, ҳам қалбдан ҳис қилиш имкониятига эга бўлилади.

Режиссернинг бунаёқ концепцияси реал сахна воқеаларида фақатгина бадият муаммоларини касб эттирибгина қолмай, балки театр санъатининг ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий, маънавий масалаларига муносабатини ҳам билдиради. Режиссер топган ташбеҳлар, мезонсаҳналар, қўлланган монтаждлар, эпиклар, театр публицистикаси усуллари асарнинг ташқи беағзи эди, ҳоло. Улар актёрларнинг шиддатли, маънодор ижросида қўлдан, салмоқ касб этарди ва мураккаб инсоний муносабатлар, драматик тақдирларда кузга аниқ ташланар эди. Бунаёқ Б. Васильевнинг «Руйхатларда йўқ...» спектакли яққол мисолдир. Б. Йўлдошев шу асар талқини учун А. Попов номидagi мукофотга сазовор бўлган. Режиссер расмом Г. Брим ва фикрдош ёш артистлар билан бирга қаҳрамон мавзусини янгилаш талқин қилиб, ғалабага эришти, узбек театрининг қаҳрамонга романтик рўҳда асар яратиш анъанасини янги погонга кўтарди.

«Руйхатларда йўқ...» спектаклининг шакли, қурилиши ва кулами жиҳатидан одат бўлиб қолган мезонларга тўғри келмас эди. Спектакль қурилишининг соддалиги ва мазмундорлиги билан томошабинларни дарзага солди. Воқеа инкизи хил замон ва макон ўлчамда оқиб бўлади. Воқеалар бевосита кечалдан Брест қалъаси қурилиши томошага қўшилиб кетган. Натijaда тарихий, жанговар ҳодисалар рўй берадиган улкан майдон вужудга келган. Режиссер ва расмомнинг бу топқирлиги тўғрисида томошабинлар ҳам тарихий воқеаларнинг иштирокчисига айландилар. Ушбу кенг майдоннинг (иккинчи ўлчам) ортида дўшман ин курган. Ана шу маконнинг навбатма-навбат, тўхтовсиз алмашиб туриши, эпизодларнинг усталик билан аниқ монтаж қилиниши натijaсисда сахна ҳаракатининг изчиллигига эришилди. Унинг ритми ешлар қурсатган қаҳрамонлиқнинг маънавий заминини топишга ва тушуниб олишга ердан беради.

70-йиллар театр амалиёти катта ва урта авлод вақиллари бўлиши режиссерларнинг таърихиясини ўрнатишга, уларнинг ижодидолиги энг қимматли топилмаларни ўзлаштиришга қизиқиш уюлтирди. Бу масалада Б. Йўлдошев сахналаштирган Саид Аҳмадининг «Келинлар кузгони» асари муҳим аҳамият касб этди. У ушбу асарни сахналаштиришда халқ қизиқчилар театри анъаналарига мураккаб эди.

Театр ва режиссер эскириб қолган, халқнинг маънавий тараққийига тўсиқ бўладиган одатларни қурсатиш орқали инсон қалбига эъзулук уюлтувчи, олдий бахтга эришишга хизмат қилувчи инъияти мусика, рақс, пантомима, комик томоша орқали таранум этди.

Баҳодир Йўлдошев театрининг етакчи режиссери сифатидa тарихий асар-

ларга ҳам тез-тез ва дадиллик билан ёнашди. У ўз талқинларида замонавий ечимларни топишга интилиди. Режиссер миллий анъаналарни ўзлаштириб, уларни жаҳон театр кашфиётлари, ютуқлари билан муқоёса этар экан, психологик театр ва реалистик ечимлар театри синтези асосида спектакль яратишга ҳаракат қилди. Ана шу иланишларнинг ҳосиласи улароқ, драматург Туроб Туланин «Нодирбағим» драмаси асосида шу номли спектаклини томошабинларга тақдим этди.

Ижодкор драмани сахналаштириш мубоиятида узбек театрининг романтик томошабинлардан воз кечмаган ҳолда маншый ечимлардан, ортиқча мелодраматизмдан қутулишга уринди.

XIX аср шоираси ва маликаси Нодирбағимнинг қалб тугенларини, нидоларини, метин иродасини, ижодиёти силарини тушунишга қалит ахтарди ва уни «Шаймақом»нинг ички тугенидан топди. Бу мусиқали ташбеҳ спектакль услубиятига широна нафас, ранг, оҳанг берди. Саҳна воқеаларининг драмаси ва фалсафий моҳияти бўлиши ижодкор шахсининг халқ билан, унинг узоқ тарихий маланияти, урф-одати, анъаналари билан рухий боғлиқлигини кашф этди.

Қорғида тилга олинган, мавзу ва жанр жиҳатидан турлича бўлган спектаклларида Б. Йўлдошевнинг миллий театр анъаналарини бойитишга ҳаракат қилгани кузга яққол ташланади.

Узбек миллий театр жараени 80-йиллар бошида бир оз сусайганда туюлади. Аммо ана шу пайтда инсон ва давр муаммосини янгилаш идрок этиш учун ижодий қувват ва таъриба тушланди. Б. Йўлдошев драматург М. Бобоевнинг «Гурунг» («Тошкентлик мехмон») асарини 1982 йилда сахналаштирди. Бу спектакль олма фикрини, дидини шакллантиришга қаратилган эди. Манштанавислик ва театр ҳаёлати, ҳаққонийлик ва шартлилик, психологизм ва публицистика режиссер иланишларини қурсатувчи нуқталардир. Бу масалада ҳамма нарсани драматург ва режиссернинг даврга, инсон рухий оламга, ҳаёт жараёнларига нозик ендоишини хал қилди. Зеро, спектакль маънавий ва маънавий-эстетик уртасидаги қурашни тажассум этган эди.

Режиссер софидил, олдий инсон қалбини, уни ураб турган муҳит ва одамлар саҳиясини ҳаққоний ифодалашга, маънавий қашшоқ қишларнинг ички оламини фощ этишга интилиди. Драматург Машира Бобоев ҳаётини бир булақчасини таъсирчан таъсирлайди. Бу таъсирда маълум инсоний қадриятлар бўзилган, саховат, ному, инсоний одоб, одамийлик каби тушунчалар поймол қилинган. Режиссер ва расмом ана шу манзарани сахнада жоилантирашлар.

Саҳнада олдий қишлоқ ҳовлиси, бир чеккага еғоқ қўйилган. Жамоат жанр бир томонда ошга ҳозирлик қурилмоқда... Топшентдан келган мехмон (шаҳар) қуришга Абдували ақанинг ериши олиши керак. У ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳеч нарсалдан қайтмайди. Спектакль охирида Абдували ярғити еришиб ўлади. Солир бўлган зумлдан даҳшатга тушиб, қулази катта очилган еш бола ердан сураб томоша залига — халққа ҳайқиради. Театр ва режиссер бола ҳайқирини орқали утсизлик, худбинлик, келишувчанлик, роийшликка нозоридлик билдирадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

узбек театри 70-80-90-йилларда мураккаб иланишларнинг давом эттирди. Б. Йўлдошев «Гурунг» ва «Юлдузи туғилар» спектаклларида инсон рухий-маънавий ҳаётини инкишоф этишда бадий ҳақиқат қилганда амал қилишни, янги сахнавий шакллари, голярини иланишни изчи давом эттирди. Шу боис, бу спектакльлар узбек театри тарихида ва режиссер Б. Йўлдошев ижодидa босқич спектакллари айланди. Биобюнинг, айнан ушбу икки асар узбек театри ва режиссернинг бадий голяри ва муаммолар юзасинда 70-йиллар уртаси ва 80-йиллар бошида олиб борган иланишларга яқун ясади (Театр ва режиссура жараёнини қузатиш ана шундай таассурот қолдириди).

Шу билан бирга, бу бадий жараён иланишнинг ижтимоий-сиёсий ҳолат тўғрисида бир оз қучайган кузга ташланади. Бунта «Майсаранинг иши» спектакли яққол мисолдир.

Қорғида тилга олинган спектаклларида сунг Баҳодир Йўлдошевнинг «Майсаранинг иши» комедиясига мураккаб қилиш қучилки учун қутилмаган воқеа эди. Ҳозир уша давр театр амалиётига назар ташлар эканмиз, Б. Йўлдошев бу асарни бежиз танламаганини ҳис қиламиз. Театр миллий меросни тиклашга бел бўлаган эди. Режиссер ва расмом томошани сахнадан очик майдонга қучиришлар. Малакали артистлар халойик уртасида масхараболларнинг группасини қурсатишди. Артистлар доира-у карнай-сурнайларнинг садоси остида майдонга тарқалиб кетадилар, ҳамма нарсани томошабин куз олдига намойиш этиб, бир нафасда қиёфаларини ўзгартириб, иккинчиолма, мутаҳам, мунофиқ қишларини мазак қиладилар, бир-бирини суйган икки ешининг бахтига тилақдош бўладилар. Майдон уртасига қўйилган арава ва тикилган до анъанавий театр ашелари бўлса-да, комедия воқеаларини жоилантиришга сира монелик қилмайди, аксинча, томошабин этибторини воқеага қучириқ тортиди. Анъанавий театр томошаларини соғиниб юрган қишлар қалбан ва фикран асар мавзусини шунгиб кетадилар, тўе сехрланиб қоладилар.

Анъанавий театр улдаларидан усталик билан фойдаланган режиссер спектаклининг янада жоилроқ қишқини учун асар воқеасига қушиқ, рақс, пантомима, интермедияларни қўшган. Артистлар ҳам ўз тимсолларини эркин таҳлил қиладилар. Улар тимсолларни турии қизгиларда гавалантирадилар. Типиклаштириш усулидан фойдаланиб, маълум ижтимоий типларнинг жоили ва мазмундор қишқинини таъминладилар.

Ҳамза драматургиясига мос томоша воситаларини топиш учун иланиш қучна анъаналарини уюлтиришга, тикланишга сабаб бўлди. Баҳодир Йўлдошевнинг бу ишни бошқа театрларга ҳам кенг ёйилди. Натijaда Ҳамзининг асарлари янгилаш талқин тоғди, узининг янги қирларини қурсати.

Ушбу мақола Ўзбекистонда хизмат қурсатган санъат ароби Баҳодир Йўлдошевнинг режиссерлик санъатидан бир шингил, ҳоло. Унинг Аброр Ҳидоятлов номидаги театрда сахналаштирган асарлари, иланишлари катта таъдиқотни талаб қиладилар. Биз узининг 50 ешини нишонлаган замонамизнинг атоқли режиссерига сийҳат-саломатлик, ижодий мувафакциятлар тилар эканмиз, у хали бами-соли гавосдек, театр уммони қарилдан янги-янги дувлар териб, томошабинларга тақдим этишга ишониб қоламиз.

ЭКРАНДА ЭМ ҚАҲРАМОН

80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб еш замондош образи экранда ҳар томонлама чуқур таҳлил қилина бошланди. Шу даврга юзага келган ижтимоий-сиёсий муҳит кино санъатининг жамият ҳаётида юз бераётган узғаришларга янада таъсирчан акс-садо беришни тақозо этарди. Қатор йиллар мобайнида куникмага айланган мурт қоллилар секин-аста емирилиб, айнан «ижобий» эки «салбий» эмас, балки турмушнинг бор қарама-қаршиликларини, ижтимоий тафовусларни, умуман ҳар бир инсонга хос бўлган яхши-ёмон хислатларни узда мужассам этган қаҳрамон тимсоли экранда ўз ифодасини топа бошлайди.

Бу даврда жамият нуқтаи назари асосан азалий қадриятларга, «турғунлик» таърифини олган яқин ўтмишга қайта баҳо бериш, шу кунгача ҳар қандай шубҳалардан истисно бўлиб келган «қаҳиқатларни» қайтадан таҳлил қилишга қаратилган эди. Яқин-яқинларгача ҳукмронлик қилиб келган бадиий тафаккурни мафқуравий ғояларга бўйсундириш каби турғунлик даврининг иллатлари кинода ижодкор имкониятларини суъайтиришга, оқир-оқибат экрани асарлари савиясининг пайсайишига олиб келди.


Экранда инсон сиймосини бадиий ифода этиш принципларининг тадрижини кузатар эканмиш, айнан шу даврга келиб еш қаҳрамон образи ўз моҳияти билан ижодкорларнинг эътибори марказида эканини курамаш. Энди, маънавий изланишлар, руҳий кечинмалар таҳлили билан машғул қаҳрамонлар урнига ижтимоий жиҳатдан бирмунча фаол, жамиятдаги инқирозни, ҳаётнинг барча соҳаларидаги таназуулни тулалитича ифодаловчи қаҳрамон даркор эди. Қаҳрамонга юкланган янги тамойиллар кино санъаткорларидан ҳам мавзу, ҳам бадиий ифода борасида аввалгидан фарқланувчи янги муносабатни талаб қиларди. Бу борадаги изланишлар авваламбор мавжуд воқеликка мос ифода, таъсир воситасини, яъни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган зиддиятларни ифодаловчи экран тилини кашф этишни тақозо қиларди. Узоқ йиллар мобайнида қўлланиб келинган «конфликtsizлик» назариясидан соқит бўлиш, шу билан биргаликда, ўзбек киносида кенг тарқалган «поэтик» ифода услубидан ҳам чекинишга тўғри келди...

1984 йилда режиссёр Элёр Эшмуҳамедовнинг Одишшо Ағишев ва Жасур Исҳоқовлар билан ҳамкорликда ёзган сценарийси асосида яратилган «Алвидо, гур ешлигим» (1984 йил) бадиий

фильми юқоридаги фикримизни ибобтлайди. Фильмда режиссёр ижодида хос бўлган поэтик мушоҳада услуби ўз кучини йўқотмаган бўлса-да, воқеалар ривожига давомида баён услуби кескин драматик хусусият кашф эта бошлайди. Фильм бош қаҳрамони Темур (Ф. Манафов ижросида) ўз сийратига даврининг барча тафовусларини мужассам этган том маънода ижтимоий руҳли образдир.

Темур сароб қадриятлар — амал, шухрат, катта даромад йулида энг пок, масъул усмирлик орзуларидан кечали, уларга хиенат қилади ҳисоб. Олдий хонадонда етимликда вояга етган йигит учун катта лавозим, сохта хушомаллар ешликдаги орзулари, армонлари урини босгандек туюлади. Лекин у зиннинг мансаб, бекаму-қўст турмуш, обрў ва шухрат сари элтувчи погоналар пойига келтирган қурбонлиқларининг ҳақиқий қийматини ҳаёти эвазига англаб етди. «Алвидо, гур ешлигим» фильми 1986 йил Олмаотада утказилган Бутуниттифок кинофестивалининг бош совринларидан бирига сазовор бўлди. Умуман, бу картинанинг экранларга чиқиши нафақат ўзбек киноси учун, балки собиқ иттифок кинематографияси учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Фильмнинг бадиий салоҳияти унинг мавзусидаги долзарблик билан уйғунлашиб кетди. Шунга ҳам назардан қочирмаслик лозимки, «Алвидо, гур ешлигим» фильми таназзудга юз тутган номукамал жамиятда алоҳида шахсининг урни, айни шу нотуларликдан келиб чиқувчи ихтилофларнинг туб сабабларини таҳлил этиш борасидаги илк ижодий уринишлар-

дан бири эди. Фильмнинг бош қаҳрамони Темур узига нисбатан анча юқори мавқега эга бўлган ижтимоий қатлам намоияли Улфатга кунгли куяр экан, асарлар давомида неча-неча Тоҳиру Зухраларни завол қилган молдий, синфий тенгсизлик муносабатларига юзма-юз келади. Қаҳрамонларнинг болалиги, усмирлик онлари узгача илиқлик, меҳр билан таъсирланади. Фильм стилистикасига юзланидиган бўлеак, уни шартли равишда икки йўналишдан иборат, дейишимиз мумкин. Қаҳрамонларнинг болалиги тўғри келган 60-йиллар Тошкентнинг ретроспектив таъсири, қўп хонадонли уйлар ҳаёти таъсир топган лавҳалар поэтик мушоҳада этилади. Элёр Эшмуҳамедовнинг қарийб барча фильмларида бегуборлик, ушалган ва ушалмаган орзулар тимсолига айланган, умид ва армонларнинг лиммо-лим Анҳор таъсир этилган кадрлар фикримиз далилидир. Аммо асар баъни асосий конфликт сари яқинлашаркан, субъектив-лирик ҳикоя услубига воқеликни кескин чизгилар билан таъсиф элтувчи, нафис туйғулару ҳиссиётларга бешафқат драматик оҳанглар қўшила бошлайди. Фильм бош конфликтининг ижтимоий характери айнан шу услубни тақозо этгандек туйлади. «Ким эдинггу, ким буласан?!» — деб Улфатнинг отаси Темурнинг муҳаббатини таҳқирлар экан, қаҳрамон қалбда ижтимоий, молдий тенгсизликка, адолатсизликка қарши исен туйғусини уйғотди. Лекин бу туйғунинг ҳақиқий исенга айланишига ҳали мавруд етгани йўқ. Муаллифларнинг қаҳрамонга бўлган муносабатлари ўта самимий бўлиб, унга узлари-



«ТАВБА» фильмидан кадр.

А. ЛОПАТИН фотоси.

нинг ҳайрихоҳ эканликларини яшириб утирмайдилар. Шу сабабдан ҳам энг пок идеалларини ўзи утириб, юқори маккага, моддий неъматлар сари элтувчи осон йўлни тутган қаҳрамон образи талқинида салбийликка ишора ҳам йўқ.

Катта мансаб, обрӯ-этиборга эришган Темур (фильм давомида Уфлатнинг отаси ҳам бунӣ эътироф этади), сафардан қайтаётганида Уфлатни учратаркан, голиб эмас, мағлуб эканини англаб этади. Қаҳрамоннинг ҳалокати унинг маънавий мағлубияти мантиқини қилиб чиқарилади... Темур катта пулдорнинг арзанда ўғли қилган қотилликни яширишдан бош тортар экан, «ҳаммани» ва «ҳамма нарсани» сотиб олишга жазм қилган Ортық Алиевич ёки Ризаевларига эмас, бутун бошли тузумни, жамиятни пароканда айлаган улкан кучга қарши исен кутарди. Қаҳрамоннинг бу исени бир зумлик чакмоқ англиш «ялғ» этиб ёнида, зумлат қаърига чуқди. Бу исен унинг ҳаёти эвазига содир бўлди.

Э. Шехмухамедовнинг О. Агишев ва Ж. Исҳоқовлар билан ҳамкорликда яратган «Қарахлик» (1988 йил) бадий лентасида ҳам шахс ва ижтимоий тузум ўртасидаги тафовут ўз аксини топган. Бу фильмни муаллифларнинг аввал яратган асарлари, анкироғи, «Ажойиб йилларимиз», «Алвидо, гур ёшлиқлар» фильмларига қиеслар эканмиз, киномушоҳаданин янги услубини, қаҳрамон образи талқинидаги янги тамойилларни сезмай илоҳимиз йўқ. Бундай қиеслаш санъаткорлар ижодини кузатишга имкон берали: энди муаллифлар диққат-эътиборини кўпроқ кенг куламли ижтимоий-маънавий муаммолар жалб этади, шу аснода ижодий тафаккур ҳусусий кечинмалар таҳлиладан бутун бошли сиёсий тузум, унда ўз берган ижтимоий-маънавий силжишлар таҳлиладан келиб чиқувчи умумлашмалар даражасига кутарилади. Шунинг билан биргаликда, қаҳрамоннинг ижтимоий воқелик билан алоқадорлиги ўзгача маъно кашф этиб боради. Бу ўринда «Орзу-умидларимиз қушлари», «Учрашувлар ва айрилиқлар», «Ажойиб йилларимиз», «Алвидо, гур ёшлиқим» фильмларининг қаҳрамонларини елга олиш кифоядир. Уларнинг ҳаётида инкирозли ҳолатлар юзга келар экан, бу тангликнинг сабаби асосан қаҳрамоннинг ички дунёсидаги таназзул билан боғлиқ, унинг интилишлари, эҳтиёжлари ва рухий-маънавий имкониятлари ўртасидаги номуносибликдан ахтарилади. Бундан ташқари, айрим қаҳрамонлар (Рустам, Тош, Темур) бу зиддиятларни бартафоз этиш чораларини излар эканлар, фақат ўз шахсий имкониятларига таянадилар. Анкироғи, муаллифлар шахс билан жамият ўртасидаги зиддиятни англасалар-да, бунинг сабабини айнан алоҳида шахснинг номука-

маллигида, деб ҳисоблайдилар.

«Қарахлик»нинг қаҳрамонлари эса бу масалага ўзгача нуқтаи назардан ендашайдилар. Журналист Мурод Юсулов (Рустам Саъдуллаев) ҳам, район фирқа кумитасининг собиқ котиби Нуриев (Мурод Ражабов) ҳам, атрофларида содир бўлаётган нопокиликларни пайқаб, бу зиддиятларнинг чуқур ижтимоий илдизларини очиб ташлашга ҳаракат қиладилар, атрофдагиларга маънавий-руҳий ёқуд амалий қумак учун муурожаат этадилар. Улар нафақат ўзларининг шахсий эҳтиқодлари, балки умуминсоний қадриятлар ҳимоясига отланадилар. Фильм давомида воқеалар мушоҳадасининг очик публицистик тус олиши ҳам шунданлир. Биз фильм мубайнида қаҳрамонлар характери, дунёқарашининг шаклланиб боришини кузатмаймиз. Аслида, муаллифлар бундай жараёни назарда тутмайдилар ҳам. Уларни қаҳрамон мавжуд тузумдаги муайян муносабатларга киришган кучларнинг тимсоли сифатида қизиктиради. Қаҳрамон бу муносабатлар силсиласида муаллифларнинг мавжуд воқеликка булган муносабатларини белгилувчи мезондир. Мурод — адолат йўлидаги кураш тимсоли бўлса, Назиров — унинг акси, жамиятдаги парокандлик, ҳуқуқсизликлар тимсолидир... Фильм муаллифлари бош қаҳрамонни шундай кучга қарши қўядиларки, бу тенгсиз курашда унинг ҳалокати муқаррардир. Анкироғи, бу кучларнинг қулами ва қудрати ҳам таъдир асар бошида аниқмас. Фильмда Шаҳобзо (Рустам Уразов) образи орқали даврга хос яна бир қусурнинг «белгиси»га ишора қилинади. Ижтимоий тузумдаги таназзул, иқтисодий тангликни келтирган қаллоблик ва нопокиликлар охири-оқибат маънавият оламида ҳам инкирозга олиб келган эди. Шаҳобзо образи замиридаги беандошлик, ўзгалар бахтсизлигига парвосизлик, қолаверса, бешафқат муносабат нафақат айни шу ижтимоий қатлам, балки бутун бошли авлодни пароканда этиб ултурганди.

Рашид Маликовнинг «Клиника», Санжар Бобоевнинг «Тушқунлик аччи» каби фильмлари ҳам замондошлар маънавий оламида юзга келган инкирозли ҳолат ҳақида ҳикоя қиладди.

«Клиника» фильмнинг бош қаҳрамони — жарроҳлик клиникасининг еш шифокори Олим Собиров (Б. Зокиров) ташқаридан назар солганда ҳеч бир жихатлари билан бошқа тенгдошларидан фарқланмайди. Клиникада олиб бораётган илмий тадқиқоти рисоладагидек кетаётти, тугри, бу йўлда анча-мунча қийинчиликлар ҳам бор. Устига устак, рафикаси билан юлдузи келишмай, турмушлари бузилган. Қизчасини ҳам онда-сонда куради, лекин фильм муаллифларини Олимнинг бу омадсизликлари сабабларидан қура,

кўпроқ юзга келган ушбу вазиятда у узини қандай тутиши қизиқтиради. Клиника раҳбари Рустамов (Ш. Эргашев) Олимнинг илмий ишини орқага суришга ҳаракат қилади, унинг ўрнига лаеқатсиз бошқа ходимани қўллаб-қувватлайди. Албатта, Рустамовнинг бу сая-ҳаракатлари бегараз эмас, чунки Валиевнинг «юқорида» маддакорлари бор. Рустамов оғир беморнинг жарроҳлик операциясини Валиевага топишар экан, бу хасталиқ унинг илмий тадқиқотига оид эканини рўқач қиладди. Укувсиз операция натижасида бемор оламдан утади... Муаллифлар бу вазиятни таҳлил этадилар, ижтимоий муносабатлардаги парокандлик, бешафқатлик, таниш-билгинчилик, касбга лаеқатсизлик каби иллатларнинг қанчалар кенг қулоч ёзиб, инсоний муносабатларга кириб борганини таъкидлайдилар. Атрофдагиларнинг бепарволигиндан, маънавий совуққонликдан чарчаган қаҳрамон клиникани тарк этишга жазм қиладди. Яъни бу туқнашувда мавжуд муҳит қаҳрамоннинг имкониятларидан устун келади, қолаверса, бундай яқун мантиқан табиийдир. Зеро, шахснинг яқка ўзи бутун бошли жамиятни қатлам-бақатлам емириб келётган парокандликка бас кела омайди. Лекин муаллифлар фильмни бундай тушқун кайфиятда тугаллайдилар. Олим клиникани тарк этганида ҳам, у ерда Валиев сингрии укувсиз шифокорлар ҳеч бир тисқисиз фаолиятини давом эттириши муқаррар эканини англагач шифохонада қолишга аҳд қиладди. Бу ҳақи галаба эмас, лекин мағлубият ҳам эмас.

Умуман, 80-йилларнинг иккинчи ярми, 90-йилларнинг бошида яратилган бадий ленталарни ўз ҳожиат-этиборига қура, икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга таалуқли фильмлар асосан яқин ўтмишдаги воқеаларга янгича баҳо беришга, шу давр муҳитидан келиб чиқиб, тоталитар тузумнинг халққа утказган зумлорқ сиестатини, ундан келиб чиққан асоратларни фощ этишга қаратилган асарлар бўлиб, уларнинг талқини экран публицистикасини елга солади. Бу характердаги картиналарнинг асосий мақсади ижтимоий ноҳақликларни, маънавий таназзулни ифодашдан иборат бўлиб қолди. «Алвидо, гур ёшлиқим», «Қарахлик», «Сукуч кодекси», «Қанлаҳорда тобианглар», «Сиз кимсиз?» фильмларида юқорида қайд этилган муаммолар ўз ифодасини тошган.

Иккинчи гуруҳдаги фильмлар шартли равишда «изланишдаги экран асарлари» деб аташимиз мумкин. Чунончи, миллий илми яратиб йўлидаги изланишлар, синналган, эстетик, параметрларга, жанрларга суяниб, тижоратпо фильмлар яратинишга қаратилган сая-ҳаракатлар, янги бадий-тасвирий воситалар, соф кинематографик ифодалар, шаҳл ва мазмун борасидаги из-

ланишлар бу фильмларга хос. «Кузларим йулинга», «Тушларимда гапгим йилгайман», «Абдуллажон», «Камилла», «Тонг отушча» фильмлар ана шундай изланишларнинг натижасидир.

Ўзбек киносида сунги йиллар давомида мавзуларнинг алмашишини, қахрамонлар талқини борасидаги силжишларни кураемиз. 1988 йил ёзувчи Нурулло Отахоновнинг ҳикояси асосида режиссёр Хотам Файзиев томонидан экранлаштирилган «Оқ бино оқшомлари» бадий фильми муҳаббат ва садоқат, зино ва поклик, эҳтирос ва идрок каби инсоний туйғулар ҳақида яна бир бор мулоҳаза юритишга ундайди. Картина қаҳрамони Ҳафиза (Л. Сайдалиева) серкатлам, чукур психологик образ бўлиб, уз ривожига муайян мураккабликларга эгадир. Қаҳрамоннинг доим ҳам мантиққа тўғри келаверилайдиган ҳатти-ҳаракатлари унинг мураккаб ички оламидан келиб чиқади. Ҳафизага хос иккиланиш унинг эри Шарифжон ва маҳбуи Авазбекка бўлган муносабатлари бир қатъий қарорга келишига йўл бермайди. У қувончсиз ҳаётдан, турмуш тапшишларидан, қолаверса, турининг заифлигидан эзилган, руҳан ҳеч қачон эркин қулоч эза олмаган, армонлари ва изтироблари заволига қолган олдий қишлоқ аёлidir. Унинг муҳаббатга, меҳрга ташна қалби озодликка талпинди, заиф, ҳимоясиз тафаккури эса уни ҳадиқлар, иккиланишлар уммониға итқидади, боши айланган аёлға телбаикдан уза чора қолмайди... Атрофда ўзбек аёлининг фожеси, айниқса, қишлоқ аёллари уртасида уз-узига ут қуйиш ҳолатлари ҳақида бонг урилайдиган бир вақтда қаҳрамоннинг бундай талқин этилиши табиийдир. Тўғри, фильмда қаҳрамонларнинг тақдирини кескин ижтимоий ёки долзарб публицистик оҳанглардан ҳоли. Ахсинча, воқеалар баъни дирик характерда бўлиб, қаҳрамонларнинг ҳиссий олами, туйғулари орқали идрок этилади. Асар конфликтини ҳам асосан ички, ботиний характерда бўлиб, қаҳрамонлар қалбида юз бераётган узгаришлар, уларнинг ташқи муҳитни англашларидаги субъектив нўқтани назарларидан келиб чиқади.

Маънавий таназзулга юз тутган жамиятдаги низолар, ҳар қадамда луч келувчи ноҳақдиклар ва инсон тақдирига лоқайдлик натижасида жанбушга келган жиноий унсурларнинг шафқатсиз, разилона ҳатти ҳаракатлари, қонун ва жазо муаммолари режиссёр Даврон Абдуллаевнинг «Суд куни» бадий кинолентасининг диққат марказида туради.

Фильм муаллифлари (М. Боймуҳамедов, Д. Абдуллаев) кинода анчадан бери қўлаб келинаётган драматургик услубда, узида ёзулик ва евузликини мужассам этган қарама-қарши кулларнинг туқнашуви ҳақида ҳикоя қиладилар. Фильм қаҳрамонлари Бек

(Б. Муҳаммадқаримов) ва Журақулларнинг (Р. Саъдуллаев) болалиги ёнмаён, бир маҳаллада кечади. Лекин иккала қаҳрамоннинг ҳам қисмати турлича шаклланади. Мағрур ва софдил Бек ҳали балоғатга етиб улгурмай, ноҳақлик ва тўғмақ қурбониға айланади. Ҳасадлуғ Журақулнинг кирдиқорлари оқибатида Бек озодликдан маҳрум бўлади. Фильмнинг дастлабки қалрларида ноқ нўмоён булган разолат, евузлиқ куз олимизда қаҳрамоннинг тақдирини заҳарлайди. Журақул эса қинғир ва попоқ йўллар билан мансаб погоналаридан қутарила бошлайди. Фильм драматургисига қура, учинчи қаҳрамон — Гузал образи (Н. Олимова) икки қарама-қарши образнинг туларок очиб берилишида айнан белгиловчи, муҳим урин тутайди. Аслида Бекнинг нақадар олижаноб эканлигини ҳам, Журақулнинг пасткаш, қабих табиатиини ҳам уларининг Гузалига бўлган муносабатлари орқали кашф этамиз. Бу поклик ва қабоҳат уртасилиғи курашининг асл қурбони ҳам Гузалдир. Афсуски, фильм замирида Гузал образининг тулақонли аксини топмаган. Гузал — Бек, Гузал — Журақул узаро муносабатлари схематик, юзаки талқин этилади.

Маънавий поклик, эътиқод бутунлиғи, инсонлар уртасидаги муносабатларини уларни вояға етказган замин билан алоқадорликда урганиш фильмнинг бош мақсадлидир.


Фильм қаҳрамонларининг қисмати билан танишар эканмиз, уз-уздан савол туғилади: асарнинг гоёси, унинг кинематографик талқини томошабинга нечоглик тушунарли, яқин? Экранда бирин-кетин алмашинаётган сахналар қалбларда заррача бўлса-да ҳис-туғйу уйғота оладимиз?

Албатта, фильмда акс этган воқеалар талқиниға, бадий услубига қатор эътирозлар билдиришға ҳақимиз. Авваламбор, фильмда яхлит бадий образлар, мукамал характерлар етиш-

майди. Бош ролларда Рустам Саъдуллаев, Баҳзод Муҳаммадқаримов каби иқтидорли, жушқин ҳиссиётли актерлар суратта тушган бўлишиға қарамай, драматургик асоснинг номукамаллиғи сабабли экранда қаҳрамонларнинг ички драмасини, улар характерлидаги динамиқани қурмаймиз.

Умуман, 80-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек бадий киносида ешлар мавзуси ҳақида уйлор эканмиз, шу даврда «Ўзбекфильм» киностудиясида ташқил этилган «5-студия» ешлар тажрибавий иждоий бирлашмасини елга олмоқ лозим. Студия 1986 йил Ўзбекистон кинематографчилар уюшмасининг ташаббуси билан ташқил этилганди. Режиссёр Юсуф Азимов узининг «Писмик қиз», Олим Эргашев «Унсоий», Хотам Файзиев «Оқ бино оқшомлари», Собир Назармуҳамедов «Бурилар», Исмаат Эргашев «Топш каним», Жаҳонғир Файзиев «Сиз кимсиз?», Баҳром Еқубов «Еш ёзувчининг кундалиғи», Фарҳод Хайдаров «Чанграморе», Юрий Собитов «Қандаҳорда тоблаганлар» каби фильмларини суратға олишди. Шу даврда кинематография соҳасида далил қадамлар билан кириб келган еш режиссёрлар иждоий, узига хос ифода услублари ўзбек киносининг янғи босқичиға асос бўлди десак, алдаммаймиз.

Замонавий мавзуга, асосан замондош ешлар маънавий олами талқиниға янғича нўқтани назардан енлашган еш режиссёр Жаҳонғир Файзиевнинг «Сиз кимсиз?» фильмида жамиятимизда, инсонлар уртасидаги муносабатларда илдиз отган иллатлар юмор воситасида фош қилинади. Маънавий қашпоқлик ва бепарқдик жамиятда, қолаверса, алоқида шахс қиёфасида қай тариқа акс этиши мумкинлигини яна бир бор таъкидловчи бу долзарб асар ўзбек киночилиғида янғи йўналишини бошлаб берди. Анъанавий мавзу талқинидан йироқ, мураккаб сюжет йўналиши, муаллифларнинг бир қараш-



«ЮЛДУЗИНГИНИ БЕР, ОСМОН» фильмидан.

Ф. ДАВЛЕТШЧИН фотоси.



«БИР ҚАДАМ УНГА, БИР ҚАДАМ СУЛГА» фильмидан. Бахтиёр — К. Мирҳодиев, журналист — А. Леванская.

А. ТРАВИЦКИЙ фотоси.

да зерикарли, ута жун туюлган воқеа-ҳодисаларни фавқуллода ўткир, янги нуқтаи назардан таққин эта билиш маҳорати, бош ролда суратга тушган актёр Б. Зокировнинг узига хос ижро услуби фильмининг бадий салмоғини оширди.

Ж. Файзиевнинг «Камми» деб номланган картинаси ҳам замондош ёшлар ҳаётига бағишланган бўлиб, мутақил ҳаётга қадам қуюётган Камилла исмли қизнинг машаққатли ва бетакор улғайиш онларини, унинг маънавий оламида юз берган жараёнлар ҳақида ҳикоя қилади. Ташқаридан қараганда қувноқ, шовқин-суронли ҳаёт кечираётган ёш қаҳрамоннинг аслида ёлғиз экани, кўп сонли дустлари ҳам, бошидан кечирган турли саргузаштлари ҳам уни ана шу таъҳоликдан қутқара олмаслиги муаммоси фильмининг марказида туради. Сюжетлар ривожидagi қутилмаган бурилишлар, ҳар бир лавҳа, сахнанинг секин-аста ривожлана бориб, охир-оқибат «портловчи» мароми ҳам, қай бир маънода «эҳтиросис» ижро ҳам, онда-сонда алманишиб турувчи урта ва йирик планлар, икона ёки миниатюра асарларини эслатувчи сахналар, дилкаш мусиқа ҳам фильм иждоқорларининг шаклибидан бораётган инсон қалбининг ҳар бир тебранишини, тугилаётган ҳислар оҳангини ифода этишга нечоғли уринганларидан далолат беради.

Режиссёр Фарҳод Хайдаров суратга олган «Гуноҳ» бадий лентасининг асосий қаҳрамонлари — Басира, Эркин, Ботирлар — асосан маънавий изланишлар, ахлоқий муаммоларни, бу муаммоларнинг жамият ва инсон шахси уртасилиги тафовут гирдобида мураккабланиб боришини ўз тимсолида акс эттирадилар. Умуман, режиссёр Фарҳод Хайдаровни иждоқор сифатида кишлоқдан шаҳарга келган ёшларнинг руҳиятида юз берган ўзгаришлар, маънавий дунёсида руй берган сил-

жишларнинг туб моҳияти, бадий ҳақлиги ташвишлантиради. Бу ўринда режиссёрнинг ёзувчи Эркин Аъзамов ҳикояси асосида суратга олган «Чантрамор» номи бадий лентасини елга олмоқ даркордир. Пойтахтта ўқишга келган Комрон (Шухрат Умаров) ва унинг кишлоқда бирга катта бўлган дустри Рамазон (Муҳаммадjon Холмаъ) уртасидаги муносабатлар фильмининг марказида туради. Комрон баҳоли қудрат ўқишни тугатиб шаҳарда қолади, шу ерда оила куриб, яхшигина лавозимга эришади ҳам. Энди уни зиярат қилиб келган кишлоқлик оғайниси Рамазон кузига оми ва ута қолақ бўлиб қўрига бошлайди... Дустининг очик кунгилигини — тупорилликка, соддалигини — маданиятсизликка йўя бошлайди... Муаллифлар икки дустининг қачонлардир муштарак бўлган интилишлари, дунёқарашларининг энди турли қутблар сари йўналиш олганига шамма қиладилар.

Режиссёрнинг «Гуноҳ» картинаси ҳам умуман олганда ишбу маънавий муаммонинг бадий таҳлилини давом эттиради. Мусиқали мелодрама жанрида суратга олинган бу фильмининг бош қаҳрамони — Басира (Юлдуз Ҳамидова ижросида) шаҳарда таҳсил олади, шу билан бирга ёқимли овоз соҳибаси ҳамдир. Басира ва унинг ҳамкишлоғи Нурали (Фотиҳ Жалолов) бир-бирларига кунгил берганлар, турмуш қуриш нииятдалар... Лекин шаҳри азимнинг бир қарашда сурурли, «гузал» ҳаёт мароми Басиранинг бошини айлантириб қўяди. Бу уртада дунёга келган фарзандини Нуралининг қулига тутқазар экан, Басира бойлик, чиройли ҳаёт, шухрат томон пунғийди. Тез орада бу саробларнинг нақадар алдамчи ва бепаймон эканини англагач, у дардига шифо излаб кишлоқига қайтади. Ота-онаси, Нуралининг оиласида катта бўлаётган зурриёди, қолаверса, Нуралининг олдидаги гуно-

ҳини ҳеч қачон юва олмаслигига қузи етган Басира ўз жонига қасд қилади. Яъни, қачонлардир енгилтақлик оқибатида йўл қуйилган гуноҳ қаҳрамони нундан ҳам даҳшатлироқ гуноҳ сари етказилади...

Юсуф Розиковнинг «Фаришта олов ичра» бадий лентаси ҳам мусиқали мелодрама жанрида суратга олинган, унда акс этган муаммолар ҳам «Гуноҳ»дагилар билан муштарак. Лекин қаҳрамон тақдирини ифода этишда муаллифлар узгача йўл тутадилар. Фильмининг бош қаҳрамони Наргиза қисмати кескин ижтимоий чизгилар кашф этади. Фильмда ташландик болалар мотиви нафақат маънавий, балки ижтимоий зиддиятлар муҳитида акс эттирилади. Фильмда яна узбек аелининг санъатдаги тақдирини муаммоси ҳам гавдаланади.

Юрий Собитовнинг сценарийнавис Зулфигор Мусоқов билан ҳамкорликда яратган «Бир қадам унга, бир қадам сулга» бадий фильмида ҳам шахс ва ижтимоий муносабатлардаги зиддиятлар, номуаносибликлар марказий урин еталади. Бош қаҳрамон — Бахтиёр исмли йигит тақдирини кенг руйий-маънавий умумлашмалар берилди. Бу ўринда муаллифлар инсон шахсининг шаклланишида эътиқод, поклик каби маънавий мезонларнинг қанчалик муҳим эканига ургу берадилар.

«Бир қадам унга, бир қадам сулга...» бадий фильми воқеалари меҳнат билан қайта тарбиялаш зонасининг тиконли симлари остида ҳўз беради. Фильмда бош қаҳрамон Бахтиёр ролини иستهълоди актёр Карим Мирҳодиев ижро этган. Бу образ мукамал драматургик асос ва актёрнинг маҳоратли ижроси натижасида нечоғли чуқур психологик таҳлил, қолаверса, бадий-философий умумлашмалар кашф этиш мумкинлигининг исботидир. Муаллифлар бош қаҳрамон образини экранда тасвирланган воқеаларга довуру тула шаклибидан улгурган қуринишда ҳавола этадилар. Уларни авваламбор қаҳрамонини бу қўйга тушишда ким айбдорлиги ёки кунунда алолат ва ноҳақлик муаммолари эмас, балки унинг инсон сифатида айрим анъанавий синовларга нечоғли дош бера олиш масаласи қизиктиради. Қонун ва Ижро, Гуноҳ ва Жазо эса қупроқ мутақил маънавий-ахлоқий сифатлар тарзида таққин этилади.

Режиссёр Собир Назармуҳамедовнинг ёзувчи Хайридин Султонов қаламига мансуб новеллардан асосида суратга олган «Тушда гагмин йилгайм» фильмининг бош қаҳрамони Музаффар чуқур ҳиссий, руйий-философий кечинмалар мажмуини ифодалайди. Шу билан бирга, образ асосида ҳаётий фожеа этади. Музаффарнинг эҳтиросларга бой ички олами ҳам, беназир иستهълоди ҳам уни атрофдагилардан тубдан фарқланишига ишора қилади.

Фильм конфликтни асосан ички, ботиний руҳда бўлиб, шахс ва она заминнинг алоқдорлиги, Ватанга муҳаббат, поклик ва разиллик каби чуқур маънавий-фалсафий муаммоларда зоҳир бўлади.

Музаффар (У. Музаффаров) асли қишлоқда туғилди вояга этган. Унинг муסיқга қобилиятини сезган муаллимлари, отаси шаҳарга уқишга юбордилар. Музаффар яхши муסיқчи бўлиб етишди, катта театр оркестрида виолончел чалади. Йигит қалбон она қишлоғи талинса-да, имкония туполмайди, чунки бу ерда унга иш йўқ... Бунинг устига, гулакгида дефолиациядан кучли захарланган. Фақат то ҳавосигина унга маъна була олади. Биз қаҳрамон билан шундай гапни ҳолатда танишамиз. Хушманзара тоғ санаторийларидан бирда даволанаётган Музаффарни бир томондан бетухтов йўтал азобга солса, иккинчи томондан — хотиралари, аниқроғи, бу хотиралардаги таҳлика ва гусса, умид ва тушқунликларни мужассам этган тушлари, рӯёлар... Фильмнинг асосий сюжет воқеалари ҳам Музаффарнинг туши орқали берилди. Баъзи саҳифаларда эса воқеалар қаҳрамоннинг унда кечаяптими ёки тушида эканини англаш қийин. Фильмда истъёлод ва садоқат, муҳаббат ва ҳиёнат, наҳот ва тушқунлик сингари инсоний ҳислар, кечинмалар қаҳрамон шахснинг уни қамраб турган муҳит, шароит билан тўқнашувиде, узаро зиддиятида акс эттирилмайди. Музаффар образининг асосий хусусияти шундан иборатки, қаҳрамоннинг ички дунёси борлиқ билан нозик мувозанатга киришади.

Умуман, жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги табришлар, улкан узғаришлар экранда тасвирланган ёш қаҳрамон образида уз инъикосини топиши табиийдир. Зеро, нураб, яқсон бўлган ёш «устқурмалар» вайронасидан турри йўл танаб чиқа олиш, бу йўлда давр талабига жавоб берувчи асарлар яратиш осон эмас. Фильмнинг сарф этилган маблағларни қоплаш олиш-олмаслик имконияти, яъни унинг тижоратбон экани бутунги кун нуктаи-назаридан муҳим аҳамиятта эга. Лекин шу уринда экран асарининг бадийий қиймати ва томошабинбон жиҳатлари ўртасидаги қуз илгамас нозик мувозанатни сақлаб қола олиш ижодкорлардан профессионал маҳорат, узига хос истъёлод талаб этади.

Масалан, 1992 йил «Имон» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасида сценарийнавис ва режиссер Жасур Исҳоқов ҳамда Рустан Саъдуллаевлар томонидан суратта олинган «Кетма...» бадийий фильми айнан биз юқорида тилга олган ҳислатларни мужассам этган.

...Фотима узига тук, обрўди оилада улгайиб катта бўлди. Ҳар қизда бўлганидек, у ҳам бир йигитга кунгли беради, ёшлар аҳд-наймон қилишади. Ле-

кин йигитнинг насли-насаби ким, қизнинг оиласи мавқеига мос келадими? Табиийки, муҳаббатнинг ширин ҳаёлларига берилган ёшларни бу саволлар қизиқтирмасди. Лекин кўпни кўрган Азим Курбоневич Ҳафизовни, турган гапки, айнан шу масала таъвишландиради, у қизининг раъйига қарши чиқади, булажак қувё ҳам Ҳафизовнинг салобатидан қўчиб, аниқроғи, мўмай пара эвазига уз мақсаддан чекинади. Ота-онасидан, севган йигитидан наҳот топмаган қиз уйдан кетишга аҳд қилади. Бирок... у кетишга улгуролмайди: Фотимани номаълум кимсалар угирлаб кетишади. Қиз угрилари отадан катта пул талаб қиладилар. Аслида Бек (Б. Қосимов) ва Санжарни (Б. Матчонов) пул эмас, балки қачонлардир уларнинг қисматиға раҳна солган Азим Курбоневичдан қасос олиш имконияти қизиқтиради. Вазият яна шу билан мураккаблашалики, Санжар ва Фотима урталарида муҳаббат уйғонади. Ота-си томонидан Санжарга отилган ўқ Фотиманинг ҳаётини чилпарчин қилади.

Фильмдаги томошабинни таҳликада ушлаб турувчи шитобли қув-қувлар, жинойий элементлар ўртасидаги олдидилар, ур-йиқитлар тасвирланган лавҳалар ҳеч кимни асар қаҳрамонларига нисбатан бефарқ қолдирмайди.

А. Исмоиловнинг режиссер сифатида суратта олган «Эҳтирос қурбонлари» фильмида ҳам муҳаббат ва мавқе, ҳиссиётлар олами ҳамда адоватлар туғени ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильм марказидаги икки ёш қаҳрамон — Анвар ва Жамила образлари хусусида тўхталадиган бўлсак, уларнинг гузал туйғулар, нозик ҳиссиётларга тула романтик қиёфалари ортда мустаҳкам дунёқараш, эътиқодларнинг йўқлигини дарҳол сезасиз. Уларнинг фожеаси ҳам мана шу маънавий заифликларидир. Бу айниқса, фильмдаги хоҳ ижобий, хоҳ салбий хусусиятлар катта авлод вакилларининг қатъия-

ти олдида янада буртиб кузга ташланади.

Исамат Эргашевнинг «Тилла бола» фильми эса куннинг долзарб муаммоларини юмор, ҳажвия орқали тадқиқ этиш, ҳам томошабин кунглини очувчи тижоратбон экран асари яратишдаги аввалги уринишларнинг давомидир. Муаллифлар қурки билан, тағти-ҳаракати, довораклиги, ишбилармонлиги билан ҳаммани қойил қолдирувчи «зур» қаҳрамон урниға ута камтарин, куризмизигина ассинозаторни марказий қаҳрамон сифатида илгари сурар эканлар, уларнинг мақсадлари аён; инсонни ташқи қурки, жисмоний устултиги ёки давлати, обрўий учун эмас, қалбнинг поклиги, мақсадларининг соғлиғи учун эъзозлаш керак.

Сўнги йиллар ўзбек халқи учун мураккаб синовлар, эзгу интилишлар, хур орзулар даври бўлди. Мана, бутун ҳам миллий истиқолол билан боғлиқ улғур режалар ва орзулар оғушида яшамоқдамиз. Биз ўзимиз яшаб турган тузумни, жамиятни янгилаш арафасида турар эканмиз, бу янгилиниш нафақат иқтисодиёт ёки сиёсатта, балки маърифат, илм, санъат, маданият, ҳула, тафаккурнинг барча қатламлариға тааллуқлидир. Бу янгилинишлар озми-кўпми кино санъатида ҳам уз аксини топили ва топмоқда. Айни пайтда, миллий экран санъатининг узиде ҳам сезиларли узғаришлар кечмоқда. Бу, хусусан, сўнги даврда яратилаётган экран асарларида фалсафий фикрларнинг кучайганида, инсон қалбининг чуқурроқ тадқиқ этила бошланганида, ҳаётни бадийий идрок этишда ранг-баранглик пайдо бўлганида кузга ташланади.

Нигора КАРИМОВА,
Х. Х. Ниязий номдаги
Санъатшунослик илмий
текшириш институти кино ва
телевидение бўлими кичик илмий
ҳодими.




«ЮЛДУЗИНГИ БЕР, ОСМОН» фильмидан.

Ф. ДАВЛЕТШЧИН фотоси.

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

АБДУРАУФ АБДУРАҲИМ ЎҒЛИ ФИТРАТ



ФИТРАТ НАФАҚАТ XX аср узбек адабиётининг, айна замонда, Марказий Осиё маданиятининг улкан намояндаси эди ва шундай бўлиб қолади.

Истанбул дорилфунунининг профессори Меҳмед Сарой узининг бир қатор тадқиқотларида, шу жумладан, «Рус ишғоли даврида усмонли давлати ва Туркистон халқлари орасидаги сиёсий муносабатлар. 1775—1871» китобида (Истанбул, 1984), «Отатурк ва Турк дунёси» рисоласида (Истанбул, 1988) узбек олими Фитратни турк оламида Исмоил Гаспирали (1851—1914), Мухаммад Фуод Купрулуода (1890—1966), Зиё Кўкалп (1875—1924) сингари улуг мутафаккирлар сирасига мансуб, деб ҳисоблайди.

Фитратнинг фаолияти сингари ижоди ҳам гоят кўпқиррали, Фитрат толмас курашчи ва ислохотчи. Айна вақтда, зийрак демократ ва кенг маънодаги сиёсатшунос. Халқ нозир ва етук жамоат арбоби. Газета ва нашр ташкилотчиси сифатида ҳам танилган ва эътироф этилган. Жаҳоний ва қомусий олим, улкан тарихчи ва шарқшунос. Тилшунос олим сифатида ҳам эъзозли, мусика тарихига оид машҳур ишлар муаллифи. Халқ оғзаки ижодининг жонқуяри ва йирик фольклоршунос. Нафақат адабиёт тарихининг йирик олими, айна пайтда, адабий танқидчи сифатида ҳам танилган.

Ҳаётининг турли соҳалари хусусида кенг ва теран мулоҳаза юритувчи публицистик мақолалар битган. Фитрат баъдий ижодининг деярли барча тур ва жанрларида ижод этган. Прозаик, шoir, драматург...

«Фитрат» сузининг маъноси «туғма табиат, яратилишдир». У уз мақолаларини берида шундай дейди: «Мен Осиёнинг энг қора диний марказларини ва қора бир усул идорага тобе бўлган Бухорода 1886 йилда туғилдим. Биринчи тарбияни эски усулдаги диний бир мактабдан олдим. Мактабдан чиққач, диний бир

мадрасага кириб, дарс олдим, намоз ўқидим, мутаассиб бир мусулмон эдим». Фитратнинг отаси Абдурахим узбек, онаси Бибижон (Мустафбиди) тоjik эди. Ёш Фитрат узига туқ, савдогар оилада улгайиб борди. Отаси Абдурахим бадавлат, савдо ишлари билан шуғулланиб келган фозил бир киши эди. Нуфузли ота углига алоҳида эътибор билан қарайди. Лекин биз ҳозирга қадар отанинг ўз фарзандини тижорат ишларига жалб этганими ёки йўқми, ёш Фитратнинг отаси ишларига алоқаси, муносабати хусусида маълумотларга эга эмасмиз. Қолаверса, Абдурахимнинг 1903 йилда Бухородан бутунлай Қашгарга ўтиб кетгани фатига дуч келсак-да, унинг қисмати, oilаси ва фарзандига муносабати турғисида ҳам маълумотларни учрата олмадик.

Америкалик олим, Колумбия дорилфунунининг профессори Э. Олуорсининг аниқлашича, Фитрат ўн турт ёшидаёқ (1900 йилда) илм-фан соҳасида кузга ташланган экан (Э. Олуорс. Бухоролик Абдурауф Фитратнинг муҳокамалари. Ёзин ва Урта Осиёнинг илмий ёзишмалари, 5-жилд, 1991 йил, 2-бет).

Фитрат Бухоро мактаб ва «Миродоб» мадрасасида таҳсил олиб юрган йилларида Шарқ адабиётларини, узбек ва форс адабиётларини, уларнинг йирик намояндалари ижодини кенг ва теран мутлола қилади.

С. Айний узининг «Бухоро инқилоби тарихи» китобида ёш Фитрат ҳақида шундай дейди: «Бу даврнинг очиқ фикрли ёшларидан бири Абдурауф Фитрат эди. Бу шахс Бухоро талабалари ичида энг қобилиятли ва фозилларидан ҳисобланар эди. Мирзо Абдулвоҳиднинг мактабида кўп бўлмаган бўлса-да, мударрис Абдуқодир маҳдум воситасида «Сирожулмустика» журналини мутлола қилиши натижасида фикри анча очилган эди. У Истанбул сафарига тайёргарлик кураар эди. Бир баҳона билан Бухоро вилоятларига саёҳат қилиб, кўп

нарсаларни тўплади ва Истанбул сафарига тайёр бўлди. Низомиддин Урганжийнинг жияни Муқимбек Абдурауф билан бирга ўқир ва унинг яқин дусту эди. Амакиси билан муносабати яхши бўлмагани туфайли Муқимбек Чоржўйда маҳбус сифатида сақланар эди. У ҳам Фитрат билан Истанбулга қочмоқчи бўлиб қўлали фурсатни кутарди. Шиа ва сунъий фожиясидан сунг Мирзо Урганжий Бухорога келгач, Муқимбек бу қўлали фурсатдан фойдаланиб, 1911 йилнинг баҳорига Абдурауф билан Эрон орқали Истанбулга қочиб кетди».

Тарихий ҳужжатлар ёш Фитрат Шарқнинг буюк сиймоларидан Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз, Бедил, Савдий, Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Жомий, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий ва бошқа кўплаб мутафаккирлар асарларини севиб ўқиганини тасдиқ этади. Айна замонда, ўша даврда машҳур бўлган бир қатор рўнома ва жаридаларни ўқиб борган. Бу уринда бокчасаройлик аллома Исмоилбек Гаспирали тахририда чиқадиган машҳур «Таржумон», Уфода чоп этиладиган «Шуро» ва «Ислом дунёси», «Тараққий», «Хуршид» ва бошқа унлаб газета-журналларда босилиб турган даврнинг долзарб масалаларига қизиқиб борганини эслаш кифоя. Ниҳоят, бир қатор омиллар ва гоёвий таъсирлар асосида ёш Фитрат «қадимчилар» билан «жадидчилар» орасидаги кескин курашларда аввал қадимчилар сафида бўлди ва сунгра тезда жадидчилик ҳаракатига қўшилиб кетди, унинг машҳур арбобларидан бўлиб қолади. Фитрат ёзади: «Ҳатто Бухорода янги бошланган жадидлар ҳаракатига ҳам қаршилик қилдим. Сунгралари жадидлар ҳаракатига ораландим. У замондаги зеҳнининг таъсири ва эски жадидларнинг таъшиши ва ёрдами билан Туркияга таҳсил учун бордим. Бу вақтларда мен диний реформа тарафдори эдим, динни фан билан ке-

лиштириш, фанга тўғри келмайтурган хурофот қисмини диндан чиқариш, динни тозалаш ҳаёлларига ишонган эдим.

Диний реформа кетидан юриш мени динсизликка олиб борди. Дин хурофотдан ажралса, нарғи томонда ҳеч бир вақт келиша олмаганига ишондим ва шунинг натижасида диндан қайтдим, динга қарши фикр тарқатдим, менинг динсизлигим ўзбеклар ва тоқилар орасида ҳаммадан бурун, ҳаммадан кўпроқ машҳур бўлган. Бу нуқтани инкор қилиб бўлмайдими».

Профессор Эрик Каримов бир мақоласида Фитрат ижодини асосан икки даврга, яъни 1905—1917 йиллар — инқилобдан аввалги давр ва 1917—1937 йиллар совет даврига бўлиб урганишни лозим куради. Менинг назаримда, Фитрат фаолияти ва ижодини бир неча даврларга бўлиш зарурияти туғилади. Фитратнинг фаолияти ва ижоди 1915 йилгача муайян бир даврни ташкил этади. Бу давр Фитрат ижодининг бошланиши ва шаклланиш нуқтаси, деб ҳисобланиши асослидир.

Хозирга қадар ўзбек адабиётшунослигида Фитрат ижодининг бу илк даври ҳақида дерли бирор жиддий тадқиқот иши пайдо бўлгани йўқ.

Фитратнинг кейинги фаолиятлари сингари дастлабки ижод йўли ҳам ўта мураккаб ва зиддиятларга бой бир даврдир.

Аввалига диний мактабларда ва мадрасаларда таълим олган бир мусулмон Бухоро ўлкасида рўй бераётган ўта зиддиятли турли-туман воқеалар, ғовий оқимлар таъсирида берилади. Шулардан бири — жадидизм оқими бўлиб, аста-секин бутун Бухорони ва амирлик тузумини ларзага келтиради. Уша йиллари «қадимчилар» номини олган ва амирлик тузумини сақлаб қолишга фаол интилган, уни фидоийларча ҳимоя қилган уламолар, руҳонийлар ва амир-амалдорлар жадидчилик ҳаракатига қудратли бир куч билан қарши чиқдилар. Фитрат узи эътироф қилишича, аввалига «мутаассиб бир мусулмон сифатида янги бошланган жадидлар ҳаракатига қарши» боради. Тезда бу қалтис йўлдан қайтади ва жадидчилик оқимига қўшилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, йўналишининг бу нуқтаси Фитрат фаолиятида ва қалби, онгида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини тасаввур этишга имкон беради. Биз бу ҳолни унинг Туркиядаги ҳаёти, фаолияти ва ижодида мунаввар кураемиз.

ФИТРАТНИНГ ТУРКИЯДАГИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

XX аср бошларида Туркияда ҳам миллий уйғониш кучли тус олади. Ёш

турлар ҳаракати тобора кучайиб боради.

Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам бу ҳол сезилади. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ҳаракати пайдо бўлади.

Баъзи манбаларда 1910 йилда фақат икки шахсининг — Бухоро мадрасаларида таълим-тарбия олган Пулатхўжа қорининг ўғли Усмонхўжа (1893) билан Ҳамидхўжа Меҳрийнинг Истанбулда бўлгани, уларни Туркиянинг илгор зиялилари ва арбоблари катта меҳр билан кутиб олганликлари, бу йилларда Туркия ҳарбий нозирни бўлган Анвар Пошо билан учрашувлари, сўхбатлар қилгани нақл этилади.

Турк олими (асли бошқирд маърифатпарвари ва инқилобчиси) Аҳмад Заки Валиди Тўғон «Бугунги турк эли: Туркистон ва яқин тарихи» (Истанбул, 1947, 1981) китобининг «Ерли Туркларда сиёсий ташкилот» бобида 1910 йилда Бухородан Туркияга келганлар орасида мударрис Ҳожи Рафий, Мирзо Абдувоҳид, Аҳмаджон Маҳдум, Мукаммалиддинлар ҳам борлигини алоҳида қайд этилади. 1910 йили Фитрат ва Мўқимиддин (С. Айнинг тилга олган Мўқимбек бўлса керак — А. Қ.) Эронга, кейин у орқали Истанбулга борган бўлса, Усмонхўжа эса аввал Россияга, сунгра у орқали Туркияга келади. Истанбулда келганлар орасида гулжалик Абдулазиз ва Содиқ Ашур ўғли ҳам бор эди. Янги-янги йўллари излаётган бу зиялилар Туркиядаги мактаб ва маориф масалалари билан танишиш борасида бу ўлкада рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан қизиққан, албатта.

Туркия олимлари ва санъат вакиллари билан учрашувлар ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа долзарб масалалар хусусида узаро сўхбатлар тез-тез бўлиб турган.

Бухородан келган зиялилар «Тарбияий атофол» жамиятини барпо этидилар. Бу жамиятнинг бир қатор бўлимлари таркиб топади ва ўзига мус тадбирлари тузилади. Унда Бухородан Туркияга 1911 йили 11 талаба, 1912 йили эса 36 талаба келиши режаси тузилган. Улар «Туркистон нашри маориф жамияти»ни таъсис этиш учун фаол ҳаракат қиладилар. Бу масала ҳам ижобий ҳал этилади. Бу борада Фитратнинг хизматлари катта бўлади.

Авваллари Исмоилбей Гаспирали ҳам, Бехбудий ҳам Туркияда яшаганлар. Бирини узоқ вақт, иккинчисини ҳийла оз. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам бу ўлкадаги рўй бераётган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар, янги-янги тафаккур тулқинлари, замонавий ғоялар ва интилишлар, жадидчилик ҳаракатлари мафтун этади. И. Гаспирали «Доруссаодат мусулмонлари» асарига ёзади: «Константинополь, Смирна, Қоҳира, Дамашқ, Тунис ва бошқа кўп-

гина Осиё марказларидаги мусулмон жамиятлари ҳар жиҳатдан Россия мусулмонларидан ўзиб кетишган. Сиз уларнинг орасида Оврупони ҳис эта-сиз, ақлий ва ахлоқий ҳаётда жонла-нишни, мутлақо осиеча бўлмаган ғоялар ва интилишларни эшитасиз...»

Фаол жадидчи Фитрат Истанбулда ёш туркларнинг ҳаракатлари билан алоқа боғлашга, уларнинг вази-фалари ва мақсадларини билишга интилади. Мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга алоҳи-да эътибор беради. Бу уринда «Иттиҳод ва тараққий» деб ном олган инқилобий уюшмани эслаш жоиз. Фитрат олим ва адиб, публицист сифатида бу уюшма фаолияти билан танишади. Тарихий фактлар Фитратнинг бу йилларда турк олимлари, хур фикрли инқилобчилари ва тараққийпарвар зиялилари билан ақиндан алоқада бўлганлигини тасдиқ этади.

Турк дунёсининг буюк олими Исмоилбей Гаспиралининг бир қатор асарларини ташвиқ ва тарғиб қилади. Бу борада у Исмоилбейнинг «Мусулмонни дорур роҳат» («Фароғат уйининг мусулмонлари») асарини форс тилига таржима қилишга вақт топади. Аввалдан таниш бўлган «Таржумон» газетасининг эпиграфи — «Тилда, фикрда, ишда бирлик» шiori Фитрат фаолиятининг бош йўналишини ташкил қилад бошлайди.

Фитрат Эронда бўлган пайтда унинг фозил кишилари ва ижод ахиллари билан учрашиб, сўхбатлашган мени ёки йўқми — бу ҳақда аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Лекин унинг Эронда бўлган пайтда ҳам, Туркияда яшаган даврида ҳам бу мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаракатлардан мутлақо хабарсиз эди дейишга асос йўқ.

Маълумки, XX аср бошларида Эронда ҳам инқилобий ҳаракат ҳийла кучли тус олган эди. Эрон шоҳи Музаффариддин ҳам инқилобий ҳаракатлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. Шу боисдан шоҳ Эрон инқилобчилари раҳбарлари билан муро-са қилиш йўлларини излайди. Инқилобчилар орасида эса таниқли орифлар ва зиялилар, ижод ахиллари ҳам бор эди.

Бундай вазият Фитратнинг эътиборини тортади ва унда катта қизиқ-қиш уйғотади. Буни биз Фитратнинг бир қатор мақолалари ва асарлари-дан билиб оламиз. Ниҳоят, Фитрат хорижда яшаган йилларида Бухорода кечаётган воқеаларни ҳам кузати-шни эътибордан соқит қилмайди. Абдурашид Иброҳим муҳаррирлиги-да чоп этилиб турган «Таърифи мус-улмин» журнали, унда Бухорода рўй бераётган воқеалар, ислохотчилар интилиши ва ўзгаришлар ҳақида мун-тазам материаллар берилишини жу-да қизиқиб кузатади. Ҳатто у Бухоро амирининг энг нуфузли кишиси — мамлакатнинг ички ва ташқи сиёса-

тига катта таъсирини утказиб келган Насруллога очик мактуб йўллайди. У «Таърифи муслимин»да эълон қилинади. Кенг китобхонлар оmmasига бу мактуб ҳам маълум бўлди, яъни у «Халқ сузи» газетасида чоп этилди (1991 йил, ноябрь, декабрь). Кискаси, Фитратнинг Эрон ва Туркияда бўлиши, яшаши унинг дунёқарашига кучли таъсир этади. Буни Фитратнинг шу йилларда битган асарлари ҳам тўла исбот этади. Бу уринда биринчи асарини, яъни «Мунозара»сини эслайлик.

Фитратнинг биринчи йирек асари «Мунозара» 1910 йили Истикбулда форс тилида чоп этилган. Ҳожи Мумин уни 1911 йили ўзбек тилига ағдарган. Фитратнинг бу асарига бухоролик бир мударрис билан ҳиндистонлик бир фаранги (француз)нинг узаро суҳбатига катта эътибор берилади. Бошқача таъбир билан ифода этганда, асар сюжетни асосан шу тарзда таркиб топган.

Фитрат асарига Бухородаги мулла ва мударрисларнинг аксарият қисми усули ҳадид мактабларига, улардаги ўқув тизимига қарши чиққанларини курсатишга элоҳида эътибор беради. Бу борада характерли лавҳалар, бир қатор қизиқарли эпизодлар, сермаъно деталлар келтиради. Айни пайтда Анвар пошо номи билан машҳур «Иттиҳод ва тараққий» партияси раҳбарлари хусусида, ёш турклар инқилобининг асосчиларидан булган Анварбек (1881—1922) интилишлари хусусида ҳам самимий ва мухтасар бир тарзда нақл қилади.

Биз асарда ёш турклар ҳаракатининг яна бир раҳнамоси — партизанлар ҳаракатининг бошлиғи инқилобчи Нивёзбекка дуч келамиз ва унинг интилишлари тўғрисида адиб позициясини сезиб тураемиз.

XX аср бошларида Эронда кечган инқилобий ҳаракатлар ва халқнинг озодлик йўлидаги курашлари хусусида гап борганда, Фитрат асарига Сатторхон ва Бокрихонни «ўз миллатининг саодати» учун фойдийлик курсатганлар сифатида тилга олади. Айни чоғда, адиб асарда машҳур санъаткор Лев Толстойни «Россиядаги ҳақиқий инсон» сифатида тавсифлайди.

Асар «сузбоши»сида Фитрат «Мен ҳам бу муқаддас диннинг содиқ ихлосмандларидан бириман» дейди. Исломига булган бундай содиқлик Фитратга дин моҳиятини сохта, бир ёклама талқин қилган ҳамда ундан узларининг ғаразли мақсадлари учун фойдаланиб келган турли тоифадаги шахсларни жиддий танқид қилишига имкон берди.

Асардаги мударрис сиёсат ва фан, мактаб ва маориф, дин ва мафкура масалаларида «қадимчилар», яъни эски уламолар нуқтаи назари тарафдори, фаранги эса янгилек изловчилар тимсоли, яъни ҳадидизм

нуқтаи назарини ҳимоя қилувчи. Фаранги фикрича, баъзи уламолар, мулалар Куръон ва Ҳадис курсатмаларини ҳолисона эмас, балки ўз истагига қура бузиб талқин қилувчилар ва динни узларининг даромад қуролига айлантириб келганлар.

Маълумки, «Мунозара» уша йиллардаёқ нафақат Туркияда, айни вақтда, Эрон ва Ҳиндистонда кенг тарқалади. Лекин Фитрат бу асарини Бухорода чоп этиришга қатор қийинчиликларга дуч келади. «Мунозара»ни бу ерда нашр этиш учун сунъий ғоялар пайдо бўлади. Тасаввур этинг: бу асарни босиб чиқариш учун фақат амир Олимхоннинг махсус рухсатномаси зарурлиги масаласи келиб чиқади. Бу осон эмас эди, албатта. Айниқса, Фитратдай шахс учун. Чунки, Фитрат амирлик тузумига, айни пайтда, амирнинг куп сиёсатига қарши қатъий оппозицияда бўлиб келган. Бошқача йўллар фойда бермагач, ниҳоят, Фитрат Бухоро амири Олимхонга кучли заҳархандалик руҳида битилган мактубини йўллашга мажбур бўлади. Шуларни ўқиймиз: «Сенинг қодир қўлинг идора қилаётган мусулмон юртида ймонни погга, азонни кўнгирокқа, маҷитни черковга алмаштирмақдан ўзга чора қолмади...»

Ким бизнинг халоскоримиз? Бизнинг ожиз қўлимизни бу бахтсизлик буронида ким тутиши мумкин! Кофирлар бой ва хотиржамликда яшамокдаларки, биз нечун кашшоқ ва бебахтмиз?!»

Фитрат назм майдониға эрта киб келган шоир сифатида ҳам машҳур. У ўз шеърларини асосан форс ва ўзбек тилида битган. Унинг қатор шеърый асарлари «Мижмар» тахаллуси билан эълон қилинган.

Садриддин Айний «Намунаий адабиети тожик» (М., 1926) номли китобида Фитрат интибоҳ давридан олдин бир девон бўлишга арзирли шеърлар яратгани хусусида маълумот беради.

Фитратнинг илк шеърый тўплами «Сайҳа. Миллий шеърлар» номи билан форс тилида 1912 йили Истикбулда чоп этилди. «Сайҳа» сузининг маъноси «наъра ёки даҳшатли фарёд»дир. Бу тўпламдан жой олган бир қатор шеърлар «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил июль ойи сонларида кетма-кет босилиб чиқади. Характерли жиҳати шундаки, маъзур газетода Фитрат шеърларининг мазмуни ўзбек тилида баён қилиниши билан эълон этила борган. Бир қатор тарихий ҳужжатлар Фитрат шеърларини эълон қилиш нафақат амир Олимхон салтанати, айни чоғда, Чор Русия маъмурлари томонидан ҳам кучли зарбага дуч келишини тасдиқ этади. «Садойи Туркистон» газетасининг Фитрат шеърлари эълон қи-

линган сонлари таъқиб этилади ва ҳатто газетани ёпиш даражасигача борилади. Чунки, «Сайҳа» оғир турмуш ҳақида шоирнинг бонг уриши, фарёд этиши эди.

Қўна тарихдан шу нарса аниқки, бадий асар қанчалик таъқибга дуч келса, унга булган қизиқиш ҳам тобора ортиб боради. Фитрат шеърларига нисбатан ҳам шундай ҳол руй берди. Франция ва Германия сингари Оврупо мамлакатларида, Ҳиндистон ва Эрон каби Осиё мамлакатларида, Шарқий ва Ғарбий Туркистонда, Россиянинг мусулмон ўлкаларида Фитрат ижодиға қизиқиш шу тарзда бошланиб кетди.

Октябр инқилобидан кейинги даврда чоп этилган бир қатор маъмуларда Фитратнинг ўзбек тилида битган шеърлари урин олган. Масалан, биргина «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўпламида Фитратнинг ундан ортиқ шеърлари эълон қилинган эди. Ҳамидулла Болтабевнинг синчковлик билан кузатишча, «Ҳинд ихтилолчилари»нинг Берлин нусхасида (1923) Фитратнинг «Учқун» номли туркча шеърый китоби ҳақида маълумот мавжуд. «Абдулфайхон» фожиасининг Москва нашрида эса «Учқун» шеърый китобининг сотуғга чиққани хабар қилинган.

А. Саъдийнинг «Беҳбудий ва унинг теғрасида йўрилган шоирлар» номли мақоласида (Туркистон, 1923) Фитрат шеърый ижоди ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Танқидчи бу давр шеърятига Фитратнинг алоҳида урни ва унинг назм соҳасига қўшаётган хизматларини махсус таъкидлайди: «Ҳозирги ўзбек шеърятига Фитратнинг хизмати унинг тили ва услубида қўринади, у шеърятда араб ва форс сузларига йўлни беркитди. Ўзбек шеър тузилишининг ривожланиш йўллари белгилай бориб, қўпгина ёш шоирларни узининг услуби ва тили билан эрғаштира олди, атрофиға ёш шоирларни тўплаб, уларга тил ва услуб ёғидан йўл курсатмоқдадир». Бу фикрнинг самимийлиги ва берилган баҳонинг холислигиға шак-шубҳа билдирши мумкин.

«Сайҳа» асарига Ф. Ҳужаев шундай юксак баҳо берган: Ватанпарварлик шеърлари тўплами булган «Сайҳа»ни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматиға эмас, шу билан бирга рус ҳукумати ҳам таъқиб қила бошлайди. Чунки бу шеърларда Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин шаклда ифодаланиб берилади.

С. Айний ҳам Фитрат шеърларига алоҳида эътибор беради ва унинг узига хос табиатини шундай белгилайди: «Фитратнинг шеърятига ҳақида яна шуни айтиш керак: шоир ўзбек адиблари ичида биринчилардан бўлиб, фольклор шаклларида шеърлар ёзади. Бу минг йилча давр ичи-

да, «арзудан бошқа шаклни билмангиз ёзма шеърятимиз соҳасида янгилик эди».

Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди» («Хинд сайёҳи қиссаси») асари ҳам 1912 йилда Истанбулда чоп этилади. Булардан ташқари, Туркияда яшаган йиллари Фитрат «Оила», «Бегижон» каби бир қатор насрий ва драматик асарлар яратгани ҳақида маълумотлар бор.

ФИТРАТ БУХОРОДА

Фитратнинг Истанбулдан Бухорога қайтиб келганидан кейинги йилларда кечган фаолияти ва ижоди (то унинг амир зуғуми билан она-Батанидан қувғин қилинганга қадар) алоҳида бир давр сифатида ўрганишга арзийди. Шу нуқтага мухтасар бир тарзда тўхтаб ўтишимиз лозим. Фитратнинг юқорида зикр этилган Бухоро амирига, вазир Насруллобекка йўлаган мактублари беҳуда кетмади. Аини пайтда, Фитратнинг бу даврдаги фаолияти ва ижоди ҳам ўта мураккаб ва қарама-қарши курашлар асосида кечди. Бу йиллар ҳақида гап борганда, энг аввало руҳонийлар, уламолар ўртасида ҳам, амир тахтининг устунлари орасида ҳам ҳийла эскидан вужудга келган зиддиятларни эслаш жоиз. Бу йилларга келиб улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳийла кучайди. Бу ҳол амирлик тузумининг ичдан дарз кетаётганининг нишонаси эди.

Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши муносабати билан улар ўртасидаги зиддиятлар ва келишмовчиликлар тобора кенг тус ола борди. Руҳонийлар ва уламоларнинг бир қисми жадидчилик ҳаракатини қўллаб-қувватладилар, бошқа катта қисми эса унга қарши йўл тутдилар. Шу тўғрисида булса керак, баъзи бир илмий ишларда руҳоний, уламоларни «унг» ва «сул»га бўлиш фактлари мавжуд. Лекин шуниси аниқки, руҳоний ва уламоларнинг кўпчилиги жадидчиларнинг илгор интилишларига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлидилар. Шу тарзда улар жадидчилик — янги тафаккур тарафдорларига нисбатан эскилик тарафдори бўлиб майдонга чиқдилар ва «қадимчилар» (эски фикрлилар) сифатида иш қурдилар. Янги тафаккурдагилар эски тафаккурда бўлганларнинг жиддий қаршилигига дуч келдилар.

Маълумки, Бухоро амира ҳам, Хи-ва хони ҳам ўз мамлакатларини эски усулда бошқариб келарди. Шу боисдан, уларнинг қадимчилар томонида бўлиши табиий бир ҳол. Боз устига, қадимчилар хонлик ва амирлик шаклидаги давлат тузилишини фаол ҳимоя қилишга интилиб келганлар.

Жадидчилар эса амирлик ва хонлик шаклидаги эски усулдаги давлат тузумини жиддий ислоҳ этиш, уни

муайян даражада демократик асосда ташкил этиш гоյларини олға сурдилар.

Булардан ташқари, қадимчилар ҳаётнинг барча соҳаларида аввалдан мавжуд бўлиб келган эски урф-одатларни шундайлигича сақлаб қолиш, ҳатто уларни янада кучайтиришга интиладилар. Жадидчилар эса ҳаётнинг ҳамма жаҳалларини ислоҳ этиш, унга янги тулқин олиб кириш учун курашдилар. Бу ҳол ислом динига муносабатда ҳам аниқ куринади.

Эҳтимол, бу уринда А. Кодирийнинг бир гапини эслаш жоиздир: «Заҳириддин Аълам каби эски муслмон руҳонийларига нисбатан мен ислоҳотчиман — янгилаиш тарафдориман. Ислам динида фақат Аллоҳи қаримга — энг олий ҳақиқатга имон келтиришни тан оламан; бошқа бидъатларни эса тескаричи муслмон руҳонийлари ўйлаб топган уйдирмалар, деб биламан». Фитратнинг «Осиёнинг энг қора марказларидан бўлган Бухоро» дейиши ҳам, динни ислоҳ этишга фаол интилиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Менинг фикримча, у турк дунёсиди жаҳолат ва ҳурофотнинг говлаб кетиши сабабларидан бирини ҳам ислом динини сохта, тескари, ўта юзак талқин қилишларда кургандек бўлади. Ислам таълимотининг беқисъ улкан билимдон Фитрат бундай жаҳолатпараст ва ҳурофотпарастларга лоқайд муносабатда бўла олмас эди. У ўз улқасининг энг қолоқ мамлакатларидан бири бўлиб қолиши сабабларини ҳам ана шу йўналишдан излайди. Топгандай бўлади.

Жадидчилик янги тафаккур оқими сифатида жозибали ҳам эди. Жадидчилик ҳаракатига аста-секин нафақат зиёлиларнинг катта қисми, аини вақтда, айрим руҳоний ва уламолар ҳам, ишбилармон ва тadbиркор давлатманд кишилар ҳам, катта-катта савдогарлар ҳам, тижорат вакиллари ҳам қўшилдилар.

Шунингдек, улар Русия империяси учун Урта Осиё хом ашё манбаи бўлиб колганлигини, барча бойликларни зурилик билан олиб кетаётганликларини тушуниб етдилар. Боз устига, Русия тужорлори ҳар хил хом ашёларни уларининг саноят корхоналарида қайта ишлагач, янги-янги молларни олиб келиб маҳаллий аҳолига ўта қиммат нархларда сотишни кучайтириб юбордилар. Бу эса маҳаллий бой ва савдогарларнинг, аини пайтда, бу улқадаги бутун аҳолининг манфаатларига тамомила зид эди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бундай ўзгаришлар жадидчилик ҳаракати манфаатларига мос келар ва улар ҳисобига сафларининг кенгайиб боришини таъмин этар эди.

«Усули жадид» мактабларининг янги авлодни вояга етказишдаги хизматлари беқисъ катта. Бу ҳусусда Ф. Хужаев шундай дейди: «Амир Бу-

хоросидаги тирик жоннинг ҳаммаси шу мактаблар теварагида бирлашдилар. Улар 1918—1920 йиллардаги Бухоро революцияси ҳодимларининг катта қисмини тайёрлаб берган манба бўлди».

Маълумки, ёш бухороликлар ҳам, ёш хиваликлар ташкилотлари ҳам жадидчилик ҳаракатлари билан бевосита алоқадор эди. Янада тўғривоғи, ёш бухороликлар ҳам, ёш хиваликлар ҳам асосан жадидчилик ҳаракати замирида вужудга келди. Фитрат ёш бухороликлар ҳаракатининг асосчиларидан бири тарзида тезда шўҳрат топди. У бу ҳаракатнинг дастурини тайёрлайди, амирлик тизимига қарши кураш тактикасига алоҳида эътибор берди. Шу боис, у ёш бухороликлар ҳаракатида катта нуфузга эга бўлди.

Тўғри, жадидчилик ҳаракати мафкуриси билан ёш бухороликлар мафкуриси айнан тенг ва бир хил эди, дейиш аноийлик бўлади. Уларда муштарак ва фарқли томонлар мавжуд.

Хуллас, бу йилларда Фитрат жадид ҳаракатининг йирик арбоби сифатида намён бўлади. Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири сифатида шўҳрат топди. Аини пайтда, бир қатор асарлар яратди ва улардан айримларини чоп эттирди.

Маълумки, Фитратнинг «Раҳбари наҳот» асари 1913 йилда Санкт-Петербургда Музим Бурҳоннинг ташаббуси билан босилиб чиққан эди. У адибнинг «Оила» китобини ҳам 1916 йили Санкт-Петербургда нашр қилди. Бу икки асар ҳам 1915—1916 йиллари Бокуда босилиб чиқди. Фитратнинг «Мухтасар ислом тарихи» асари эса 1915 йилда Москвада Газаров матбаасида чоп этилди.

Фитратнинг Туркиядан Бухорога қайтиб келгандан сўнг жадид усули мактабларини ташкил этиш ишларида фаол қатнашгани маълум. Бу борада бир қатор мактаб ва махсус мадрасалар вужудга келди. Уларда Фитратнинг ўзи ҳам дарс берган.

«Мухтасар ислом тарихи» асари Фитратнинг жадид усули мактабларида ва махсус мадраса талабаларига ислом тарихидан сабоқ бериш асосида пайдо бўлган, деган тахминлар мавжуд. Бундай тахминларда ҳам жон бор, албатта. Унинг «Жоҳилона таассубга қарши» мақоласи эса 1916 йили «Шуро» ойнамасида эълон қилинади. 1917 йилда Бокуда Фитратнинг «Ўқув» номи ибтидоий мактабларнинг сўнгги синфлари учун муължалланган дарслик китоби чоп этилди. Тарихий-адабий манбаларда 1917 йилнинг биринчи чорагидан бошлаб, то 1920 йилнинг ёзига қадар биз Фитратни муҳожир сифатида асосан Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида кураимиз. У аввал Бухоро амира таъбидан қочиб Самарқандга келади.

ФИТРАТ САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТДА

1917—1918 йилларда Самарқандда яшаган чоғида ҳам Фитрат ёш бухороликларга раҳнамо эди. Буни биз Самарқандда чоп этилган «Хуррият» рўзномасида (Фитрат унинг муҳаррири) босилган жуда кўп мақолаларидан билиб оламиз. Унинг бу йилларда битган қатор мақолаларида Бухоро амирлиги тузумини халқ-демократик асосида ислоҳ этиш ва бунга эришиш учун феодализм мустақил тузумини ағдариш масалалари кутарилади. Худди шу таразда Фитрат амир Олимхон сиёсатиغا қарши, унинг мустақил амирлик тузумига қарши ҳужумкор — жасур инқилобчи сифатида майдонга чиқади.

«Хуррият» газетасида Фитратнинг «Бухоронинг аҳволи», «Бухорода инқилоб», «Бухоро хонлигида очлик», «Инглиз уйинлари», «Мухторият», «Сийёсий ҳоллар», «Бухоронинг аскар», «Шуро ислонининг хатоси», «Иттифоқ этайлик», «Юрт қайғуси», «Озиқ масаласи», «Янги ҳукумат», «Мақтаб керак» ва бошқа унлаб мақолалари эълон қилинди. Узи муҳаррирлик қилаётган «Хуррият» газетасида Фитратнинг Рус империясининг барбод бўлиши — Февраль инқилоби ва унинг миллий улкаларга озодлик бериши, Муваққат ҳукуматининг вужудга келиши ва унинг арбоблари қамоққа олиниши, бу борда болъшевикларнинг бутун куч билан ҳокимиятга интилиши каби ўта мураккаб масалаларга муносабати равшан бўла бори. Буни тасаввур этиш учун «Хуррият» газетасида чоп этилган «Юрт қайғуси» номли туркум (1917) мақолаларини эслаш kifоя (улар «Фан ва турмуш» журналининг 1990 йил 9-сонида қайта босилиб чиқди).

1917 йили Петербургдаги Февраль инқилобидан сўнг, Муваққат ҳукумат — А. Ф. Керенский даврида Бухоро мустақил давлат сифатида тана олинди. Бу ҳақда Саййид Амир Абдулахадхон ўғли Саййид Олимхон «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» асарида мухтасар маълумот бериб ўтган.

Фитрат узининг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» китобида ҳам Бухоро салтанати устунлари ҳаёти ва интилишлари ҳақида бир қатор янги материалларни тавсиф этиди. Мангит сулоласининг сунгги — «унинчи подшоҳи» Олимхон ва унинг атрофида юксак лавозимларни эгаллаган кишиларнинг ақсарияти Бухорода ҳам инқилобий кучлар етилиб келётганини ҳис этар эдилар. Фитрат ўз асарида Олимхон салтанатининг асосий таянчи турт ҳоким ҳақида фикр юритар экан, даставвал Насрулло қушбегини тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. У Бухоронинг энг нуфузли ва йирик мансаб эгаси бўлиб, мамлакатнинг ички ва ташқи

сиёсатида катта таъсир ўтказиб келган. Бу шахс ҳақида Фитрат ёзади: «Насрулло қушбеги рус тилини билар эди, рус тилида қиқадиган айрим газеталарни мутлолаа қилар эди. Шунинг учун замоннинг аҳволидан унчалик хабарсиз эмас эди. Февраль инқилобидан кейин Олимхоннинг бошқа «арқони давлат»лари қатори унинг ҳайратдан озги очилиб қолмади, вазиятнинг нозиклигини идрок этиб, узининг мавқеини оширишга шошилди. Насрулло фурсатдан фойдаланишга интилиб, Бурхониддин қозиланон ва раисни вазифасидан четлаштириб, уларнинг урнига жадидалардан бўлган ўзига қарашли Муҳаммад Шариф Махмуд ва қози Абдусаматларни тайинлади.

Насрулло қушбеги Россияда Николай подшога қарши ўтказилаётган сиёсий ўзгаришлар ва пролетар партиясининг ҳаракатларидан воқиф эди. Шу билан бир қаторда Эрон ва Туркиядаги инқилобий ҳаракатлардан хабардор эди. Шунинг учун жадидалар ҳаракатининг ривожи уни ташвишга солмай қолмади. Айниқса, жадидалар унинг номига мактуб ва мақолалар ёзиб, ҳеч бўлмаганда мактуб ва мадраса ишларига ўзгаришлар киритишга даъват эдилар. Насрулло қушбеги шу жиҳатдан ҳам жадидалар орасида обрў-эътиборга ноил бўлишни истарди. Шу сабабли у амирни янги мадраса қуришга, бу мадраса укув дастурининг эски мадрасалардагига нисбатан кенгрок бўлишига қўндирди ва узи бу ташаббуснинг етакчиси бўлди. Мадраса қуриб битказилиб, математика, хандаса, ҳуснатиқ (каллиграфия) ва диний мавзулар буйича мударрислар тайинлади. Қушбеги Насрулло нафақат жадидалик ҳаракатининг муттасил ривожланиб бориши ва, айнаи вақтда, унинг таркибида катта савдогарларнинг бир қисми, айрим муллалар, Бухорои шарифда 12 муфтий унво-нига сазовор бўлган уламолар орасида энг забардастлари ҳисобланмиш Махмудхужа Бехбудий ва Мулло Икром, амир ҳукуматидан норози сипоҳлар ва бошқа тоифадаги кишиларни ҳам улар бошқариб бораётганини ҳам яхши билар эди. Тарихий фактлар жадидалик ҳаракатининг «ўнг» ва «сўл» қанотлари пайдо бўлганлигини, ўнг кучларга Садриддин Айний, Муҳиддин Мансуров, Абдувоҳид Бурхонон каби танқили шахслар раҳбарлик қилаётганлигини, сўл қанот кучларни Абдурауф Фитрат, Файзулла Хужаев ва бошқа нуфузли кишилар бошқарганлигини тасдиқ этиди. Тугри, жадидалик ҳаракатининг бу хилда кечилишдан қатъи назар, уларни муштарак мақсад ва гоғлар бирлаштириб турар эди. «Ўнг» қанот деган ном олган жадидалар ҳар қандай қуроли кузголонга қарши бўлиб, асосан Бухоро салтанатининг бутун идора усули ва бошқа-

риш тизимини тинч йул билан, биродаркуш урушларсиз, қуллаб қон туклишишсиз ислоҳ этиш, ислоҳ қилишни ҳам босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошириш сиёсатини маъқул қурдилар. «Ўнг» қанот вакилларидан бири А. Муҳиддинон ўз мақсадини шундай ифода қилади: «Биринчи намойишга (яъни Февраль инқилобига) бўлган даврдаги бизнинг мақсадимиз конституцион монархия ўрнатиб, амир Олимхонни Файзулла Хужаев билан алмаштиришдан иборат эди».

Шониев Дониёров ўз мақоласида бу ҳақда шундай дейди: «Уларга бу ишда афгон элчиси Гулом Набиҳон ёрдам беражиги ва кумак эвазига у боз вазир лавозимига кутарилиши лозим эди».

1917 йил Февраль инқилобнинг қудратли тулқини чекка улка Бухоро худудига ҳам етиб келди ва жадидалик ҳаракатини, «Ёш бухороликлар»ни янада фаоллаштирди. Улар махсус кенгаш қақариб, Бухорога мустақиллик берган Муваққат ҳукумати бошлиғи Керенскийга мурожаат қилишга аҳд қилишди. Асосий мақсад — Саййид Олимхон узининг мустақил давлати бошқарувида демократик ўзгаришлар ўтказиши, бу борда Керенский амирга бевосита кучли таъсир этишини талаб қилиш. Кенгаш бундай талабномани Муваққат ҳукуматига етакшиш учун Фитрат раҳбарлигида вакиллар юборган.

Фитрат «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» асарида подшо салтанатининг асосий таянчлари ҳақида хикоя қилганда, Мирзо Урганжий номи билан машҳур бўлган Низомиддин шаҳси ҳусусида ҳам баъзи бир мулоҳазаларни баён этиди. Бу лақаб биринчидан, Кармана яқинидаги Урганжий қишлоғида туғилгани учун берилган. Иккинчидан, бухороликлар яқаш ва чўрткесар кишини «урганжий» деб атаганлар. Насрулло қушбеги вазифасидан махрум бўлгач, унинг урнига Урганжий қушбеги этиб тайинланди. Фитрат бу шахснинг фаолиятини характерлайдиган кичик бир деталь келтирди. Урганжий бирор кишини ёмон курса, Аваз кал исмли шоғирдидан «Фалончи ҳозир ҳам борми?», — дея сурар экан. Шоғирди эса, бу савол замирида «ўша одамни улдириш керак» деган маъно борлигини англаб олар экан. Урганжий раҳбарлигида Бухоро салтанатида жадидаллик, уларнинг демократик талабларига қарши кучлар фаол иш олиб борганлар. Лекин жадидалик ҳаракати ва «Ёш бухороликлар»нинг кучли талаби асосида ҳамда вазият тақозосига кура амир Олимхон ҳукумат ишларини ислоҳ этиш учун қиришишга, ниҳоят, «Фармони ислоҳот» номли буйруқга имзо чекишга мажбур булади. Амир Олимхоннинг бу фармони мазмуни Фитрат китобида моддама-модда анча

кенг шарҳланади ва унга ўз муносабатини билдиради.

Маълумки, Бухоро ҳукуматининг идора ва бошқарув усулбин ислоҳ қилиш ҳақидаги фармон (1917 йил 7 апрель) эълон этилган, одатдагидек уша даврда расм бўлган таомилга қара, бу фармонни ҳам кутлаш маросими кечади. Намойишга А. Фитрат, Ф. Хужаев, Мирза Насрулло, С. Айний, Мирза Соҳиббой, А. Бурҳон, Мусо Сайиджонов раҳбарлигида жуда кўп кишилар чиқадилар. Баъзи манбаларда уларнинг сонини етти мингга яқин деб курсатиллади. Лекин амир сарбозлари намойишчиларни шафқатсиз равишда жазолайди. Баъзи маълумотларга қара, ярадор бўлганлардан ташқари, эзликка яқин киши тугиб олинди, қамоққа ташланади. Худди шу тўқнашувда С. Айний ҳам хибсага олинади ва 75 дарра калтак ейди. Бундай жазоланганлар хийла кўп эди. Бу жадидчилик ҳаракати ва «Ёш бухороликлар»га Осиёнинг эски одати бўйича берилган узига ҳок жазо эди.

Абдурауф Фитрат «Ёш бухороликлар» партиясининг саркотиби сифатида 1918 йили бу партиянинг дастури лойиҳасини ишлаб чиқади. «Ёш бухороликлар» вазият тақозоси билан рус большевиклари ёрдамида амир тузумига қарши куралиш ҳужумга ўтиш учун тайёргарлик кура бошладилар. Шу йилнинг (1918) бошида Туркистон Халқ Комиссарлар Советининг раиси Федор Колесов Ашхобдага сафар қилади. У Когонга тухтаб, ёш бухороликлар фаолияти билан қизиқади. Ф. Хужаев билан Колесов уртасида музокара бўлади. Бу борада у алоҳида ташаббус курсатади ва «Ёш бухороликлар»ни куралиш кузгolonларга даъват этади. Чунки, Колесов ва унинг атрофидаги кишилар Россияда ва Туркистонда Октябрь инқилоби галаба қилгандан кейин жуда кўп аксилинқилобий кучлар пролетар ҳукуматининг тазйикидан қочиб Бухорога келиб қолганлигини яқши биларди. Улар орасида Бухоро амрирлигидан паноҳ толган рус аксилинқилобчи зобитлар ҳам анча бор эди. Амир Олимхонин «Шариат ҳомийси», «имом ул-муслимин» дея «Амирал-муъминин» байроғи остида Россиянинг аксилинқилобчи генераллари, зобитлари, дин улмолари, Туркистондан қочиб келган рус бойлари, яхдулдилан биргаликда синфий «байналмилал» тузган эдилар. Улар, айни пайтда, амир ва унинг амалдорларини, рухонийларни Шуруларга қарши курашга даъват этарди. Бир қатор тарихий ҳужжатлар амир Олимхоннинг ўз улқасига паноҳ излаб келган аксилинқилобий кўчларни хурсандчилик билан қабул қилганини ва шу билан бирга, уларга моддий ёрдам бериб турганини тасдиқлайди. Демак, Бухоро Туркистондаги аксилинқилобий кўчларнинг маркази бўлиб қолганлиги Туркистон Халқ Ко-

миссарлари Советининг раиси Федор Колесов ва унинг ҳамфирк кишиларининг қаҳр-ғазабини келтирмаслиги мумкин эмас эди. Шундай ҳам бўлди. «Ёш бухороликлар» колесовчилар даъвати билан Бухорода куралиш кузгolonни амалга ошириш учун инқилобий кумита тузадилар. Унинг составига Ф. Хужаев, А. Фитрат, А. Бурҳон, Пулатов, Агдон, Отахужаев, Фазлиддин махсумлар кирадилар. 1917 йилда тузилган «Шуруи исломия» жамияти раҳбарлари Убайдуллахужа, Абдурахмонхужа, Муҳиддин Мансуров қабилар эса «Ёш бухороликлар» инқилобий кумитаси режасига — қизил қўшин ва рус большевиклари ёрдамида куралиш ҳужумга ўтишига бутунлай қарши чиқадилар.

Ф. Колесов 1918 йилнинг 16 мартда 500 нафарли қизил гвардиячилар, тулпар ва пулемётлар ортилган эшелон билан Когонга келади. «Ёш бухороликлар» билан бирга амир Олимхонга фавуқлодда жиддий талабнома юборади. Уни Фитрат ёзгани ҳақида маълумот бор. Талабномада «24 соат ичида Сизнинг хузурингиздаги ҳукумат тарқатилиб юборилсин ва унинг урнига «Ёш бухороликлар»нинг Ижроия кумитаси тайинлансин, бутун ҳокимият шу кумитанинг қўлида бўлажак» каби қатор шартлар битилган эди. Бу талабномага Туркистон ХКСнинг раиси Ф. Колесов ва «Ёш бухороликлар» Ижроия кумитасининг раиси Ф. Хужаев имзо чекади. Бу талабномага жавобан амир Олимхон икки бор мактуб йўлайди ва талаб этилган шартларнинг баъзи моддаларига рози эканлигини, айримларини эса босқичма-босқич амалга ошириш зарурилигини махсус таъкидлайди.

Лекин «Ёш бухороликлар» ва қизил гвардиячиларнинг айрим қисмлари Бухоро шаҳрида кириб бориб, амир сарбозларини куч билан куралишлантириш йўлига ўтадилар. Натижаси аниқ: қонли уруш бошланиб кетади. Амир Олимхоннинг қўли баланд келади ва «Ёш бухороликлар» билан қизил гвардиячилар тула мағлубиятга учрайди. Тарихга «Колесов воқеаси» сифатида кирган бу юриш шундай яқун топади.

Дахшатли душманни устидан зафар қўчган амир Олимхон Бухородаги мавжуд жадидларни ва «Ёш бухороликлар»ни, уларга тарафдор бўлганларни кучли таъбиқ остига олади, беш мингга яқин кишини хибс қилади, жазолайди. Тарихий ҳужжатлар олтишайдан ортиқ киши Регистон майдонига осиб улдирилганидан гувоҳлик беради. Қисқаси, «бу воқеалар Бухоронинг сунги юз йиллик тарихини бўяган энг қонли доғ бўлди». «Хуррият» рўзномасида шундай дейилади. Бундай дахшатли қисмат ва қонли воқеалардан кейин жадидлар ва «Ёш бухороликлар» Бухорони тарқ этадилар ҳамда уларнинг кўп

қисми Самарқанд ва Тошкентдан паноҳ топадилар. Шу боисдан Фитрат 1918—1920 йилларда Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида яшади ва ижод қилади. У 1917 йил апрель ойида Самарқандга келади ва «Хуррият» рўзномасига ишга ўтади.

Юкорида махсус таъкидлаганимиздек, Бухоро аксилинқилобий кўчларнинг марказига ва Тошкент эса инқилобий ҳаракатнинг марказига айлана боради. «Ёш бухороликлар» амир жазосидан қочиб, асосан Тошкентда уларнинг муҳожириклик-инқилобий фаолиятини давом эттирадilar. Улар 1918 йилнинг 25 сентябрида Тошкент шаҳрида Бухоро Коммунистик партиясини ташкил қилдилар, «Улар орасида Фитрат ҳам бормиди?» деган табиий савол туғилади.

Фитратнинг Бухоро Коммунистик партиясига қачон аъзо бўлганлиги санаси ҳақида ҳозирча хилма-хил фикрлар мавжуд. Мен бу уринда улардан фақат иккитасини келтириб ўтаман.

Эрик Каримов «Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида» мақоласида Фитрат 1918 йилнинг ноябрида БКП сафига кирган деб ҳисоблайди. Б. Қосимовнинг фикрича, Фитрат БКП сафига 1919 йили Тошкентдалигида ўтган.

Маълумки, «Ёш бухороликлар» 1914—1917 йиллар орасида сиёсий партия сифатида шакллана борди. Саркотиби сифатида унинг дастури лойиҳасини ишлаб бериш ҳам Фитрат зиммасига тушади. Шонмёз Доғийёров берган маълумотга қара, «Дастурга миллий буржуазия равақини қарор топтирган «Ёш турклар» партиясининг дастуридаги гоғлар асос қилиб олинган. Чунки Туркия ва Туркистон тараққиётининг ҳамма жабҳалари деярли баробар даражада бўлган эди. Марказий кумита топшириғига қара, Фитрат ёзган ислоҳ лойиҳасида Бухорода ҳуқуқ асосида куралишдан давлатчиликни жорий этиш, урта асриликдан қолган Шарқ истибодини оврупача маърифатли монархия билан алмаштириш ҳамда меҳнатқашлар оmmasининг фаровонлиги ва маданиятини ошириш неғизда Бухорони иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустақимлаш гоғлари илгари сурилди. Бу гоғлар «Ёш турклар»нинг «Иттиҳод ва тараққиёт» фирқаси дастурида акс этганди. Бу борада катта хизматлар қилгани учун Фитрат 1918 йилдаёқ Тошкент шаҳрида тузилган БКПга аъзо бўлади. Узоқ йиллар мубойнида Когон босмаҳонасида ишлаб келган акиси ҳам 1918 йили БКП аъзоси эди. Синглиси Маҳбуба Раҳим қизи ҳам фирқа аъзоси сифатида фаол бўлган. 1919 йилнинг июнь ойида БКПнинг биринчи съезди бўлиб ўтади. Фитрат ҳам БКП Марказий Комитетини составига кирди. Уларнинг биринчи галдаги вазифаси амирлик режасини йўқотиш ва салтанатни ис-

тило қилишдан иборат. Шак-шубҳасиз, БКП фаолиятига большевиклар, Совет Россияси ва Шуро ҳукмати катта ёрдам бериб турган.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, узоқ йиллар мобайнида жуда кўп манбаларда БКП ташкил этилгандан бери РКП(б)нинг таркибида булган деб талқин этилади. 20-йилларнинг бошларига оид баъзи бир тарихий ҳужжатлар эса БКП Россия компартиясининг бир бўлаги бўлмаганлигидан далолат беради. Сунгиси ҳақиқатга яқин эканлиги ҳозирги пайтда яна бир бор тасдиқланмоқда.

Фақат 1922 йилнинг февралидан бошлаб БКП РКП(б)нинг бир бўлаги бўлиб қолди. Шу пайтда, РКП(б) МК-нинг Урта Осие Бюроси ташкил топди. БКП Бевосита шу Бюрога итоат этадиган бўлди. Урта Осие Бюросининг раиси Я. Э. Рудзутак эди.

Баъзи бир олимлар, шу жумладан, Э. Каримов ҳам бу йиллардаги (яъни 1918—1923 йиллар) Фитрат фаолиятида жиддий хатолар кўради ва уни Турор Рискулов фаолияти билан боғлайди. Э. Каримов бу уринда Т. Рискуловнинг «Турксовет республикаси» ва «Турк халқларининг компартияси» лойиҳасини бутунлай хато ҳисоблайди. Олим бу уринда мазкур лойиҳанинг бир эмас, балки икки бор партия конференцияси тасдиғидан ўтгани ва кескин курашлар эвазига ижобий хал қилингани хусусида теран ва кенг муҳожада юритса, ёмон бўлмас эди. Э. Каримов ёзади: «Бу йиллар Туркистонда Федератив республикадан миллий республикага ўтиш даври эди. А. Фитратнинг хатолари миллий чегараланининг марксча-ленинча принципларини тўғри аглаб етмаганлигидан келиб чиққан». Олим «миллий чегараланининг марксча-ленинча принциплари» нималардан иборат эканлиги ҳақида ҳатто мухтасар бирор изоҳ ҳам бермайди.

Фитрат Февраль ва Октябрь инқилоби йилларида миллатчи — миллатпарвар буюк сиймо сифатида шуҳрат топди. Бу ҳақда шундай ёзади: «Сунгра ҳаёт мени пантуркизмда қотиб қолишга қўймади. Мен ўзбек миллатчисига айландим. 1917-18 йилларда Урта Осиеда пантуркизм ҳаракати кучаймоқда эди. Айниқса, Тошкентда пантуркизм фикри билан сугорилган турли тудалар ташкил бўлди.

Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шiori остида «иш» қурилди. Мактабларда усмонли тили, усмонли адабиёти она тили дарслари урнига қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида «Чигатой гурунги» ташкил қилинди.

«Чигатой гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм ҳаракатлари билан курашмоқда эди. Сизга икита факт курсатай. Бутун мактаблар

римизда «умумий» турк тили, «умумий» турк адабиёти шиорлари ҳукм сурганда, «Чигатой гурунги» ўзбек тили, ўзбек адабиётини урганиш учун Хадрада пулсиз дарс беришни эълон қилди. Муаллимликка мен, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон тайин этилдим.

«Чигатой гурунги» 20-йилларгача давом қилди. Бу вақтгача узининг ўз олдига қўйган илмий юмушлари бажарилган эди. Янги имло Шуро маориф комиссарлиги томонидан мактабларга киргазилган, Шуро ҳукумати томонидан ҳар миллатнинг мактаб тили ўз она тилида бўлсин деб эълон этилган, асосан ўзбек тили таъмин этилган эди. Бир тарафдан коммунистлар фирқасининг миллий масалани тўғри ҳал қилмоқда бўлгани ва мустамлакачилик асосларини емиришда кескин йўл тутгани кун сайин очик қўрига бошланган эди. Ўзбек миллатчиси бўлиб туришда ҳам маъқул бир сабаб қолмаган эди. «Чигатой гурунги» тарқалди. Унинг аъзолари битта-битта ўз хатоларини эътироф қила-қила фирқа сафига ўтдилар ва бор кучлари билан бу кунгача хизмат қилмоқдалар.

Хўш, шундай экан, нима учун салкам 70 йил мобайнида Ўзбекистонда биринчи адабий ташкилот ҳисобланган «Чигатой гурунги»ни «тошбурун» қилиб келинди? Уни «Совет ҳукуматига қарши курашган бир ташкилот», «ўз атрофига буржуа миллатчи ёзувчиларини, зиёлиларини тўплаган», «пантуркизм гоъяларини илгари сурган» уюшма сифатида тарғиб этишлар — сохта талқиннинг энг жирканч намунаси эди ва шундай бўлиб қолади. «Чигатой гурунги» муносабати билан Фитрат бошига қанча маломат тошлари ёғилди.

Бухоро Коммунист фирқасининг нашриёти шубҳаси бўлган «Тонг» (1923) журналы ва «Иштирокиюн» газетаси (1920)да эълон қилинган қатор мақолалар бу адабий ташкилотнинг Фитрат раҳбарлигида қисқа фурсатда ақл бовар қилмайдиган ишларни бажарганини тасаввур этишга имкон беради. Бу борада А. Қодирӣй ва Чўлпон ҳам, Боту ва Элбек ҳам, Лутфий ва Мирмулла ҳам, Абдулла Бегий ва Ёлқин ҳам ўзига сох интилийлар билан кўзга ташланган эди. Зиё Саид таъбири билан айтганда, «тилимизга кириб қолган араб ва форсий сузларига қарши жиҳод билан майдонга чиқди. Она тилининг тугаллиги, имломизнинг уйғунлиги учун курашдилар. Усмонли турк адабиёти ва усмонли турк тили ўрнига мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш учун тинмай кураш олиб бордилар. Бу йўлда, Фитрат эътироф этганидек, «пулсиз дарслар бериш» эълон қилинган. Фидойилик намуналари мунаввар бўлган. Айни чоғда «Чигатой гурунги» аъзолари уйғонаётган Шарқ ҳақида кўплаб мақолалар ва баъдий асарлар эълон қилиб бор-

ганлар. Ниҳоят, Фитрат, А. Қодирӣй, Чўлпон, Боту ва Элбек иходиётлари ва «Чигатой гурунги» ҳақида ҳозирги қадар айтилиб келинган гапларнинг бўҳтон эканлигини рўйи рост тасдиқ этади.

«Иштирокиюн» газетаси 1919 йили 112-сонида «Чигатой гурунги» аъзоларининг кенг газетехонлар омасига мурожаатини эълон қилади. Ундан кичик парча келтирмаган: «Бизни душманимиз деб ҳисоблайдиган қимсалардан мард бўлишларини сўраймиз, чунки биз янги имло қабул қилдик. Турк дўнесини уйғотиш йўлида жонини тиккан адилбар шу муносабатда қай томонда бўлмоқлари керак? Сизнинг тарафдами, ё «Чигатой гурунги» тарафдами? Бизнинг барча сая-ҳаракатларимиз турк дўнеси учундир!» Масала шу даражада кескин қўйилади. Узларининг мақсадига қамил ишонч билан боққан адилбар жангнинг ҳалол бўлишига даъват этадилар. Шундай шaroитда Фитратнинг тилшунос олим сифатидаги истеъдоди рўйи-рост намоён бўлди. «Сарф. 1-китоб. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир таъриба», «Наҳв. 2-китоб. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир таъриба» сингари дарслик ва қўлланмалари вужудга келди... Ниҳоят Фитрат Тошкентда яшаган йилларида Афғонистон элчихонасида ишлайди, таржимонлик ишлари билан шуғулланади. Тошкент дорилмуаллимида талабаларга дарс беради, маориф, маъданий оқартуvs масалаларига қизгин киришади. «Тонг», «Уққун», «Инқилоб» журналлари ва бир қатор газеталарга фаол қатнашди, ўз мақолалари билан майдонга чиқиб туради. Кенг миқёсда баъдий ижодга берилади, бир қатор драматик ва прозаик асарлар яратди.

ФИТРАТ ЯНА БУХОРОДА

Маълумки, 1918 йилнинг сентябрь ойи бошларида аштархонийлар сулоласидан келин салкам икки юз йил ҳукмронлик қилган мангитлар сулоласи бутунлай тугади ва унинг сунги вакили амир Саййид Олимохон тахти ағдарилди. Фитрат аштархонийлар сулоласининг сунги вакили Абдулфайзон ҳақида шу номда биринчи бор йирик фожиали асар яратган. Мангитлар сулоласининг охириги вакили тўғрисида эса «Амир Олимохоннинг ҳукмронлик даври» номли тарихий-публицистик асарини битди.

Бизга маълумки, 1920 йилнинг сентябрь ойида Бухорода Халқ Жумҳурияти вужудга келди. Шу йилнинг 30 октябрида булган Бухоро Маориф Халқ Нозирлиги кенгаши қарори асосида Фитрат ва С. Айний зиммаларига «Бухоро халқ инқилоби тарихи»ни ёзиш вазифаси юклатилади. Бу ишга киришган Фитратга Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигидан мах-

сус телеграмма келади ва у Тошкентда жўнаб кетади. Бунинг сабабини биз ҳозиргача аниқлай олмадик. Эҳтимол, бу борада ҳам ҳужжатлар топилар. Сунгра Бухоро Маориф Халқ Нозирлиги «Фитрат бошлаган Бухоро инқилоби тарихини» ёзиб битириш учун уни Туркистон Маориф Комиссарлигидан сўрашга мажбур бўлади. Шу муносабат билан Фитрат яна Бухорога келади. Айни шу йилларда Фитратнинг халқ арбоби сифатидаги фаолияти юксак бир чуққига кутарилади. У Бухоро Марказий Ижроа Кумитаси Халқ Нозирлиги Шуриси Раисининг уринбосари, Бухоро Халқ Маориф Нозирлиги бўлиб сайланади. Айни пайтда Бухоро жумҳуриятининг Нозирлар кенгаши ҳузурдаги план ва смета ташкилий ҳайъатининг раиси эди. Фитрат Бухоро жумҳуриятининг Ташқи ишлар Халқ Нозирлиги ва Бухоро жумҳурияти Халқ Хўжалиги Кенгаши раиси каби юқори масъул лавозимларда ишлайди. Айни пайтда, Бухоро жумҳурияти халқ хўжалиги Олий Кенгаши раисининг муовини ва Бухоро Халқ Жумҳурияти Меҳнат Кенгаши Президиуми аъзоси бўлади. Баъзи бир манбаларда Фитратнинг Бухоро халқ Жумҳурияти билан Афғонистон, Туркия, Эрон давлатлари уртасида узро алоқа урнатилишига фаол интилниги фактлари учрайди. Бухоронинг мусулмон ҳужудларидан бўлган Хошим Шойиқ 1920 йилда янги давлатнинг Хорижий ишлар нозирлиги этиб тайинланади. Сунгра у Бухоро ҳўкумати билан яқин алоқалар тикланади. Худди шунингдек, қори Қосим Бухоро Халқ Жумҳурияти номидан Эронга сафар қилган ва у билан алоқа урнатган. Исмоил Садрий билан Муҳаммад Назарий эса Туркия ҳўкумати билан яқин алоқаларни тиклашга эришади. Эҳтимол, бу борада Бухорода иш бошлаган Эрон консулиниги ва Туркия дипломатик миссияси ҳам яқиндан ёрдам берган бўлиши мумкин. Фитрат БКП Марказий Кўмитаси аъзоси сифатида ҳам фаол ва ўз эътиқодига содиқ бўлган.

Ҳ. Болтабоевнинг «Талабни қондирмаган инқилоб» мақоласида алоҳида таъкидланганича, БКПнинг II съездида (1921 йилнинг 15—20 декабрида) «унг» ва «сул» қанотларининг узро баҳслари кучли тус олади ва «марказ»чилар голиб келади, натижада БКП РКП(б) составига кириш хусусида қарор қабул қилинади. Бу масала 1922 йилда РКП(б) МК Сийёсий бюросида ҳам курилади ва БКП ва Хоразм фирқалари РКП(б) таркибига кириди. Худди шу таразда БКП ва ХКПлар узларининг мустақил ташкилотлигидан маҳрум бўлади.

Бу йиллар Фитрат Бухорода маориф ва маданият, илм-фан ва тари-

хий, адабий мерос масалаларига жуда катта эътибор беради ва янги-янги илм уюқларини очиб қизгин ҳаракат қилади. Бухорода Шарқ дорилфуннини очиб масаласини кўтариб қиқади ва сунгра бу ҳақда қарор қабул қилинади. Шу билан бирга Бухоро ва Туркистон АССР Маориф Халқ Нозирлари биргалликда мактаб ва олий ўқув юртлири учун қўлланма ва дарсликлар яратиш масалаларига ҳам катта эътибор беради.

Фитратнинг ташаббуси билан бошқа шаҳарлардан қўллаб ижодий ходимлар Бухорода ишлаш учун таклиф қилинади. Шулардан бири Чўлпон эди. У «Бухоро ахбороти»га муҳаррир бўлиб ишга келади. Бухоро Давлат театри тўзилгач, Уйғур таклиф этилади. Қисқаси, тарихий ҳўжатлар Фитратнинг Бухорода ҳаётининг турли жабҳаларида қизгин иш олиб борганидан гувоҳлик беради. Шуниси аниқки, Фитратга ўз она шаҳри Бухорода бутун арбоблик истеъдодини тула намоён этишга имкон бермаганлар. Бир тарафдан, БКП орасидаги икки оқим кураши, яъни «унг» ва «сул»ларнинг узро жанжали. Улар сафида номуносиб аъзоларнинг ортиқ даражада қўпайиши. Иккинчи тарафдан, Бухоро тасарруфидаги қонли воқеалар (бу ўринда «Душанба воқеалари»ни эслашнинг ўзи kifof). Ниҳоят, Бухоро ҳўкуматида юқори лавозимларда ишлаган баъзи бир таниқли арбобларнинг ўз мансабидан воз кечиб, хорижий мамлакатларга кетиб қўйишлари ва ҳар хил тоифадаги бир қатор кишиларнинг босмачилар (миллий ҳаракат) тарафга ўтиб кетишлари. Ниҳоят РКП(б) МК котиби Я. Е. Рудзутакнинг фаол иштирокида «Бухоро ҳўкуматининг таркибини соғломлаштириш» ниқоби остида Ота Хўжаев, Саттор Хўжаев, Ёқубзода, Фитрат ва Амминовларини ўз лавозимидан (1923 йилнинг 12 июнида) четлатадилар. Ҳатто уларни Бухородан бадарга қилиш масаласи кутарилади. Хуллас, Фитратнинг 1920—1923 йилларда Бухорода кечган жўшқин ҳаёти, халқ арбоби сифатидаги фаолияти ана шу таразда яқунланади.

ФИТРАТ МОСКВАДА

Бутун фаолиятини амрилик салтанатини ағдариб учун сарф этган Фитрат ва унинг маслақдошларининг ҳўкумат таркибидан бадарга этилиши баъзи китобларда эзилганидек, бу Бухоро Халқ Жумҳуриятининг галабаси эмас, балки таназзулга кетиш белгиси эди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай кўхна асрлик тарихга эга бўлган Бухоро давлат сифатида барҳам топди.

Бундай жудодлик Фитрат қалбига умр бўйи муҳрлиб қолди.

Фитратнинг бадарга таразиди 1923 ва 1924 йилларда Москва ва Лени-

нградда яшагани ва ижод қилгани маълум. Лекин унинг бу йиллардаги фаолияти ва турмуш тарзи хусусида ҳамон етарли ва тулиқ маълумотларга эга эмасмиз. Бу йиллари у Лазарев номидаги жонли Шарқ тиллари (кейинчалик СССР Фанлар академияси Шарқшунослик) институтида илмий ходим бўлиб ишлайди ва шу илм-гоҳда ҳамда Ленинград дорилфуннинида маъруза ўқийди. У улкан олимлар орасида алоҳида бир нуфузга эга бўлади. Шу боис, Ленинград университети уни профессорлик унвоинига муносиб билади ва тавсия қилади. Жонли Шарқ тиллари институтининг Илмий Кенгаши унга бундай юксак унвон бериш ҳақидаги тавсияни тасдиқлайди. Шу таразда Фитрат бутун Урта Осиёда биринчи профессор сифатида тарихимизда кўп қайд этилади.

Бу йилларда Фитратнинг «Кивмат», «Абулфайзхон», «Бедил. Бир мажлисда», «Шайтоннинг тангрига исбни» каби асарлари СССР Миллий ишлар буйича Халқ Комиссариати ҳузурдаги Шарқ марказий нашриётида чоп этилади. Шу боис, бу асарларни Фитратнинг Москвадаги ижодий маҳсули сифатида қараш одат тусига кириб қолган. Юқорида номлари зикр этилган асарлар Фитратнинг Москвада ўз яшаган бўлса ҳам, лекин ижоди жуда сермахсул кечганини тасдиқ қилади. «Арслон» номли драматик асарини муostasно қилганда, кейинги ўн йилдан ортиқ давр ичиди Фитратга аввалларидек, йирик асарлар яратиш насиб бўлмади. Буни кейинги даврда илмий ишларга берилиб кетгани билан изоҳлаш мумкин.

ФИТРАТ МОСКВАДА ҚАЙТГАЧ...

Унинг яшаши ва фаолияти Самарқандда кечади. 1927 йили Самарқанд педагогемияси ташкил бўлгач, Фитрат шу билимгоҳда талабаларга ўзбек адабиёти тарихи ва ўзбек тилидан сабоқ бера бошлаган. Кейин Бухорода, сунгра Тошкентда яшади. Фитрат 1925—1930 йиллар орасида Ўзбекистон ССР Халқ маорифи Нозирлиги Илмий Марказида, Ўзбекистон Компартияси МК қарори (1926) асосида вужудга келган Янги ўзбек алфавити Комитетиде, Самарқанд педагогемияси ва Бухоро маориф институтида ишлайди ҳамда талабаларга сабоқ беради. Бу йилларда унинг «Кутадгу билик» (1926), «Ўзбек тилининг сарфи» дарслиги (1925—1930 йиллар давомида ҳар йили қайта-қайта чоп этилган), «Навойнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони турғисида» (1926), «Адабиёт қондилари» (1926), «Ўзбек классик мусақаси ва унинг тарихи» (1927), «Муқаддиматул адаб» (1926), «Аҳмад Яссавий» (1927), «Энг эски турк ада-

биети намуналари» (1927), «Ясавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» (1928), «Ўзбек адабиёти намуналари» (1928), «Форс шоири Умар Хайём» (1929), «XVI асрдан сунгги ўзбек адабиётига умумий қараш» (1929), «Ёпишмаган гажжаклар» (1929), «Мухаммад Солиҳ» (1929), «Машраб» (1930) каби йирик мақолалар, қўланма ва дарсликлари вуждуга келди.

Ўқорида Фитратнинг Москвадан қайтиб келгандан кейинги бадиий ижодида сукташлик мавжудлиги ҳақида гап очган эдик. Бунинг сабабларидан бири эса Фитратнинг илмий-ижодий ишларга жуда катта эътибор бергани ва бу борада қатор тадқиқот ишларини яратгани билан изоҳлаган эдим. Бундан ташқари, адабий жаравнинг бу йилларда мураккаблашиб кетиши ва фожиали кечиши Фитрат руҳий оламига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Қолаверса, Фитратнинг ўзи ҳам совуқ муносабатларни ва таъбиб этувчи танқидларни бошидан кечира бошлади. Авваллари ҳам бўлиб турган танқидлар Фитратнинг айниқса «Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт хаваскорлари учун назарий қўланма» сифатида чоп этилган «Адабиёт қоидалари» ва «Энг эски турк адабиёти намуналари» муносабати билан янада кучли тус олди. Жалил Бойбулатов узининг «Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик» («Қизил Ўзбекистон», 13, 14, 15 май, 1929 йил) номли йирик мақоласи билан Фитратнинг «Намуналари»ни ҳам, бу асарга сўз боши битган Отажон Хошимни ҳам кескин танқид қилиб майдонга чиқарди. Унинг бу мақоласи Отажон Хошимнинг таъбирича «кўпол бир фельетон» эди. Унинг бундай совуқ муносабатига қарши Отажон Хошим «Адабий мерос ва чигатой адабиёти» («Қизил Ўзбекистон», 16 ва 17 июль, 1929 й.) мақоласи билан ўз муҳолифига муносиб жавоб беришга ҳаракат қилди.

Фитрат ҳам Бойбулатовнинг бундай ҳужумига қарши очик хат ёзади. Унда шуларни ўқиймиз: «Бизда болалар орасида «қузим курмайди» деган бир уйин бор: бир боланинг кўзини қаттиқ боғлашгандан кейин, у қўлига узун бир таёқ олиб, уртада туради. Бошқалар унинг оёғини чалмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Таёқли бола таёғини кутариб, «қузим курмайди» деб, тез-тез айлана берадир, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда сизнинг қаламингиз ҳам кузи курмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, ким тўғри келса шунга текан, орада менинг китобим унутилган, жуда озо урин олган». Ҳақиқатан ҳам Бойбулатовнинг сингари танқидчиларнинг тарихнинг ўта чигил масалаларини билар-билмасдан, тушунар-тушунмасдан ур-қалтак қабилида иш тутиши тасодифий бир ҳол эмас эди.

Бу йилларда ур-йиқитчилик тобора кучайиб борарди.

Чўлпон сузи билан ифода қилганда, Фитратнинг «қимматли асарини» «Арслон», «Угай» имзоли кишининг («Қизил Ўзбекистон», 5 октябрь, 1928) ва танқидчи Тулқиннинг («Қизил Ўзбекистон», 22 октябрь, 1928) тақризларида кескин «Фош» қилинди. Фитрат қанчалик қаршилик қилмасин, танқид доираси унинг фақат бир-икки асаригина эмас, балки бутун фаолиятини ҳам қамраб ола бошлади. Матбуотда Фитратга нисбатан «миллатчи», «панисломист», «пантуркист», «аксиланқилобчи» сингари ёрлиқлар ёпиштириш кучайди.

Ж. Бойбулатовнинг маъзур мақоласида бу хилда айблан янада кескин равишда қўйилди ва ҳатто «опортунист» дейиш даражасига берилди. Унга жавоб берар экан, Фитрат «Чигатой гурунги» раҳбари бўлган йилларда ҳеч қачон «панисломист», «пантуркист» булмаганини, аксинча, бир фидойи ўзбекпараст ва миллатпараст сифатида уларга қарши шиддатли кураш олиб борганини, ўзбек адабиёти ва тилининг мавқе учун жонбозлик курсатганини алоҳида қайд этди. Қолаверса, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой Амударё бўйларидан то Гулжа ерларигача бўлган минтақаларда, яъни Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқар деб ном олган катта улкаларда ҳукмронлик қилган, шунга кура қадимдан «Чигатой улуси» аталиб келинган, бу жуғрофий кенгликда яшаган халқлар тили ва адабиёти эса «Чигатой адабиёти ва тили» номи билан юритилган. Ахир, бунинг «панисломизм» билан қандай алоқаси бор?

Ж. Бойбулатов мақоласида Фитрат Туркия султониға мақтуб ёзишда ҳам айбланади. Фитрат эса «мен умримда Туркия султониға мақтуб ёзмадим, бу менга тўхмат!» дейди. Фитрат шу тарзда Ж. Бойбулатовнинг нотўғри қарашларига кескин зарба беради. Унинг қўйган айбномалари, ўта хунук ёрлиқлари эса, Фитрат таъбири билан ифода этганда, «ёпишмаган гажжаклар»дан иборат.

Тарихий ҳужжатлар 1923—1933 йилларда Фитратга ҳар хил айблар қўйилганидан, қатор асарларидан миллатчилик ва аксилшуровий гоялар излаганидан, зурма-зураки топилди «фoш булгани»дан, ниҳоят, устидан жиноий иш қўзғалганидан гувоҳлик беради. Ф. Қиличев «Мустақилликнинг фожиали йўли» мақоласида шундай характерли бир факт келтиради: «Бундан хабардор бўлган Файзулла Хужаев ҳукумат комиссиясига тузиб, ўзи шу билан шугулланади. Фитрат асарлари гоъвий тоза, ҳеч қандай миллатчилик ва аксиланқилобий руҳ йўқ, деган хулоса билан ишни ёптириб юборади».

1931—1933 йилларда Фитрат Маданий қурилиш илмий тадқиқот

олийгоҳида, сунгра 1934—1937 йилларда тил ва адабиёт илмий олийгоҳида ишлар экан, қатор тадқиқотлар яратди, булажак ёш олимларга қўлаб маърузалар қилди. Бу илмий олийгоҳда узининг коммунистлигини пеш қилиб, марксизм-ленинизм байроғини кутариб юрган бир қатор ховлиқма тадқиқотчиларга нисбатан «номарксист» (шундай дейиш одат бўлиб қолгани ва улкан бир олимни камситувчи қўсур саналиб келингани учун бу иборани айнан ишлатапман — А. Қ.) Фитрат куп ишлар қилди. Адабий меросимизни қўз қорачигидай асрашда, уни бизга етказишда фидойилик намуналарини курсатди. Бу фикрини Фитратнинг шу йилларда яратган қатор тадқиқотлари ҳам оидин даражада исбот қилади. Кези келганда, Фитратнинг «Эртраклар ва ҳақиқатлар» («Машъала», 1934, N 1), «Абулқосим Фирдавсий» («Ўзбекистон шуро адабиёти», 1934, N 7—8), «Жадидизм даври адабиёти тарихининг очерки» (1934), «Фирдавсий замони ва муҳит» («Ўзбек совет адабиёти», 1936, N 10), «Аруз» (1935), «Ўзбек адабиёти тарихи. Феодализм даври» (1935), «Ўрта Осиёда ер-сув муносабатлари тарихи» (1936), «Ўрта Осиё сўғоришлари тарихидан ўч ҳужжат», «Собик Бухоро амирлиғида ер муносабатларига доир материаллар» сингари бир қатор қўлами кенг ва теран тадқиқотларини эслаш ортиқча бўлмас. Хуллас, Фитратнинг бадиий ва илмий мероси уни Марказий Осиёнинг буюк санъаткори ва комусий ҳамда жаҳоний олим, йирик мутафаккир дейишга тўла асос беради. Шундай улкан санъаткор ва бекис қатта олим Фитрат 1937 йилнинг 22 июль куни ЎзСШЖ ИИХК мақкамаси томонидан миллатчиларнинг «Миллий иттиҳод» аксиланқилобий ташкилотининг фаол аъзоси сифатида ҳўбига олинган ва 1938 йилнинг 5 октябрида олий жазо — отувга ҳўкм қилинган. Ижроси олдин амалга ошган.



1. ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ШАХС ТАРБИЯСИ

Жамиятда болалар жамоаси — муҳим ижтимоий муҳит. Унда инсон шахси фақат шаклланиб қолмасдан, балки ривожланади, сифат жиҳатидан узгаради. Шунинг учун уни тўғри ташкил қилиш тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бола бу жамоода авлодлар тўплаган тажрибаларни ўзлаштириши, ахлоқдан тарбияланади.

Яхши ташкил этилган болалар жамоаси учун характерли хусусият шундан иборатки унда аниқ мақсад, маъмули фаолият, жамият манфаати учун ишлаш, умумий натижа учун гамхўрлик кайфияти мавжуд бўлади.

Болалар жамоаси тарбия объектига эмас, балки, субъекти ҳамдир. Ҳар бир бола шу жамоа аъзоси сифатида жамоа фаолияти мақсадини таллашда, унинг амалиётида иштирок этишда, жамоа фикрини вужудга келтиришда қатнашиши зарур. Болалар жамоасининг шахсга тарбиявий таъсири болага таъбиқ тарихда бўлмаслиги лозим. Болалар ижодий фаоллигини ҳар томонлама ошириш учун уларнинг мустақиллигини таъминлаш зарур. Бола шахсининг ахлоқий доирасини, продавий сифатини шакллантиришда унинг мустақиллиги ва индивидуаллигини ривожлантириш жуда муҳимдир.

Ўқитувчи ҳуқуқини ёки тарбиячи тарбияланувчини ўрганар экан, унинг қандай оилада, қандай шароитда усганлигини билиши керак. Оилада бола икки ҳолда: ёлғиз бўлса ва у ўз ҳолига ташлаб қўйилса, унинг тарбияси ёмонлашади. Жамоасиз усган ёлғиз бола — узига бола қўювчи, ўзини яхши курсатувчи, бошқаларни менсимайдиган бўлади. Бундайлар кейинчалик жамоага сингишда қийналади. Қаровисиз боланинг ҳам хулқи бузилиб кетади.

Ҳозирги кунда энг асосий масалалардан бири ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, маънавий дунёсини, маданиятини юксалтиришдир. Ёшлар маънавий етук, маданиятли, тафаккури юқори бўлса, у тезроқ узолигини англайди ва ижтимоий масъулияти узгаради. Ўзбекистон истиқлоли учун меҳнат қилиш қобилияти ривожланади.

Болалар ўзларининг қизиқувчанликлари, хотиралари, хаёл суришлари, нозик фикрлари билан

бир-бирларидан фарқ қиладилар. Уларнинг баъзилари дарсларни секин ўрганади, лекин бирор томонини ўзлаштириб оласа, уни ҳеч қачон унутмайди, бошқаси эса дарсни энгил, тез ўрганади-ю, лекин ўзлаштирган билимларини тез унутиб қўядилар. Болаларнинг ақлий усинини кузатар эканмиз, уларда махсус қобилият, алоҳида истеъдод мавжудлигини пайқаб қоламиз. Яъни болаларда ёшлигиданоқ маълум бир нарсаларга қизиқиш пайдо бўлади. Йиллар ўтиши билан бу қизиқиш кучайиб, шахснинг ижтимоий ҳаётида мустақкам ўрин олади.


Шахс қизиқишларини ўрганишда, айниқса, унинг ижтимоий қизиқишларини билиш муҳимдир. Ҳар бир боланинг ижтимоий фаолиятда қандай қатнашаётганлиги, унга бу ишлар қандай таъсир этаётганлиги, яқин ўртоқлари кимлар эканлигини билиш алоҳида аҳамиятга эга.

Одатда ҳар бир индивид ёшлигидан узига хос иродавий хусусиятларни курсата бошлайди, мақсадга интилишда фаоллик, ушқоқлик ва қатъийлигини намён этади.

Шахс балоғат ёшида эса кўтаринки руҳдаги ҳиссиётга эга бўлади. Шунинг учун шахсни таркиб тоштиришда унда ўз ҳиссий оламини идора қила олиш қуниқмасини юзага келтириш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўқувчининг ахлоқий хислатларини тарбиялашда уларнинг меҳнатсеварлиги, тўғрилиги, соф виждонлиги, ўртоқлик, згуликни қадрлаш ҳиссиётларига эга бўлишига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Шахсни индивидуал ўрганишни системалаштириш учун индивидуал психологик карта тузиш керак бўлади. Уни маълум вақтларда (ҳафтада, ойда, йилда) тўлдириб туриш талаб этилади. Унда оилавий шароит, жисмоний ривожланиш, соғлиқ, мижоз ва феъл-атвор хусусиятлари, руҳий жараёнлар, диққат, идрок, хотира, тафаккур, эҳтирос, ўзини-ўзи баҳолаш, қизиқиш, атрофдагиларга, ўқушга муносабат ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинади.

Яқин ўтмишда республикамизда коммунистик тарбия, атеистик тарбия, гоивий-сиёсий тарбия тўғ-



рисида жуда кўп фикрлар баён этилди ва тадқиқотлар олиб борилди. Лекин тарбиянинг руҳий механизми, унинг асосий йўналиши инсон ёши ва тақдирининг даврларига қараб белгиланиши ҳақида илмий тадқиқотлар етарлича йўлга қўйилмади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий ва индивидуал руҳият, хусусан, миллий руҳ асосларини ўрганишга қизиқиш кун сайн ортмоқда. Бу табиий ҳолдир. Кишилар руҳиятини ўрганмай туриб, уларнинг қизиқиши, хоҳиши, кайфияти, ҳис-туйғулари, ҳатто меҳнатга бўлган муносабатларини йўлга солиш кўнин кечадди. Республикамизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий узгаришлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кишиларнинг руҳий тайёргарлигини ҳам тақозо этади.

«Ҳаётимизда бўлаётган узгаришларнинг илдини, — деган эди Президентимиз И. А. Каримов, — халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир қурасатмоқда».

Бинобарин, ҳамма гап ана шу имкониятлардан халқимизни, айниқса, ёшларни комил инсон этиб тарбиялашда баракали фойдаланишдадир.

2. ДУНЁҚАРАШ ВА МАЪНАВИЯТ

Ҳозирги пайтда кишиларнинг дунёқараши муттасил узариб бормоқда. Бу узаришлар баъзан янги, баъзан эски ақидаларга йўғрилган ҳолда содир бўлмоқда.

Албатта, дин — қадриятлар мажмуасида махсус тизимни таш-

кил қилади. Бу тизим ҳудожуи кишининг онгидоғи эмас, унинг хатти-ҳаракатларида ҳам ўз ифодасини топади.

Диний хурофот масаласи ислом дини учун ҳам анча муаммо саналади. Аввало «диний хурофот» деган атаманинг узини таҳлил қилиш лозим. Ислам дини ўз қобиғига кириб қолиш ва илмий атеизм томонидан ёпиштирилган «диний хурофот» деган тамгадан бирдай зарар қуради. Бу иллатларни кишилар онгидан қувиб чиқариш диний таълимот намояндalарини учун ҳам осон эмас. Ислам динида ишлаб чиқилган ахлоқ қоидаларига асрлар давомида унинг ислохотчилари томонидан шу қадар кўп қоидалар ва қўшимчалар киритиб ташланганки, булардан мосуво бўлиш учун дин вакиллари ҳар бир йилги жума номозлари, худойи ва бошқа диний маросимларда ваъз ўқиш йўли билан омма онгига таъсир ўтказиш усулидан фойдаланиб келадилар. Жумладан, кейинги пайтда авж олган ароқхўрлик, исрофгарчилик каби иллатлар давлат муассасалари қатори диний таълимот томонидан ҳам қатъиян қораланмоқда. Ахлоқий поклик йўлида давлат ташкилотлари қаторида диний ташкилотлар ҳам кескин чораларни қўлламоқдалар.

Шу билан бирга, диний қадриятга эга йўналишлар ҳаммага ҳам бирдай таъсир қилавермаслигини айтиб ўтиш керак. Кимгадир турмуш хотиржамлигининг ўзи етарли бўлса, бошқа биров учун моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик боз мақсадга айланади. Бу икки тоифа бир мақсадга икки хил йўл билан интилади. Кўнгил хотиржамлиги билан турмуш тинчлигига интилган шахслар турли қинғир йўللарга бошловчи ишлардан уларнинг четга тортади. Уларга мамлакат ва одамлар тинчини кўзлайдиган сиёсат, диний ва ахлоқий таълим-тарбия биринчи даражали йўналишлар ҳисобланади. Миллатларро бугунчилик, камеб моллар ҳисобидан чайқовчилик қилиш, турли миш-мишлар тарқатиб одамларни беором қилиш бундай шахслар учун бегона. Турмушни моддий жиҳатдангина қўриш ва шунга интилувчи шахслар эса биз қўриб ўтган юқоридаги тоифадан анча хатарли. Бундай шахслар учун нафақат сиёсат, балки дин ҳам шу мақсадга қимматга эга бўлади. Сиёсий чайқовчилик, сунъий равишда тақчилликни юзага келтириш, омманни оммага қайраш кўпинча мана шу тоифадаги кишиларнинг ахлоқ йўналишидан келиб чиқади.

Оила муҳити шахсининг тарбия-

си учун гоят муҳим. Оила ва унинг аъзоларининг турмуш тарзи кўп ҳолларда фарзандларнинг кайфияти, тасаввури ва ҳиссийларини белгилаб беради. Қўш индида курганини қилади, деган мақол айнан мана шу боисдан туқилган.

Оила болаларнинг турғи тарбия топишида катта мақтаб эканлигини таъкидлаган ҳолда бу мактабнинг мураббийларидан ташқари ота-онанинг тарбияси ҳам ўз урнида бўлиши лозимлигини эслаб утайлик. Ота-онанинг одоб ва меҳри таъсирида болаларда ҳам инсонга ҳурмат, меҳр кўникмалари пайдо бўла бошлайди. Ҳар қандай ота-она ўз жигаргўшаларининг маънавий юксак бўлишига эътибор беради. Аммо яқин ўтмишда урта мактабларимизда олиб борилган марказлашган таълим тизимининг бир ёқламалиги ёшлар онгига салбий ҳодисаларни келтириб чиқарди. Уларда ўтмиш маънавиятига қарши кайфият тугдирди.

Ёш авлоддаги бундай ҳолатнинг олди олинмаса, кутилмаган қулфатларга олиб келиши мумкин. Шу боисдан тарбия жараёнини ўзгартиришимиз лозим. Онглилик ва амалий фаолиятнинг узвий бирлиги омилга муносабатни яхшиламай туриб, таълим-тарбиядан фақат исломий қадриятлардан фойдаланиш билан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Тарбия ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мустақилликка эришган республикамизда, айниқса, илмий дунёқарашга, юқори ахлоқий сифатларга, чуқур гоёвий ишончга ҳамда миллий маънавиятга эга бўлган шахсни тарбиялаш бош мақсад ҳисобланади. Бунинг учун мактабларимиздаги ўқув услубий ҳамда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш лозим. Ёшларимизни маданиятимизнинг маған билан тарбиялаб боришимиз, бу бебаҳо бойликларни уларнинг онгига синдиришимиз керак. Ёшларни тарихий меросга, миллий анъаналарга, бой маданиятимизга, ислом қадриятларига, буюк сиймоларининг маънавиятига эҳтиёж сезувчи руҳда тарбиялаш зарур.

Шунингдек, миллий урф-одатлар ёшлар тарбиясида ҳал қилувчи омиллардан биридир. Шу билан бирга миллий урф-одатларнинг қай бири аجدодлардан мерос, қай бири кейинчилик қўшилганлигини аниқлаш ҳам фойдалидир.

Ўзбекларда тугилган кундан тортиб умрининг охиригача амалга ошириладиган, тарихан ташкил топган турмуш тарихдан кейин урин олган анъана, урф-одат, маросим ва байрамларнинг мунтазам бир тизими ишлаб чиқилган. Ун-

га амал қилиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг, яъни ўзбек миллатининг инсоний бурчи ҳисобланади. Оиладаги муҳит, жамоатчилик фикри, маҳалла аҳли инсондаги бу хусусиятларни кун сайин мустаҳкамлаб борган. Айни чоғда диний белгилар миллийлик хатти-ҳаракатлари билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун кўпинча диний қадриятларга амал қилиш миллийлик сифатида халқ томонидан қабул қилинган. Бу ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Фан-техника ва дунёвий билимлар руҳини, онг ва илмий дунёқараш шаклланишининг асосларидан биридир. Зеро, келажаги буюк бўлган давлат қўриш иши меҳнат аҳлини, хусусан, ёшларни ҳозирги замон фан-техника ютуқлари билан қуроллантирмай, жаҳондаги илгор технология ва фан ютуқлари билан хабардор қилмай амалга ошмайди.

Жамиятимизнинг келажаги бўлган ёшларни фан-техника ва дунёвий билимлар билан қуроллантириш гоят муҳим ва мураккаб жараёндир. Таассуфки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик байроғи остида ёшларнинг айримлари бозорларда олди-соти билан шугулланиб, ўқишдан совуш, унга «иккинчи даражали ҳодиса» деб қараш ҳоллари кузатилмоқда; иккинчидан, олийгоҳларга кириш имтиҳонлари тест тизимига ўтиб, ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади, аммо олийгоҳга жойлашнинг «уддабурунлари» ҳамон топилмоқда ва улар пора орқали қобилиятсиз ёшларнинг киришига сабабчи бўлмоқдалар, натижада иқтидорли ёшлар гоҳида четда қолиб кетмоқда; учинчидан, мамлакатимизда виждон эркинлиги туфайли ёшлар орасида диний кайфиятлар ута кучайиб, уларнинг психологиясида фан асосларига нисбатан диний ақидалар биринчи уринга ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов оғохлантирганидек, «Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда коинот сир-асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран органиши зарур». Юқоридаги муаммоларга эътиборни қаратиш, уларнинг олдини олиш республикамиз истиклолининг муҳим вазифалари қаторига кирди.

Исматулла ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Қарши Давлат Университети
доценти,
дифференциал психология
ва социология
кафедраси мудири.

КОМПЬЮТЕР ВА МАДАНИЯТ

Бугунги кунни аэробус ва метросиз, коинотшунослик ва юлдузлараро кемаларсиз, шунингдек, ҳар бир қадамимизда сув билан ҳаводек зарур бўлган компьютерларсиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ушбу мақолада маданиятнинг компьютерлар билан узаро алоқаси буйича суз юритади.

Санъат ва математиканинг узаро алоқадорлиги туғрисидаги тасаввурлар жуда узоқ даврларга бориб тақалса-да, бу алоқалар маданиятнинг ҳозирги босқичида ўз қиёфаси ва йўналишини биров ўзгартириб, тараққий этмокда.

Электрон ҳисоблаш машиналари ва кибернетиканинг пайдо бўлиши билан Оврупонинг бир қатор мамлакатларида «Компьютер санъати» деб аталмиш йўналиш юзга келди. Рассомлик санъати, графика, муסיқий асарлар яратишда компьютерлардан фойдалана бошланди. «Поп-арт услубидаги машина ижоди» маҳсулотлари, «кинетик санъат», «абстракт муסיқа», «предметсиз рангтаъсир», «пермутацион санъат» фестиваллари, кўрғазма-куриклари даври бошланди.

Эришилган ютуқлар сафига меъморчиликдаги лойиҳалаштиришда компьютерлардан фойдаланишни киритиш мумкин, негаки меъмор ўз тасаввурда пайдо бўлган фазовий шакллارни қайд қилиш имконига эга бўлди. Кинематографияда эса ЭХМдан фойдаланишнинг биринчи қадамлари мультипликацион фильмлар яратишда қўйилди. ЭХМ билан ишлаш давомида рассом-мультипликатор бир-биридан деярли фарқланмайдиган картиналарни куп мартабада чизиш заруратидан қутулади.

Худди шу йўсинда, амалий санъат турларида, масалан, тўқимачиликда ҳам компьютерлардан фойдаланиш мумкин. Агар

авваллари рассом-безакчилар ранг танлаш ва тўқиш учун икки-уч ой сарфлашган бўлса, меҳнатни автоматлаштириш жараёни эса материаллар таркибини, тўқима характерини аниқлаш ва шунга хос ранг танлаш ишини санокли дақиқаларда ҳал этиб беради. Ҳозирги кунда саноат компьютерлар ёрдамида тайёрланган газламаларни ишлаб чиқаришни бошлади.

Муסיқали асарлар яратилишида ҳам компьютерлар маълум даражада «дастёр»лик ролини бажариши мумкин. Ҳозирги пайтда муסיқий ахборотни машинага жойлаш, уни қайта ишлаш, шунингдек, бир неча нотали аслий муסיқалар жамламасини тузиш дастурининг махсус йўл-йўриқлари ишлаб чиқилмокда. Бирок машинали муסיқа ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, янги муסיқий маттни қандайдир шаклга — машина коди, оддий нота ёзуви ёки бевосита «товуш ҳолати» шаклида ЭХМга киритиш муҳимдир.

«Машинали муסיқа» соҳасидаги тадқиқотлар шуни курсатадики, мутахассиснинг мақсади муסיқий ижод жараёнини моделлаштиришдир. Шу сабабли бастакорлар ҳозир машинага, ўз меҳнатларини енгиллаштирувчи восита, деб қарашмокда. Хусусан, муסיқа басталашда компьютердан «тайёрловчи» восита сифатида фойдаланиш мумкин, яъни алоҳида муסיқий парчалардан бастакор узининг уй-фирқларига мос келадиганини танлаб олиш имконига эга бўлади.

Композитор Л. Авсвацатрян «туркум асарлар» яратилишида компьютерларнинг иштирокини қўйидагича таърифлаган эди: «...ўйланган, фикр қилинган режаларни рўёбга чиқариш ниҳоятда мураккаб ва сермашқат иш. Уларни амалга ошириш куп вақт-



ни талаб қилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, компьютер бизнинг муסיқий илҳомимизни боғловчи идеал ёрдамчидир. Бундан ташқари, компьютер композиторга парда ораси (интервал), ритм ва фикр бирлигида жамланган нарсани қайта яратиш сир-асро-рига яқинлашиш имконини беради».

Маданиятнинг «социодинамик туркумлари» доирасида бадиий асарларнинг тарқалиши, жумладан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёйилиши катта роль ўйнайди. Шулардан дастлабки радио ҳисобланади. Радиода куп минглаб муסיқий асарларнинг рекузитлари таърифлаб берилган, радиоэшиттиришлар самарадорлигини аниқлаш, турли фонд материалларини қидириш таъмоиллари ишлаб чиқилди, фактлар, воқеа-ҳодисалар ва шахсларга даҳлдор фикрлар буйича ахборот-қидирув тизими ҳамда муҳаррирлар талабига мувофиқ концерт дастурлари тайёрлашнинг янги усуллари яратилди, тегишли алгоритмлар, машина тили ва дастурлари тузилди.

Йирик радиомарказларнинг ахборот хизматида ҳам ҳисоблаш техникиси ва автоматлаштирилган тизимлар фойда кўрсатяпти. Худди шу тахлитдаги ишлар телевидениеда видеосожетлар дастурини тузишда, тайёрланаётган телекурсатувлар учун суратлар танлашда ҳам қўлланилмокда. Бундан ташқари, наширёт-мағбаа ишларида, кутубхона ишини ташкил этишда компьютернинг роли ҳақида гапириш мумкин. Ҳозирги кунда барча йирик кутубхоналарда компьютерлардан самарали фойдаланиш

натижасида хизмат курсатишнинг ишчанлиги ва сифати ошиб борапти.

Ҳозирги кунда санъатнинг янгидан-янги турлари билан электроника ва кибернетика узвий боғланиб борапти. Айниқса, муслиқий «материал» товущининг бадийий синтези ва ранг яратишнинг янги усуллари юзага келяпти. Атоқли рус композитори ва пианино устаси А. Н. Скрябин томонидан тарғиб қилинган мусиқа ва ранг синтези тўғрисидаги эски гоё долзарб бўлиб қолмоқда. Лазер ва голографик техникадан фойдаланишнинг ҳам улкан истиқболлари намоён бўлмоқда. Рангли ва мусиқали жушқинликнинг бирикуви инсоннинг борлиққа нисбатан эстетик муносабатига, эмоционал ифодалаш олами сари кириб борапти. П. Чайковский, Ф. Шопен, Р. Вагнер, С. Прокофьев ва бошқа замонавий композиторларнинг рангли мусиқали асарлари яратилиб, ижро этилмоқда. Рангли мусиқали асарлар тайёрлаш мезонларини ишлаб чиқиш буйича талай ишлар амалга оширилмоқда.

Рангли мусиқанинг қўшимча соҳаси — дизайндр. Автоматика, электроника ҳамда лазер техникаси асосида бир қатор «амалий» рангли мусиқали тизимлар тайёрланган. Рангли мусиқа ва «кинетик» санъатдан даволаш мақсадида: чарчоқ ва руҳий толиқишни бартараф қилиш учун ҳам фойдаланишнинг реал истиқболлари мавжуд.

Маданиятда компьютерлардан фойдаланиш шунки курсатадики, бадийий ижод тараққиётида, унинг истиқболда компьютерлар жуда катта роль уйнайди.

Ижодий жараёни компьютерлаштиришнинг эндиги босқичи — меъмор, дизайнер, рассом, кино ва театр ходими, ҳатто журналист ва ёзувчининг ижодий фаолиятига компьютерларни тадбиқ этишдир. Санъат соҳасида фойдаланиладиган «инсон — машина тизими»нинг яратилиши инсоннинг ижодий имкониятларини кенгайтириши керак. Тасаввур қилиш мумкинки, электроника, ҳисоблаш техникаси ва ахборот тизимлари бадийий маданият асарлари яратиш жараёнига узвий кириб боради, XXI асрдаги илҳом париси, асосий ёзув воситаси бўлиб қолади.

КУШИҚ САНЪАТИНИНГ ривожига, шакл-шубҳасиз, шoirлар, бастакорлар ва хонандалар ҳамкорлиги асосий, ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳаёт шу қадар кенг ва яширин имкониятларга бойки, изласанг, бу соҳани ривожига ривож бағишлайдиган янги омиллар топилади.

70 йилларни бошида утказилган «Марҳабо, талантлар!» деб аталган республика миқёсидаги телевизион кўрик-танлови қўшиқчилигимиз тараққиётига уз ҳисасини қўшган шундай амалий тадбирлардан бири бўлди. Бу кўрик-танлов бутун улкани қамраб олди, унда юз минглаб бадийий ҳаваскорлар ва ҳаваскорлик жамоалари қатнашди. Ниҳоят, сараларнинг-саралари, яъни энг талантили хонандалар ва созандалар туманлар ва вилоятлардан Тошкентга таклиф қилиниб, уларнинг ажойиб ижрочилик маҳоратлари, куй ва қўшиқлари телеэкран орқали бутун элга кўрсатилди...

«Марҳабо, талантлар!» телетанловида юзага чиққан ҳаққ талантлари бугун таниқли санъаткорларга айланиб, ўзбек мусиқа ва қўшиқ-ижрочилик санъати камолатига уларнинг салмоқли улушларини қўшмоқдалар.

Шу кўрик-танловда қуйида мен сизга ижодий ижрочилик йўли тўғрисида ҳикоя қилмоқчи бўлганим таниқли санъаткор-хонанда Султонпошша Удаева ҳам қатнашган. Хоразмлик бу ҳаваскор қўшиқчи кўриқнинг ҳамма машаққатли синовларидан муваффақиятли утиб, Тошкент телеэкран орқали куйлашга мушарраф бўлган эди. Ушанда у 15 ёшлик қизалоқ эди. Султонпошша «Йўларим» деган қўшиқни ижро этганда концерт залида утирган бeсанoқ қўшиқ ихлосмандлари, ҳатто кўрик-танлови ҳақами ҳайъати аъзоларининг ўзлари сеҳрланиб, бораги сел бўлиб тингланган. Қўшиқ тугади, зал «бис!» ва тўхтовсиз беш қарсақлардан тeрс ёрилиб кетай деган эди ушанда. Султонпошша қайтадан саҳнага чиқиб, хурмат-муҳаббатларга таъзим бажо айлаб, ахир яна бир қўшиқ айтишга мажбур

бўлган эди. Энди у «Онажон» деган қўшигини куйлади. Телеоператор ҳаракатда. Экранда «Онажон!» деб, кўнгилинг энг соҳир ҳис-туйғуларини ифодалаб, берилиб қўшиқ айтаётган дўмбоқ қизалоқ, ундан кейин, қўшиқнинг жон олгучи таъсиридан кўнгли бушашиб, кўз ёшларини артаётган аёллар, қизлар, ҳатто эркеклар... Телеоператор нигоҳидан ҳеч нарса ни яшириб бўлмайди.

«Марҳабо, талантлар!» — Султонпошшанинг хонандалик истеъдодини элга кўрсатдигина эмас, балки бу истеъдодни турли босқичлардаги синовлар жараёнида чархлади, унга профессионал санъат сирлари, кўникмаларини сингдириди. Бутун Султонпошша Удаева таниқли санъаткор, Ўзбекистон Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг етакчи яккахон хонандаларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист... Булар — Султонпошша Удаеванинг 25 йиллик концерт-ижрочилик фаолияти тақомии йўлининг зоҳирий, таъбир жоиз бўлса, «анкета кўрсаткичлари». Бу йўлнинг моҳияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, 70-90-йиллар ўртасидаги ўзбек қўшиқ санъати солномасида унинг номи билан боғлиқ гузал бир саҳифа тугилди. Ва бу саҳифа, ҳеч сўзсиз, мазмунан тўлишиб, тобора, бойиб бораверади.

Бугун С. Удаевани хорижий қўшиқ мухлислари ҳам яхши танийди. У қайси мамлакатларга

СУЛТОНПОШША
НАВОЛАРИ



ижодий сафарга бормади! Унинг овози Югославия, Венгрия, Жанубий Корея, Араб мамлакатлари, Озарбайжон ва Туркия сахналарида, радио орқали ва телеэкранларида жаранглади. Айниқса, унга нисбатан Туркия қўшиқ муҳлисларида алоҳида бир муҳаббат уйғонди. Бу мамлакатта уни тез-тез тақлиф этиб туришади. Туркияда унинг бутун бошлиқ қўшиқ туркумлари тасмаларга ёзиб олинган ва халқ ўртасида тарқалган.

Ҳар бир таниқли санъаткор каби Султонпошша Ҳаеванинг ўн йиллар мобайнидаги қўшиқ-ижрочилик йўли, тажрибалари ҳам ҳозирги ёшлар ўчун ибратли жиҳатларга эга.

Масалан, Султонпошша аввало ўз тимсолида истеъод ҳақиқий бўлса, у бари бир бир кун келиб албатта юзага чиқишини исботлади. У ҳали мактабга бормасидан қўшиқлар куйлай бошлаган эди. Мактабдалик даврида эса фақат ўзи яшайдиган Янги бозор қишлоғида эмас, балки бутун тумандаги кўрикларнинг доврқли қатнашчиси, хонадаси деб тан олинди. 70-йилларда, 7-синфда ўқиб юрган маҳалларида Хоразм телевидениеси орқали тез-тез чиқиб турадиган қўшиқчи эди. 8-синф ўқувчиси Султонпошша Ҳаева эса «Марҳабо, талантлар!» умумреспублика телевизион кўрик танловидида қатнашиб, бутун элга танилди. Ҳакамлар бир овоздан ёш, талантли хонадлага тан беришиб, унга энг юқори баҳо — 10 балл қўйишди.

Султонпошшанинг чиндан ҳеч кимникига ўхшамайдиган ўз хонандалик истеъоди, яъни ўз овози бор. Бу овоз халқ ашуллари, яллари йўлида. Султонпошша овозида Хоразм воҳасининг дилбар наволари, халфачилик оҳанглари таъсири кучли. Шундай хонандалар борки, уларнинг қўшиқ оҳанглари фожиали — драматик аккордларга кўтарилди ва бундай овознинг ўз таъсир қудрати бор. Султонпошшанинг овози улардан фарқ қилиб, уйноқи, рақсбop оҳангларида, шўхликка, эркаликка, гамзага мойил, бу овоз серноз-серишва жилолари билан тингловчини маҳлиё қилади.

Султонпошша Ҳаева овозида шундай бир шарқона, миллий оҳангдор хусусиятлар борки, у ўзбек миллий қўшиқлари билан бир қаторда эронча, ҳиндча, туркча, озарбайжонча қўшиқларни ҳам тақомилга етказиб, ҳам бизни, ҳам хорижликларни ўз ижросига маҳлиё қилиб қўйлай олиши мумкин.

Мана шундай овоз бойликлари билан товланган ўзбек қўшиқлари қўшиқ санъатимизда алоҳида бир оламдир.

Султонпошша Ҳаева қўшиқларининг бетакор оламини қандай таърифлаш мумкин? Унинг қалбидан қуйилиб келган оҳанглар аввало она-Ватанимиз — Ўзбекистон қадди-бастига парвоналар бўлади. Қўли гул меҳнаткаш халқимизга «Обод этар» қўшигининг замнамаларини бағишлайди. У хоразмча ширин лафзда «Онажон» ва «Огажон» деб самимий эркаликлар қилади. «Ёрингизман», «Азизим, бахтиёрим» деб севган ва севилган инсонларнинг энг эзгу ҳис-туйғуларини издор этади. «Муҳаббат дегани шу бўлса агар», «Ҳайронман» дея уйчан, мунис оҳанглар огушида яшайди. Ниҳоят, Султонпошша «Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар» деб лирик-фалсафий уйлар гирдобига чулғаниб, бизни хаёлларга толдиради... Ҳа, Султонпошша қўшиқларининг дунёси бой ва ранг-баранг. Ёлғиз Ўзбекистон радиоси фонотекаси хазинасида унинг 150 дан зиёд бир-биридан

латиф қўшиқлари сақланмоқда. У мумтоз санъат йўлларидаги қўшиқларни, халқ ашуллариини бирдай юксак маҳорат билан куйламоқда.

Султонпошша наволари — фақат овоз гўзаллигидангина эмас, балки инсон рўҳиятининг гўзалликларидан далолат беради. Бундай гўзаллик маънавий бойликдир. Рух тоза ва гўзал бўлса, қўшиқ ҳам шу қадар мафтункор ва сеҳрли. Бамисоли Султонпошша наволаридай!

Султонпошша Ҳаеванинг оилавий даргоҳида ҳам санъат руҳи ва жозибаси ҳукмрон. Унинг турмуш ўртоғи Сафарбой Алимбоев муҳир созанда ва хонадани, Султонпошшанинг ҳаёт ва санъат йўлларидаги садоқатли ҳамроҳи-ҳамгарди. Катта қизлари Саодат, ўғиллари Баҳодир ва Беҳзодлар, гарча бошқа соҳаларда мутахассислик танлаб, қамол топаётган бўлсаларда, лекин куй, қўшиқ, рақс — ҳар бирининг жону дили. Санъаткорлик — уларнинг қонида, табиатида.

Хурмати муштарийлар! Биз сиз билан чорак асрлик қўшиқ-ижрочилик йўлини утган таниқли хонандамиз Султонпошша Ҳаеванинг ижоди ва ҳаёти ҳақида бир оз гаплашдик. Санъаткорлик қиёфасининг айрим чизгиларини қайд этдик.

Султонпошша Ҳаева авжи етук ижод ёшида, унинг режалари, орзу-уйлари кўп. Халқимизга янги-янги қўшиқлар ҳада этиш учун тинимсиз, қизгин ишламоқда. Демак, санъаткор хонандамизнинг ижодий олами узлуксиз янги тулқинлар, жилолар билан бойиб, тулишиб бораверади. Биз унинг қўшиқ, наво йўлларидаги янги интилишларига, изланишларига омад тилаб қоламиз.

М. САФАРОВ.



РАҚС ЖОЗИБАСИ

Ҳаммаси уз-узидан бошланганди. Ушанда Фаргона шах-ридаги 1-маданият уйда аэробика студияси ташкил этилган эди. Студия раҳбари Сергей Федоров қачонлардир бу машқлар довури бутун мамлакатга маълум ва машҳур бўлувчи рақс гуруҳи шаклланиши учун бир дебоча булажагини эҳтимол ҳаёлига ҳам келтирмагандир. Лекин, атак-чек даври ўтиб, устоз аэробика гуруҳи иштирокчилари орасидан иқтидорлиларини танаб олди. Улар 1983 йили ритм-гуруҳига биришиб, «Кимегар» маданият саройида маш-гулотларни бошлаб юборишди.

Энди гуруҳ ташкилотчили ва раҳбари ҳусусида икки оғиз сўз: Сергей Александровичнинг асли касби жисмоний тарбия машқлари орқали беморларни даволловчи, табиб-лик. Бу тибиб-гинчимас инсон кеча-кундуз ижодий ҳаётот ва беназир режалар оғушида яшайди, изланади. У сулим Водил яқинлиги «Чимен» санаторийида уз хизмат вази-фасини кунгилдагидек бажариб, яна Фаргона шаҳри тепа-сидаги Қирғулнинг муҳташам «Кимегар» саройига, соат-лаб раққос ва раққослар ижрочилик маҳоратида сайқал бериш учун шошилар эди. Ҳар бир ҳаракат, нигоҳ, ифода сайқал топиши учун устоз не ҳолатларга тупмасида уша келарди. Рақс дастурини шакллантириш учун мусиқа тан-лаш, саҳна композицияларини бошдан-оёқ уйлаб, рисола-дагидек қилиш катта режанинг бошланиши, ҳоло. Асо-сийси, уни нафис, бетакрор рақс ҳаракатларида гавдалан-тиришди. Ҳалигина дастоҳ ёнида меҳнат қилган ишчи, профессорнинг синчков нигоҳи остида мураккаб лаборато-рия машгулотларини адо этиб, илмда яна бир довон ошган талаба, ҳали ҳаёли ўтлоқ ва адирлар шамолдидек учқур ўқув-чиларни мусиқа оҳанглари бамисоли бир таналек ҳис қилишга, ҳаракатларини унга буйсундиришга ўргатиш осон-ми? Устоз шоғирдлари вужудда пинҳона келган майл ва

маҳоратни намоён этгунича, бор салоҳиятларини руё этгу-нича... орадан беш йил ўтди. Ниҳоят, ритм-балет гуруҳи узининг дастлабки оммавий томошаларини намойиш этди. Тугри, унғача ҳам томошабинлар фарғоналик раққослар санъатидан куп бора баҳраманд бўлишган эди. Лекин 1986 йил гуруҳ ижодкорларининг номи бошқа улқаларга ҳам таралди. Улар Ўзбекистон ешларининг ташвиқот поезди таркибида Рига, Ленинград, Киев, Москва сингари шаҳар-ларнинг катта-катта саҳналари, улкан қурилиш майдонла-рида, ҳарбий қисмларда уз ижрочилик маҳоратларини на-моийш этдилар.

Ҳамма ерда рақс гуруҳи чиқишларини қизгин кутиб олиб узоқ-узоқ олқишларди. Бу эса ижрочиларга қувонч, мамнунлик бағишларди. Федоров ижро маҳоратини оши-ра бормасдан, хореографик санъатининг энг сунгги имко-ниятларидан фойдаланиб, дастурни янгилаб бормасдан тур-би янада юқориоқ чуққиларга эрилиш мумкин эмасли-гини англаб етди.

Шу тариқа рақс гуруҳи ижрочилик маҳоратининг янги босқичига кутарилди ва натижада «Фантазия» балет гуруҳи пайдо бўлди. Бу шунчаки қайта ташкил этиш эмасди. Рақс композициялари тобора чуқур мазмунли була бошлади: саҳнада яхлит фалсафий тафаккур тизимини ифода этувчи рақслар гавдаланди. Уларнинг ижрочилари вилоят мала-нини ишлари бўлими томонидан профессионал раққослар сифатида эътироф этилди.


«Фантазия»нинг ижро услубини бошқа бирорта ижо-дий жамоа билан муқояса қилиш мумкин эмас. Унинг услубида турли хореографик усуллар ва йўналишлар уйғун-лашиб кетган. Бирок, булар узоқ-юлуқ саҳна рақслари ифо-дасини яхлит ижро йўсинида гавдалантирган бетакрор саҳ-на асарларидир. Рақс композицияларининг гоят мураккаб-лигини «Илтижо» рақсида ҳам, «Қирра» хореографик чи-қишда ҳам кузатиш мумкин.

...Кукка чузилган жуфт кул — театрлаштирилган саҳна томошасининг бадий тисмоли шундай. Бу шунчаки жис-моний, нигоҳий ифода эмас, балки, соф, мусаффо, мунав-варликка, юксакликка ингилиш рамзилар. Маълумки, ҳаётда шундай аснолар буладикки, киши озгина тин олишга, бо-сиб ўтган йўлларига бир бошдан нигоҳ ташлаб чиқишга, кўрган-кечирганларини мулоҳаза қилиб қуришга эҳтиж се-зади. Бу шундайин бир нуқтаки, уз бошидан беадад муш-кулотларни кечирган, не-не ёвуз кучлар қабоҳатига дучор бўлган инсон уз уй-фикрлари, иймон-иқтидорини жамлаб, ана шу нуқтага таяниб туриб, зулмат ва қабоҳат дунёсини қудратли пуртана мисоли ёриб чиқади, гузаллик, мунав-варлик, ойдинлик сари ингилади.

Ҳудди шу нуқта ўтмиш ва келажакни фарқловчи қир-ралир. «Қирра» рақс томошасида Сергей Александрович мана шу азалий инсоний фикрни ифодалаган. Ранг-жило оғушидаги саҳнада оққунгиллик билан ёвузлик, еруғлик билан беманъилик, ақл-идрок билан жаҳолат, еруғлик бил-ан қоронғулик уртасидаги кураш кечади. Бу рақс томоша-бин қалбига одамийлик ва гузаллиқни сингдиради.

Гуруҳ ижросидаги рақслар ҳусусида Сергей АЛЕКСА-НДРОВИЧ шундай дейди:

— Бизнинг рақсларимиз бугунги кунда хореография санъатида маъжуд бўлган барча янги, фавқулодда ифода воситаларини узига жамлаган. Уларда халқ рақсларининг ҳаёлий, тиниқ қуринишлари ҳам, авангард услубининг ши-



«Фантазия» ритм-балет гуруҳининг бадий раҳбари С. ФЁДОРОВ.

жоати ҳам, эстрада санъатининг шухчандлиги, уйноқлиги ҳам мажуд. Хуусан, «Қирра» рақс томошасида мана шу жиҳатлар узвий уйғунликда энг назик ва инсоний туйғу — муҳаббатта беалал қасидалай жаранглайди.

«Дуненинг яратилиши» деб номланувчи театрлаштирилган томоша хореографик композиция билан бошланади. Саҳнада кечаётган рақслар тизимдан қуз узолмайсиз ва, айни пайтда, ҳаёлот оламингиз азалий ҳаётининг чуқур инсоний қадриятлари хусусидаги маҳзун уй-фирқлар қамраб олади. Шу ҳаёлот уммонида шунгинанингизча саҳнадаги ранг-буклар алмашиб, оғир ва маҳзун musiқа оҳанглари уйноқлик, қувноқлик касб эта бошлаганини сезмай ҳам қоласиз. Бу узғаришларни қуриб жисмингизда илқиклик, шуурингизда аллақандай нури ёруғлик-ла саҳнада янгича бир нигоҳ билан қузата бошлайсиз, musiқа оҳангларига узгача эълбор берасиз. Оҳанглар узғариб, рақс ритми бошқача, ҳийла энгил, нафис, ҳазин. Бу — «Шарқ» хореографик композициясининг дечобаси. Асл шарқона рақсини шунда курсаз, унинг бутун борлигингизни қамраб олувчи, бетакрор нафосат оламига етакловчи ифодаларидан завқ оласиз, узингизни дунёга янгидан келгандек соф, тоза сезасиз. Қушдек бир энгиллик жисмингизга сингиб, аждоларнинг афсонавий олами томон учаверасиз, учаверасиз...

Ва учқур ҳаётингиз туйғуе чил-нарчин булади: саҳнада ҳаёт билан улим олишuvi бошланади. «Мангу олов» хореографик композициясининг ибтидоси шундай. Бу узғариш сизни беихтиёр оёққа турғизиб, бир қалқитиб қуйгандек булади. Аммо, musiқа оҳанглари ҳам маҳзун тантанаворлик, ёркинликка мойил була бориб, ҳаёт қолганларнинг шадидлар хотираси олдидаги қарзорлик туйғуларининг баёни сифатида янтрайди. Рақслар ҳам шунга яраша жозоба касб этади.

Келинг, бадий раҳбарнинг узидан эшитайлик:

— Рақснинг шунчаки чиройли ижро этилишини узи старли эмас. Рухга, ички дунё тақомилига таъсир мукамал бўлиши учун ижрочиликда уйғунликка ва соғлиқка эришмоқ зарур. Энг муҳими, фикр, гоё, образни хореографик ифодалар орқали томошабин идрокига етказишдан иборат. Асл санъат ана шу нуқтадан бошланади.

Сергей Александрович рақс гуруҳи ижрочиларининг сабр-чидам, матонат ва садоқати хуеусида ифтихор туйғуси билан сузлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Бетиним машқлар, гастрол сафарлари қанчалик қуч-гайрат, пижоат ва иштиёқ талаб қилишини у яхши билади. Бунинг учун шунчаки ҳаваснинг узи асло етмайди. Қуп нарсадан воз кечишга, ҳаётинг мазмуни ва мақсадинга айланган санъатта бағишлаш керак! Шундагина эзгу ниятларинг ушалиб, мукаммаллик гултожи бошингга қунади. Шундагина ҳар бир рақс бетакрор саҳна томошасига айланади.

— Бундай томошалар ҳам булади, — деган эди Ангрэн шаҳар маданият ишлари бўлимининг мудир О. Эпчонов «Фантазия» гуруҳининг чиқишларидан кейин. — Биз, ангрэнликлар, рақслардан баҳраманд бўлганлигимиздан мамнунмиз. Улар гоёт юқори савида саҳналаштирилган ва маҳорат билан ижро этилди. «Илтижо», «Мангу олов» хореографик композициялари беназир саҳна асарларидир.

Шу уринда «Фантазия» рақс гуруҳи томошаларига берилган баҳоларнинг баъзилари билан танишишнинг айни пайти.

Фаргона «Кимегар» маданият саройининг раҳбари А. НОВОСЕЛОВ:

— Ижодий жамоанинг дастури муайян говийий йуналишга эга. Унинг саҳна асарлари томошабинларда юксак ахлоқий-эстетик фазилатлари тарбиялайди. Бу рақслар Узбекистон, Шарқ, умуман, жаҳон халқлари рақс санъатини тарғиб қилади. Икки бўлимли дастур саҳна санъатининг талабларига мукамал жавоб беради.

Бекобод ҳокимининг уринбосари Б. СОДИҚОВ:

— Урта Осиё худудида истиқомат қилувчи халқларнинг рақсларига хос жилоларни қамраб олган хилма-хил дастур томошалари миллатлар ва эллатларнинг дустлиги, узаро ҳамжиҳатлиги янада мустақамланнишига хизмат қилади.

Ранг-баранг ва сержило безаклар, дил билан танланган musiқа, бетакрор ижрочилик маҳорати томошабинда гузалликка муҳаббатни тарбиялайди, одамларга ҳаётий жушқинлик ва хуш қайғайт бағишлайди.

Чирчэк электр-кимё саноати бирлашмаси Маданият ва техника саройининг раҳбари Р. УБАЙДУЛЛИН:

— Гуруҳининг саройимиздаги чиқишлари юксак савияда утди. Дил билан танлаб олинган musiқа оҳанглари ранг-нур жилоларига монанд. Ижрочилар рақсларни фавқулодда маҳорат билан ижро этишди. Ёркин нур жилолари, ҳаракатларни саҳналаштиришдаги оқилона ечимлар, либосларнинг энгил ва нафислиги рақсларга алоҳида бир латофат ва назоқат бағишлайди.

Бозор иқтисодиетига утишининг ҳозирги мушқул даврида маданият ва санъат намояндлари олдида халқ тантаналари ҳамда маросимларини, миллий санъатнинг барча жанрларини тиклаш борасида гоёт маъсултиги ишлар турибди. Мустақил Ўзбекистон худудида яшаб, меҳнат қилаётган барча миллатлар маданиятини раванқ топтириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

«Фантазия» ритм-балет гуруҳининг бутунини қунда эришган муваффақиятлари бежиз эмас. Тинимсиз изланишларгина уларнинг номини узоқ-узоқларга ейди. Бу гуруҳ хореографик санъатининг барча жанрларини ҳаваскорларга ургатиш учун бир мактаб бўлиб қолди. Унинг сафида турли касб эгалари, ушан ортик миллат вакиллари бор. Улар уз ижрочилик маҳоратларини сайқаллаштира бориб, томошабинларнинг қалбини янада қупроқ ром этмоқдалар.

Чунончи, Навоий шаҳар меҳнат жамоаларидати концертлар ҳам кимегарлар, маъланчилик, металл эритувчиларда катта таассурот қолдириди. Бундан хабар тонган Самарқанд вилоят маданият, ҳақ таълими ва иқтисодиётининг иривожлантириш маркази гуруҳни қуна шаҳарга тақлиф қилди. Гуруҳ самарқандликларга чинакам рақс байрами инъом этди. Дастурдан жой олган гоёт хилма-хил рақслар минг-минглаб томошабинларни нафосатининг бекиес дунёсига олиб қирди.

Шоубалет ва эстрада дасталарининг Топкентда утказилган «95 йилиннг баҳори» республика фестивали «Фантазия»нинг камолот йулида янги бир босқич булди. Гуруҳ «Такдимот», «Ретро», «Менинг субхи-соҳибим», «Африко жилолари» рақс композициялари билан иштирок этди. Талабчан ҳакамлар ҳайъати фарғоналик ижодий жамоанинг рақс маҳоратини юқори баҳолади. Жанубий Қурия, Хитой, Миср, Бирлашган Араб Амирлиги, Юнонистон ва бошқа мамлакатлардан келган продюссерлар «Фантазия» билан гастроллар уюштиришга долр битимлар тузишди.


Бутун «Фантазия» уз маҳорати, санъатини намойиш этиш учун хориж сафарига отланмоқда. Бу ҳақда Сергей Александрович шундай дейди:

— Биз икки бўлимдан иборат янги дастур тайёрляямиз. У «Буюк Ипак йулларида» деб номланади. Бу рақсларимизда Буюк Ипак йули утган улдаларда истиқомат қилаётган халқлар миллий санъатининг узига хослигини, мафтункор жозибасини ёркин гавдалантиришга ҳаракат қилаймиз.

Ҳа, ҳақиқий санъаткор учун изланишлар интиҳосиздир.

Жура САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат қурсатган журналист.

«МЕН ШАРҚНИ БУС-БУТУН КЎРИШНИ ХОҲЛАЙМАН...»



Утган йили республика ҳунармандларининг биринчи ярмаркасида истеъдодли мусаввир Фахриддин Раҳматуллаев асарларини кузатиб, жуда жуда таъсирландим. Узоқ муддат ҳаёлимда унинг асарлари гавдланиб, мени ўзига чорлайверди, ва nihоят, у меҳнат қилаётган даргоҳга йўл олдим.

«Усто» ҳалқ амалий санъати бирлашмаси расоми Фахриддин Раҳматуллаев республикада биринчилардан бўлиб мол ёки қўй терисига миниатюра ишлаш усулини ўйлаб топди. Бу ҳақда у дастлаб бир неча йил аввал Бухоро шаҳар санъат музейи экспозициялари орасида қадимий муқаддас Қуръон китобини кўрганида ўйлаганди. Китобнинг баъзи саҳифалари табиий теридан тайёрланган бўлиб, чиройли безатилганди. Шу-шу, Фахриддин чиройли сурат чизиб ва миниатюра яратиш учун терини қандай қилиб қайта ишлаш устида бош қотира бошлади. Интилаган муродига етгани, деганларидек, унинг изланишлари кутилган натижани берди.

Фахриддиннинг миниатюраларини кузатарканман, беҳттиёр кўз ўнгимда XV асрда яшаб ижод этган буюк мусаввир Камолиддин Бехзод мўйқаламига мансуб асарлар намоян бўлади: «Лайли ва Мажнун мактабда», «Баҳром Гурнинг аждар олишуву», «Хаварнак қасрининг қурилиши», «Искандар ва сув парилари», «Искандар ва етти донишманд»... Орадан шунча йиллар утган бўлса-да, санъатсеварлар у чизган суратлардан ўрганадилар, илҳомланадилар.

Ўзбекистонда қадимий миниатюра санъатининг ривож топishi ҳақида гап кетганда, албатта, марҳум олим, профессор Ҳамид Сулаймонни, шунингдек, узининг бетакрор асарлари билан ҳаммамни ҳайратга солган буюк мусаввир Чингиз Аҳмаровнинг номларини ёд этиш бурчимиздир.

Агар хабарингиз бўлса, давлатманд рус фуқароси Сергей Шукин тасвирий санъат ихлосманди эди. У сотиб олган Ван Гог, Оскар Ренуар, Клод Моне, Поль Сезанн, Анри Матисс, Пабло Пикассонинг асарлари ҳозирда Ле-

нинград Эрмитажини, Москвадаги Пушкин музейини безаб турибди. Сергей Шукинга ухшаш тасвирий санъат шайдоларининг шахсий жамғармалари бўлмаганда бу нодир асарлар бугунги кунгача етиб келармиди, йўқмиди? Мен баъзан кўпчилик хонадонларимизда рассомларнинг ижод маҳсули учрамаслигидан ўқиниб кетаман. Ҳолбуки, не-не мўъжизаларимиз бор. Уларни чет эллик ишбилармонлар, санъат шайдолари арзон-ғаровга сотиб олиб, юртимиздан олиб чиқиб кетишавтир. Мусаввир ўз қадрини билса-да, сотишга мажбур. Чунки у мойбуги, мўйқалам, буз олиши керак. Энг муҳими, у ижод қилиши керак!

— Фахриддин, нима учун тасвирий санъатда айнан миниатюрани танладингиз? Нима учун табиат тасвири, манзаралар чизмайсиз? — дея уни саволга тутаман.

— Шарқ ўзининг миниатюраси билан ГАРБдан ажралиб туради. Мен ўзимнинг асарларим билан халқро кўргазмаларда иштирок этиб, Шарқнинг ўзига хослигини, шарқликлар кўп нарсаларга қодир эканликларини исботламоқчиман, — деди жилмайганича у. — Бизда жуда кўп нарсаларда Оврупога тақдид қилишадди. Масалан, айни кунда ГАРБ мусиқасига тақдид қилувчи ёшлар жуда кўпайиб кетди. Мен Шарқни бус-бутун кўришни хоҳлайман. Шунинг учун тасвирий санъатда миниатюрани танладим. Қўлимга қалам олар эканман, ўзимни бошқа бир оламда ҳис этаман. Кўз ўнгимда болагимизда ўқиган эртакларнинг сеҳрли олами жонланади. Назаримда у афсоналар эмас, балки чин ҳақиқат бўлиб туюлади. Балки...

Фахриддин билан учрашганимга қадар биронта рассомнинг терига расм чиза олиши ҳақида эшитмагандим ва шунинг учун унинг ишларидаги нафислик ва ўзига хослик мени ҳайратга қолдирди. Фақат пуни сизга айтишим мумкин: мато ва қозоқ учун ишлатиладиган бўёқларни шундайлигича терида қўллаш мумкин эмас. Бу — Фахриддиннинг сирини.

Ҳар бир инсоннинг маълум бир

йўлни танлашида кимдир сабабчи бўлади. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида турлиб, вояга етган Фахриддинга П. Беньков номидаги республика бадий билим юртида таълим олган акалари Сирождин ва Суннатиллаларнинг таъсири катта бўлди. Бундан ташқари, унинг ҳарбий хизматда безакчи расом сифатида хизмат қилиши ҳам кейинча ижодига сезиларли таъсир кўрсатди. Хизматдан қайтгач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг бадий графика факультети кечки бўлимида таҳсил олди ва буш вақтида безакчилик ишларини бажариб, ҳам пул топди, ҳам мустақил равишда илк ижодий қадамини қўйди. Олийгоҳда Руслан Халилов ва рангтаъсир профессори Малик Набиевларнинг профессионал бадий савод ва маҳорат асосларини ўзлаштиришга доир сабақлари ижодига катта таъсир кўрсатди.

90-йилларнинг бошида рангтаъсир бўйича «Ёски шаҳарда» деб номланган диплом ишини аълога ёқлаган Фахриддин миниатюралари расом мутахассислигини эгаллади ва халқ




санъатининг ажойиб усталари А. Йулдошев, Б. Йулдошев, Ш. Шоҳмедов ва бошқалар билан ишлаб бошлади. У ўз услубини топгунга қадар, яъни мустаҳкам материал ҳисобланган терини танлагунга қадар елим, тисп ва бўр аралаштирилган қоғоз массага нақшлар чизади, безакли тақинчоқлар, қаламдонлар, турли қўтичалар, вазачалар ва бошқа майда-чуйда нарсалар ясайди, ўзбек адабиёти классиклари асарларига безаклар ишлайди. Аста-секин Фахриддин ўз ижодий қиёфасига эга бўла борди. Унинг ишлари услубий яхлитлиги ва ижронинг ноциклиги билан ажралиб туради.

Рассомнинг «Чумилаётган Ширин», «Ҳордиқ», «Аждар билан олишув», «Сиевуш. «Шоҳнома», «Қуёш тутилиши», «Ҳаж сафариди», «Фарҳод ва Ширин» каби кўплаб миниатюралари композициянинг ифодавийлиги, дидди ишланганлиги билан диққатни тортади. Фахриддин асарларининг ҳар қайсиси бири-бирини такрорламаसлиги билан ажралиб туради.

Мусаввир «Фарҳод ва Ширин» миниатюрасида севишганлар ва табиат уйғунлиги мавзуга мурожат қилади. Бунда севиғи баҳор ва унинг абдий гуллаб-яшнаши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Юксак шoirна руҳда яратилган асар Бухоро миниатюра мактаби аъналарига яқин услубда ишланган.

Рассомнинг «Ҳаж сафариди» асирида чўл буюни тасвирланган бўлиб, гўёки назарингизда ҳаж сафарига отланган икки эркак йўлларида дуч келган барча қийинчиликларни енгишга қодир паҳлавонлар бўлиб кўринишади.

«Сиевуш. «Шоҳнома» асирида Сиевушнинг олов синовидан уявган пайти тасвирланган. Биринчи планда оловдан соғомон чиққан Сиевушнинг кўзларида ҳақиқий мағрурлик тасвирланган. Кейинги план зағори тусда



булиб, бир неча томошабинлар, шоҳ, малика ва Рустам акс этган. Сиевушнинг соғомонлигини кўриб уялган малика, нафрат билан қараб турган Шоҳ ва Рустам образлари сизни ҳаяжонлантирмай қўймайди.

Асар мазмунини яхлит курсатиш мақсадида олов ва отдаги Сиевуш биринчи планда курсатилган. Суратда 11 одам тасвирланган, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос қиёфага, ёшига, салла ва дубулгага эга.

Фахриддин асарларида яшил рангдан кўпроқ фойдаланган. Менинг назаримда, мусаввир бу рангни берокга танламаган, чунки яшиллик — яшаш рамзи. Яшиллик бор жойда ҳаёт янада гузал ва фаровон, тўкичилик бўлади. Фахриддиннинг бирон иши йўқки, бирон дарахтми, ўт-уланми тасвирланмаган бўлсин.

Мусаввирнинг «Аждар билан олишув» асарини қўлингизга олар экансиз, беихтиёр кўз олдингизда болаликда ўқиган эртақларингиз жонланади: озини очган аждар олов сочяпти, от устидаги Баҳром қўлида камон. Аждарнинг боши устида камон ўқлари. Баҳром икки ҳамладаёқ аждарни енгади. Орқа фонда Баҳромнинг биродарлари юзида ташвишланиш зоҳир.

Асарни кўзатаркансиз, ҳар бир унсур ўз ўрнида моҳирлик билан ишлатилганига амин бўласиз. Аждар ёнидаги қурий бошлаган дарахт шохлари унинг ҳалокатидан дарак берса, от тўёқлари остидаги яшил ўт-уланлар тириклик, гўлиблик рамзидай бўлиб кўринади. «Аждар билан олишув»ни мусаввирнинг энг сара асарлари қаторига киритсак хато қилмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, мусаввир ушбу суваратни буюк бобоми Алишер Навоийнинг «Сабъали сайёр» асарини ўқиб чиққач, бош қаҳ-

рамон Баҳромнинг шижоатидан руҳланиб ишлаган.

«Чумилаётган Ширин». Ям-яшил дарахтлар билан уралган бог ўртасидаги ҳовузда Ширин ва атрофида дўгоналари ҳордиқ олишяпти. Орқароқда юрагиди муҳаббати жўш урган Фарҳод отди яширинча қизларни кузатяпти. Гуаалларнинг ҳўснидан тош қотган кийик ва ўзаро алланималарни чуғурлашявган қўшлар. Ҳовуз четиди Шириннинг либослари ва тож.

Бир сўз билан айтганда, мусаввир тортган ҳар бир чизик ўз ўрнида ишлатилгани учун асар муваффақиятли чиққан.

Фахриддиннинг асарларини соатлаб томоша қилиш, янгидан-янги нуқталарни, қирраларни топиб соатлаб таъриф бериш мумкин.

Ўқориди биз Фахриддин БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган ҳунармаддларнинг республика ярмаркасида ўз асарлари билан қатнашганлигини айтиб ўтган эдик. Ана шу анжуманда ҳайъат аъзолари унинг ишларини юксак баҳоладилар ва у Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

... Ҳар тоғи Фахриддин ишга оланаркан, падари бузрукворни Рихситилла отанинг оқ фотиҳасини олиб йўлга тушади. Балки шунинг учун унинг ишлари ўзининг юқори чўққилари сари юксалаётгандир?! Балки Аллоҳ берган истеъдоднинг олмос қирралари ўзини намоён этаётгандир?! Ипсонаманки, Фахриддиннинг энг яхши асарлари ҳали олдинда. У чизган расмлар жаҳон бўйлаб юзлаб санъатсеварларнинг қалбини ром этган экан, маҳорати лаҳза сайин ошявган мусаввирнинг чизилажак асарлари муҳлислари янада кўпаяжак.

МОҲИНУР.





Хар бир адабиётшунос олимнинг қиёфаси икки муҳим фазилат билан белгиланади. Агар биринчи фазилат олимнинг билими ва илмий тафаккур доирасининг ўфқлари билан ўлчанса, иккинчи фазилат унинг бу билимдан самарали фойдаланаётгани билан боғлиқ. Бу икки фазилатдан ташқари, чинакам олимнинг, назаримизда, яна бир жиддий хислати бўлиши лозим. Бу хислат эса, унинг энг мураккаб, энг машаққатли ва энг долзарб илмий муаммоларга бўлган муносабатида зоҳир бўлади. Бу йил 70 ёшга — илмий ва ижодий камолот ёшига тулган таниқли адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат қўрган фан арбоби, Беровий номидagi Давлат мукофотининг икки марта совриндори, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Абдуқодир Ҳайитметов, бизнигча, шундай туқян фазилатларга эга бўлган олимдир.

Абдуқодир Ҳайитметов 1926 йилнинг 27 майда Фарғона вилоятининг Данғара туманида туғилди. Мактаб таҳсилидан кейин Ўрта Осиё давлат университетининг Шарқшунослик факультетида Е. Э. Бертельс, М. С. Андреев, И. П. Петрушевский, А. К. Аренд, С. Мирзаев каби атоқли олимлар қўлида таҳсил қурди. Бу йл уни ўзбек адабиётшунослиги ва шарқшунослигининг катта даргоҳига бошлаб келди.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг биринчи ҳикояси 1949 йили, Муқимий лирикасига бағишланган дастлабки мақоласи 1953 йили эълон қилинган эди. Шундан буюн олим ундан зиёд йирик монография тадқиқотлар, 350 дан ортиқ илмий ва адабий-танқидий мақолалар, бадий лавҳалар эълон қилди: «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» (1955) ва «Алишер Навоийнинг ижодий методи» (1965) мавзуларида номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А. Ҳайитметовнинг илмий фаолиятига назар ташланса, унинг ҳар бир йишда ўзбек адабиётининг икки миңг йиллик тарихига катта ҳурмат ва эътиқод билан муносабатда бўлганига кўзингиз тушади. Улар орасида «Совет туркулологияси» журналда 1972 йилда (№ 1) чоп этилган «Қадимий туркий шерьяти» (Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугʻотит турк» асары асосида) мақоласидан бошлаб Юсуф Амирий, Ўбайдий, Турди, Машраб, Мунис, Комил, Ҳамза меросларига бағишланган тадқиқотлар алоҳида диққатни тортади.

А. Ҳайитметовнинг илмий фаолиятида, ҳеч шубҳасиз, ўзбек маданиятининг виқориди чуққиси — Алишер На-

воий ижодини урганишга бағишланган тадқиқотлар муҳим ва салмоқли мавқени эгаллайди. А. Ҳайитметов Навоий меросини фақат ўзбек мумтоз адабиёти мактабига эмас, балки антик даврдан то XV асрга қадар бўлган Ўрта Осиё халқлари ва, умуман, Шарқ маданияти ҳамда Шарқ Ренессанси билан узвий алоқада текширишга интильди ҳамда шу жараён олимнинг араб, форс-тожик ва озарбайжон адабиётлари тарихидан, эстетик тафаккури заминларидан яхши хабардор эканлигини кўрсатди. Шу жумладан, унинг «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» (1959), «Навоий лирикаси» (1961), «Навоийнинг ижодий методи масалалари» (1963), «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» (1970) номли тадқиқотлари навоийшуносликдaгина эмас, умуман адабиётшунослигимизда салмоқли аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, олим «Навоий даҳоси» (1970), «Ҳаётбахш чашма» (1974), «Табаррук излар изидан» (1979), «Мерос ва ихлос» (1985) каби илмий мақолалар тўпламлари муаллифи ҳамдир.

А. Ҳайитметов бу тўпламларга кирган мақола ва тадқиқотларида илмий истъоднинг барча қирраларини — адабий ҳодисаларни халқ ва маданият тарихи билан чамбарчас алоқада текширишга, ҳар бир тимсол-образ ёхуд мавзунинг бадий манбаларини ахтаришга, ўзбек мумтоз адабиёти манбаларини Шарқ адабиётининг тараққий тарихи билан ягона муносабатда урганишга бўлган муҳаббатини намойиш қилди. У илмий дунёқараш кенглиги теран ва изланувчан фикр билан узвий туташган ҳолдагина катта ҳуслослар ва қувончи натижаларга олиб келиши мумкинлигини яна бир қарра кўрсатди.

А. Ҳайитметовнинг «Навоийхонлик суҳбатлари» тўпламидаги илмий ишлари шоир даҳосини, ижод буюклигини, маҳоратнинг беқийс даражадаги юксаклигини очишга қаратилган масалалар атрофида уйғунлашди, деб айтиш мумкин. Олимнинг «Навоий — шарбий маҳорат ҳақида», «Навоийнинг сарбадорларга муносабати», «Суз муқинининг султони», «Навоий эстетикасининг гўлтожи», «Навоий достонларида шартли тасвир», «Ҳамса»нинг яратилиш жараёни», «Навоий ва Алавуқво афсонаси» каби залворли мақолалари билан танишган китобхон шундай фикрга келади. А. Ҳайитметов уз навбатда Навоийнинг табиий фанлар, ҳатто шахмат оламига бўлган катта қизиқишини баҳс этувчи масалаларга ҳам қатор мақолалар бағишлаган.

А. Ҳайитметов фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири матншунослиқдир. У Навоийнинг «Ҳамса» достонларини нашр қилиш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Машраб, Турди, Комил каби шоирлар асарларининг турли йиллардаги нашрлари, «Ўзбек адабиёти» купжиддлик хрестоматияси ҳам шу олимнинг саъй-ҳаракати билан юзага келганлигини биламиз. А. Ҳайитметовнинг матншунослигининг назарий ва амалий масалалари, Навоий асарларининг купжиддликларини яратилишининг шарт-шароитлари ҳақидаги бир қатор мақолалари бу соҳадаги ишларимизнинг муҳим йўналишларини белгиллаб бериш жиҳатидан айрича аҳамият касб этган эди. «Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида» деб аталган мақола олимнинг шу мавзудаги биринчи жиддий ишларидан бўлди.

А. Ҳайитметовнинг илмий қиёфаси ва ишлаш услубига хос бу фазилатлар унинг Алишер Навоий номидagi Адабиёт институтида 1967 йилдан 1991 йилгача «Инқилобгача бўлган ўзбек адабиёти» бўлими, 1991 йилдан Навоий бўлимининг раҳбари сифатида олинб бораётган фаолиятида, айниқса, равшан ва қолдириб келмоқда.

Шу йиллар давомида бўлим ходимлари А. Ҳайитметов раҳбарлигида ва бошқа ҳамкасблари билан илмий ҳамкорликда беш жилдан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи»ни яратдилар. 150 босма табоқча яқин бу йирик тадқиқотнинг майдонга келишига олим ҳам тапшиқлотчи, ҳам муаллиф сифатида беҳад фидойилик ва талабчанлик билан меҳнат қилди. Ўзбекистонда энг қадимий давр маданият ёдгорликларидан тортиб, 1917 йилга қадар бўлган адабиётнинг шаклланиши ва тараққий тарихининг узига хос кўзгуси бўлган бу тадқиқот адабиётшунослигимизнинг улкан ютуқларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу «Тарих»нинг рус тилидаги икки жилддиги учун эса, 1992 йили бир гуруҳ муаллифлар жамоаси, А. Ҳайитметов эса иккинчи марта Беровий номидagi Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди.

А. Ҳайитметов Навоий ижодий методи масалаларини узоқ йиллар давомида сабот билан тадқиқ этди ва наги-

ҚЎЛДА ҚАЛАМ, ДИЛДА ШИЖОАТ БИЛАН

жада шоир меросининг етакчи хусусиятларини бирма-бир очиб беришга эришди. Олим «Шарқ адабиётининг ямадотий методи тарихида» деган фундаментал илмий тадқиқотда оса, ижодий метод масаласида Шарқ адабиёти доирасида текширишга эришди.

Кенг қамровли олимнинг XX аср адабиётига доир ишлари ҳам илмий жамоатчилигининг эътиборини қозонган. У С. Айний, Ойбек, Ғ. Гулом, Ҳабибий, С. Абдулла, Ҳ. Пулат адабий мерослари юзасидан илмий аҳамиятга молик ишлар яратди. А. Ҳайитметов 1967 йилда Москвада рус тилида чоп этилган «Узбек совет адабиёти тарихи»нинг муаллифларидандир. У М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти томонидан тайёрланган «Куп миллатли совет адабиёти», «Жаҳон адабиёти тарихи» кўнжидликларида маълум қисмлар муаллифи сифатида иштирок этди ва етакчи муаллифлар қаторида биринчи марта 1970 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Олим қардош халқлар адабиётининг Низомий Ганжавий, Ҳасан Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Фузулий, Бердақ каби наомиядлари ижодлари буйича ҳам қатор рисола ва мақолалар ёзган килди.

А. Ҳайитметов ижтимоий ишларда ҳам фаоллик кўрсатиб келади. Олим институтда уттиз йилдан буюн бўлим мудирі лавозимида ишлаб келмоқда. Шу муддат ичда у маълум бир йиллар институт директорининг илмий ишлар буйича муовини (1967-1971), «Узбек тили ва адабиёти» журналининг бош муҳаррири (1982-1987) вазифаларида ҳам ишлади. Жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилди. У қатор илмий кенгашларнинг аъзосидир.

А. Ҳайитметовнинг юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари ҳам каттадир. Олим йигирма нафар фан доктори ва номзодларига илмий раҳбарлик қилди, эллиқдан ортиқ диссертация ҳимосида расмий ҳакамлик вазифасини адо этди. Куп йиллик самарали меҳнатлари ва юқори малакали филолог кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун 1978 йили профессор А. Ҳайитметовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

А. Ҳайитметов куп асрлик узбек адабиёти тарихининг назарий масалаларига доир илмий тадқиқотлари билан узимиздагина эмас, Тожикистон,

Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Туркменистон, Татаристон республикаларида танилган ва у ерларда ҳам уз мухлисларига эга. У 1972 йили баҳорида Афғонистоннинг қўҳна заминига сафар чоғида улуг устоз Алишер Навоийнинг табаррук мозорини зиёрат қилдики, бу унинг илмий фаолиятида муҳим маънога эга бўлди. Бу сафар давомида шундай бир ҳодиса ҳам устоз берган. Олим неча кун Ҳиротда турган бўлса, ҳар куни Навоий қабрига борар, бир зиёратини ўзи учун қилса, иккинчисини шундай зиёратни оруз қилган, лекин унга етолмаётган устози Порсо Шамсиева бағишлар, учинчисини шу орузда бўлган қариндошларига бағишлар эди. Навоий қабри атрофида хизмат қилувчилар буни сезиб, унинг боришига ҳаммаёқни супириб-сидириб, эшакни очиб турарканлар. Шундай қуяларнинг бирида боғбонлардан Абдулҳақим ота деган мўйсифид унга:

— Кечирасиз, тақсир, Навоий сизнинг кимингиз бўладилар? — дебди олимнинг бу табаррук даргоҳга серқатновлигиндан ажабланиб.

Абдуқодир ака дарҳол: «Бу киши бизнинг катта бобомиз бўладилар!» — деб жавоб берибдилар. Шунда у олимнинг жавобини қариндошлик маъносинида тушуниб, қаттиқ ҳаяжонланган экан. Навоий Абдуқодир ака учун ҳаётда энг улуг, энг муътабар зот эканлиги бугун ҳаммага аён! Вирон кун йўқки, олим Навоийни эсламасин ёки унга муражаат қилмасин!

Биз А. Ҳайитметовнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар эканми, яна нимадир хотирдан кутарилиганга ухшарди. Ҳа, болалик ва ўспиринлик йилларида Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмасидаги адабий кечаларга, ёш ижодкорлар тўғарагига узлуксиз қатнардир. Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхмулло, Уйғун, Миртемир ва бошқаларнинг адабиёт ва ижод ҳақидаги ранг-баранг маъруза ва суҳбатлари унинг учун иккинчи дорилфунун бўлган эди.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 1-сониди, 1950 йил 10-сониди босилиб чиққан «Меҳру муҳаббатлар», «Унсини хола» ва бошқа бир қанча ҳикоялари, турли журналларда, адабий тушламларда ёзган қилинган қатор шеър ва таржималари жамоатчиликка маълум. У қянда узининг болалиги ҳақида «Бурилар увиллашган кеча» деган ҳасбиҳол қиссасини ёзиб тамомлади. Навоийнинг форс тилида яратилган «Тухфат ул-афкор» қиссасини таржималаридан бири ҳам А. Ҳайитметов қаламига мансуб.

Алишер Навоий дostonларининг таддили — соддалаштирилган матнини, уларнинг насрий баънини тузиш ача мураккаб ишлардан ҳисобланади. Салриҳдан Айний, Гафур Гуломларнинг бу соҳадаги ишнини ривожлалтирган А. Ҳайитметов 1974 йилда Навоийнинг фалсафий, ахлоқий-таълимий қарашла-

ри ифода этилган «Ҳайрат ул-аброр» дostonи насрий баънини тузиб, уни изоҳлар билан чоп этдирди. Бир йилдан сунг «Фарҳод ва Ширин» дostonининг яна бир насрий баъни юзига келишида устоз хизматлари катта бўлди.

А. Ҳайитметов Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёритувчи илмий-ҳужжатий фильмлар сценарийларининг ҳам яратувчиси-дир.

А. Ҳайитметовнинг илмий фаолияти ҳақида гап борар экан, республикамизнинг мустақилликка, тарихий тараққийётинг янги босқичига қадам қўйиш муносабати билан олимнинг янгича қарашлар асосида ёзган этган бир қатор тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак бўлади. У мумтоз адабиётимизни илмий ўрганиш буйича шу вақтга қадар тушланган ютуқларимизни давом этдиргани ҳолда, навоийшунослик кун тартибига қўяётган янги мавзуларга жиҳдий диққат қилиб келмоқда. Унинг «Навоий ижодининг улугворлик хусусиятлари», «Хамса»да янги ижтимоий тип талқини», «Алишер Навоий ижодида умумбашарий қадриятлар масаласи», «Олам аҳлига дилхоҳ», «Туркистон ва Хуросон услублари» каби мақолалари шу йўналишдаги дастлабки ишлардандир.

Кейинги йилларда А. Ҳайитметов раҳбар бўлган бўлим илмий жамоаси «Навоий қомуси»ни яратиб устида иш олиб борди. Унга 200 дан ортиқ мақола ёзилди. «Алишер Навоий ва Ислмо» мавзуда илмий тушлам тайёрланди. Ҳозирги кунда бўлимда «Тасаввуф ва узбек адабиёти тараққиёти» мавзудаги катта тадқиқот устидаги ишлар якунланмоқда. А. Ҳайитметов улуг давлат арбоби ва саркарда Амир Темурунинг маданият ва адабиётга муносабати, Темурийлар даври адабиётининг ўзинга хос хусусиятлари ҳақидаги мақолалардан иборат «Темурийлар даври узбек адабиёти» тушламини тузиб нашрга топширди.

А. Ҳайитметов 1996 йил баҳор кунлари узининг 70 ёшини нишонлади. Катта қалб эгаси булган инсон ва заҳматқаш олимни таабиринан сана билан яна бир бор муборакбод этар эканми, уз туйғуларимизни Алишер Навоийнинг қўйидаги рубоийси билан ифодаласак деймиз:

*Умрун қўёшига бермасун чарх завол,
Жонинг қамарини қилмасин чарх
хилол.
Тун, кун булгил маҳравинишу
меҳрҳисол,
Даҳр аҳлига нурбахшу фарҳуду
жамол.*

Суййима ГАНИЕВА,
Соидр ЭРКИНОВ,
Марғуба МИРЗААХМЕДОВА,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Республика Давлат мукофоти
лауреатлари.

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИ: ИЛК ОДИМЛАР

XX асрнинг 90-йиллари ўзбек халқи ҳаётида шонли саналарга бой бўлмоқда. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, унинг БМТга алоҳида давлат сифатида қабул қилиниши шулар жумласидандир. Жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги тутган урнига юқори баҳо бера бошди. Ҳақиқатан, жумҳуриятимиз жаҳон узра ҳамкорлик доirasини кенгайтириб, жугрофий жиҳатдан яқин хорижий давлатлар Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Жанубий Қурия, Малайзия, Индонезия, Покистон ва Оврупонинг Австрия, Германия, Нидерландия, Вуюк Британия, Франция, Япония сингари ривожланган мамлакатларига қўл узатиб, ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга киришди.

Ўзбек дипломатияси ва унинг келгусидаги истиқболи масаласига ҳозирги давр шароитида алоҳида эътибор берилаётир. Диверимзининг Дипломатия ва халқаро иқтисодиёт дорилфунуни, Шарқшунослик олий илмгоҳи ва бошқа олий ўқув юртиларида дипломатия асослари, дипломатия ва консуллик хизмати, халқаро муносабатлар ва унинг тарихи, халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий ҳуқуқ, хорижий мамлакатлар давлат ҳуқуқи, халқаро ахборот алмашинуви сингари билимлар юқори савияда талабаларга етказилмоқда.

Айни вақтда, хорижий мамлакатлар элчионаларидан, хорижий дорилфунунлардан етук мутахассислар маъруза ўқиш учун Ўзбекистондаги ўқув масканларига тез-тез ташиф бюромқдалар. Тараққий этган мамлакатлар Япония, АҚШ, Тайвань, Жанубий Қурия, Англияда ўқиб, тажриба орттирган иқтидорли мутахассислар долзарб, қизиқарли мавзулар бўйича талабаларга махсус курслар ўқитмоқдалар. Жумладан, «АҚШнинг ташқи сибасати», «АҚШ — Тайвань муносабатлари», «Магриб мамлакатлари — халқаро муносабатларда», «Осиё — Тинч океани минтақасида интеграция жараёйлари» ва ҳоказо. Бундай хайрли ишлар, эрта ми-кечи, узининг ижобий самарасини беради.

Ортада қолган ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Москвага тобе ва ердამчи бугин сифатида фаолият кўрсатар эди. Ўзбекистон хорижий давлатлар билан

тўғридан-тўғри музокара олиб бормас, бевосита бирорта битим имзола намасди. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги бирор масала борасида мустақил қарор чиқаришга ожиз эди, чунки республикамизга бу соҳада ҳуқуқ ва рақолат мақоми берилмаганди.

Барча соҳаларда империячилик сибасатини юритган марказнинг таъсири дипломатик хизматда ҳам аёқол билларди. Тўғри, Ўзбекистон ва узра хорижий давлатлар ўртасида илмий-маданий, диний алоқалар йўқ эмасди. Онда-сонда халқаро анжуманлар, хорижий гастроль сафарлари, чет элларда ўтказилган «Ўзбекистон куллари», ғауачи ва шоир гуруҳларининг узаро таширфлари бўлиб турарди, лекин бари бир мазкур анжуманларни ўтказиш Москванинг рухсатисиз бўлмасди.

Пойтахтимиз Тошкент хориждаги қатар машҳур шаҳарлар билан бирор-даражалангани кўпчиликка аён. Вир мулоҳаза қилиб қурайлик, жумҳуриятимиз жамоатчилиги шунча йиллар мобайнида, масалан, Триполи, Тунис ёки Сиэтл ҳаёти билан яқиндан таниша олдимиз? Йўқ. Аммо, марказдаги кўпгина кишилар бунга муассар бўдиллар, имкониятлар фақат улар учун яратилганди, хорижда ишлаган бирорта ўзбек мухбирини учратиш ҳақиқатдан узок эди.

Эндиликда эса Ўзбекистон дипломатияси шаклланаётган бир вақтда, айниқса, элчилар, консуллар, маслаҳатчилар, халқаро иқтисодчилар, халқаро журналистлар, халқаро ҳуқуқ олимлари, дунёдаги барча мавжуд тиллар таржумонлари, сибасатшунослари таёйрлашга эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Дипломатия асосларини урганишда унинг серқирра томонларига эътибор бериш жоиз. Жумладан, дунёда юз бераётган воқеа, ҳодисалардан доимо хабардор бўлиш ва улардан тўғри хулоса чиқариб, объектив холис мавқеда туриш мақсадга мувофиқдир. Хорижда ишлаётган элчиона ходимларининг иш кунин тартибига муҳим масалалардан яна бири шуки, ҳар кунини элчи ўз тасаруфидидаги хизматчилари билан янгилеклар ва воқеаларнинг ривожланиши хусусида бир неча дақиқалик йиғилиш ўтказиб туради. Мақсад — мамлакат ҳаётининг томир уриши қандайлигини билиб бориш. Биринчидан, Ватандаги янгилек-

лар; иккинчидан, элчиона фаолият кўрсатаётган мамлакатдаги воқеаларни эшитиб, кузатиб бориш.

Дипломатияда «вақт омили» ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Айтайлик, икки мамлакат ўртасида бирор сабаб тугайли келишимовчилик юз берди ёхуд узаро муносабатлар салбий таъсир этувчи жиноятқорона ташти-ҳаракат содир этилди. Бундай ҳолатда ҳақ бўлиб, одилона қонун юзасидан чора кўрувчи томон (мамлакат) вақтнинг беҳуда ўтказмай, ҳодисани ҳаққоний ёритган ҳолда жамоатчиликка етказиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, айбдор томоннинг жабрдийдага айланиб, жаҳон миқёсида ажаб савдоларнинг келиб чиқишига олиб келиши дипломатия тарихида кўп мартаба кузатилган. Айниқса, ривожланган ҳуқуқий мамлакатлар дипломатиясида мазкур масалаларда тезкорлик билан расмий хабар бериш қабул қилинган.

Бугунги кунда мустақил ҳамдустлик давлатлари ташқи дунё билан узаро сибсий, иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий, диний алоқаларни ривожлантиришга киришган. Дустлик ва ҳамкорлик ришталарини болғанда Марказий Осиё жумҳуриятлари узаро манфаат, тенг ҳуқуқлиликни асос қилиб оломқдалар. Давлатлараро дипломатик муносабатлар 1961 йилда қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — «Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенцияси»га асосланган ҳолда ривожланмоқда. Бу ҳужжат Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир.

Халқаро ҳуқуқ қонунчилиги такомиллашган хозирги давр шароитида агар дипломатик дипломатия имтиёзлари суниётмаъл қилса, унга ўша давлат томонидан «Персона нон-грата» эълон қилинади. Бу ҳолатда дипломатик ходим ўз фаолиятини тўхтаиб, мамлакатни тарк этишга мажбур.

Талай мамлакатлардаги халқаро муносабатларга тааллуқли илм масканларида «Дипломатик одоб» алоҳида фан сифатида ўқитилади. Муҳтарам меҳмонни таёйра пиллапоиси олда кутиб олишдан бошлаб, расмий таширф тугатунгача бўлган тадбирлар дипломатик одобдан ўрин олган. Бу борада умумий қабул қилинган қонунқондалар мавжуд. Тадбирга қараб кийиниш, таом тортишининг расама-

ди, совга алмашиш расм-русумлари, маросимларда дипломатик ранг, мансаби, жинси ва ҳамроҳ бўлганларнинг жойлашуви алоҳида аҳамият касб этади. 1990 йил япон ишбилармонларидан бирига «Нега сизлар совет фильмларини сотиб олмайсизлар?», «Нега совет фуқарolari билан мулоқотдан ўзингизни тортиб турасизлар?» — деб сўраганларида, у: «Сизлар деярли бақириб гаплашасизлар, биз эса бунга кўнгликмаймиз», — деган эди. Ҳақиқатан, японлар ўта сиёсийлик хислати билан ўзгалардан ажралиб турадилар.

Ҳар қандай дипломатик учрашувларда, Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппаратида рангли, қора кўйлаklar кийиш, қора галстук тақий тасвия этилмайди, чунки қора ранг мотам рамзи эканлигини билдиради. Шунингдек, дипломатик қабулларда қимматбаҳо заргарлик буюмларини мейёрдан ортиқ тақиб олиш ҳам маслаҳат берилмайди. Бу эркаларга, аёлларга бирдек тааллуқлидир.

Дипломатик доираларда бўладиган муокаралар, учрашувлар, қабулларидаги мулоқотларни буюк санъат намунаси деса бўлади. Теранлик ила йўрилган нутқ маданияти ўзаро иззат-икром билан уйғунлашиб кетади. Сўхбат давомида сузлаётган кишининг гапини бўлиш ёки дабурустдан мазуни ўзгартириб юбориш эса дипломатик одобга хилофдир. Авторитаризм ҳужм сурган етмиш уч йил мобайнида «пролетариат маданияти», «шаклан миллий, мазмунан социалистик», «марксча-ленинча этика» деб аталмиш ақидалар билан онгимизни роза захарладилар. «Тузатишлар» кирита-кирита, миллий маданиятимизни чилпарчин қилдилар ва топтадилар. Нутқ маданияти, мунозара одоби, кийининг маданияти нима — барини унутмаёди. Биз соддалашиб, тупориллашиб кетдик. Асрлар оша элларда дoston бўлган ўзбек тилимига, шоҳ асарлар битилган она тилимига эътиборсиз бўдик. Тақдир шуни тақозо этмоқдаки, ўзалигимизни таниб олиш, асл маданиятимизга ҳаёт баҳида эшик масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият беришимизга тўғри келмоқда.

Ўзбекистон билан Шимолий Африқо, Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасида дўстлик кўприги бунёд этиляпти. Шарқ мамлакатларига нисбатан сийасат улардаги «ислом омили»га бeфрeқ бўлмаслик жоиздир. Шарқдаги аксарият мамлакатлар ўз конституцияларини яратишда Кўрьонга мурожаат этганлар. Масалан, «ислом ва социал адолат» шиори Ливия Жамоҳириясининг ички ва ташқи сийсати стратегиясига ҳосидир. Яна Эрон, Покистон, Саудия Арабистони ҳам шу гуруҳга киради.

Баъзида шундай буладик, ўзаро савдо-сотиқ, техникавий, иқтисодий ҳамкорлик ва сийсий муносабатлар муваффақиятли ривожлана боради, аммо илмий-маданий алоқалар чекланган ёки рамзий маънони ифода этиши мумкин. Бунга 1970-80 йиллардаги Совет — Ливия муносабатлари мисол бўла олади. Сабаб — сийсий турзумнинг ва гоъвий мафқуранинг турлича эканлигидир. Лекин шундай бўлишига қарамай, 1980 йиллар бошида Ливия сөнб Совет Иттифоқининг Африқодаги энг катта шерги эди.

Халқаро муносабатларда аксинча бўлиши ҳам мумкин. Ўзбекистон — Саудия Арабистони мисолида мулоҳаза юритсак, диний алоқаларга биринчи даражали масала сифатида қаралмоқда (Саудия Арабистони хоҳиш-иродасига кўра — Б.Г.).

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий юксалиш ва тараққиётга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган масъулиятли даврда улкан майдонни эгаллаган Осиё — Тинч океани минтақасида иқтисодий жиҳатдан энг юқори чўққини эбт этган мамлакат — Япония билан ҳамкорликни биринчи даражага қўйиш ҳам айни муддаодир. Негаки, Япониянинг Ўзбекистонга қизиқиши ва унга сидқидилдан ёрдам бериш истаги Малайзия, Тайвань, Сингапур ёки Жанубий Қўрияникидан асло кам эмас. Кунчиқар мамлакатнинг иқтисодий қудрати мазкур барча янги индустриал мамлакатларникидан анчайин юқоридир.

Дарҳақиқат, ўзбек — япон муносабатлари 65 йиллик даврни қамраб олган. Куп йиллик ўзбек — япон ҳамкорлиги пиллачилик, аниқ механика, оптика, автомобилсозлик, табиатни муҳофаза қилиш, табиёт, дорихўнолик, сайёҳлик, илм-фан талқиқчилари бўйича тажриба алмашиш, сейсмология, ижодий алоқалар, ахборот алмашиш ва шу сингари кўпбал қираларни ўз ичига олади.

Бинобарин, Япония ҳукуматиинг ташаббуси билан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ривожланишига кумақлашш қўмитаси 1992 йилнинг 20 ноябрида Ўзбекистонни ривожланаётган мамлакат сифатида эътироф этиб, уни иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик учун Япониянинг «Ривожланишга расмий ёрдам»и (ОДА) бериладиган давлатлар доирасига киритди. Бу ҳуеусдаги қарор 1993 йилнинг январидан кучга кирди. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ ҳужалигининг тармоқларини ривожлантириш учун имтиёзли қарзлар ҳам берила буюлади. Модомики, шундай экан, ўзбек дипломатияси ҳам бу йўналишда шарт-шароитдан келиб чиқиб, янада фаол ҳаракат қилса, айни муддао бўлур эди.

Маълумки, Россия — Япония му-

носабатларида «Қурил ороллари» муаммоси куп йиллардан бери соя солиб тургани ҳолда ечими мураккаб масалалга айланиб қолган. Бу эса Россия — Япония музокараларининг муваффақиятли ўтишига доимо тўсиқ бўлиб турибди. Ўзбек — япон дипломатик муносабатларига тўсиқ бўлувчи бундай муаммо йўқ.


Дипломатик хизмат шундай бир ноки соҳаки, унга куп масъулиятлар юкланган. Мамлакатлараро дипломатик алоқалар ўрнатиш, турлича соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо. Муайян соҳалар бўйича ўзаро битим, шартнома, протокол ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган кезде томонларнинг имкониятларига реал баҳо бериш керак. Ҳамкорлик борасидаги ҳужжат — туризм, савдо-сотиқ, кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш, ҳаво йўллари қатнови ва шунга ўхшаш соҳалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар ширкатлари, ваазирликлари, ташқи иқтисодий бирлашмалар ҳужжатда кўрсатилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга одатланганлар. Шунга кўра, жумҳуриятимиз ташкилотлари қудрати ва имкониятига реал баҳо бериш Ўзбекистон Ташқи ишлар ваазирлигининг масъул ваазифаларидан биридир. Зеро, ҳамкорлик борасидаги узилишлар мутлақо бўлмаслиги зарур. Мабодо бўлиб қолса, ундай ҳолга «фақуллода ҳодиса» деб қаралиши лозим. Халқаро муносабатларда «об-ҳаво нуқулди келди» сингари иборалар ёт нарседир.

Ўзбек халқи 70 йил мобайнида тоталитар ва авторитар тузумда яшади, тенгсизлик, адолатсизлик ва миллий манфаатлар камситилганини бошидан кечирди. Шунга қарамай, жиддий синовлардан ўтиб, дунё миқёсида эътироф этилган ўзбекистонлик етук дипломатлар етишиб чиқдики, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Атоқли дипломатларимиз Осиё, Африқо ва Оврупо мамлакатларида элчи, маслаҳатчи (дипломатик ранг), аташе, дипломатик вакил ва консуллар сифатида давлат аҳамиятига молик ваазифаларни шараф билан бажарганлар ва бажариб келмоқдалар. Ўзбекистон жаҳоннинг купчилики мамлакатларида дипломатик ваколатхоналарига эга. Ўзбек дипломатларининг сафига тобора кенгаймоқда.

Истиқболи порлоқ Ўзбекистонимиз жиддий тарихий жараёни бошидан кечирмоқда. Куп миллионли ўзбек халқи келажакда юртимизнинг иқтисодий мустақил, тараққий этган давлатлар қаторидан учин олиншини истади. Ушбу эзгу ниятларга амал қилишда яратувчилик иши билан машғул дипломатия вакилларига баркамоллик ва саломатлик доимо ҳамроҳ бўлсин.

УМР ГУЛЗОРИНИ БЕЗАТТАН УСТОЗ

(Мақсуд ҚОРИЕВ сийратига
баъзи чизгилар)



Мен дорилфунунни тамомлагач, меҳнат фаолиятини «Уздавнашр»нинг омавий-сиёсий бўлимида муҳаррир сифатида бошладим. Лекин орадан бир йил ўтиб «Совет Ўзбекистони» газетасига ишга қақриб қолди. Уша вақтларда «отaxon газети» республика вақтли матбуотининг карвонбошиеси ҳисобланар, гуллаб-яшнаган даври эди. Аввалроқ бош муҳаррирлик қилган Зийед Есенбоев билан Иброҳим Раҳим давридаёқ газета ҳуқумат ва халқ олдида жуда катта обрў, нуфуз топганди. Редакцияда кунаро Мақсуд аканинг хонасига ва маданият бўлимига Гафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир ака, яна куп алломни замонлар келиб турширди.

Мени қувонтиргани яна шу эдики, бош муҳарриринмиз Мақсуд Қориев устоз шоирлар, олимлар, раҳбарлар билан ҳам, янги ишга келган биз, ёшлар билан ҳам бир хилда, самимий муомала қиларди. Баъзи раҳбарлар борки, савлатидан от хурқарди, яқинига бориш қийин эди. Аммо Мақсуд ака, унинг муовини Холбек ака Ёгоровлар жуда оққунгил, ҳеч кимга қаттиқ гапиришмайдди. Энг муҳими, янги тақдифлар, ташаббуслар билан кирсангиз — эътибор билан тинглаб, яхши бўлса — қўллаб-қувватлашарди.

Мақсуд ака маълумоти жиҳатидан юрист, яъни ҳуқуқшунос бўлса-да, ҳамма соҳага қизиқарди. Ҳикоя, қиссалар ёзади. Атоқли адибларнинг ҳам иззат-ҳурматини жойига қўяди. Ҳиротта Ҳарати Навоий мақбараси зиёратига бориб келган Гафур Гулом «Совет Ўзбекистони» учун ажойиб адабий саҳифа тайёрлаб берди. Гафур ака жуда тез ишлашининг шохиди бўлганман. Газета ҳам бу саҳифани тез босиб чиқарди. Унда Гафур аканинг «Хоки Мусалло» аталувчи хотиралари, Навоий рағалига муҳаммаслари бор эди. Эрта-индинига Гафур ака қалам ҳақи олишга келди. Уйлаганидан камроқ бўди шекилли, Мақсуд акага қаттиқроқ гаширди. Мен уша пайт тасоффал хонага кириб қолган эдим. Мақсуд ака сал қизарди, аммо шоир билан айтишмади. У пайтда Гафур ака билан ҳеч ким айтишолмасди — совет поэзияси байроқдори, Сталин мукофоти лауреати эди.

Хуллас, Мақсуд ака, бир илқини топиб, Гафур акани рози қилди шекилли, шоир яна шеърлар олиб кела бошлади. Уша вақтларда Ташкентда Ҳиндистон билан Покистон уртасидаги ун йиллик урушни тўхтатиб, сулҳ тузиш маросимида бу икки давлат раҳбарлари—Лалъ Баҳодир Шастри билан Мухаммад Айюбхон, бутун дунёдан журналистлар келган. Ташкентда халқаро кинофестиваллари, Осиё ва Африка ёзувчилари

конференциялари, Адабиёт ва санъат декадалари бўлиб, уларга жаҳоннинг энг машҳур санъат ва маданият арбоблари келар, улар билан қизиқарли уррашувлар ўтказилар, бу ажойиб воқеаларнинг ҳаммаси «Совет Ўзбекистони»да муфассал ёритилар эди. Мақсуд Қориевнинг моҳир раҳбарлиги, тапшиқчиллиги шундай пайтларда, айниқса яққол куринар эди.

Мақсуд аканинг тақлифи билан мен янги ташкил этилган «Ахлоқ-одоб» масалалари бўлимида мудир бўлиб ишлаш бошладим. Мақсуд аканинг обрў-ҳурмати республика раҳбарлари олдида ҳам катта эди. Бу шундан ҳам билинардики, бўлим қопида Ахлоқ-одоб тарбияси жамоатчилик кенгаши ташкил этилиб, унинг йиғилишларига Ўзбекистоннинг энг таниқли кишилари — республика Олий судининг уша вақтдаги раиси Саъдулла Пулатхўжаев, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми раҳбарларидан академик Қори-Ниёзий, Мирзалардон Исмоилй, ТашМИдан профессор Ҳаким Зоҳидий, Музайяна Алавия, Ойшахон Тураева, Саодат Шамсиева каби моҳир мураббийлар келиб, ахлоқий муаммоларни муҳокама қилар эдик.

Мақсуд аканинг гамхуриги билан жуда кўп ёшлар газетадан ҳуқумат ишга, Марказком ишга, масъул вазифаларга утар эдилар. Расул Раҳмонов, Уктам Усмонов, Волтабой Юсупов, Жуманиёв Жабборов ва бошқалар юқорида ишлаб, кейинроқ радиокомитетга, газеталарга муастақил раҳбарлик ишларига келдилар. Булар орасида Жуманиёв ака билан Уктам Усмонов каттароқ ишга қўтарилганларида ҳам одамийликни, камтаринликни йўқотмадилар. Мақсуд аканинг ҳақиқий таълими шуларда яққол кўринди.

Баъзи шоигрларди дадиллиги, журъати билан Мақсуд акани ноқулай аҳволга ҳам солиб қўяр эдилар. Истеъдодли шоир ва журналист Анвар Эшонов бир вақт Фаргона вилояти буйича муҳбир эди. Катта бир амалдорнинг қариндошини фельетон қилиб, уриб чиқди. Уша нарса чиқаётган куни мен навбатчи эдим. Телефонда Фаргона билан боғланиб, Анвар Эшонова «Келинг, шу нарсаи фельетон демая, ҳикоя деб чиқара қолайинг» дедим. Эшонов, сал иккилаб илтиборида, «Ахир у ҳикоя эмас, фельетон-ку», — деди. Мен «узингиз биласиз» дедим ва газетда босишга имзо

чекиб юбордим. Эртасига жанжал бошланди. Мақсуд ака бу фельетон юзасида раҳбарларга тушунтириш бериб, улгуромлай қолди. Охири шу билан тугатдики, Эшоновни КПСС сафидан учиритишга қарор қилинди. Аммо, партия мажлисида кўпчилик Анвар Эшоновни қаттиқ ҳимоя қилдик. Мен қизишиб, Горький ва Луначарскийдан далиллар келтирдим. Мақсуд ака шунда ҳам босиқлик билан:

— Луначарскийни қўйиб тур, Мақкамжон, ҳозир устозим Отахон Эшоновнинг угли Анварга бирор жазо бермасак, газетанинг тақдирини чақоқлашди, — деди. У замонда сийбат жуда қаттиқ эди.

Ниҳоят, мажлис ахли Анвар Эшоновнинг истеъдодли ижодкорлигини инобатга олиб, жиддий хайфсан берилсин, вилоят муҳбирлигидан қақриб олинсин, деган қарор чиқарилди. Бу — бизнинг галабамиз эди. Анвар Эшоновни ишда сақлаб қолдик, аммо Мақсуд ака учун бу иш осон келгани йўқ.

Бир куни Чингиз Айтматов редакцияга келиб, Мақсуд акани қидирди. Мақсуд ака бу меҳмонни адабиёт бўлимига бошлаб кирди. Эътибор она билан мени улуг адибга таништирди. Чингиз ака бизга хайрихоҳлик билан гауетда ишлаш яхши, бадиий ижодни чархлатиб, деди. Бу ҳам Мақсуд аканинг бағридарелигидан эди.

Ташкент эзилмаси йили эди (1966 йил). Бир куни Мақсуд аканинг ҳузурига кириб:

— Онам Андижонга қайтиб кетаман, дедянди. Домда биринчи қавадтамиз, бу ерда негадир намоз ўқиёлмайман, демоқда, нима қиламиз? — деб сурадим. Мақсуд ака шу заҳоти телефон қўлогини кутариб, Шоислом ака Шогуломов билан боғланди.

— Ҳалиги баҳали бўлиб турган котеж (далахўвлига) муносиб бир одам бор экан узинида. Ким дейсизми, жуда ҳаматкаш йигитларимиздан, — деди.

Шундай қилиб, Мақсуд ака бир лаҳзада бизнинг оилга ҳовли олиб берди.

дан 19 январга ўтар кечаси улка ҳарбий комиссари К. П. Осипов раҳбарлигида ҳарбий исён кутарилди ва исёнчилар шу туннеч 14 Туркистон комиссарини отиб ташладилар. Улкадаги сиёсий воқеаларнинг бундай кескин тус олиши фаолияти сузлаша бошлаган «Шурои ислом»чиларда шуро ҳукуматини ағдариб, миллий мустақил давлатни барпо этиш умидини яна уйғотди. Шу кезларда Гулом Зафарий Саъдулла Турсунхужаевнинг топширигига кура, К. П. Осиповнинг маҳаллий аҳоли уртасидаги обрў-этиборини кутариш мақсадида Эски шаҳарда тарғибот ишларини олиб борди.

Гулом Зафарий шу йилларда «Шарифжон», «Эрк болалари», «Турғуной», «Чинтемир ботир», «Татимбой ота», «Кувён» каби катта ва кичик ҳажмли пьеса ва достонлар эди ҳамда уларда миллий-озодлик гоясини қандайдир йўллар билан китобхонагача етказиш чораларини излади. Бу пьесаларнинг яратилиши ва саҳналаштирилишида Чўлпон, Фитрат, Уйғур, Мўҳиддин Қориеқубов сингари ёзувчи ва санъаткорлар муаллифга яқиндан ёрдам курсатдилар.

Осипов исени бостирилгандан кейин нафақат собиқ чор амалдорлари ва зобитлари, айни пайтда, уларга хайрихоҳ булган маҳаллий зиёлилар ва руҳонийлар ҳам таъбиқ олибгача олинди. Вазият яна большевиклар фойдасига узгарди. Шундан кейин «Шурои ислом»нинг баъзи бир фаоллари большевиклар билан муросада яшаш йўлини танлаб, Ленин фиркасига аъзо бўлдилар. Улар орасида Гулом Зафарий ҳам бор эди.

Шу даврда Бухоро амирлиги тутатилиб, шуро муаррихларининг истилоҳи билан айтсак, Бухоро Халқ Шуро жумҳурияти барпо этилди. Бу ёш жумҳуриятнинг қадди-қоматини тиклаб олиши учун маҳаллий кадрлар сув ва ҳаводек зарур эди. Гулом Зафарий 1921 йили Қори Йўлдош Пулатов ва Фитратнинг таклифи билан Бухорога бориб, мусиқа мактабида мудир муовини бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда у Файзулла Хужаев билан Фитратнинг бу лавозимга алоқаси булмаган баъзи бир топшириқларини бажарди. Ана шундай топшириқлардан бири Бухоро амيري яширган олтинни топиш масаласи билан боғлиқ бўлди.

Бу нозик вазифанинг Ғ. Зафарийга топширилганларининг сабаби, бизнингча, унинг олтин муаммосидан мутлақо узоқлиги, олтин изловчи сифатида большевиклар эътиборини тортмаслигида эди. Большевиклар амир олтинини топиш учун махсус тайёрланган кишиларни са-

фарбар қилганлари ҳолда Файзулла Хужаев «Бухоро музейига қимматбахо тарихий буюмларни тўплаш ва уларни тиклаб таъмирлаш» шiori остида бу ишга Гулом Зафарий сингари ишончли кишиларни жалб этган эди. Ғ. Хужаевга қарашли бу ғуруҳнинг иши самарасиз бўлмади. Гулом Зафарий, агар тергов ҳужжатлари ёлгон гапирмаса, 1922 йилнинг ёзида Бухоро аркида қидириш ишларини олиб бора туриб, амирга қарашли темир сандиқни топиб олади. Сандиқдан эса олти коса тилла, икки коса жавохир ва бошқа қимматбахо тошлар чиқади.

Гулом Зафарий 1923 йили Бухоро большевиклар томонидан тула забт этилгач, Тошкентга қайтиб келади ва шу йили «фирқавий фаолиятсизлик»да айбланиб, большевиклар сафидан четлаштирилди. Шундан кейин у, номаълум сабабларга кура, Термизга бориб, мусиқа билим юртида мудир вазифасини бажарди.

Гулом Зафарийнинг Бухоро ва Термиздаги мусиқа мактабларида мудир ё мудир муовини бўлиб тайинланиши тасодифий эмас. У Ҳамза сингари фақат адабий истеъдод соҳиби бўлибгина қолмай, мусиқий иқтидори ҳам барқ урган, ҳар томонлама маданиятли шахс эди, талайгина мусиқа асбобларида чалар, мумтоз ўзбек ашууларини ижро этар ва узи ҳам куй басталар эди. У ўзининг 1919 йилда ёзилган «Ҳалима» пьесаси асосидаги спектаклга ҳам асосан узи куй танлади. Унинг ўзбек мусиқа санъатига доир билими хаваскорлик даражасидан анча баланд бўлиб, уша даврнинг машҳур ҳофизлари ва санъатшунос алломалари туфайли бой ва теран эди. Шунинг учун ҳам Гулом Зафарийнинг Бухоро ва Термиздаги мусиқа мактабларида кечган фаолияти ёш авлод учун, айниқса, фойдали бўлди.

Гулом Зафарий шу йилларда «Кетмон чопди», «Қора кунлар», «Тилак», «Ёшлар энди берилмас» сингари достонларини ёзди. Аммо бу асарларнинг аксари ўз вақтида нашр этилмади.

1927 йилнинг охирларида Акмал Икромов хизмат сафари билан Термизга боради. У Гулом Зафарий билан ҳам учрашиб, унинг педагогик ва ижодий фаолияти билан қизиқсинади. Сафардан қайтгач, уни Тошкентга чақириб олади. Лекин ўзбек большевикларининг сардори, номаълум сабабларга кура, Гулом Зафарий билан бошқа қизиқмай, унинг «иссиқ ўрни»дан маҳрум бўлиши ва ҳатто ишсиз қолишига сабабчи бўлади. Шундай ишсизлик кезларида дўстлари Гулом Зафа-



рийни бошқа шаҳарларда истиқомат қилган ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар бағрига олиб бориб, ширин сўхбатлар ва бир-биридан гузал сўхатларни уюштирадилар.

Нихоят, 1930 йили Самарқанддаги мусиқа институтида укув бўлими мудир лавозимига тайинланган Гулом Зафарий янги ўзбек санъати равнақи йўлида тер туқаётган Миронов, Успенский, Фитрат сингари мусиқашунослар билан ҳамкорликда ишлаш шарафига муяссар бўлади. У шу даврда Чўлпон адабий эмасдощ булган Ўзбек Давлат драма театри билан ҳам яқин алоқа ўрнатди.

1932 йилнинг кўкламида «тасодиф ҳазратлари» Гулом Зафарийни Акмал Икромов билан яна бир мартаба учраштирди. Шу учрашувдан кейин у, Акмал Икромовнинг тавсияси билан, Урта Осиев драматурглари комитетига маслаҳатчи бўлиб ишга кирди. Лекин шу йили бошланган қатагон тўлкини Гулом Зафарийни ҳам четлаб ўтмади. Кўп ўтмай, у давлат маблагини гоёвий жиҳатдан шўхали булган «асарларга» сарфлагани учун аксинлиқлобий фаолиятда айбланиб, ҳибсга олинди ва Жанубий Сибирга сургун қилинди.

Чўлпон, Ғози Юнус, Ёлбек сингари ёзувчилар Сибирдаги дўстларини бир кун ҳам унутмай, унга «Ҳалима» спектаклидан тушган даромад ҳисобидан ҳар ойда 200-400 сум миқдорда пул юбориб, онасига эса 150 сум миқдорда доимий ёрдам курсатиб турдилар. Меҳр-оқибатли дўстларининг бундай марҳамати туфайли Гулом Зафарий сургунда туриб ҳам ижод қилди. Аммо 1935 йилда жазо муддатини утаб, она-

диёрга қайтган «миллатчи»ни на бирор жойга ишга олдилар, на сурғунда ёзган асарини босиб чиқардилар. Ажойиб санъаткор бир неча йил давомида савдо-сотик орқасида рўзгор тебратишга мажбур бўлди. Ниҳоят, у «Ҳалима» учун давлат «чўнтаги»да тупланиб қолган 7000 сум пулни олишга муваффақ бўлди ва турмуш ташвишларидан халос бўлиб, адабий фаолият билан шугуллана бошлади. Шу даврда у «Пахтахон», «Янги одам», «Сайил ва туй» «оперетта» (муסיқали драма)ларини ёзди.

Ўзбек маданияти муаррихлари «Сайил ва туй» инсценировкасининг 1937 йил май ойида Москвада ўтказилган ўзбек санъати ўн кунлигида катта муваффақият билан намойиш этилганини яхши биладилар. Аммо декада афишалари ва айрим илмий рисолаларда «Сайил ва туй» («Колхозда сайил») инсценировкасининг муаллифи Комил Яшин деб курсатилган. Ғулом Зафарий 1937 йил ноябрда булиб утган тергов пайтида шу асар тўғрисида бундай сузларни айтган: «Сайил ва туй» драматург Яшин (Комил Нўмонов) томонидан қайта ишланди ва унинг номидан нашр этилди. Шу муносабат билан Яшин менга бундай сузларни айтган: «Мен сенинг асарингни қайта ишлаб, ўз номимдан чоп этдим. Лекин сен оғзингга талқон солиб юр, чунки бу нарса маълум бўлиши билан асар шу заҳотиёқ саҳнадан олиб ташланади. Сенинг обрўйингни тиклаш эса осон бўлмайди». Мен унинг сузларига рози бўлдим. «Сайил ва туй» 1937 йили Москвада ўзбек декадаси ўтказилган кунларда намойиш этилди...»

Ғулом Зафарий «Пахтахон» ва «Янги одам» «оперетта»ларини тугатиб, уларга сайқал беришга улгурмади. 1937 йилнинг 29 октябрда санъаткор иккинчи мартабага ҳибсага олинди. Шу кун Ғулом Зафарий истиқомат қилган уйда бўлиб утган тинтув пайтида унинг 30 варақдан иборат ёзишмалари, 1 та «умумий дафтери», 3 та ён дафтери ва 7 та қўлёзма ҳамда блокнотлардан иборат папкаси олиб кетилди. «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси сифатида қораланган Ғулом Зафарий уша йилнинг 28 декабрдаёқ отиб ташланди.

Ғулом Зафарийнинг ижтимоий фаолияти, юқорида кўриб ўтганимиздек, чигал нуқталардан холи эмас. Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида Ғулом Зафарий фаолиятидаги ана шундай галат нуқталардан бирини Мирёқуб образи орқали акс эттириб, кескин қоралаган.

Агар ёдингизда бўлса, романда бундай лаҳжа бор:

«*Тура ерли халқнинг тили ва адабиётини жуда яхши биладиган маъмуллардан эди. Айниқса, форс тили ва адабиётини яхши билар, Туркистон тарихига оид қўлёзма асарлари ҳар йул билан қулга туширишга тиришарди. Унинг бу ҳавасини билгандан кейин, Мирёқуб ҳар қаердан қўлёзма асарлар топиб келтирадиган бўлди. Узининг яқин ошнаси булган Шаҳобиддин мудarris орқали уч-тўртта қимматбаҳо нарсалар топиб берди. Нойиб тура Мирёқубнинг бу хизматларини сира унутолмайди...*»

Мирёқуб поездда Шарафиддин Хўжаев билан учрашгандан кейингина бу хайрли ишнинг ўз халқи учун, миллий маданият учун гоят заррли эканини тушунади. Ғулом Зафарий ҳам худди Мирёқуб сингари, 1920 йилдан эътиборан академик Самойловични Шарқ тарихи ва маданиятига оид нодир асарлар ва ҳужжатлар билан мунтазам равишда таъминлаб турди. Бу пулсевар олим эса «содда сарт»дан арзон-ғаров сотиб олган китобларни неча баравар қимматиға пуллади. Масалан, «Шайбонинома» учун Ғулом Зафарийга 120 сум тулагани холда Фанлар комитетиға уни 7000 сумға сотди. Шубҳасиз, бу ўзбекнона содалик Ғулом Зафарий ҳаётини бе-замаганидек, унинг ўз миллати ва унинг маданияти олдиғаги катта айби сифатида ҳам қаралмаслиги лозим.

Ғулом Зафарий ўзбек маданияти тарихида шоир, драматург, бас-такор, театршунос ва муסיқашунос сифатида қолади. У ҳар томонлама билимдон инсон сифатида XX аср ўзбек санъатининг қайси йўналишида ривожланиши зарурлигини тез илғаб олиб, шу йўналишда ўз фаолиятини давом эттирди. Октябръ узгаршидан кейин «янгилик тарафдори» булган айрим кимсалар мумтоз ўзбек санъати ва адабиёти аънавалари воқеликдаги инқилобий узгаршиларни акс эттиришға қодир эмас, шунинг учун улардан воз кечиш, янги адабий тил, янги адабий шакл, ҳатто янги муסיқани яратиш лозим, деб чиқдилар. Ғ. Зафарий бундай «саводхон»ларға жавобан мумтоз ўзбек адабиёти ва санъатини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Ва ўз фикрининг тўғрилигини исботлаш иштиёқида муסיқали драмалариди мумтоз куйлардан самарали фойдаланди. Агар «Ҳалима» спектаклининг дастлабки кўринишларини хаёлдан ўтказасак, «Наво», «Омон-омон», «Ниёзий», «Бормайман» сингари мумтоз ва халқ куйлари асоси-

ға қурилган ария ва дуэтлар хотирамизда янграй бошлайди.

Бу асарда катта меҳр билан тасвирланган икки ёш — Ҳалима ва Нёьматнинг муҳаббат «кема»си 20-30-йиллар ўзбек адабиёти учун аънаванвий тусиққа учраб, чилпарчин бўлди. Ҳалиманинг отаси камбағал касобиинг углидан қура, ёши улғуроқ бўлса ҳам, бадавлат боини афзал куради. Ортиқбойнинг ваҳшийлиги туфайли Нёьмат, Муслим (иккинчи вариантда — Азимбой)нинг хоҳилиғи орқасида эса Ҳалима халок буладилар. «Тоҳир ва Зўҳра» сингари халқ афсоналарида классик талқинини топган бу ҳаётий конфликт куплаб бадий асарларда тақорр ва тақорр тасвирланган. Ғулом Зафарий ҳам ана шу ҳаётий зиддият ва схемадан фойдаланиб, халқ инқилобий суронлардан чарчаган бир даврда уни оддий кишиларнинг бахтсиз севгиси оламиға олиб кирди; руҳан гўзал, севгиға вафодор қаҳрамонлари билан бирға нафас олиб, уларнинг дард-аламлариға шерик бўлишға мажбур этди. Асаринг эмоционал таъсир кучини оширишда, шубҳасиз, ёзувчининг халқ руҳиға яқин шеър ва куйлари катта аҳамият касб этди.

Биринчи марта 1920 йилда саҳна юзини курган бу асар 1926 йили муаллифнинг янги таҳририда яна саҳнаға чиқиб, театр санъатиға ошно бўла бошлаган халқни ларзаға келтирди. Асар улкамизнинг турли шаҳарларида намойиш этилибгина қолмай, 1930 йилда СССР халқлари театрлари иждоий жамоаларининг Бутуниттифоқ олимпиадаси кунларида Москвада ҳам русазбон томошабинлар эътибориға ҳавола этилди. Айтмоқчимизки, Ғулом Зафарийнинг бу машҳур асари уша даврда «етти ешдан етимишғача булган» барча халқни баравар ҳаяжонға солган. Бу ажойиб асар туфайли ўзбек театр санъатида янги жанр майдонға келди. Орадан куп вақт ўтмай, Ғулом Зафарийнинг «енгил қўл»и билан Ўзбекистонда муסיқали драма театри барпо этилди. Атоқли санъаткорнинг тарихий хизматлари фақат шу нарса билангина белгиланмайди. Болаларға аталган дастлабки ўзбек пьесаларининг умуман, ўзбек болалар театрининг тугилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. Хуллас, Ўзбекистонда театр санъатининг икки муҳим соҳаси Ғулом Зафарий туфайли вужудға келган.

Бир кишининг номи маданиятимиз тарихида бир умрга қолиши ва эъзозланиши учун шу икки улғуғ ишининг узи кифоя қилса керак.

ИЛОҲИЙ ТУЛПОРЛАР

Одам фаришта эмас, қуш ҳам эмас. Аммо у нурдан яралган фаришта бўлмоқни, осмонни тулдириб енгил қанот қоқадиган оддийгина қуш бўлмоқни замонлар буйи орзу қилган. Шу қадар мураккаб ва мукаммал одам фарзанди бир чивинчалик учолмаса, бу қандай бедодлик?

Начора, Яраттувчи Одамни, яъни бизни шундай яратди. Фаришта эмас, қуш эмас — Одам.

Модомики, Одам фалакка парвоз қилолмадимми, бошқа йўлни уйлаб топди: от. Учқур, аммо хоксор от. Шундан сўнг, у қанотсиз эканлигига ўқинмоқни бас қилди. Нурдан яралмаганга афсус чекмади. Энди унинг остида вафодор оти бор.

Ёзувчи ва мутаржим Абдумурод Холмурод ўғлининг ушбу мавзудаги асари сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Сарвари олам Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадисларида шундай марҳамат қиладилар: «От уч хил иш учундир. Бирни савоб, бири парда ва яна бири гуноҳдир. Савоб шуки, киши уни Тангри йулида ўтлоқда ёки уйда боқса, унга савоб ёзилур. Утлаши учун уни яйловга ёки ўз богчасига боғлаб қўйса, арқони етган жойгача савоб ёзилаверади. Бердан-ю, арқони узиб, бир-икки давон кетиб қолса, йулдаги изи ва ахлати учун ҳам савоб ёзилаверади. Бойлик ва зорикмаслик учун боқиб, парвариш қилиб, миниб Тангрининг ҳаққини унутмаган бўлса, унга шу от дўзахдан парда бўлади. Агар кимса уловини фахр ва риё, ёхуд мўминларга қарши ҳаракат учун боқса, бу билан унга гуноҳ ёзилади».

Биз ушбу мақолада илоҳий муъжиза бўлиши отга Ислому динимизнинг муносабати ҳақида гапирмоқчимиз.

Авалло шу нарсани қайд этмоқчимизки, бу мақолани буюк Ислому олими Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Каттонийнинг «Ат-Таротибул идория», «Муҳаммад алайҳиссалом қиссаси, Ҳадислар», «Имом Бухорийнинг «Ҳадис», «Риёзус — солихийн», «Ас-Савдус Самарқандийнинг «Жонзотларнинг тиббий хосиятлари», ватандошимиз Олтинхонтура Соғунийнинг Қуръони каримга ёзган тафсиридан ва бошқа тафсиллар, Қомус китоблари, луғатлар, шу билан бирга, бир неча уламолар билан ўтказилган суҳбатлар асосида ёздик. Қуръони карим оятлари таржимаси ва тафсиллар, асосан, мухтарам олимимиз Аллоуддин Мансур жанобларига тааллуқли.

Қуръондаги «Вальадиат» сурасида Аллоҳ таоло учқур отлар билан қасам ичади:

«Нафасдан овоз чиқариб (душман томон) чоплаётган отлар билан қасам». (От қаттиқ чолганда куч келгани-

дан инқиллаганга ухшаш овоз чиқаради). (Суз шунинг устида кетяпти).

«Тувгидан ўтлар чиқариб чопаетган отлар билан қасам.

Тонг чоғида (душман устига) гораг қилиб борувчи отлар билан қасам.

Уша пайтда чанг қўзғатиб (чопдилар)

Ва душман жамоаси уртасига (ёриб) қирдилар».

Аллоҳ таоло урушда қатнашувчи отларнинг турли ҳолатлари билан қасам ичади. Чунки уша пайтларда от энг муҳим улов эди. Хусусан, урушда унинг аҳамияти ҳаддан ташқари катта бўлган. Тарихдаги энг катта юришлар, футуҳотлар от ёрдамида, чавандозлик ила амалга оширилган. Шунинг учун барча халқлар, шу жумладан, мусулмонлар отга, чавандозликка катта эътибор берганлар. Қуръони карим ҳам шуни таъкид этмоқда.

Бу урунда шуни айтиб ўтиш жоизки, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир неча оятларида Узи яратган улуг неъматлар билан қасам ичади. Табиийки, от ҳам илоҳий қудрат тажаллийси, муъжиза деса бўладиган илоҳий неъматлардандир.

Бу суратда отга онт келтирилишини яна бир боиси инжонга Қиёмат Кунидаги ҳисоб-китобни эслатувчи қуйидаги оятларга диққатни қаратмоқликдир:

«Албатта инсон уз Роббиси берган неъматнинг қадрига етмайди.

Ва албатта уша (инсон) бу қилмишига (неъматнинг қадрига етмаслигига) узи гувоҳдир.

Албатта у (инсон) мол-дунёга ҳаддан ташқари удир.

Қабрдагилар қўзғатилган ва (кишиларнинг) қусидаги сирлари ошқора бўлган пайтда — уша кунда Роббиялари улардан хабардор эканини у (инсон) билмайдими?»

Муҳаммад Ҳамди Ёзирнинг «Ҳақ дини, Қуръон тили» тафсирининг IX жилд, 6023-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Розий дейдики, бу суратдаги қиссадан ҳисса шудир: Эй, инсон, сен дунё манфаатига берилиб фойдаси йўқ нарсалар билан машғул бўласан; узингга ҳашаматли қабр, тобут, кафанлар ҳозирлаб қўясан. Холбуки, буларнинг ҳаммаси қурт-қумурскаларнинг ҳиссасидир. Бир хотин ҳомилалик даврида туғилажак фарзанди учун кийим-кечак тайёрлай бошлаганида унга: «Йўқ фарзанд учун нимага шунча ташвиш?» — дейилса, у: «Ахир, бир кун қориндаги ташқарига чиқади-ку!» — дейди. Роббинг ҳам сенга: «Бу арз (замин) ҳам бир кун тешилиб, ундаги ҳамма нарса, жумладан, сен ҳам ҳисоб-китоб учун бир жойга тупланасан. Қани тайёргарлигинг?» — дея жабҳот қилаяпти».

Ривоят қилинишича, бу суранинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган: Пайгамбаримиз Бани Кинон қабиласига бир гуруҳ отлиқларни юбордилар. Бирок кетганлардан бир ойгача дарак бўлмади. Мунофиқлар уларнинг қатл қилинганликларини айтишади. Ушбу сура юборилган отлиқларнинг соғ-саломат эканликларини хабар бериш учун нозил бўлган.

Қуръони карим отни Аллоҳ томонидан инсонга берилган улуг неъмат эканлигини эътироф этади. «У зот яна сизлар минишингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур» (Нахл сураси, 8-оят).

Бирок бошқа дунё моллари, зеб-зийнатлари каби «қиммат баҳоли» отлар ҳам синов имтиҳон учун берилганлиги таъкидланади:

«Одамларга аёллар, болалар, ту-

ганмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-тинчилар каби истак-хоҳишларга кунгил қўйиш чиройли қилди. Холбуки, бу нарсалар ҳаёти — дунёнинг (уткинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурда эса энг гузал қайтадиган жой — жаннат бордир. (Яъни, уткинчи нарсаларга кунгил бермай, ҳақиқий гузаллиқни севмоқ лозим.) (Оли имрон, 14).

Қуръonda от ва Сулаймон пайгамбар билан боғлиқ бир ибратли воқеа тасвири бор. Сулаймон пайгамбар Аллоҳ таоло томонидан у кишига юборилган «гижинглаб турган, учқур отлар»нинг уйинига маҳлиё бўлиб аср намозини утказиб юборадилар. (Сод сураси, 30-32 оятлар). Шундан кейин «Бас, у (Сулаймон) қилч билан отларнинг) оёқ ва бўйинларини «силаш»га киришиди (ва уларни Аллоҳ йўлида қурбонлик қилиб юборди.) (Шу сур, 33-оят). Сод сураси 33-оятнинг таржима ва тафсирида ихтилофли фикрлар мавжуд. Бир мисол: Аммо ул ривоятким, Ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом отлар томошасида намозларини қаю қилиб, бу сабабдан отларга ғазаб қилиб, ёл ва куйругини кесмишлар, демилшарки бу сўз тафсири (Қуръон шарҳи)га муҳолиф (терс)дур. Агар иштибоҳ қилгон киши бўлса бу оятнинг тафсирини курсун...»

Машҳур олимимиз Олтинхонтўра Соғуний Сод сурасидаги бу оятларни тафсир қилиб туриб, жумладан, шундай ёзадилар: «Буларнинг (яъни, отларнинг — А. Т.) адади 1000 эрди. Аларнинг намойишга машғул бўлиб, аср намозини унутиб қўйдилар. Қасддан тарк этмадилар. Кейин маҳзун бўлиб, аларни суйиб садақа қилдилар».

Исломининг илк даврларида мусулмон араблар отдан камдан-кам фойдаланишган. Тугрироғи, от минши санъатини эгаллаганларнинг сони кам бўлган. Араблар улов сифатида, асосан, туюдан фойдаланишган. Бинобарин, уша даврда араблар орасида отга соҳиб бўлган ва ундан фойдаланишни билганларнинг обрў-эътибори баланд эди. Илк Ислам ғазовотларида ҳам мусулмон аскарларида от жуда кам экинлини кураими. Масалан, профессор Закои Кунрапаннинг «Пайгамбаримиз ва ашарани Мушаббар» (Т., 1993 йил.) асариде қайд этилишича, Бадр жангиде 305 кишидан иборат Ислам қўшинида атиги уч кишида от бор эди.

Юқориде айтиб утилгандек, Ислам динининг ёйилишида отларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Шунинг учун уша йиллардаёқ наслдор отларни кўпайтириш, уларни тарбиялаш, исломий ғазотларга тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Бу иш учун махсус тажрибали отбоқарлар тайинланган. Арабистоннинг Нажд, Химо, Дарийя, Кудфа, Басра воҳаларида зотдор отлар етиштирилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қуръони каримдаги «Эй, мўминлар, улар (кофирлар учун) имконингиз борида куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва узларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар бил-

майдиган — Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам кўрқувга солурсизлар. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда қомил қилиб қайтарилур» (Анфол, 60) ояти каримаси ва «Қиёмат кунигача отларнинг пешонасига хайр-барокот болганандир» (Бухорий, Муслим), «Отнинг пешонасига қиёмат кунигача хайр ёзилгандир. Уни боққан яхшилик олади» («Ҳадислар», 575-ҳадис, 96-бет), «Пулларнинг яхиси кишининг ўз оила-аззоларига, Аллоҳ йўлида боқаетган отига ва Аллоҳ йўлида юрган дўстларига сарфлаган пулидир» («Ҳадислар», 62-бет), «Жиход учун тарбиялаётган отни едириб-чириган киши ҳеч тўхтамай садақа берган ва бу ишдан ҳеч куз юмганган киши кабилдир.» («Рўузус — солихин») 2-жилд, 195-бет), «От тарбияси, ўқ отиш ва кишининг аҳли аёл билан уйинидан ташқари, одам уғилларининг бутун уйинлари ботилдур.» (Каттоний, 2-жилд, 346-бет) каби ҳадиси шарифларда отга берилган юксак баҳо ва от боқуш, уни тарбиялашга ташвиқ қилиниб турибди.

Ҳазрати Умар ривоят қилишлари-ча, Пайгамбаримизнинг шахсан узлари ҳам ғазотлардан тушган ганимат (улжа)лардан оилалари учун маълум қисмини ажратиб олиб, маълум қисмини Аллоҳ йўлида фойдаланиш мақсадида от ва қурол учун сарфлаганлар. Ибн Исҳоқ Расулulloҳнинг бир куну Бани Абдул Ашҳал қабиласидан Саъд ал Ансорийни ва Бани Қурайш қабиласининг баъзи асирларини Нажд шаҳрида юборганликларини Саъд ва асирлар Расули Акрам учун от ва қурол сотиб олганликларини ривоят қиладу.

Машҳур олим Насоий «Ахлоқун Набий» асариде Расулulloҳ учун отлар ҳам энг севимли нарсалардан бўлганлигини ёзади.

АЛЛОҲ РАСУЛИНИНГ ОТЛАРИ

Пайгамбаримизнинг бир ривоятга қура, у беш (Ибн Жамоа, «Мухтасар ус-сияр»), бошқа бир ривоятга қура, еттига (Ибн Гузай ал Қалбий, «Китабул хайл») отлари бўлган.

Навоий «Ат — тақриб ва-т-тайсир» асариде (Байрут — 1400 — 1980 йиллар) куйидагиларни ёзади: «Аллоҳ Расулунинг (с.а.в) отлари бор эди. Биринчи минган отлари Сақбидур. Пешонаси ва чап оёғиде оқи бор эди. Бу айнаи пайтда узлари билан ғазотта чиққан илк отдир. Сабаха исмли яна бир отлари бўлган. Бу мусобақаде қилнча голиб келадиган от эди. Бошқа бир отлари эса Муртажиздир. Расули Акрам бу отларини бир бадаввидан сотиб олганлар. Сахб бин Саъд шундай дейди: «Расулulloҳнинг Лизоз (Лазоз), Зариб ва Лухайф (Лахиф) исмли уч нафар отлари бўлган. Лизонни у кишига Муқовис ҳада қилган. Лухайф (Лахиф) эса Робиа бин Абил Баронинг совғасидир. Расулulloҳ унга бир неча тую берганлар».

Баъзи маълумотларга қараганда, Пайгамбаримиз кўпроқ қора рангли, пешонасиде ва олдинги унғ оёғидан

бошқа оёқларида оқи бўлган отларни яхши отлар деб таърифлаганлар.

Ас-Савдус Самарқандий яна бир эътиборли маълумотни келтиради: «Расули Акрамнинг отлари бор эди. Ва ҳадисде келибдурким, «Ҳеч оқшом йўқким, магар от бу дуони ўқимагай: «Робби, иннака саҳоратани ли-ибни Адама ва жаълату ризқи фи-ядҳи. Аллоҳумма, фа-жъални аҳаббу алайҳи. (Парвардигорим, мени Одам фарзандига бўйсундирдинг ва ризқимни унга боғладинг. Эй худовандо, бас, мени унга севимли қил!)»

Пайгамбаримиз ҳаётлари давомида ҳашамат, дабдабага интилимганлар, ҳамшиша оддийлик, уртаҳоликни хуш курганлар. Чунончи, у киши отларининг анжомларига ҳам қўп зеб бермаганлар. Ибн Хаййон ал-Исфохонийнинг «Ахлоқун Набий» асариде Абу Абдуллоҳнинг ал Фихрийдан шу ривоят нақл қилинади: «Расулulloҳ (с.а.в.) билан Хунайн жангиде бирга бўлдим. Ёзнинг жазиреа иссиқ бир куну эди. Шундай дедилар: «Эй Билол, менга отимни эгарлаб олиб кел!» Билол наमतдан (войлоқ, пошма) тукилган бир эгар чиқарди. Ҳашаматсиз ва оддийгина эди».

Имом Бухорийда (Жиход, 58) Расули Акрамнинг тарбиялаган отларини Хайфа билан Санийятул Вадо оралигида пойгага қўйганликларини, пойгачилар орасиде Ибн Умарнинг ҳам бўлганлиги, бу мусобақанинг бошланғич жойи ва марраси орасидега масофанинг 6 ёки 7 мил бўлганлиги, бундан бошқа, махсус тарбиялаган отларининг Санийятул Вадо билан Бани Зурайқ масжиди орасиде пойгага қўйилганлиги, бу масофанинг бир милга яқин бўлганлиги ҳақидаги муҳим маълумот борки, бу Асри Саодат вақтларида ҳам от мусобақаларига аҳамият берилганлигини курсатиб турибди.

Пайгамбаримиз пойгада муваффақият қозонганларни рағбатлантириб, уларга совгаллар улашганлар. «Ат таротибул идория»да қуйидагиларни ўқиймиз. «Абу Усайд ал Бақрий Зўҳрийдан шу ривоятни нақл этади: саҳобалардан Саъд ас-Саидий Расулulloҳнинг (с.а.в.) Зариб исмли отларини миниб пойгага қўйишди. Расули Акрам унга аманий бир хирқа кийгиздилар. Абу Асаид ас Саидий эса Расулulloҳнинг бошқа бир отлари билан мусобақаде иштирок этди. От маррага келиши билан Расулulloҳ утирган жойларидан туриб сафдан олдинга чиқдилар ва (қувонч билан — А.Т.) «Бамисли дар!» — дедилар. Ва Абу Усайда ҳам бир яманий кийим (хула) кийдириллар.

Каттоний бу каби мавзуларга Имом Бухорий «Ал Жомеъус саҳиҳ» китобиде «Жиход бўлими», «Отлар уртасиде мусобақа боби», «Пойга учун отларни тарбиялаш», «Тарбияланган отлар уртасиде пойга», Имом ат Термизий эса «Мукhofотланган отлар мусобақаси» сарлавҳалари билан урин беришганини қайд этади.

БУРОҚ ҲАМ ОТМИ?

«...Андин сунг бир Буроқ келтурди. Оқ тулкун, хачирдан кичикроқ, эшакдан улуроқ. Айтдилар: Е Расулуллох, Буроқ бу турур. Кўзи еткан жойга оқсин қуяр эрди».

(«Қиссиас Рабуғий»дан).

Пайгамбаримизни Меърож кечасида Масжид ал Ақсодан самога олиб чиққан махлуққа «Буроқ» деб ном берилган. «Буроқ», сузи арабчада «ялтирамоқ, чақмоқ чақмоқ» маъносидаги «Барқ» сузидан ҳосил бўлган. Бу уловнинг оқ рангли, ута сурьатли ва хачир билан эшак уртасидаги бир ҳайвон эканлиги ривоят қилинади. Баъзи манбаларда (Ибн Ҳишом «Ас сийра», 1 жилд, 398-бет) Буроқнинг қанотли эканлиги, бу қанотлари ёрдамида кўзи кура оладиган энг узоқ масофани куз очиб-юмгунча босиб ўтганлиги айтилади. Меърож ҳодисаси билан боғлиқ манбаларда дастлаб Буроқнинг Ҳазрати Пайгамбаримизга бўйсинмаганлиги, Жаброил (а.с.) келиб, бу зот шу пайтгача унга минган кишиларнинг энг фазилатлиси ва буюғи эканлигини айтган, тек туриб, баданидан терлар оққанлиги ҳам эслатилади. (Ибн Саъд «Ат-табақот ул-Кубро»).

Жаброилнинг Расули Акрам билан бирга Буроққа минган-минмаганлиги ҳам Ислол олимлари уртасидаги баъзи масалалардандир.

Табарийнинг машҳур «Тафсири»идаги бир ривоятда Буроқни Ҳазрати Иброҳим пайгамбар ҳам Каъбани зиерат қилишга миниб келганликлари шу сабаб бу улов «Даббатул Иброҳим» (Иброҳимнинг улови) деб ҳам юритилиши айтилмоқда.

Бундан ташқари, Қиемат кунинда Махшар майдонинда тулпаниб турган умматларининг олдига миниб келишлари учун пайгамбарларга бир улов берилиши, Солиҳ пайгамбар туясига миниб келиши, Муҳаммад алайҳиссалом қизлари Фотима билан Буроққа миниб келишлари (Янги турк Ислол Қомуси, «Қиемат» моддаси) каби маълумотлар ҳам ушбу мавзу билан боғлиқ ривоятлардандир.

Маълумки, мажоз, мажозий ифода тарзи тасаввур имлининг узига хос хусусиятлардандир. Бинобарин, кўпчилик мутасаввуфлар Меърож кечасидаги Буроқ «илохий ишқ рамзи» эканлигини айтишади. Уларнинг фикрича, илохий ишққа йуналиб (бу ишқ ёрдамида — Л.Т.) ўзигидан кечган кул, ақл билан эришиб бўлмайдиган маърифатуллоҳга эриша олади (Турк Ислол Қомуси, «Меърож» моддаси).

Буроқ адабиёт ва санъат аҳлининг ҳам диққатини ўзига жалб этган, уларнинг тафаккурларига туртки бўлган. Масалан, шоир Сулаймон Чалабий:

*Онда экан, ногаҳон ул юзи оқ,
Жаброил жаннатдан келтирди Буроқ,*

— дея Буроқнинг асл Ватани жаннат эканлигига ишора этса, шоир Абдулвасий Чалабий:

*Бу Иброҳим Буроқидир, ки қоим,
Миниб Каъба тавоф айларди доим, —*

мисралари билан Буроқнинг Иброҳим пайгамбарга ҳам хизмат қилганлигини қайд этади.

Бу мавзудаги асарларнинг аксариятида Буроқ гавдаси от гавдасига, бўйни туяниқига ухшаш, юзи ниҳоятда гузал инсон суратида ифодаланади.

«Буроқ» мавзусига, айниқса, «Меърожнома»ларда кенг ўрин берилган. Баъзи «Меърожнома»ларда баён қилинишича, Жаброил Буроқни олиш учун жаннатга келганида уни тушкун ҳолатда куради ва сабабини суради. Буроқ қачонлардир «Ё Муҳаммад!» деган бир нидо эшитганини, ушандан бери бу исмга ошиқ бўлганлигини, уни куришга муштоқ эканлигини айтади. Жаброил уни Муҳаммадга (с.а.в.) олиб кетишга келганлигини айтиши билан қувониб кетади ва учиб Маккага келади. Буроқ Ҳазрати Пайгамбарни мишига қуймайди. Жаброил бу ҳолнинг сабабини сураганида: «Жаннатда ҳам вафо курсатиб, мени улов ўлароқ мишини қабул қилса, розиман», — дейди ва Расули Акрамдан муносиб жавобни олган, тек туради (Турк Ислол Қомуси).

ОДАМ УГЛИ НАҚАДАР


ШОШҚАЛОҚ?


Ислол динида от билан жуда ибратли воқеалар мавжуд. Биз қуйида профессор Маҳмуд Асад Жўшанинг магнит лентасига ёзиб олинган маърузасидан олинган бир ҳикояни келтириш билан мақоламизга яқун ясамоқчимиз:

Кунларнинг бирида Ҳазрати Али Куфа шаҳрига келадилар. Аср намозини ўқиш мақсадига бир масжиднинг олдида тўхтайдилар. Бу ерда бир одам Ҳазрати Алини табассум билан кутиб олади. Ҳазрати Али отларини уша одамга топшириб ичкарига кириб кетадилар. Намозни хотиржам ўқиб масжиддан чиқаркан, ахшигина кутиб олган ҳалиги одамга отга қараб тургани учун беш дирҳам пул беришни хаёлларидан ўтказадилар. Аммо ташқарига чиққанларида на от, на боятга одам бор эди. Бироздан сунг от куриши беради. Ҳазрати Али бир муддат ўйланиб турганларида бир нотаниш киши отнинг юганини олиб келиб, бир савдогардан беш дирҳамга сотиб олганлигини, аммо бундай оддий юган фақат Ҳазрати Алининг отларига мансублигини билиб, бу ёққа йўл олганини айтади. Шунда Ҳазрати Али одамларни туллаб шундай дейдилар:

— Ҳой, биродарлар! Биласизми, ҳозир Аллоҳ бир ибратли воқеани курсатди. Мен бир одамга отимни ушлаб тургани учун беш дирҳам бермоқчи эдим. Бу, унинг ҳалол ризқи эди, аслида. Лекин у Аллоҳ бераётган шу ҳалол ризқни шошиб, ҳаром йўл билан топди. Бирозгина сабр қилганида-ку, уша ризқини ҳалоллаб оларди. Курдингизми, инсон ўгли нақадар шошқалоқ?..

Абдумурод ХОЛМУРОД ўгли.
ТошДД аспиранти.





ИЛМ ДУНЕНИ англамоқ воситасидир. Жамият тараққийтини эса илм-сиз тасаввур этиб бўлмайди. Олимлар дунёнинг, инсоннинг моҳиятини англаш ва аниқлаштириш йўлида тинимсиз заҳмат чекаётган ҳақиқий маънодаги Шалардир. Бундай олимларни жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар илмдан чалғита олмайди. Чунки, илм улар ҳаётининг мазмунига айланган бўлади. Муҳаммадjon Ҳакимов ана шундай олимлардан. Унинг адабиётшунослик, фольклоршунослик, умуман филология соҳасида яратган тадқиқотлари мазму қўлами ва илмий салмоғи нуқтаи-назардан ҳам таҳсинга сазовордир.

Муҳаммадjon Ҳакимов — Ўзбекистон ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг бўлим бошлиғи, филология фанлари доктори, бешта монография ва икки юзга яқин илмий мақолалар муаллифи, ўнлаб шоғирларнинг муҳтарам устозидир. Унинг яратган илмий тадқиқотлари таҳлилий қуввати кучлилиги, ишонарли далиллар асосида катта ҳулосалар чиқарилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Устознинг ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодиётининг узаро таъсири муаммоларига бағишланган «Ёзувчи ва халқ тили» (Т., «Фан», 1971 йил) монографияси фольклоршунослигимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу монография олимнинг 1965 йилда Тил ва адабиёт институти илмий кенгашида муваффақият билан ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси асосида яратилган эди. Унда адабиёт ва фольклор муносабатларига оид муҳим илмий ҳулосалар баён қилинган.

М. Ҳакимов — Навоий ижодиётининг тоғмас тарғиботчиси. У 1962—1966 йиллар давомида Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Душанбе, Санкт-Петербург шаҳарларидаги қўлёзмалар фондларида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг муътабар манбаларини илмий тавсиф қилиш билан шу-

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ БИЛИМДОНИ

гулланди. Бу хайрли ишни ҳозир ҳам изчил давом эттирмоқда.

Қўлёзма манбалар устида илмий фаолият олиб бориш осон иш эмас. Бунинг учун шарқ тиллари, хусусан, араб ва форс тилларини мукаммал билишдан ташқари, ута синчковлик, энг муҳими эса, сабр ва матонат лозим. Муҳаммадjon Ҳакимовда ушбу хусусиятларнинг барчаси муҷассам.

Қилинган заҳматли меҳнат натижаси улароқ «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» (Т., «Фан», 1983 йил), «Алишер Навоий «Хамса»-сининг қўлёзмалари каталоги» (Т., «Фан», 1986 йил), «Алишер Навоий асарларини кўчирган хатотлар» (Т., «Фан», 1991 йил) каби асарлар яратилди. Мазкур асарлар навоийшунослик ва мабашуносликнинг ютуқлари сирасига киради. Келажикда Навоий асарлари устида илмий тадқиқот олиб бориш учун устознинг бу асарларини асло четлаб ута олмайди.

М. Ҳакимов Навоий ижодиётининг қўлёзма манбалари устида изланар экан, улуг мутафаккирнинг лирик мероси ва унга фольклорнинг таъсири муаммосини ҳам тадқиқ этга борди. Бунинг натижасида «Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди» (Т., «Фан», 1979 йил) номли фундаментал тадқиқот яратилди. Ушбу тадқиқот 1989 йилда докторлик диссертацияси сифатида муваффақият билан ҳимоя қилинди.

Устоз ун икки йил мобайнида Қўлёзмалар институтининг «Энг қадимги ёзма ёдгорликлар» бўлимини бошқаради. Институт директори, академик Азизхон Қўямов ва М. Ҳакимовнинг сэйъ-ҳаракатлари билан ушбу бўлим негизида қадимги туркий, ўйғур ва сўғд ёзма ёдгорликларини тадқиқ этадиган Урта Осиёда ягона илмий мактаб яратилишига асос солинди. Олимнинг ўзи ҳам қадимги ёзма ёдгорликлар тўғрисида бир қатор тадқиқотлар яратди. Сўғд ёзуви ёдгорликларининг адабий аҳамияти, Авесто ҳақиқидга қатор илмий мақолалар шулар жумласидандир.

Айни вақтда устоз «Матншунослик ва мабашунослик» бўлимига раҳбарлик қилмоқда. Мазкур бўлим мумтозо адабиётимиз намуналарини юқори савияда нашр эттириш, уларнинг муътабар манбалари устида фундаментал илмий тадқиқотлар яратиш ишида пешқадамлик қилиб келаётганлигини ало-

ҳида таъкидламоқ керак.

Устознинг илмий кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир. Унинг бевосита раҳбарлигида ёқланган диссертациялар ва олиб борилаётган илмий изланишлар ушбу фикрни тасдиқлайди.

М. Ҳакимовнинг илмий ишлари қўлами ниҳоятда кенг. Заҳматкаш олим томонидан ўзбек адабиётшунослиги масалалари бўйича 1935 йилдан ҳозиргача ёқланган диссертацияларнинг авторефератлари бўйича библиографияси тузиб чиқилди. Икки мингдан ортиқ диссертация тутғусида мукаммал маълум берувчи мазкур библиография 10 та бўлимдан ташкил топган. Ушбу библиография бизда эътибордан анча четда қолаётган муҳим соҳа — илмшунослик нуқтаи-назаридан ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. У илмий ходимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар ва докторлар учун муҳим қўланма вазифини утайди.

Ҳозирги кунда М. Ҳакимов Навоий асарларининг қўлёзма манбаларини илмий таҳлил этиш ишини давом эттириш билан бирга «Шарқ қўлёзмаларига доир истилоҳларнинг изоҳли лугати»-ни яратиш устида муттасил изланиш олиб бормоқдалар. Бу лугатнинг бир қисми «Адабий мерос» тўпламининг 23—33 сонлари (1982—1984 йилда босилган эди. Айни кунларда ушбу лугат мукаммал асар сифатида яқунланмоқда. Мазкур тадқиқот ўзбек шарқшунослиги ва лугатшунослиги тараққийтида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Устоз ниҳоятда камтарин ва олижаноб инсон, унга бирор маслаҳат сураб мурожаат қилган киши ҳақиқий шарқона мулоамат ва алломаларга хос муносабатини қуриб бу ёруғ оламда шундай ажойиб инсонлар борлиги учун Таътирга шукроналар айтади.

Муҳаммадjon Ҳакимов 60 ёшга тулди. Устоз алломани табаррук ёшлари билан муборакбод этиб, илмий ва ижодий ишларидан янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,

Ўзбекистон ФА

Ҳ. Сулаймонов номидаги

Қўлёзмалар институти

катта илмий ходими,

филология фанлари номзоди.

«МУДОМ ХАЁЛИМ БОЛАЛИГИМДА...»

Шоира ГҲЛОМОВА.

М. Уйгур номли Тошкент Давлат санъат институтининг катта ўқитувчиси,
санъатшунос



Рассом гузаллик яратувчи ижодкордир. Шундай ижодкорлар борки, улар ўз қаҳрамонларини жуда эрта, болаликтан яхши билдиллар, она-замин табиатини, халқнинг урф-одатларини хулқатворини юракдан севиб, бор ижодий куч-қудратини бир умрга узлари севган мавзуга бахш этадилар.

Истеъдодли мусаввир Икромжон Баҳромовни ҳам шундай рассомлар қаторига киритгим келади. Суҳбатлардан бирида рассом: «Хар бир ижодкорнинг турғилар ери маънавий мадад, озуқа берар экан. Қишлоғим манзараларини, бу ер билан боғлиқ лирик ҳолатларини ёқтираман. Табиатдаги сокинлик руҳида аллақандай қўзғалиш уйғотади. Қишлоқ одамларидаги бегубор самимийлик, соддалик киши руҳини поклайди. Ёрнинг рангини яхши кураман, чунки ерда биз, ижодкорлар умр бўйи излаётган ҳамма ранглар мавжуд. Фақат бир дақиқагина оёғимиз остига боқсак, ба!» — деган эди.

...1970—1980 йилларда ўзбек тасвирий санъати сафларига Москва, Санкт-Петербург, Киев, Вильнюс каби олий рассомлик мактабларини тамомлаб қайтган рассомлар билан бир қаторда ҳозирги М. Уйгур номли Тошкент Давлат санъат институтини тугаллаб келган ёш рассомлар келиб қўшилдилар ва санъатни янги гоялар, бадий воисатлар билан бойитиш, кекса авлод рассомлари реалистик анъаналарини давом эттиришга ўз ҳиссаларини қўша бошладилар.

20 йил муқаддам Икромжон Бахро-

мов М. Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида ўзбек тасвирий санъатининг урта бугинига мансуб, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби, профессор, марҳум рассом Т. Оганесов қўлида таҳсил олди. У талабалик йилларидаёқ «Она», «Тушлик» асарлари билан республика кургазмаларида қатнашиб, ўз мухлисларига эга бўлди. Маъиш этилаётган шахсий кургазма асарлари орасида худди ана шу «Она портрети» (1972 йил) кўпгина мухлисларнинг диққатини узига қаратмоқда.

Қаримияда рассом учун қадрли ва қимматли бўлган, дунёдан абадий кўз юмган онадан хотира сифатида қолган асар — она Ортиқбуви тимсоли гавдаланади. Асарда рассом умрини фарзандлари камоли учун бахшида этган мунис меҳрибон волидаси қиёфасида жами оналарга хос умумфазилатларни акс эттиришга ҳаракат қилади. Асарни диққат билан кузатар эканмиз, хаёл оғушида утирган, унинг фақат оналаргагина хос меҳрли боқишию, нурли нигоҳида уйчанлик, маъюслик мужассамланганлигини кураимиз. Айниқса, онанинг бошидаги пепонабоғию эғнидаги бахмал нимчаси, томирлари буртиб турган узунгина қадоқ қўллари рассом томонидан жуда катта маҳорат билан ишланган, буёқлардан эса гоёт ноизиклик билан фойдаланган.

Кургазманинг асосини сўнгги 3-4 йиллар ичида яратилган асарлар ташкил этиб, улар «Болалик хотиралари» деб номланган.


Рассомнинг болалиги собиқ Калинин туманининг Қатортол қишлоғида ўтди. Ҳозирда бу қуркам қишлоқ урни Тошкент отчопари ҳудудига қарашли. Табиатта шайдолик, ўша бегубор болалик даврларига фикран қайтишга интилиш,

ота-онани қўмсаш, улар ҳақидаги нурли хотиралар, ушалмаган орзу-армонлар, узоқлашайтган хотиралар санъаткорни тинимсиз иланишга қақиради. Рассомнинг «Болалик йўллари», «Армон қуши», «Қутаётган болалар», «Шафрат хола юмушлари», «Менинг бешигим», «Даладан қайтиш» каби асарларида эркин фикрга эга бўлган, ижодий мустақилликка эришганининг гувоҳи бўламиз. Ёш улгайган сари тобора узоқлашайтган болалик хотираларини абадийлаштириш истаги кучаяди, аммо энди у даврни муайян умр тажрибалари асосида фалсафий мушоҳадалар билан рангтаъсир асарларида жонлантириб, рассом ўз мақсадига эришади.


Кургазма марказида осонлиқ турган «Май момақалдиқроқлар» асарида инсоннинг она-табиат билан уйғуллашиб кетиши, поклик, ҳаётта ташналик, баҳор нафасига туймаслик ҳолатлари соф, ёрқин буёқларда ўз ифодасини топган.

Халқ орасида юрган қандайдир номаълум, мавҳум кучлар ҳақидаги гаплар, мазорда сеҳрли кучлар мавжудлиги «Тунги учрашув» асарида акс этган. Бу жой унинг кўз унгида мангулик ва ёруғлик тимсолидир, чунки инсон бу дунё ташвишларидан қутулгач, шу жойда абадий уйғуга кетади. Булардан ташқари кургазмадан рассомнинг Бекобод металлургия заводи ишчиси Эгамбердиев, уруш фахрийси Қобилжон ака, жиззахлик колхоз бригадирини У. Орифжонова портретлари ва кўплаб қоралама, этюдлар урин олган.

Айни кунларда самарали ижод этаётган Икромжон Баҳромовни 50 ёшлик таваллуди билан чин қалбдан муборакбод этиб, унга ижоднинг машаққатли йўлида янада баркамоллик тилаймиз.



«ОНА».



«БОЛАЛИК ЙЎЛЛАРИДА».

НЕ УЛ ЗИЙНАТКИ...

Китоб жамият ҳаётида муҳим восита саналади. Шу боисдан ҳам буюк ёзувчи Ойбек: «Китоблар инсон тафаккурининг жаҳоирларини йиғиб, авлодларга мерос қолдиради» деб жуда турғи таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, яхши китоб кишига маънавий озиқ беради, уни эзгу ишларга ундайди. Хуш, ана шу маънавий қувват манбаи — китобга бугунги кунда муносабатимиз қандай? Биз кўпроқ тижорат ишларига берилиб кетиб китоб ўқишдан чекинмаётимизми? Маънавият масканлари — кутубхоналар ёшларга қандай хизмат кўрсатайти, бундан ёшларнинг кунгли тулгантими? Ана шундай саволлар, уялар билан вилоят болалар кутубхонасига йўл оламиз.

Бизни кутубхона директори Фазилятхон опа Нуриддинова очiq чехра билан кутиб олди. Юзларидан нур ёғиб турган ошанинг сўхбатлари дастлаб вилоятдаги болалар китобхонлигининг бугунги даражаси ҳақида бўлди. Ошага юқоридаги ўйларимизни айтганимда, улар китобхонлик ва китоб бериш бўйича вилоятнинг кейинги йиллардаги кўрсаткичларини таққослаб бердилар.

— 1995 йилнинг ярим йиллигида вилоятимизда 45.679 нафар болалар кутубхонага жалб этилган бўлиб, болалар учун 657950 дونا китоб тарқатилди.

Шу биргина кўрсаткичнинг узиёқ болалар китобхонлиги ҳақидаги юқоридаги шубҳаларимизни аритди.

Ошанинг сазй-ҳаракатлари билан вилоят кутубхонасида талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Кутубхона ходимлари мустақиллик мафкурасининг фидоиларидир. Кутубхонада ташкил этилган услубият гуруҳи вилоятдаги 54 та болалар кутубхоналарига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Риштон тумани (марказлашган кутубхоналар бирлашмасининг директори Мухторжон Султонов), Қува тумани (директори Муҳаббат Каримова) ва Қўқон шаҳрида (директори Лилия Солиқова) ташкил этилган болалар китобхонлиги ҳозирги кун талабларига жавоб беради. Хусусан, Риштон туманидаги маънавий тарғиботчиларининг ташаббуси билан болалар китобхонлигини кучайтирадиган, болаларнинг китобга қизиқиши ва ҳавасларини орттирадиган янги шакл ва услублар ишлаб чиқилмоқда.

— Юртбошимиз «Ёшлари билимдон юрт — бадавлатдир», деб бежиз айтмадилар, — дейди биз билан сўхбатда Риштон тумани марказлашган кутубхоналар бирлашмасининг директори Мухторжон ака Султонов, — қайсики юрда китоб ва илмнинг қадри баланд экан, уша юртининг келажакки ҳам шонли бўлади. Кутубхонамизда болалар китобхонлиги даражасини кўтариш, маънавий бойлик — китоб ҳар қандай бойликдан устун эканлигини тушунири бериш бизнинг энг муҳим ваазифамиз бўлиб қолаверди.

Вилоят кутубхонасида айна кунда 7 та бўлим бўлиб, шундан 3 таси бево-

сита китобхонларга хизмат кўрсатади. Бочга ва 1—4 синфлар бўлимидagi ҳодимлар кичкинтойларга, иккинчи бўлимда эса 5—8 синф ўқувчиларига хизмат кўрсатилади. Ўқув зали матбуот нашрлари ва нодир адабиётлар билан таъминланган.

Булardan ташқари, китобни бутлаш ва қайта ишлаш, библиография, услубият ва китобни сақлаш бўлимлари ҳам болалар хизматига. Бу бўлимларда Худий Лилия Александровна, Наврўзова Флора Файзиевна, Тугишева Ана Михайловна, Хошимова Гулнора Хамидовна, Рижесова Татьяна Андреевна, Каратаева Нина Степановна ҳам меҳрибон мурабийлар 20—25 йилдан буён сиқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Уларнинг ташаббусе ва сазй-ҳаракатлари билан утказилётган турли мавзулардаги қизиқарли тadbирлар китоб тарғиботи ва ташвиқотида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Эртакилар билан учрашганда», «Фан оламига саяхат», «Адабий меҳмонхонамизда», «Ажойиб қалам соҳиби», «Китоблар байрами», «Ассалом, Наврўз!», «Олтин қалит» каби тadbирлар болаларга маънавий озуқа бериш билан бирга уларни кўпроқ китоб билан муомала қилишга ургатмоқда.

Шоир Йўлдош Сулаймон билан учрашув ва қизиқарли савол-жавоблар эса болаларни унинг ижод оламига чуқурроқ олиб кирди.

Кутубхонада фаол китобхонларнинг сони талайгина. Утган йили Фаргона шаҳрида 2-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Комил Ҳасанов 153 та, 1-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Насиба Умрзоқова 110 та, 13-мактабнинг 1-синф ўқувчилари Наташа ва Нина Додбенецлар 83 та, мактабгача ёшдаги Насия Ковалева бувиёси билан бирга йил давомида 25 та, 13-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Денис Пермяков ва 2-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Аяна Портновалар 70 тадан ортиқ китоб ўқиб чиққанлар. Бундай фаол китобхон болаларни қўллаб санаш мумкин.

Кутубхонада оилавий китобхонликка алоҳида эътибор берилган. Оилавий китобхонларнинг энг намуналеси Фаргона шаҳар, 41-а уйнинг 18-хонасида яшовчи Шварцманлар оиласидир. Улар йил давомида 40 та китоб олиб ўқиган. Китоблар нархи бир оз қиммат бўлган ҳозирги кунларда кутубхоналар хизмати оилалар учун жуда қулай йўлдор.

Кутубхона ходимлари соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги, Алишер Навоийнинг 555 йиллиги, болалар ва усмирлар китоб ҳафталиги каби қатор тadbирларини намунали қилиб утказдилар.

Дарҳақиқат китоб — зийнат, китоб узоқ асрдан қабридан билаларга етиб келган зийдир. Зийёкорлар эса у дунёю бу дунё саводадиларлар...

Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
Фаргона давлат университети
доценти,
филология фанлари номзоди.

ДИЁР МАДҲИ

(қушиқ)

*Ватан бешикдир ё аждодлар қабри,
Бошларан қонимиз қорилган ердан.*

*Бахт тақдир этилмас эб-зийнат
каби,
Ҳар ким бахтин топар тугилган
элдан.*

Нақорат

*Ўзбекистон мардлар эли,
Туркистондир умум уйи.
Мағрур халқнинг бардам бели,
Буюк давлат қурмок уйи.*

*Жаҳонда давлат қуп, элатлар
бисер,
Уларнинг ҳар бири қимгадир
макон.*

*Мен учун уз юртим муқаддас дияр,
Жонимдан ҳам азиз — ҳур
Ўзбекистон!*

Нақорат

*Ўзбекистон — зафар эли,
Туркистондир умум уйи.
Доно халқнинг бардам бели,
Буюк давлат қурмок уйи.*

*Боболар орзуси, асрий бир армон,
Эрк эли, озошлик эли азалдан.
Элим деб яшайди бунда ҳар*

*инсон,
Олам ҳам бошланур она-Ватандан.*

Нақорат

*Ўзбекистон — тинчлик эли,
Туркистондир умум уйи.
Улут халқнинг бардам бели.
Буюк давлат қурмок уйи.*

РУЗНОМАДАГИ ХАБАРНИ ЎҚИБ...

*Эмиш ойда ҳаёт чиндан бўлганмиш,
Ой аҳли оқибат уз-узин йитмиш.*

*Шунда ул туну кун сарсон
буйлармиш,*

*Шундан ой оламод этагин
тутмиш...*

ГАРОЙИБ ҲАМДАРДЛИК

Амалия Эрнст хоним учиб-қуниб юрар, қувончининг чеки йўқ эди. Ростдан ҳам бугун у ҳар қанча мағрурланса арийди: Лондоннинг энг баобрў одамларини, тантиқ хонимларни меҳмонга чорлаган, таширф буюрганлар ичида ҳатто Франциядан келиб Англияда яшаётган парижлик муҳожирлар ҳам бор, ҳуллас, ҳар қандай хонадон соҳибаси мақтанса арийдиган зиёфат давом этаётир! Ҳамма меҳмонлар еб-ичиб, рақс тушиб, роса хурсандчилик қилишди. Зиёфат, уйин-кулги авжига чиқиб турган пайтда қизик ҳодиса юз берди — парижлик муҳожирлардан бири Шарл Блан вой-войлаб пешонасини ушлаб, ағдарилиб тушди-да: «Мени урдилар!» — деб қичқирди. Ҳамма меҳмонлар доғ қотиб қолди, ахир Шарлни ҳеч ким урганиям йўқ, туртганиям йўқ, лекин, во ажабо, ҳаммининг кузи олдида худди пешонасидан қаттиқ зарб еган одамдай чалқанчасига ағдарилгани рост, мана, ётибди, ерда!

Ҳамма уни ўраб олди, ўрнидан тургазиб юпата бошлади. Шунда Шарл Блан галати гап айтди:

— Акамни калтаклашяпти!..

Бу чиндан ҳам қизик сўз эди; гап шундаки, Шарл Франциялик машҳур социалист Луи Бланнинг укаси, Луининг ўзиям тақдир тақозоси ила Лондонга тез-тез келиб турар, бирга бўлганларида эса бу икки ака-укани камдан-кам одамгина фарқлай олар, овоз, бўю баст, юриш-туриш, фикрлаш, гапириш ва ахлоқ-сажия жиҳатидан ҳам улар жуда ўхшаш эди... Ундан ҳам таажжубли ери шуки...

Яхшиси, энди воқеанинг бугини Амалия Эрнст хонимнинг хотира дафтарида қўиб чиқа қолайлик, у шундай ёзди: «Шарл ҳам, кейинчалик Луининг ўзи ҳам шунга иқроф бўдиларки, улар ҳатто узоқ масофада, айри-айри шаҳарларда яшаб турганларидаям, купинча бир хил фикрлаб, бир хил кечинма-ҳодисаларга дуч келар, бир вақт ичида қилаётган ишлари ҳам айван тўғри келиб қоларкан. 1839 йил 16 август куни уйимизда ўтган зиёфат чоги Шарлнинг пешонасини ушлаб йиқилишининг сабаблари ҳам, мана, энди аён бўляпти. Шу куни у зиёфат айна қизаиган пайти, меҳмонлар олдида йиқилиб тушган эди, ётган ерида титраб-қалтираб, узини йўқотиб: «Акамни уришяпти, акам калтак еяпти!» — деб қичқирган эди. Уша куни ҳамма меҳмонлар ҳайрон қолганди. Мен, ҳатто, энди Лондон оқсуюклари даврасида бизнинг не обрўймиз қолди, деган уйларга ҳам борган эдим... Куни кеча Шарлнинг акаси Луи Бландан мақтуб олдим, мана, у ни-

маларни езибди: «16 август куни кечаси 10 ларда уйга қайтиб келаётган эдим. Менга йўлда хужум қилишиб, калтаклашди. Унг қузимнинг устига тушган зарб жуда қаттиқ эди, мен ағдарилиб тушдим. Қизиги шундаки, мен йиқилиб чалажон-беҳуш бўлиб қолган бўлсам ҳам, қузимнинг устида ҳеч қанақа мушт изи йўқ, из қолмаган... Ушандан бери мадорсизман, мана ҳозир ҳам қаламни зурга ушлаб ўтирибман...»

«Дело» журнали, 1883 йил.



Рузмаҳаммад ХОРАЗМИЙ

ЭШИК

*Очиб барин мезбон-меҳмонинг кутар,
Топиб-тутиб келсанг танламай ютар.
Ўз оёғинг билан кприб-чиқсанг — ҳуб,
Кутариб чиқсапар — баҳрингдан утар.*

ПУЛ

*Қудрати муаммо, топиш муъжиза,
Топсанг бас, рўзгорда маъмурлик, жизза.*

*Алмисоқдан мерос Одам атога,
Ҳирс қўйсанг бешафқат, беради изза.*

НАФС

*Бандасига хос-у ўсмаган туки,
Хуружга минганни кўзларинг укки.
Қилғилликни кети очипиб қолса,
Ақлнинг шайтонга ағдарган юки.*

ТИЛСИМ

Ейлар буйича: 1. Бирор вазифа биргаликда амалга ошириш мақсадида ташкил топган уюшма. 2. Миллий таом. 3. Ўзбекистон халқ шоири. 4. Саудия Арабистонидаги тарихий вилоят. 5. Ер юзасининг баланд кутарилган заминдаги кенг тизмалар. 6. Илдизидан елим тайёрлашда ишлатиладиган, гулширага бой усимлик. 7. Эроннинг шимол-ғарбидagi шаҳар. 8. Сув оқими билан ҳаракатланадиган мослама. 9. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотда моддийлашган меҳнати. 10. Улуғ ҳинд адиби. 11. XV аср биринчи ярмида Темурийлар давлати ҳукмдори. 12. Ғарбий Осиёдаги мамлакат. 13. Озарбойжондаги тарихий вилоят. 14. Енгил, вақтинчалик бошана. 15. Атоқли ўзбек адиби ва олими, «Абулфайзон» драмаси муаллифи. 16. Чул ва чала чул минтақаларидаги ер юзаси. 17. Маҳсулдор куй зоти. 18. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 19. Лочинсимонлар оиласига мансуб қуш. 20. IX—XII асрларда, Арис дарёси буйидаги, воҳанинг йирик ривож-

ланган маркази булган тарихий шаҳар. 21. Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган маъдан. 22. Мумтоз шоир, «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асари муаллифи. 23. Тошкент вилоятидаги туман. 24. Қуруқ мева.

Қуйидаги суз ва номларни топиб, очкични ҳал этинг:

Очкич:

1. Шаҳрисабздаги меъморлик обидаси — 6, 17, 13, 1, 5, 6, 18.

2. Алишшер Навоий газали билан айтиладиган мумтоз қушқик — 15, 14, 4, 22, 5, 6, 17.


3. Қадимий ақлий уйин — 8, 1, 3, 5, 1, 7, 12.

4. Иморатга безак берувчи уста — 16, 2, 4, 9, 6, 5.

5. Куп торли қадимий мусиқа асбоби — 11, 10.

Энди жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб тилсимни ҳал этинг. Бунда соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур Курағоний ҳикматларидан бири аён булади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



3-СОНДА ЧИҚҚАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

Очкич: 1. Ичанқалъа. 2. «Эрур». 3. Чавандоз. 4. Сайқал. 5. Уймакор. 6. Гилам. 7. Тож. Ҳикмат: Санъат-муъжизавий қуроллар ичида энг муъжизакоридир.

Ейлар буйича унга: 1. Нақш. 2. «Рост». 3. «Баёт». 4. Араб. 5. Амал. 6. Урда. 7. Синч. 8. «Гиря». 9. Бону. 10. Кова.

Ейлар буйича чапга: 1. «Наво». 2. Ракс. 3. Бюст. 4. Алёр. 5. Ажам. 6. Улан. 7. «Садо». 8. Ганч. 9. Барг. 10. Кино.

Тилсим

4

1996

Учредитель:

Министерство по делам культуры
Республики Узбекистан.

На узбекском языке

Набатчи муҳаррир
М. АҲМЕДОВ

Рассом
Р. ҚУНГИРОВА

Мусаҳҳиҳ
М. АБДУЛЛАЁРОВА.

Муҳаррирати тураржойи:
700000, Тошкент — ГСП,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 36-78-90.

Бош муҳаррир уринбосари — 33-07-94.

Масъул котиб — 36-56-01.

Санъат ва маданият назарияси — 36-58-69.

Мусиқа ва халқ ижодиёти — 36-56-01.

Маданий-маърифий муассасалар — 33-07-94.

Тасвирий санъат — 36-58-69.

Рассом — 36-56-02.

Мусаҳҳиҳ — 36-56-02.

Теришга берилди 30.05.96 й.

Босишга руҳсат этилди

11.07.96 й.

Қоғоз ҳажми 60x84¹/₈

Офсет босма.

Шартли босма тобоги 7,64.

Наширёт ҳисоб тобоги 9,88.

Шартли буюқли нусха 18,5.

Буюртма № 299.

5185 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарх.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси,
700083

Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 4.1996.



ИНДЕКС 75233.

Баҳоси: чакана савдода —
эркин нарҳда.

Тўлқин

Пахтачи тумани Самарқанд вилоятидаги иқтисоди бақувват, маънавияти ва маданияти юксак одамлар яшайдиган ҳудудлардан ҳисобланади. Туман аҳолисининг турмушида, фаолиятида, сиймосида ҳам халқимиз руҳияти, орзу-мақсадлари акс этиб туради. Журнали мизнинг 3—4-саҳифаларида Пахтачи ва пахтачиликлар ҳаётидан олинган лавҳалар билан танишасиз.

